O'ZBEK TILIDA SO'Z YASALISHI TADQIQI VA RIVOJI XUSUSIDA

https://doi.org/10.5281/zenodo.0000000

ANNOTATSIYA

Mazkur maqolada o'zbek tilshunosligida so'z yasalishi haqidagi fikrlar umumlashtirilgan, so'z yasalishi, u bilan bog'liq nazariy qarashlarga munosabat bildirilgan. Maqolada o'zbek tilshunosligida so'z yasalishi bilan bog'liq muammolar yetti bandda bayon etilgan, shuningdek, so'z yasalish usullari, faol va nofaol so'z yasalishi, bunda yasalish mezonlari, so'z yasovchi komponentlar, ularning nazariy asoslari yoritilgan. Affiksatsiya va kompozitsiya usulida yangi-yangi so'zlar hosil bo'lishi faol kechayotganligi zamonaviy o'zbek adabiyotidan olingan misollar bilan dalillangan. So'z yasalishning reduplikatsiya usuliga alohida to'xtanilgan, faol va nofaol so'z yasovchi affikslar, ularning bugungi kunda so'z yasashdagi imkoniyatlari batafsil yoritilgan. O'zbek tilshunosligida so'z yasalishi bilan bog'liq muammoli o'rinlarga shaxsiy munosabat bildirilgan.

Tayanch so'zlar: so'z yasalishi, so'z yasalish usullari, fonetik usul, leksik-semantik usul, affiksatsiya usuli, kompozitsiya usuli, reduplikatsiya, konversiya, faol va nofaol so'z yasovchi affikslar, leksemalashish.

Асадов Тулкин Хамраевич,
Бухарский государственный университет,
Доцент кафедры узбекского языкознания, к.ф.н.

ОБ ИЗУЧЕНИИ И РАЗВИТИИ СЛОВООБРАЗОВАНИЯ В УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКЕ

АННОТАЦИЯ

В статье обобщены представления о словообразовании в узбекском языкознании, отношение к словообразованию и связанные с ними теоретические взгляды. В статье описаны проблемы словообразования в узбекском языкознании в семи параграфах, а также способы словообразования, активного и неактивного словообразования, включая критерии словообразования, словообразовательные компоненты, их теоретические основы. Об активном образовании новых слов методом аффиксации и композиции свидетельствуют примеры из современной узбекской литературы. Особое внимание уделено способу дублирования словообразования, активным и неактивным словообразовательным аффиксам, подробно описаны их возможности в словообразовании сегодня. В узбекском языкознании выражаются личные взгляды на проблемные вопросы, связанные со словообразованием.

Ключевые слова: словообразование, способы словообразования, фонетический метод, лексико-семантический метод, метод аффиксации, метод композиции, дублирование, преобразование, активные и неактивные словообразовательные аффиксы, лексемы.

Asadov Tulkin Hamroyevich,
Associate professor of the department of
Uzbek linguistics, Bukhara state university

ON THE STUDY AND DEVELOPMENT OF WORD FORMATION IN THE UZBEK LANGUAGE

ANNOTATION

This article summarizes the ideas about word formation in Uzbek linguistics, the attitude to word formation and related theoretical views. The article describes the problems of word formation in Uzbek linguistics in seven paragraphs, as well as methods of word formation, active and inactive word formation, including criteria for word formation, word-forming components, and their theoretical basis. Examples from modern Uzbek literature show that the formation of new words by affixation and composition is in full swing. Special attention is paid to the method of reduplication of word formation, active and inactive word-forming affixes, their possibilities in word-formation today are described in detail. In Uzbek linguistics, there is a personal approach to problematic issues related to word formation.

Key words: word formation, word formation methods, phonetic method, lexical-semantic method, affixation method, composition method, reduplication, conversion, active and inactive word-forming affixes, lexemes.

Kirish. O'zbek tilshunosligida so'z yasalishi masalasi va so'z yasalishi bilan bog'liq tushunchalar tadqiqi, ularning tasnifiga bag'ishlangan bir qator ishlar amalga oshirilgan. Yasama so'z, uning til qurilishidagi mavqeyi masalasi bevosita so'zning til va nutqdagi o'rni, bu boradagi yechimtalab muammolar bilan bog'liq. O'zbek tilshunosligida so'zning, jumladan, yasama so'zning til va nutqqa munosabati borasida bir qator ishlar amalga oshirilgan[8;9;12]. Xususan, akademik A.Hojiyevning lisoniy va nutqiy birliklar haqidagi maqolalar turkumi[24;25;26], yasama so'zning til va nutqqa munosabati masalasi haqidagi qarashlari[23] o'zbek tilshunosligida so'z yasalishi bilan bog'liq nazariy fikrlarni kengaytirdi. So'z, yasama so'z hamda ularning tabiati, til va nutqdagi pozitsiyasi (o'rni) haqidagi bu kabi tadqiqotlar o'zbek tilshunosligida muhim o'rin, mavqega ega.

Hozirgi o'zbek adabiy tilida so'z yasalishi masalalari bilan bog'liq dastlabki ishlardan biri tilshunos olim A.G'ulomov tomonidan amalga oshirilgan bo'lsa[18,4-46], keyingi – yaqin o'n yillarda yuzaga kelgan tadqiqot sifatida A.Hojiyevning "O'zbek tili so'z yasalishi tizimi" kitobini aytish mumkinki, mazkur tadqiqot o'zbek tilshunosligi so'z yasalishi masalasini bir qadar yangi bosqichga olib chiqdi[27].

O'zbek tilshunosligida so'z yasalishi masalasi haqidagi nazariy fikrlarni to'ldirishga, bu boradagi qarashlarni yangilashga xizmat qila oladigan tadqiqotlar sirasiga professorlar Sh. Rahmatullayev va H.Ne'matovning izlanish natijalarini ham e'tirof etib o'tish lozim. Bu borada Sh. Rahmatullayev "leksema yasash", "tub leksema", "yasama leksema" ("hosila leksema") kabi atamalar bilan bog'liq nazariy fikrlarni ilgari sursa[14,16], H.Ne'matov "so'z yasash qolipi", "yasalgan so'z", "yasama so'z" kabilarni o'zaro farqlash lozimligini ta'kidlab, yasama so'zning til va nutqdagi o'rni haqida asosli fikrlarni bayon etadi[11].

Asosiy qism. Kuzatishlar ko'rsatadiki, o'zbek tilshunosligida so'z yasalishi bilan bog'liq masalalar mazkur hodisaning an'anaviy, tugal, umumiy talqini[18;27], tarixiy, zamonaviy so'z yasalishi; unumli, unumsiz so'z yasalishi muammolari[5;10;18;22;27], yasama so'zning til va nutqdagi o'rni masalasi[11;14;23], yasama so'z bilan bevosita va bilvosita uzviylik kasb etadigan, nisbatan kam o'rganilgan til hodisalari – ixtisoslashish, soddalashish, yaxlitlanish, atamalashish, leksemalashish hodisalari talqinlari[4;10] va h.k. kabilar bilan belgilanadi.

Mazkur fikrlarning o'ziyoq o'zbek tilshunosligi grammatikasida so'z yasalishi borasida ko'pgina ishlar amalga oshirilganligini ko'rsatadi. Lekin so'z yasalishi va u bilan bog'liq muammolar to'la yakuniga yetdi, deb bo'lmaydi. Bu borada muammoli holatlar, munozarali masalalar, ziddiyatli talqinlar hozirgacha uchrab turibdi. Bunga, bizningcha, quyidagilar sabab bo'lmoqda:

1) so'z yasalishi usullari masalasida tugal yechimga kelinmaganligi;
2) yasama so'zning til va nutqqa munosabati masalasida qat'iy xulosa mavjud emasligi;
3) so'z yasashga oid asosiy tushunchalarni atovchi terminlar borasida bir xillik ta'minlanmaganligi (So'z yasalishi bilan bog'liq terminlar qo'llanishida har xillik kuzatiladi. Masalan: unumli-unumsiz, faol-nofaol, mahsulli-mahsulsiz, sermahsul-kammahsul; so'z yasash modeli, so'z yasash qolipi, so'z yasash konstruksiyasi; tarixiy yasalish, diaxron yasalish yoki zamonaviy yasalish, sinxron yasalish va h.k.);
4) unumli va unumsiz, tarixiy va zamonaviy so'z yasalishi, shuningdek, so'z yasovchi affikslarning nutqiy hosilalar yaratishdagi imkoniyati to'la yoritilmaganligi;
5) o'zlashma affiks, u bilan bog'liq so'z yasalishi – mazkur so'zning yasama bo'la olish-olmasligi borasidagi fikrlar mantiqiy yechimga to'la ega emasligi;
6) so'z yasalishi muammolariga oid zamonaviy tadqiqotlarning ommalashishi o'ta sust kechayotganligi;
7) bugungi kun talablariga javob bera oladigan, yasama so'zlarni tarkibiy qismlarga asosli ajrata oladigan lingvistik lug'at mavjud emasligi va b.

Ma'lum bo'ladiki, o'zbek tilida (ko'pgina boshqa turkiy tillarda ham) "so'z yasalishi" hodisasi borasida amalga oshirilishi lozim bo'lgan ishlar bor.

Akademik A.Hojiyev "O'zbek tili so'z yasalishi tizimi" nomli tadqiqotida A.G'ulomovning o'zbek tilida so'z yasalishi haqidagi fikrlariga qo'shilgan holda yasalishning quyidagi:

1) grammatik so'z yasash (affiks yordamida so'z yasash – affiksatsiya, so'z qo'shish yo'li bilan so'z yasash – kompozitsiya, so'zni bir leksik-grammatik kategoriyadan boshqa turkumga ko'chirish, kategorial ko'chish yo'li bilan yasash – konversiya);
2) leksik-semantik so'z yasash (ma'no o'zgarishi orqali yangi so'zning hosil bo'lishi);
3) fonetik so'z yasash (fonetik vositalar – har xil fonetik o'zgarishlar yordami bilan yasash) turlarini belgilaydi[27,7].

Bunda, albatta, so'z yasalishning affiksatsiya va kompozitsiya usullari yangi-yangi so'zlarni yasashda yetakchilik qilishi ta'kidlanadi.

Manbalarda "fonetik usul bilan so'z yasash" borasida ham ma'lumotlar mavjud. Bunda ikki hodisa nazarda tutiladi: 1) so'zda fonetik o'zgarish natijasida so'z (bo'**r** – bo'**z**, ko'**r** – ko'**z**, ur**u**sh – ur**i**sh kabi) hosil bo'lishi; 2) urg'uning o'rnini o'zgartirish yo'li bilan so'z hosil qilish usuli (yang**i** – y**a**ngi, toz**a** – t**o**za, h**o**zir – hoz**i**r kabi).

A.Hojiyev haqli ravishda ta'kidlagani va izohlab berganidek, yasalishning "fonetik usuli" deb nomlanuvchi so'z yasash usuli (Masalan: bo'r-bo'z, ko'r-ko'z, semir-semiz kabi) yasalish sifatida o'zini oqlay olmaydi[27,7]. Ta'kidlanganidek, bu kabi so'zlar yuzaga kelishida muayyan bir sistema mavjud emas, qolaversa, bu kabi so'zlar juda oz miqdorda. Mazkur holatlar so'z yasalishning "fonetik usuli"ga haqli ravishda soya soladi. Afsuski, oxirgi yillarda so'z yasalishiga taalluqli ba'zi bir tadqiqotlarda fonetik usulda so'z yasash so'z yasalishning muayyan bir tipi sifatida tan olinib kelinmoqdaki[7,23], bu so'z yasalishning mantiqiy tasnif asosiga soya soladi.

A.Hojiyev so'z yasalishining "leksik-semantik" (yoki semantik usulda so'z yasash) usulini ham inkor etadi. Bu borada tadqiqotchi shunday fikr bildiradi: "So'z yasalishining "leksik-semantik" … usuli deb ta'riflanadigan usulida so'zning biror sabab tufayli yuzaga kelish hodisasi bor, lekin so'z yasash hodisasi yo'q"[27,8]. A.Hojiyev o'z qarashlari davomida ertaga, birdan, kunda kabi aslida soddalanish hodisasi mahsuli sanalgan so'zlarni "morfologik-sintaktik" usul bilan so'z yasalishi tarzida baholaydi hamda bular ham yasama bo'la olmasligini ta'kidlaydi.

Bizningcha, "semantik" (leksik-semantik) hamda "morfologik-sintaktik" (leksema hosil bo'lishining bir usuli – soddalanish) so'z yasalishi usullari orqali yangicha ma'noli so'zlar vujudga keladi. Ularning yasamaligini avvalgi ma'nolarini rad etishida ham ko'rish mumkin. Masalan, gap II (do'st – tengqur, hamkasaba ulfatlar orasida navbati bilan o'tkaziladigan ziyofat, ulfatchilik)[19,485]

bir asrdan ko'proq vaqt o'tibdiki, asl ma'nosidan uzilib, yangicha ma'no ifoda kasb etgan so'zga aylandi. Misol: Bugun juma bo'lgani uchun Hakimboyvachcha va Mirzakarimboy o'z ulfatlarinikiga – gapga ketishgan. (Oybek) Mazkur misolda gap so'zining yangicha ma'noda qo'llanganligini izohlashga hojat yo'q, nazarimizda.

Ko'rinadiki, polisemantik so'zlar asosida yuzaga kelgan burun II (geografik termin – Chukotka burni), qosh II (hunarmandchilik termini – Sandiq sirtiga qosh bilan bezak berildi.) va b. lar tubdan yangi ma'noli mustaqil leksemalar sanaladi. Mazkur usul bilan so'z yasalishi faol kechmasa-da, vaqti-vaqti bilan bir-ikki so'z vujudga kelib turadi. Shuning o'ziyoq bu usul, ya'ni "leksik-semantik usul"ni batamom rad etib bo'lmasligini ko'rsatadi.

So'z yasalishning "morfologik-sintaktik" usulida yangi so'zlar vujudga kelishi bevosita turli grammatik shakllar bilan bog'liq[27,8]. Bunda ma'lum bir so'zning yo asos shakli, yo qo'shimcha shakli, yoki har ikkala shakl o'z tabiatidan yiroqlashib (so'z ma'nosi yoki affiks eskirib), bir butun holga kelishi (soddalanishi, yaxlitlanishi) nazarda tutiladi. Masalan, silliq, qizg'in, yurak, ichak, ipak, nari, beri, qishloq, ovloq, sarg'ish, ilon, ildiz (soddalanishning birmuncha murakkab ko'rinishi), birdan, birga, olg'a, oldin, o'ngga, yaqinda, chapga, ortga (soddalanishning oddiy ko'rinishi) kabi o'nlab hatto yuzlab so'zlar mazkur usul natijasi, ya'ni hosilasi hisoblanadi. Bular bugungi kunda to'liq leksemaga aylangan yoki leksemalashish jarayonini kechirayotgan birliklar hisoblanadi.

So'z yasash uchun umumiy belgi "yangi leksema hosil qilish" ekan, soddalanish (uning ko'rinishlari bo'lgan yaxlitlanish, tublashish, ixtisoslashish) orqali oldingi ma'nosidan u yoki bu darajadagi yangi-yangi ma'noli so'zlar yuzaga kela oladi. Faqat bu holat tez va osongina emas, balki uzoqroq vaqtda, ba'zan bir-ikki avlod ko'z o'ngida sodir bo'ladi.

Xullas, "leksik-semantik", "morfologik-sintaktik" usullar bilan so'z yasalishi o'zbek tilida mavjud hodisa bo'lib, so'z yasalishning nofaol turi sanaladi.

O'zbek tilshunosligida so'z yasalishi usullari bilan bog'liq fikrlarni rad etmagan holda yasama so'zlarni quyidagicha tasniflash mumkin.

1. Grammatik usul bilan so'z yasash: affiksatsiya usuli; kompozitsiya usuli; reduplikatsiya usuli; konversiya usuli.

O'zbek tilshunosligida affiksatsiya, kompozitsiya usuli bilan so'z yasash bo'yicha yetarlicha fikr-mulohazalar e'tirof etilgan. Biroq so'z yasalishga aloqador reduplikatsiya, konversiya bo'yicha aytilgan fikrlar oz, shu bilan birga, keng jamoatchilik orasida ommalashmagan. Ma'lumki, reduplikatsiya usuli (so'zlarni takrorlash, juftlash usuli bilan so'z yasash) bilan ham[3,484] ba'zi-ba'zida yangi so'zlar vujudga keladi. So'z yasalishiga oid maxsus tadqiqotlarda bunga alohida to'xtanilmaganligiga guvoh bo'lamiz. Tilshunoslikka doir lug'atlarda bu usul "asosning ikkilanishi", "takror", "ikki asosli so'z" tarzida ham izohlangan. Mazkur usulning qamrovi keng bo'lib, nafaqat so'zlar doirasida, balki tovushlar ikkilanishiga ko'ra ham qo'llanganiga guvoh bo'lamiz[3,484].

Reduplikatsiya usuli bilan o'zbek tilida, odatda, ravish turkumiga oid so'zlar yuzaga keladi. Akademik grammatikada bu borada quyidagicha fikr berilgan: "So'zning takrorlanishi bilan ravish yasalishi ham unumli usul sanaladi. …takrorlanish (reduplikatsiya)da so'zning asosiy semantik funksiyasi umumlashishdir. Takrorlangan so'zlar o'z turkum doirasida qolsa, haqiqatan umumlashtirish ma'nosi ustun turadi; takrorlanish orqali so'zlar o'z turkum doirasidan chiqsa, yangi so'z hosil bo'ladi"[18,534].

Biz ravish bilan bog'liq tadqiqotlarimizda bunga alohida to'xtalganmiz[1;2]. Takrorlangan va juftlangan so'zlarning o'z turkumi doirasidan chiqib, boshqa turkumga o'tishi (Masalan: yo'l-yo'l, rang-barang, mosh-guruch kabi so'zlarning otdan sifatga o'tishi) aslida yangi so'z yuzaga kelishi bilan bog'liq. Hovuch-hovuch, izma-iz, takror-takror va h.k. so'zlarning izohli lug'atlardagi ifodasi ham bularning yasama so'z (leksema)ligidan dalolat bera oladi. Vaholanki, lug'atlar nutqiy birliklarni emas, lug'aviy birliklar (tom ma'noda yasama so'z)ni qamrab olishini izohlashga hojat bo'lmasa kerak.

Takror va juft holda yasama ravish sifatida o'rganilayotgan ahyon-ahyonda, basma-bas(iga), bekordan-bekorga, birin-sirin, bobma-bob, bora-bora, boshma-bosh, vazmin-vazmin, gala-gala, galma-gal, guruh-guruh, dona-dona, yelkama-yelka, yonma-yon, ketma-ket, chil-chil, navbatma-navbat, nomma-nom, sim-sim, so'zma-so'z, chaman-chaman, elma-el, etak-etak, eshikma-eshik,

yuzma-yuz va h.k. birliklar allaqachon o'z turkumi ("ona turkumi")dan chiqib, boshqa bir grammatik kategoriya (ravish turkumi)da yig'ilgan. Ahamiyatli tomoni shundaki, bu kabi so'zlar miqdori yuqorida keltirilgan misollar bilan cheklanmaydi. Ular tarkibi ijtimoiylik va davr bilan bog'liq holda o'sib boryapti. Masalan, o'z ma'nosidan chekinib, miqdor ma'nosini ifoda etishga ixtisoslashgan vagon-vagon (un), mashina-mashina (tuproq), samolyot-samolyot (oziq-ovqat) kabilar nisbatan keyingi davrda yuzaga kelgan.

Grammatik so'z yasash usuli sifatida talqin etiladigan konversiya ("o'tish", "ko'chish", transpozitsiya) usulida yangi so'z hosil bo'lishi ham alohida kuzatish, tahlil va tasnifni talab etadi. Grammatika va leksikologiya oralig'idagi bu hodisa o'zbek tilida so'z yasalishi masalasida bir qadar ziddiyatli talqinga ega. Mazkur masala bilan bog'liq tadqiqotlarda konversiya hodisasi, uning chegarasi bilan bog'liq mezonlar nafaqat o'zbek tilshunosligida, balki umumiy tilshunoslikda ham qat'iy emasligi ta'kidlanadi, bu ayni haqiqat.

O'zbek tilshunosligida mazkur masala tadqiqiga bag'ishlangan J.Eltazarov ishida so'z turkumlari paradigmasida yuz beradigan o'zaro aloqa va ko'chish, so'z turkumlarining kelib chiqishi, differensiatsiyasi (urchishi); hozirgi o'zbek tilida otlashish, sifatlashish, sonlashish, olmoshlashish, ravishlashish, fe'llashish, …ko'makchilashish, bog'lovchilashish, yuklamalashish kabilar tahlil etilgan[17]. Bu usulda so'z yasash ham faol kechmaydi.

2. Leksik-semantik so'z yasash usuli. Manbalarda bu usul haqida "So'z formasining leksik ma'no kasb etishi natijasida yangi so'z (leksema)ga aylanishi bilan yangi so'z hosil bo'lishi, ko'p ma'noli so'zning ma'nolari o'rtasidagi bog'lanishning (semantik aloqaning) yo'qolishi natijasida yangi leksema hosil bo'lishi", deya izoh beriladi[22,29]. Ammo ta'rifning birinchi bandidagi "so'z formasining leksik ma'no kasb etishi natijasida yangi so'z (leksema)ga aylanishi bilan yangi so'z hosil bo'lishi" tarzidagi izoh so'z yasalishning "semantik usuli" ga emas, balki "morfologik-sintaktik" usul bilan so'z yasash hodisasiga muvofiq keladi.

Manbalarda so'z yasalishning leksik-semantik usuli bilan ko'p ma'noli so'zdan omonim so'zlar shakllanishi aytiladi. Mazkur usul bilan so'z vujudga kelishida ot va fe'llar yetakchilik qiladi. Masalan: oqim I, oqim II; kun I, kun II; ko'ch I, ko'ch II; gap I, gap II; to'y I, to'y II; yo'ldosh I, yo'ldosh II va h.k. Leksik-semantik so'z yasash usuli bilan omonim so'zlar yuzaga kelar ekan, bunda ko'p ma'noli so'zlar bir ma'nosi, ya'ni oldingi semasiologik tizimdagi ma'nosidan asta-sekin yiroqlashib, turg'un leksik birlik sifatida shakllanadi.

Ayrim manbalarda leksik-semantik so'z yasalishining mezoni sifatida quyidagilar ko'rsatiladi: 1) leksik ma'noning har xil semasiologik tizimga o'tishi natijasida so'z ma'nosining dastlabki ma'nosidan uzoqlashish; 2) tan olingan yangi ma'noga mos konstruksiyada o'ziga xos shakliy xususiyatga ega bo'lish[7,22].

Umuman, so'z turkumlarining tarixiy-genetik differensiatsiyasining "boshlang'ich nuqtasi", ya'ni ibtidoiy tilda qaysi so'z turkumi birlamchi bo'lganligi haqida fanda yagona fikrga kelinmaganligi (J.Eltazarov) so'z yasashning mazkur usuliga birmuncha soya soladi.

Haqiqatan ham, nutqimizda (umuman, turkiy tillarda) polisemantik so'z asosida yuzaga kelgan ("urchib chiqqan") o'nlab birliklar borki, ularning birlamchi, bosh ma'nosini topish o'ta mushkul. Turkiy tillarda ko'ch I va ko'ch II, shish I va shish II, to'y I va to'y II, ko'k I va ko'k II va h.k. kabi nutqiy, ya'ni kontekstdan tashqarida, bir paytning o'zida ham narsalik, ham harakat tushunchasini ifodalovchi qator so'zlar borki, birlamchi ma'nosini – qaysi biri qaysisidan o'sib chiqqanligini aniqlashning iloji yo'q[6,80]. Bu tarzida so'z yasash o'ta sust kechadi.

3. Morfologik-sintaktik usulda so'z yasash. Nutqimizdagi aksariyat turkiy (o'zbekcha) so'zlar kelib chiqishi (etimologiyasi)ga ko'ra tarkiban va mazmunan yaxlitlik kasb etib, bir butun ma'no ifodaga egaligi bilan xarakterlanadi. Bu esa mazkur so'zlarning qadimiyligi bilan belgilanadi. Til rivojining turli davrlarida so'zshakllarning leksemaga o'tishi faol kechgan, natijada yuzlab so'zlar aynan shu usul bilan hosil bo'lgan.

O'zbek tilida "morfologik-sintaktik so'z yasash" usuli "leksemalashish" termini ostida ham o'rganiladi. Bu mantiqan to'g'ri tasnif asosi bo'la oladi, chunki mazkur usul bevosita so'zshakl yoki birikmashaklning yangicha tarkib (shakl) va mazmun kasb etishi bilan bog'liq hodisadir.

So’z yasalishining bunday usul ko’rinishlari sifatida soddalanish, yaxlitlanish, (ixtisoslashish), leksemalashish, atamalashish hodisasi kabilarni aytish mumkin. Bu kabi terminlar va ular bilan bog’liq nazariy qarashlar, asosan, XX asrning oxirgi o’n yilliklarida vujudga keldi[4], tadqiq va tasnif etila boshlandi.

O’zbek tili lug’at qatlami, uning boyib borishi bilan bog’liq nisbatan yangi tadqiqotlarda so’z yasalishga bevosita bog’liq soddalashish (so’zning morfem tuzilishida o’zicha mustaqil bo’lgan morfemalarning o’zaro birikib, ya’ni asos va qo’shimchaning birikib, shaklan ajralmas butunlik kasb etishi[21,36], shuningdek, butunlay yangicha ma’no ifodalashi), yaxlitlanish (ideomatizatsiya yoki ixtisoslashish – tarixan yasama bo’lgan leksema ma’nosining so’z yoki shakl yasash qolipi ma’nosidan uzoqlashishi, uzilishi), atamalashish (terminologizatsiya – ijtimoiy biror-bir so’zning fan atamasiga aylanishi), leksemalashish (leksikolizatsiya – tarixan so’z birikmalari, gap qoliplari hosilasi bo’lgan birliklarda sintaktik aloqaning uzilishi natijasida turg’un, tayyor birlikka aylanishi)ga yangi leksema hosil bo’lishining faol usullari tarzida baho beriladi[10,43-45]. Aslida ham shunday, masalan, birdan, kunda, birga, yaqinda (soddalanish), uchuvchi, quruvchi, ishchi, yig’ilish, qurilish, kechuv, o’ynash (ixtisoslashish), to’ldiruvchi, aniqlovchi, ega, kesim, izohlovchi (atamalashish), marmartosh, ohaktosh (leksemalashish) kabi yangicha so’zlar o’zbek tili lug’at qatlamidan keyinchalik o’rin egallagan birliklar sanaladi. Yana bir dalil ahamiyatliki, bu kabi usullar bilan so’z yasalishini affiksatsiya, kompozitsiya usulida so’z yasalishi bilan bir safda qo’yib bo’lmaydi, eng asosiysi, mazkur usullar nisbatan nofaol hisoblanadi.

4. O’zbek tilida affiksatsiya va kompozitsiya usullari bilan so’z yasalishi faol kechadi. Biroq bu jarayonda ba’zan maromsiz yasalishlar – okkazional qo’llanishlar[15] ham uchrab turadi. Odatda, shoir va yozuvchilar ijod mahsuli sifatida yuzaga chiqadigan nutqiy yasama so’zlar uslub talabi, fikr ifodasidagi ehtiyoj mahsuli bo’lib yuzaga chiqadi. Shuningdek, ular nutqning ifodaviyligi, obrazliligini ta’minlashga qo’l keladi.

O’zbek tili so’z yasovchi affikslari sifatida o’nlab qo’shimchalar sanaladi. Biroq bugungi kunda ularning ma’lum bir guruhigina faoliyat ko’rsatyapti, deyish mumkin. So’z yasovchi deya ta’riflanadigan bir qator affikslar borki, o’z unumdorligini allaqachon yo’qotgan yoki A.Hojiyev aytganidek, o’z vaqtida ham unumli bo’lmagan. Buni quyidagicha izohlash mumkin. Ma’lumki, fel yasovchi affikslar sifatida manbalarda -a, -an, -i, -illa/ulla, -ik, -ir/ur, -ira, -ay, -la, -lan, -lash, -lashtir, -lantir, -r/ar, -ra, -si, -sin, -sit, -t, -it, -ot, -q, -iq, -qar, -g’ar, -qir va h.k. lar keltiriladi. Ammo bularning aksariyati allaqachon o’z unumdorligini yo’qotgan. Buning o’ziga yarasha sabablari bor. Masalan, -illa (-ulla) affiksi faqat taqlid so’zlardan fe’l yasashga xizmat qilishini izohlashga hojat bo’lmasa kerak (Masalan: taqillamoq, lovullamoq kabi). Istalgan taqlid so’zdan mazkur shakl orqali fe’l yasash mumkin. Bu manbalarda keng izohlangan. Mazkur affiks ayni kunda yangi fe’l yasashi uchun, avvalo, yangi taqlid so’z kerak bo’ladiki, shundagina bu affiks fe’l yasashi mumkin bo’ladi. -illa (-ulla) affiksining “yashovchanligi” bevosita taqlid so’zlar rivoji bilan bog’liq. Bu qo’shimcha faollashishi uchun, avvalo, yangi taqlid so’zga ehtiyoj sezadi. Ko’pgina nofaol fe’l yasovchi affikslar haqida ham shu va shunga yaqin fikrlarni aytish mumkin. Bu qo’shimchalar (umuman, unumsiz so’z yasovchi affikslar) bilan yasalgan (tarixan yasalgan) so’zlarni tub so’zlar (leksema) sifatida baholash lozim.

Endi boshqa bir holatni kuzatamiz. Kuzatishlar ko’rsatadiki, fe’l bilan bog’liq ko’pgina yasama so’zlar -la, -lan, -lash affikslari bilan bog’liq. -la affiksi faol, sermahsul fe’l yasovchi bo’lib, uning ma’no imkoniyatlari juda keng. Bu affiks yangi-yangi so’zlar (soyalamoq, salqinlamoq, rulonlamoq, dasturlamoq, dalalamoq, safarlamoq, programmalamoq, skanerlamoq, kodlamoq, dizinfeksiyalamoq, tashqarilamoq) yasashi bilan xarakter kasb etadi. Shuningdek, -lan, -lash affikslari xususida ham xuddi shunday fikrni aytish mukin.

-la affiksining og’zaki va yozma nutqda fe’l yasash jarayoni faol kechayotganini iste’dodli yozuvchi T.Murodning “Otamdan qolgan dalalar” asarida keng kuzatish mumkin. Asardan olingan ayrim misollarni kuzatamiz: 1. Yo’l, majnuntol soyalab o’tadi. Bobomiz ana shu yo’ldan sahar-sahar dalalaydi. 2.Qiblalatib belbog’ yoyadi. 3.Men bo’xchamni orqalatib tashqarilayman. 4. Qaldirg’ochlar afg’on yurtga safarlabdi, kuz oxirlabdi-da.5. Darvozadan ichkarilab edim, Oysuluv qizimiz peshvoz chiqib keldi. Mazkur yasalmalar nutq birligi, okkazional so’z yasalishi tipida bo’lsa-da, vaqt o’tib, ularning qo’llanish doirasi kengayishi tabiiy hol. Bu holat, ya’ni yasama so’z (muallif

nutqi neologizmi – nutqiy hosila) ning yasalgan so'z (usual birlik – lug'aviy birlik)ga aylanish-aylanmasligi shu so'zlarning keyingi "taqdiri" bilan bog'liq. Aniqrog'i, yuqorida keltirilgan yasama fe'llar shu asar doirasida nutq birligi sifatida qolishi yoki keng ommalashib, leksemaga aylanishi mumkin.

-la affiksi jonli so'zlashuvda ham faol so'z yasovchi ekanligi bilan xarakter kasb etadi: Misollarni kuzatamiz: 1.Kiprigingiz ostida soyalasak maylimi? Siz uzgan rishtalarni biz bog'lasak maylimi? (Qo'shiqdan). 2. Yerni ikki marta haydab bo'lib yaqindagi katta soyning bo'yida salqinlab o'tirsa, osmonda uchib ketayotgan bir laylak yiqilib tushibdi. (Ertakdan) 3. Talaba shaxsining ayrim xislatlari (tezkor reaksiya, yo'nalganlik va h.k.)ni rivojlantiruvchi fanlarni o'qitishda o'quv materialini dasturlab uzatadigan maxsus texnik vositalardan foydalanishdan iborat.(Gazetadan)

-la hamda -illa affikslarining so'z yasashdagi imkoniyati tahlili yuqoridagi holatni ko'rsatadi.

Xullas, o'zbek tilida faol va o'rta faol affikslar sirasiga, jumladan, -la, -lan, -lash, -lantir, -lashtir (fe'l yasovchi); -chi, -kor, -shunos, -paz, -xo'r, -ma, -lik (ot yasovchi); -li, -siz (sifat yasovchi); -larcha, -chasiga, -ona (ravish yasovchi) kabilar misol bo'ladi.

So'zlarni qo'shish usuli (kompozitsiya) bilan ham yangi so'zlar vujudga kelishi kuzatiladi. Lekin A.Hojiyev qo'shma so'z bilan yangi so'z yasalishini rad etadi va shunday deydi: "O'zbek tili so'z yasalishiga oid ishlarning hammasida so'z yasashning **"**kompozitsiya usuli" qayd etiladi va u so'z yasashning mahsuldor usuli sifatida ta'riflanadi. Biroq hodisaga bevosita o'zbek tilining o'z materiallaridan kelib chiqib yondashilsa, bu tilda so'z yasashning "kompozitsiya usuli" deb atash mumkin va lozim bo'lgan usuli yo'qligi ma'lum bo'ladi"[27,8]. "Kompozitsiya" termini, balki qo'shma so'z termini mohiyatiga to'g'ri kelmas, lekin badiiy asar tilida muallif nutqi (individual nutq) ko'rinishi sifatida anchagina yangi-yangi qo'shma shakldagi so'zlar qo'llanganligi kuzatiladi. Jumladan, nuqratan, telefonxat (U.Azim), sohibdil, kiyikso'qmoq, oyqovoq, chaqmoqtuyoq, sirtlonpanja (M.Yusuf), kajboshlik, oromkursi (X.Do'stmuhammad) kabilarni misol tariqasida keltirish mumkin.

Badiiy parchalardan namunalar keltirib o'tamiz: 1.Tobora mo'rtlanar toshhikmatlar. (A.Qutbiddin) 2. Qorxat ziyofatiga o'rganganlar yomg'irxat, shabnamxat, qirovxat, jalaxat degan yangi-yangi odatlarni o'ylab chiqarmasliklariga kim kafolat beradi? (S.Ahmad)

Misollarda qo'llangan bu kabi nutqiy yasalmalar neologizm va okkazionalizmlarga nisbatan oraliq maqomda bo'ladi, so'z yasash qonuniyatlariga (asos+asos) muvofiqligi jihatdan uzual so'zlarga – neologizmlarga, nutqiy hodisa sifatida okkazionalizmlarga yaqin turadi[15,13].

O'zbek tili lug'at qatlami sheva (mahalliy) so'zlar asosida ham boyib boradi. Manbalarda murg'ak, dugona, kosa va b. so'zlar adabiy tilga sheva qatlami tarkibidan saralab olinganligi bayon etiladi. Bu jarayonda zarurat, ehtiyoj nazarda tutiladi, ya'ni asosiy mezon sifatida "nutqiy ehtiyoj" mezoniga tayaniladi. Keng qatlamga ma'lum va tushunarli bo'lgan muayyan bir sheva so'z yoki birlik adabiy tilga olib kiriladi.

Umuman, lug'at tarkibi taraqqiyoti va boyishi xalq shevalari bilan ham uzviy va chambarchas bog'liq. O'zbek adabiy tili milliy til tarkibi evaziga boyib borar ekan, bunda nafaqat lug'aviy birlik, frazeologik birliklar ham xizmat qilishi mumkin[13,60-62].

5. Tashqi manba (tashqi imkoniyat) asosida o'zbek tili boyish usuli lug'at qatlamida neologizmlarning paydo bo'lishi bilan bog'liq holda yuz beradi. Bu hodisa barcha tillar uchun umumiy bo'lib, turli xalqlar o'rtasidagi o'zaro ijtimoiy-siyosiy, madaniy-ma'rifiy aloqalar natijasida leksik qatlamda son va sifat jihatdan o'zgarishlar bo'lib turadi.

Ijtimoiy hayot bilan birga, lug'at qatlamimiz algoritm, sensor, market, antivirus, xaker, shou, chat, sayt, koronavirus, vunderkind, motivatsiya, pandimeya, karantin va h.k. lar bilan boyib bormoqda. Mazkur so'zlarning ayrimlari avvaldan mavjud bo'lgan bo'lsa-da, bugungi kundagi kabi ommalashib, faol qo'llaniladigan so'z emas edi.

Xulosa. Demak, o'zbek tili lug'at qatlamining shakl va mazmun (son va sifat) jihatdan boyib, rivojlanib borishi yuqorida ko'rib o'tilgan so'z yasash usullari bilan bog'liq bo'lib, ularning o'zbek tili lug'at qatlamini boyitishdagi imkoniyati turli darajada. Bunda affiksatsiya, kompozitsiya usulida

so’z yasash, shuningdek, lug’at qatlamimizning boyishida tashqi manba (o’zga tillarga xos so’zlar) asos bo’lib yangi-yangi so’zlarning yuzaga kelishi faol kechayotganligi kuzatiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro’yxati

1. Асадов Т. Сўз туркумлари тизимида равиш. – Т.:“Муҳаррир”, 2010.
2. Asadov T. O’zbek tilida ravishlarning ma’noviy-uslubiy xususiyatlari. – Buxoro: “Buxoro nashriyoti”, 2011.
3. Ахманова С. Словарь лингвистических терминов.–М.: «Сов. энциклопедия», 1966.
4. Бегматов Э., Неъматов Ҳ., Расулов Р. Лексик микросистема ва унинг тадқиқ методикаси (Систем лексикология тезислари) // Ўзбек тили ва адабиёти, 1989, 6-сон, 35-40-б.
5. Гулямов А. Проблемы исторического словообразования узбекского языка. АДД. – Т. 1955.
6. Кононов А.Н. Грамматика языка тюркских рунических памятников VII – IX вв. – Л.: Наука, 1980.
7. Нажимов П. Қорақалпоқ тилининг сўз ясалиш тизими. ДДА.–Нукус, 2019. 23-б.
8. Неъматов Ҳ. Қайта қуриш стратегияси ва ўзбек синхроник тилшунослигининг вазифалари (Тил ва нутқ дифференциацияси) // Ўзбек тили ва адабиёти, 1987, 3-сон, 27-31-б.;
9. Неъматов Ҳ. Сўз, унинг тил ва нутқдаги ўрни // Ўзбек тили ва адабиёти, 1988, 6-сон, 38-43-б.
10. Неъматов Ҳ., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари. –Т.: “Ўқитувчи”, 1995.
11. Неъматов Ҳ. Сўз ясаш қолипи, ясалган ва ясама сўз хусусида // Ўзбек тили ва адабиёти, 2007, 1-сон, 14-18-б.
12. Нурмонов А., Саримсоқов Б. Тил системасида сўзнинг ўрни ва сўзларни туркумларга ажратиш муаммолари // Ўзбек тили ва адабиёти, 1999, 5-сон, 19-23-б.
13. Орифбоев Д. Диалектал фразеологизмлар ҳақида// Ўзбек тили ва адабиёти, 1974, 6-сон, 60-62-б.
14. Раҳматуллаев Ш. Тил қурилишининг асосий бирликлари. –Т.: “Университет”, 2002.
15. Тошалиева С.Н. Ўзбек тилида окказионал сўз ясалиши. НДА. –Т. 1998.
16. Турдибоев Т. Ўзбек тилида ёрдамчи сўзлар конверсияси. НДА. –Т. 1996.
17. Элтазаров Ж. Ўзбек тилида сўз туркумларининг ўзаро алоқа ва кўчиши. ДДА. –Т. 2008.
18. Ўзбек тили грамматикаси. 1-том. Ғ.Абдураҳмонов таҳрири остида. –Т.: “Фан”, 1975.
19. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 1-жилд. –Т.:“Ўзб. мил. энк.си “, 2006.
20. Қудайбергенов М. Қорақалпоқ тилида морфонологик ҳодисалар. ДДА.–Нукус,2004.
21. Ҳожиев А., Решетова Л. Ўзбек тили грамматик терминларининг қисқача изоҳли луғати. – Т.: “Ўқитувчи”, 1980.
22. Ҳожиев А. Ўзбек тили сўз ясалиши. –Т.: “Ўқитувчи”, 1989.
23. Ҳожиев А. Ясама сўз лисоний бирликми ёки нутқ бирлигими? // Ўзбек тили ва адабиёти, 2004, 1-сон, 49-54-б.
24. Ҳожиев А. Тил қурилишининг асосий бирликлари юзасидан мулоҳазалар (“луғавий” ва “грамматик” морфема ҳақида) //Ўзбек тили ва адабиёти, 2004, 3-сон, 29-35-б.
25. Ҳожиев А. Тил қурилишининг асосий бирликлари юзасидан мулоҳазалар (иккинчи мақола) // Ўзбек тили ва адабиёти, 2004, 5-сон, 33-43-б.
26. Ҳожиев А. Тил қурилишининг асосий бирликлари юзасидан мулоҳазалар (учинчи мақола) // Ўзбек тили ва адабиёти, 2005, 2-сон, 45-49-б.
27. Ҳожиев А. Ўзбек тили сўз ясалиши тизими. –Т.: “Ўқитувчи”, 2007.



Fayziyeva Aziza Anvarovna
Buxoro davlat universiteti, Tarjimashunoslik
va lingvodidaktika kafedrasi o'qituvchisi

METAFORALAR TARJIMASINING LINGVOMADANIY XUSUSIYATLARI

https://doi.org/10.5281/zenodo.0000000

ANNOTATSIYA

Zamonaviy tilshunoslikda til va madaniyat o'rtasidagi munosabatlarni o'rganish yetakchi o'rinlardan birini egallaydi, bu turli madaniyatlar o'rtasidagi muloqot va o'zaro ta'sirning doimiy ravishda kengayib borishi bilan bog'liq. Lison va madaniyatning o'zaro aloqasini o'rganuvchi lingvomadaniyatshunoslik madaniyatning tilda aks etishi, so'zlovchilar tafakkurida yararatdigan lisoniy manzara haqida ma'lumot beradi. Ushbu maqolada tilshunoslik hamda tarjimashunoslikning dolzarb muammolaridan biri bo'lgan metaforalar va ular tarjimasining o'ziga xos jihatlari tahlil qilingan. Maqolada metaforalarning klassifikatsiyalari, shuningdek, metaforalarda ifodalangan lingvomadaniy xususiyatlarni adekvat tarjima qilish muammolari yoritilgan. Izlanuvchi maqolada xorijiy tilshunos va tarjimashunos olimlarning metaforalar tarjimasiga oid tadqiqotlaridan manba sifatida foydalangan.

Tayanch so'zlar: metafora, tushuncha, implitsit, lingvomadaniy, tarjima, tarjima qonunlari, ifoda, metaforik ifoda, metaforik tasvir.

Файзиева Азиза Анваровна
Бухарский государственный университет,
преподаватель кафедры Переводоведение и лингводидактика

ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ПЕРЕВОДА МЕТАФОР

АННОТАЦИЯ

Изучение взаимосвязи языка и культуры занимает одно из ведущих мест в современном языкознании, что связано с постоянным расширением общения и взаимодействия между разными культурами. Лингвокультурологические исследования, изучающие отношения между языком и культурой, предоставляют информацию о языковом картины мира, отражающем выражение культуры в языке и мышлении говорящих. В данной статье анализируются метафоры, являющиеся одной из актуальных проблем лингвистики и переводоведения, и специфика их перевода. В статье рассматриваются классификации метафор, а также проблемы адекватного перевода лингвокультурных признаков, выраженных в метафорах. В качестве источника в статье использованы исследования зарубежных лингвистов и переводчиков по вопросам перевода метафор.

Ключевые слова. метафора, концепт, имплицит, лингвокультурологический, перевод, законы перевода, выражение, метафорическое выражение, метафорический образ.

Fayziyeva Aziza Anvarovna
Bukhara State University, teacher at the
department of Translation studies and linguodidactics

LINGUISTIC AND CULTURAL FEATURES OF THE TRANSLATION OF METAPHORS

ANNOTATION

The study of the relationship between language and culture occupies one of the leading positions in modern linguistics, which is associated with the constant expansion of communication and interaction between different cultures. Linguocultural studies, which studies the relationship between language and culture, provides information about the linguistic landscape that reflects the expression of culture in the language and the thinking of the speakers. This article analyzes metaphors, which are one of the current problems in linguistics and translation studies, and the specifics of their translation. The article discusses the classifications of metaphors, as well as the problems of adequate translation of linguocultural features expressed in metaphors. In the research article, the researcher used as a source the research of foreign linguists and translators on the translation of metaphors.

Key words: metaphor, concept, implicit, linguoculturological, translation, principles of translation, expression, metaphorical expression, metaphorical image.

Tilning ma’joziy qismi hisoblangan metaforalar abstrakt tushunchalarni obrazli shaklda tasvirlash orqali insonning anglash jarayonini osonlashtirishga xizmat qiladi. Metafora so’zi yunon tilidagi metapherein so’zidan kelib chiqqan bo’lib, “meta” - “ustida” hamda “pherein” – “harakat, ko’chirmoq” ma’nolarini anglatadi. So’zning etimologiyasidan kelib chiqqan holda, metafora bu narsa, hodisa yoki tushunchaning bir yoki bir necha xususiyatlarini boshqa narsa, hodisa yoki tushunchaga ko’chirib o’tishni bildiradi.

Metafora lisoniy hodisa sifatida yunon faylasuflari va ritoriklaridan tortib hozirgi zamon tilshunoslari tomonidan hanuzgacha o’rganilib kelinmoqda. Xususan, Aristotel o’zining “Poetika” asarida metaforaga “so’zning eski qo’llanilishidan yangi ma’nodagi qo’llanishga o’tishi” deya ta’rif bergan. [12,89] Aristotel tasnifiga tayanadigan bo’lsak, ushbu ta’rifga ko’ra semantik jihatdan o’zgarishga uchragan boshqa ifodali til vositalari, xususan, allegoriya, sinekdoxa, metonimiya va shunga o’xshash vositalar metafora xususiyatlariga ega bo’ladi. Aynan shu qarash Piter Nyumarkning “metafora o’xshashlikni ifodalovchi har qanday ma’joziy lisoniy birlikdir” degan ta’rifiga mos keladi. [9,104]

Nyumark metaforlarni struktur jihatdan oddiy, ya’ni bir lisoniy birlik bilan ifodalanadigan metafora hamda yasama, ya’ni so’z birikmasi, gap hattoki butun boshli matn bilan ifodalanadigan metaforalarga ajratadi.

Funksional jihatdan esa metaforalarning ikki – konnotativ va estetik vazifasi borligi ko’rsatadi. Konnotativ funktsiya metaforaning ham aniq, ham mavhum tushunchalarni batafsil tasvirlashini, fikrlarni yorqin ifodalash va tasvirlangan obyektning sifatini tavsiflash xususiyatini anglatadi. Estetik vazifasi esa metaforaning o'quvchiga estetik ta'sir ko'rsatish, uni qiziqtirish va hayratda qoldirish xususiyatiga egaligini anglatadi. Olim bu ikki funktsiyaning metaforada mujassamlanishini qayd etgan, ya’ni metaforada shakl va mazmun birligi, kognitiv va estetik vazifalar mujassamlashgan bo’lishi kerak.

Metaforalar tipologiyasiga ko’ra, Nyumark ularni oltita guruhga bo’lib chiqqan:

O’lik metaforalar – bunday metaforalarning tilda qo’llanishi shu darajada keng tarqalganki, ularning ifodalaydigan tasvirlari belgilanmagan, ya’ni tafakkurda alohida obraz yaratmay qo’ygan. Ular odatda zamon, makon, inson tanasi hamda ekologiyaga oid so’zlar yordamida yasaladi. Alohida olib qaraganda, og’iz, qo’l, oyoq, ust kabi so’zlarni tarjima qilish juda oson, har bir tilde ushbu so’zlar anglatadigan ma’no verballashgan ekani aniq. Ammo ular metaforik ibora tusiga kirganda tarjimada ayrim qiyinchiliklarni keltirib chiqarishi mumkin. Bir madaniyatda qo’llanib, tilga singib ketgan metafora boshqa tilga o’girilganda o’girilayotgan til xususiyatlari, o’sha tilda so’zlovchilar ongida

ushbu metaforik birlik qaysi obrazda namoyon bo'lishiga qarab tarjima amalga oshiriladi. Masalan, o'zbek tilidagi "uzukning ko'zi" metaforasi ingliz tilida "eye of a ring" deb tarjima qilinmaydi, chunki ingliz lisoniy olamida bunday ibora mavjud emas, ularda ushbu vaziyatda "stone of a ring" – "uzukning toshi"tarzida qo'llaniladi.

O'lik metaforalarning o'zini uch guruhga tasniflash mumkin: idiomalar, ya'ni ingliz tiliga xos ko'chma ma'nodagi birikmalar; metonimlar hamda sinekdoxalar. "Reflect" so'zining lug'aviy ma'nosi "aks ettirish", ya'ni oyna yoki suv biror narsani o'zida aks ettiradi. Ushbu so'z idiomatik tarzda qo'llanganda bu xususiyat insonga ko'chirilib, "biror narsa haqida chuqur o'ylamoq" ma'nosini anglatadi. "Reflect" so'zi ingliz tilida metaforik tasvir yaratishdan uzoqlashib, nutqda oddiy so'zga aylanib ulgurgan. Metonimiya hodisasi jonsiz metaforaga aylanishi ushbu misolda o'z aksini topgan. Ingliz tilida "crown", ya'ni "toj" so'zi "qirollik" ma'nosida bemalol ishlatiladi. Bunda qism orqali unga aloqador butun ifodalanmoqda. Sinekdoxa esa birikma hosil qilganda ko'chma ma'noga ega bo'luvchi qismni anglatuvchi oddiy so'zlar, xususan, foot so'zi "foot of a hill" birikmasida ma'no ko'chishiga uchragan. Ushbu metaforik birikma o'zbek tilida ham metafora orqali tarjima qilinadi, lekin o'zbek lingvomadaniyatida "tog'ning oyog'i" deb emas, balki "tog'ning etagi" tasviriy ifodasi mavjud.

Klishe metaforalar – klishe birikmalar orqali ifodalangan metaforalar. Misol tariqasida, ingliz tilida tanishlar uchrashib qolganda ishlatiladigan long time no see iborasi (anchadan buyon ko'rishmadik). Yoki transparent lie (oshkora yolg'on) tilde qotib qolgan ifoda sifatida nutqda ishlatiladi. Klishe metaforalar o'lik va standart metaforalar o'rtasidagi metafora sifatida hali tilda to'liq metaforik obrazini yo'qotmagan, lekin estetik ma'nosini yo'qotgan lisoniy birlik sifatida tasniflangan.

Standart metaforalar – tilda shakllanib ulgurgan, lekin ko'p qo'llanilgandan o'lik metafora turiga hali o'tmagan metaforalar. He sees fear in my heart gapida qo'llangan to see fear in one's heart metaforasi muallif tomonidan biroz o'zgartirilgan bo'lib, metaforaning asl klishe shakli to see fear in one's eyes – kimningdir ko'zlaridagi qo'rquvni ko'rmoq tarzida keladi. Standart yoki odatiy metaforalar ruhiy va jismoniy holatga tegishli har qanday vaziyatni ifodalaganda ham kognitiv, ham estetik funksiyasini to'liq bajaradi. Jumladan, tasvirda aniq va abstrakt narsalarni obrazli ifodalaydi, tinglovchi yoki o'quvchida qiziqish uyg'ota oladi. Nutqda har qancha ko'p ishlatilsa ham, odatiy metaforalar ta'sir doirasini yo'qotmagan bo'ladi. Misol uchun, ingliz tilidagi "wooden face" metaforasi inglizlar tafakkurida hissiz, biror emotsiyani ifodalamaydigan yuz tasvirini uyg'otadi, lekin o'zbek kognitsiyasida "yog'och yuz" tasviri mavjud emas.

Moslashtirilgan metafora – bunday turdagi metaforalar odatda standart shakldagi metaforaning yozuvchi tomonidan kontekstga moslashtirilgan turi hisoblanadi. Nyumark fikricha, odatda til va madaniyatni ifoalovchi maqollar ushbu kategoriyaga mos keladi. The ball is a little in their court, get them in the door gapida keltirilgan the ball is a little in their court aslida ingliz tilida qo'llaniladigan idioamtik birikma the ball is in somebody's court (biror kishiga tegishli vazifa yoki kimningdir mas'uliyati) metaforasining kontekstga moslashitilgan shaklidir. Adaptatsiyaga uchragan metaforalarning tarjimasi ham tarjimondan yuksak mahorat talab qiladi, chunki bunday metaforaning aynan o'zgargan qismi tarjimada yaratilayotgan metaforada qayta tiklanishi muammoli tarjima vaziyati bo'lishi ehtimoldan xoli emas.

Yangi paydo bo'lgan metaforalar yoki metaforik neologizmlar, asliyat matnida umumiy tarzda qo'llangan yangi metaforalar. Nyumark ularni jonli (tirik) metaforalar deb ataydi. Masalan, groovy metaforasi, 80-yillarda inglizzabon xalqlarda ommalashgan sleng bo'lib, aslida jazz musiqasiga oid termin, insonlarga nisbatan ishlatilib, zamonaviy, go'zal, ajoyib ma'nolarida qo'llanila boshlangan. Hozirgi kunda keng foydalanishda bo'lgan "salty" metaforasini ham yangi metafora turiga kiritish mumkin. "Salty" ning asl nominativ ma'nosi ovqat yoki iste'mol qilinadigan taomga nisbatan ishlatilib, sho'r, tuzi ko'p ma'nosini ifodalasa, bu ma'no yang metaforada insonlarga ko'chirilib, jahldor, darg'azab ma'nolarini olgan.

Original metaforalar, bu turdagi istioralar so'zlovchilar ommaviy nutqida uchramaydigan, balki yozuvchi va so'zlovchilar tomonidan diskursni yanada qiziqarliroq, ifodaliroq va tasvirga boy qilish maqsadida yaratilgan o'ziga xos metaforalardir. Aynan ular yozuvchi g'oyasining mag'zini

tashkil etadi. [9,112] Demak, original metaforalarni tarjimada shakl va mazmun jihatdan qayta tiklash maqsadida so'zma-so'z tarjima qilish yoxud izohlash metaforaning o'girilgan tildagi analogini berishdan ko'ra tog'riroq bo'lishi mumkin. Biroq, tarjimon matn turiga qarab, metaforalarning kontekstdagi vazifasidan kelib chiqqan holda to'g'ri qaror qabul qilishi maqsadga muvofiq bo'ladi.

Nyumarkning metaforalar klassifikatsiyasi ayrim lingvistlar tomonidan ma'qullanmagan, xususan, Dikkins, ushbu klassifikatsiyada keltirilgan klishe hamda stantart (odatiy) metaforalar o'rtasida aniq farq yo'qligi, deyarli bir xil xususiyatga ega ekanligini ta'kidlaydi.

Har qanday metafora lingvistik xususiyatdan tashqari, o'sha tilning milliy-madaniy xususiyatlarini ham ifodalaydi, ya'ni metaforani lingvomadaniy hodisa desak xato bo'lmaydi. Xuddi shuning uchun, metaforalar tarjimasi tarjimon uchun ayrim qiyinchiliklarni tug'dirishi mumkin.

Piter Nyumark fikriga ko'ra tarjimon tarjima jarayonida ikkita katta muammoga duch kelishi mumkin: butun matnni va metaforalarni tarjima qilishda eng maqbul tarjima usulini tanlash va uni qo'llash muammosi. Ammo bu muammolar to'g'ri tanlangan tarjima strategiyalari yordamida yechilishi mumkin.

Metaforalar tarjimasi bo'yicha Larson, Nyumark kabi lingvistlar o'z tarjima metodlarini taklif qilishgan. Xususan, Nyumark metaforani 7 usulda tarjima qilishni, Larson esa metafora tarjimasi besh xil strategiya orqali amalga oshirilishi mumkinligini ko'rsatib o'tgan. Shundan, Nyumarkning metaforik tarjima usullariga to'xtalsak:

1. Asliyatda metafora orqali yaratilgan obrazni o'girilgan tilda qayta yaratish

Ingliz tilida: to play with someone's feelings
O'zbek tilida: birovning hissiyotlari bilan o'ynashmoq;

2. Asliyatdagi metaforik obrazni o'girilgan tilda mavjud va uning mentalitetiga xos metaforik obraz bilan almashtirish

Ingliz tilida: Can't say boo to a goose
O'zbek tilida: Pashshaga ham ozor bermaydi;

3. Metaforani o'xshatish tarzida tarjima qilish, bunda asliyatdagi manzara saqlanib qoladi

Ingliz tilida: I can read her
O'zbek tilida: Men uni kitob o'qigandek o'qiy olaman;

4. Metaforani o'xshatish tarzida izohlar bilan tarjima qilish

Ingliz tilida: He is a snake
O'zbek tilida: U ilonga o'xshaydi, gap bilan chaqib oladi;

5. Metaforani keng ma'noli birikma bilan almashtirish

Ingliz tilida: quite the potato
O'zbek tilida: ayni menbop narsa;

6. Metaforani olib tashlash, ya'ni tarjimada metaforasiz ifodalash

Ingliz tilida: She was playing the fox
O'zbek tilida: U ayyorlik qilayotgan edi;

7. Metaforani asliyatdagidek so'zma-so'z berish hamda uni izohlash

Ingliz tilida: Life is a dog
O'zbek tilida: Hayot bu ko'ppak, ba'zan qo'lingni yalasa, ba'zan oyog'ingdan tishlaydi.

Lingvist olim Larson esa metaforalar tarjimasi muammosi sabablaridan bir nechtasini keltirib o'tadi. Birinchidan, asliyat tilida metaforada ifodalangan obraz o'girilgan tilda mavjud bo'lmasligi hamda so'zlaovchilariga noma'lum tushunchani ifodalashi sabab. Masalan, qor so'zi bilan yasalgan metafora Afrika xalqlari yoki Tinch okeani janubidagi xalqlar uchun tushunarsiz ekanligi aniq.

Ikkinchidan, metaforaning obyekti implitsit tarzda kelishi mumkin. "The tide turned against the government" (hukumatga qarshi to'lqin) jumlasida "jamoatchilik fikri" ma'nosi implitsit shaklda ifodalangan. Tarjimon aynan yashirin ifodani anglash anglamasligi tarjima jarayonida metaforani to'g'ri tarjima qilinishiga to'siq bo'lishi mumkin.

Uchinchidan, bir xalq tafakkurida anglashilgan metaforik obraz boshqa xalq tafakkurida umuman boshqa obrazni namoyon etishi mumkin. "He is a pig" jumlasidagi cho'chqa so'zi bir xalq tasavvurida iflos, nopok tasvirini uyg'otsa, boshqa xalqda ochofat, yeb to'ymas sifatlarini, yana bir boshqa xalqda esa o'zgalar fikriga quloq solmaydigan inson konnotatsiyasi mavjud bo'lishi mumkin.

To’rtinchidan, asliyat tilida va o’girilgan tilda turli o’xshatishlarning ishlatilishi. Masalan, ingliz xalqida “there was a storm in the national parliament yesterday” (kecha milliy parlamentda naq bo’ron bo’ldi) gapida qizg’in muhokamani ifodalash uchun qo’llangan “bo’ron” metaforasi boshqa tilda “olov” so’zi bilan ifodalanishi mumkin.

Bundan tashqari, turli tillarda metaforik ifodalardan foydalanish soni farq qilishi mumkin. Ayrim tillar metaforalarga boy bo’lsa, ayrimlari metaforalarni juda kam vaziyatlarda qo’llashi mumkin. Ikkinchi holatda tarjimada metaforalarni to’g’ridan to’g’ri tarjima qilish o’quvchiga matnni tushunishda qiyinchilik tug’dirishi ehtimoli yuqori. [8,276-277] Yuqorida tilga olingan muammolar tarjimondan metaforalar tarjimasida yanada e’tiborliroq bo’lishni talab etadi.

Larson metaforalarni besh xil strategiya yordamida tarjima qilishni taklif etadi:

1. Metaforani o’girilgan til xususiyatlaridan kelib chiqqan holda asliyat matnidagidek saqlash;
2. Metaforani o’xshatish shaklida xuddi, kabi, -dek, go’yo kabi o’xshatish hosil qiluvchi vositalar orqali o’girish;
3. Asliyatdagi metafora o’girilgan tildagi mavjud, ma’nosi o’xshash metafora bilan almashtirish;
4. Metaforani so’zma-so’z tarjima qilib, uni izohlash;
5. Metaforaning ma’nosini izohlash, lekin metaforik obrazni yaratmay tarjima qilish.[8,120]

Larson strategiyalari yuqorida keltirilgan Nyumark strategiyalariga o’xshash, biroq 4 va 5-strategiyalar Larson taksonomiyasidan o’rin olmagan.

Metafora nafaqat lingvistik, balki madaniy hodisa ham ekanligini hisobga olsak, har qanday metafora tarjimada lingvomadaniy xususiyatlarga ham ega bo’ladi. Asliyat tilida metafora yordamida yaratilgan “manzara” o’sha tilda so’zlovchi xalqning milliy-madaniy o’ziga xosligini, asrlar davomida shakllangan olamni anglash tizimini, tushunchalar sferasini o’zida namoyon etadi. O’girilgan tilda ham asliyatdagi metafora ifodalagan tasvir verballashgan yoki boshqa tushuncha bilan ifodalangan bo’lishi tarjimada murakkabliklar keltirishi aniq. Shunday ekan, tarjimada metaforani qay yo’sinda qabul qiluvchiga yetkazish matn turiga, metafora turiga, yozuvchi intensiyasiga bevosita bog’liq bo’ladi. Universal metaforalarning tarjimasi lingvistik qiyinchiliksiz amalga oshirilsa, madaniy xoslangan metaforalar tarjimonni ma’lum strategiyalar qo’llashiga sabab bo’ladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro’yxati:

Географическое расположение играет важную роль в распространении и употреблении молодежного сленга в русском языке. Безусловно, мы прекрасно понимаем, что главенствует здесь территория РФ, а страны СНГ, в том числе Узбекистан, употребляют эту лексику немного пассивней. Хотя, благодаря Интернету и социальным сетям эта разница заметно сокращается.

Все указанные примеры слов максимально проявляются в разговорной речи, а в письменную речь практически не проникают. Поэтому эти слова довольно редко встречаются в толковых словарях. Особенностью этих слов является то, что они не только предназначены для отдельной группы людей (молодежь), но и используются для того, чтобы быть понятными не для всех, т.е. имеют скрытый характер.

Молодежный сленг- это своего рода «язык в языке», и не предназначен для того, чтобы его понимали все русскоговорящие люди. По словам, которыми люди пользуются в своей речи можно определить, «из какого они времени».

Список использованной литературы

1. Арутюнова Н.Д. Типы языковых значений. – М: Наука, 1988г.
2. Береговская Е. М. Молодежный сленг: формирование и функционирование// Вопр. Языкознания. – 1996г. №3.
3. Большой словарь молодежного сленга/ С.И.Левикова. – М.: ФАИР-ПРЕСС, 2003. – 928 с.
4. Борисова Е.Г. О некоторых особенностях современного жаргона молодежи//Русский язык в школе. – М:, 1987г, №3
5. Брагина А.А. Неологизмы в русском языке. – М.: Просвещение, 1973.
6. Никитина Т.Г. Словарь молодежного сленга 1980-2000 гг., «Фолио-Пресс», С/Пб, 2003.
7. Ожегов С.И. Словарь русского языка. – М.: Советская энциклопедия, 1964г. – 900с.

Интернет-ресурсы:

8. http://www.philology.ru/linguistics1/yakubinsky-86d.htm
9. http://tpl1999.narod.ru/WebTPL2000/SterninTPL2000.htm
10. http://www.echo.msk.ru/programs/speakrus/32848/



Туракулова Зарина Мардонкуловна
преподаватель кафедры Русского языка и литературы
Самаркандского государственного института иностранных языков
e-mail: fe.zarinat@gmail.com

МНОГООБРАЗИЕ ТЕМАТИЧЕСКИХ ГРУПП УСТАРЕВШИХ ЛЕКСИЧЕСКИХ И ФРАЗЕОЛОГИЧЕСКИХ ЕДИНИЦ РУССКОГО ЯЗЫКА, ОБРАЗУЮЩИХ РАЗЛИЧНЫЕ ЛЕКСИКО-СЕМАНТИЧЕСКИЕ ПОЛЯ

https://doi.org/10.5281/zenodo.0000000

АННОТАЦИЯ

Устаревшая лексика и фразеология образуют значительный пласт словарного состава русского языка и представляют большой интерес филологам в качестве языковых единиц, участвующих в процессе устаревания и развития языка. В статье рассматриваются устаревшие слова и устойчивые сочетания, образующие разнообразные лексико-семантические поля, а также определяется степень использования и функции устаревших слов и выражений, зафиксированных в толковых и фразеологических словарях русского языка прошлого столетия. Приводится классификация единиц по лексико-семантическим полям и тематическим группам и подгруппам. Дается толкование приведенных примеров и отмечается их лингвистическая особенность.

Ключевые слова: устаревшая лексика и фразеология, словарный состав языка, устаревший пласт, активный и пассивный запас, толковые и фразеологические словари, лексико-семантические поля, лексико-тематические группы и подгруппы, архаизмы, историзмы.

Turakulova Zarina Mardonkulovna
Samarqand davlat chet tillar instituti
Rus tili va adabiyoti kafedrasi o'qituvchisi
e-mail: fe.zarinat@gmail.com

TURLI XIL LEKSIKO-SEMANTIK MAYDONLARNI TASHKIL ETUVCHI RUS TILINING ESKIRGAN LEKSIK VA FRAZEOLOGIK BIRLIKLARINING TEMATIK GURUHLARINING XILMA-XILLIGI

ANNOTATSIYA

Eskirgan so'z va iboralar rus tilining so'z birikmalarining muhim qatlamini tashkil qiladi va filologlarga tilning eskirishi va rivojlanishi jarayonida ishtirok etadigan til birliklari sifatida katta qiziqish uyg'otadi. Maqolada turli xil leksik-semantik maydonlarni tashkil etuvchi eskirgan so'zlar va barqaror kombinatsiyalar, shuningdek, o'tgan asrning rus tilining tushunarli va frazeologik lug'atlarida qayd etilgan eskirgan so'zlar va ifodalarning foydalanish darajasi va funktsiyasi aniqlanadi. Leksik-semantik sohalar va tematik guruhlar va kichik guruhlar bo'yicha birliklarning tasnifi berilgan. Berilgan misollarning talqini berilgan va ularning lingvistik xususiyati qayd etilgan.

Kalit so'zlar: eskirgan so'z va iboralar, tilning so'z birikmalari, eskirgan qatlam, faol va passiv zaxiralar, tushuntirish va frazeologik lug'atlar, leksik-semantik joylar, leksik-tematik guruhlar va kichik guruhlar, arxaizmlar, tarixiylik.

Turakulova Zarina Mardonkulovna
Samarkand State Institute of Foreign Languages
Lecturer of the Department of Russian Language and Literature
e-mail: fe.zarinat@gmail.com

THE VARIETY OF THEMATIC GROUPS OF OBSOLETE LEXICAL AND PHRASEOLOGICAL UNITS OF THE RUSSIAN LANGUAGE, FORMING VARIOUS LEXICO-SEMANTIC FIELDS

ANNOTATION

Oral vocabulary and phraseology form a significant layer of the vocabulary of the Russian language and are of great interest to philologists as linguistic units involved in the process of formation and development of the language. The article examines obsolete words and well-established combinations that form discrepancies in the lexical and semantic field, and also determines the degree of use and function of obsolete words and expressions recorded in the explanatory and phraseological dictionaries of the Russian language of the last century. The classification of units by lexico-semantic fields and thematic groups and subgroups is given. Tao interprets the examples given and notes their linguistic features.

Keywords: obsolete vocabulary and phraseology, vocabulary of the language, obsolete layer, active and passive stock, explanatory and phraseological dictionaries, lexico-semantic fields, lexico-thematic groups and subgroups, archaisms, historicisms.

ВВЕДЕНИЕ

Устаревшая лексика и фразеология составляет значительный пласт словарного состава русского языка, а значит, заслуживает внимания и подробного изучения. Немало работ посвящено изучению устаревших слов и выражений в разные периоды развития языка и общества. Но единого системного подхода к изучению архаичной лексики так и не выработано.

Также, как и остальные единицы языка, устаревшие лексемы являются элементами языковой системы. Занимая положение на периферии, они, однако, могут сохранять признаки ядерной лексики. То есть, приобретают такие свойства, как частотность, актуальность (например: слово митенки в толковых словарях помечено, как устаревшее слово, но в настоящее время - это модный элемент женской одежды, в частности молодежи, или сюртук - в словаре под редакцией Д. Н. Ушакова обозначено как устаревшее слово, но как мы знаем, эта одежда присутствует в гардеробе современного человека).

Источником исследования архаичных слов и выражений послужили лексикографические труды прошлого столетия («Словарь русского языка» по ред. Д.Н. Ушакова, «Словарь русского языка» под ред. С.И. Ожегова, 17-томный «Словарь Современного Русского Литературного Языка», «Словарь современного русского языка» в 4-х томах под ред. А. П. Евгеньевой, Фразеологический словарь русского языка под ред. А. И. Молоткова), научно популярные издания. Вся лексика, входящая в эту систему, обозначает исторические и социальные явления. Многие явления ушли в прошлое, лексика устарела либо вовсе ушла из языка и получила статус историзмов и архаизмов.

При отборе устаревшей лексики и фразеологии мы воспользовались тематическим принципом, то есть предприняли попытку классифицировать весь собранный материал по тематическим группам. Точнее, мы попытались соотнести фразеологические и лексические единицы рассматриваемого нами пласта языка к лексико-семантическим полям.

ОСНОВНАЯ ЧАСТЬ

В данной статье представлены некоторые ЛСП, составляющую часть пассива русского языка.

В ЛСП «**Быт»** входит и ЛСГ **«Еда и напитки»**. Эта группа не столь обширна. Но содержит интересные слова и выражения, на которые следует обратить внимание. Общеупотребительное слово духи, что означает ароматическое вещество, парфюмерное средство, в старину имело ещё одно значение, которое все же семантически связано с его современным значением. Духами называли различные ароматические приправы, пряности, применяемые к кушаньям. А вот многозначное слово драже, широко используемое в фармацевтике и в кулинарии, со временем утратило одно из своих значений. Устарелое значение драже – «обсахаренные фрукты, миндаль, ягоды» и т.п. В настоящее время устаревшее слово драже заменено словом цукаты.

В рассматриваемую тематическую группу входят интересные выражения, означающие продукты питания. Синонимичные выражения хлебная слеза, адамовы слезы, простое вино означают горячительный напиток – водку. Обращает на себя внимание образность, глубина семантического содержания данных устойчивых сочетаний.

Фразеологизм страсбургский пирог, на самом деле не является пирогом. Это изысканное кушанье из гусиной печени – паштет, запеченный в тесте. Связан он с французским городом Страсбург, где он и был изобретен.

Фразеологизм сарацинское зерно (пшено) имеет восточное происхождение. В старину сарацинским зерном или пшеном на Руси называли рис. Известно, что рис был завезен в Россию из стран Азии или Востока сарацинами (арабами, магометанами). Отсюда и пошло название этого злака.

Большую группу слов и выражений составляют единицы, относящиеся к ЛСП «**Религия»** включает в себя непосредственно религиозную терминологию, причем не только христианскую. Например: алкоран – Коран, магометанин – прежнее названия мусульманина, вериги – железные цепи, надевавшиеся на тело с религиозно аскетическими целями, алтарь – жертвенник, гробница – гроб, божба – клятва именем бога, оклад – богато украшенная рама, в которой вставлялась икона, манна небесная – проявление милости свыше, совершать моление – молиться, красный звон – церковный звон во все колокола кроме большого и др. Также в данное ЛСП входят слова и выражения, связанные с такими абстрактными понятиями как жизнь, судьба, смерть. Мы их отнесли в отдельную лексико-семантическую группу - **«Бытие»**. Сравните, хиромант – тот, кто занимается хиромантией; довелось – выпало на долю; погибель – гибель; море жизни – жизнь с её заботами и волнениями; представление света – конец света и т. д. ЛСП «**Религия»** не столь обширно. Это дает нам право утверждать, что религиозная терминология, несмотря на длительный период существования, не претерпела больших изменений.

Большой список составляют слова и выражения, относящиеся к ЛСП «**Трудовая деятельность»**. Данное ЛСП представлено 2 лексико-тематическими группами: ЛСГ «**Звания, чины, должности»**, ЛСГ «**Ремесло, промысел».**

ЛСГ «**Звание, чины**, **должности»** включает в себя в основном историзмы, то есть слова обозначающие реалии характерные определенной исторической эпохе, в современном мире мы не встречаемся с такими явлениями. Сравните: бирюч – вестник, глашатай; баскак – представитель ханской власти и сборщик податей; овен – барон; посадник – наместник князя в землях Древней Руси; боярин – крупный землевладелец; тиун – название различных должностных лиц; коллежский асессор – в царской России чин 8 класса и др.

ЛСГ **«Ремесло, промысел»** включает лексические и фразеологические единицы, имеющие отношение к разного рода занятиям, промыслу и профессиям. Например: башмачник – сапожник; книгопечатник, типографщик – типограф; шинкарство – незаконное хранение и торговля спиртными напитками; хлебопашец – земледелец; ваятель – скульптор; барышник – 2. перекупщик 3. торговец лошадьми; швальня – портняжная мастерская; пирожник – тот, кто печет пироги или торгует ими; бортничество – лесное пчеловодство; выходные промыслы – отхожие заработки на стороне; канатный плясун – акробат.

Как видим, многие из приведенных примеров архаизмы, слова имеющие синонимы в современном языке. Это значит, что по роду трудовой деятельности мы не многим отличаемся от наших предков. В настоящее время есть ремесла и профессии, существующие испокон веков. А это значит, что сохраняются традиции передачи трудового опыта и мастерства из поколения в поколение.

ЛСП «**Действие»** вобрало в себя понятия, обозначающие разного рода действия (физическое, умственное) или слова и устойчивые сочетания, имеющие отношение к процессу. Это поле делится на несколько тематических групп: ЛСГ **«Действие относительно кого-либо, чего-либо»** (веление – приказание, набрюзжать – до крайности надоесть брюзжанием, бить челом – почтительно просить кого-нибудь о чем-нибудь,); ЛСГ **«Образ действия»** в большей мере состоит из фразеологических единиц (без души – без памяти, безотчетно, всем миром – сообща коллективно, сказать по чести – откровенно, чистосердечно, начистоту, росчерком пера – мгновенно, на свой салтык – на свой лад и т.д.); ЛСГ **«Движение»**: (дирекция – движение, направление движения, сделать дирекцию – подвинуться, вдаваться в бег – убежать и др.).

Данные группы включают в себя собственно-лексические архаизмы: нуда – принуждение, заговеться – истощить себя говеньем, постом; лексико-словообразовательные: возреть – взирать; навлекать – навлечь что-нибудь кому-нибудь; небречь – пренебрегать; накупаться – закупить что-либо в достаточном количестве; грамматические: воевать над кем-либо – грубо проявлять свою власть, силу, нападать на кого-либо; на разуме – кто-либо думает, помышляет о ком-либо; лексико-фонетические: браздить – бороздить; воздохнуть – вздохнуть; возмнить - возомнить.

ЛСП «**Язык и речь»** достаточно ёмкое в понятийном отношении. Данное лингвистическое поле вобрало в себя единицы, имеющие различные лексико-семантические связи с понятиями «язык» и «речь». Сравните: буки – старинное название буквы «Б»; велеречивый – высокопарный, напыщенный по языку; глагол – речь, слово; сказывать – сообщить, говорить; диалект – язык любой иностранный; андроны едут – чепуха, вздор и т.д.

По тематике единицы данного поля стало возможным разделить на следующие группы:

«Язык и речь» (бонмо – острота, острое словечко; веди – название третьей буквы («В») в церковно-славянской и старой азбуке; вокабулы – слова и речения иностранных языков; древние языки – латинский и древнегреческий; кимвал гремящий – о пышной торжественно звучащей, но мало содержательной речи и словах; скорое слово – дерзкие, резкие слова и др.); **«Речевые штампы»** (прошу покорнейше – вежливая форма приглашения; ваш покорный слуга – формула заключения письма; не можем знать – формула официального, почтительного ответа в значении «не знаю»; не осудите – простите, извините и др.); **«Обращение»** (благородие – вежливое обращение к человек высшего положения; батюшка – форма ласково-фамильярного обращения к собеседнику; кум – обращение к пожилому мужчине, милостивый государь – вежливое обращение и т. д.); **«Союзы»** (аки – как, подобно; али и аль – то же, что/или; буде – если; да – пусть и др.).

В ЛСП **«Транспорт»** вошли наименования средств передвижения и перевозки. Здесь приведен список наземного, водного, и воздушного транспорта. Причем нами обнаружен только один пример устаревшего наименования воздушного транспорта – цеппелин (дирижабль с жесткой оболочкой).

Наземный транспорт представлял собой разного рода повозки на конной тяге. В начале прошлого века развитие техники и машиностроения не имело столь большого распространения в России, и конный экипаж все еще оставался основным средством передвижения по суше. В настоящее время редко где можно увидеть подобного рода транспорт. Сейчас такой антиквариат широко используется для съемок фильмов на историческую тему.

Водный транспорт имел большую разновидность. Среди них встречаются и гражданские (бакаут – род барки, ходившей на Волге; байдак – особый род промысловых судов на Днепре и др.) и военные суда (бомбарда – судно с мортирами для метания бомб;

бригантина – легкое парусное судно (корсарское, военное); брандер – небольшое судно с горючим материалом). Логично, что последние вошли и в ЛСП «**Армия».**

Немногочисленный список единиц данного поля был составлен в основном по материалам поздних словарей: ССРЛЯ, толкового словаря С. И. Ожегова, малого академического словаря под редакцией А. П. Евгеньевой. В толковом словаре Д. Н. Ушакова многие из примеров не имеют соответствующей пометы, учитывая, что этот словарь является старейшим из исследуемых нами.

ЛСП «**Культура и просвещение»** довольно разнообразно по тематической классификации. Оно представлено следующими тематическими группами и подгруппами: **«Искусство»** (художество – 1. искусство 2. изобразительное искусство.); **«Театр»** (личина – маска; лицедей – актер; варьете – эстрадный театр легкого жанра; раёк – кукольный театр; балаганный дед – комедиант-прибаутник); **«Музыка»** (гусли – старинный музыкальный щипковый инструмент; лирник – бродячий певец с лирой; хор – оркестр; класть на музыку – писать музыку на какой-нибудь поэтический текст и т.п.); **«Кинематография»** (волшебный фонарь – проекционный фонарь, туманная картинка – изображение на светлом экране при помощи проектного фонаря и т.п.); **«Наука»** (алхимия – средневековое мистическое учение, направленное на отыскание «философского камня»; естествоведение – естествознание; метод ментора – один из методов направленного воспитания гибридов; прожект – проект; сахарная кислота – глюконовая кислота и др.).

ЛСП «**Мера и степень»** включает в себя понятия, обозначающие математические и физические величины, количество, уровень, степень интенсивности и т. д. Сравните: ЛСГ «**Мера и степень»** (боле – более, больше; достаток – достаточность; горазд – весьма очень; геркулесовы шаги – гигантские шаги; до иголки – до мелочей; ни на лепту – нисколько, ничуть и др.); ЛСГ **«Единицы измерения»** (аршин – старая русская мера длины, равная 0,71 м; берковец – старая русская мера веса, равная 10 пудам; десятина – русская единица земельной площади; шкалик – мера вина, водки, равная 1/100 ведра и др.).

Встречаются в этой группе устойчивые обороты, содержащие в своем компоненте устарелые слова. Например: елико возможно – насколько возможно (елико – сколько, насколько); ни полушки – ни копейки (полушка – в старину мелкая медная монета в четверть копейки); ни (одного) скрупула – нисколько, ни даже самой малой частицы, (скрупула – старинная единица аптекарского веса, равная 1.25 грамма).

Одной из самых содержательных, по числу лексических и фразеологических единиц, полей, оказалось ЛСП «**Государство»**. Оно представлено следующими ЛТГ: **«Политика»** (бонапартизм – буржуазное политическое течение во Франции; безначалие - отсутствие власти и др.); **«Экономика»** (авантаж – прибыль, выгода; мзда – награда, плата; недоимка – не уплаченный в срок налог и т.п.); ЛТГ **«Денежные единицы»** (векша – мелкая разменная единица др.-русс.; гривна – денежная единица в древней Руси; полтина – 50 копеек и др.); **«Административно-территориальные единицы»** (губерния – губернский город; волость – адм. терр. Единица; уезд – адм. терр. единица и т. п.); **«Учреждения»** (управа – название некоторых учреждений; приказная изба – адм. - полицейская канцелярия и т.п.); **«Социальное положение»** (байгуш – обнищавший человек; бомонд – верхушка буржуазно-дворянского общества; огнищанин – представитель высшего слоя и др.); **«Социальное явление»** (абсентизм – о постоянном отсутствии помещиков в своих поместьях; в людях - в обществе, среди людей; темное царство – некультурная забитая среда и т.п.). Следует отметить, что ЛСП «**Государство»** изобилует историзмами – словами и выражениями, обозначающими явления исторической действительности. Учитывая то, что в политической, экономической и социальной сферах жизни народа происходят частые и значительные сдвиги, лексика, отражающая эту сторону действительности, наиболее динамична.

В ЛСП «**Архитектура»**, напротив, преобладают архаизмы. Сравните: сень – шатер и навес на столбах; апартамент – большое роскошное помещение; храмина – здание, сооружение; терем – богатый, красивый дом; диорама – павильон, где выставлены картины; скудельный дом – морг и т. п.

В это поле входит ЛТГ **«Общественные места и заведения»:** австерия – гостиница; богадельня – приют для престарелых; кофейня – кафе; модная мастерская – ателье; кабак – питейное заведение (бар, ресторан); кондитерская лавка - род кафе.

Значительно по своему составу ЛСП **«Армия»**. Входящая в неё военная терминология богата своей тематической направленностью. Сравните: **«Войсковые звания, чины»**: вахмистр – военный чин в старой России; бомбардир – старший капитан; генерал-аншеф – чин полного генерала; денщик – солдат, который служит офицеру; рында – воин царской придворной охраны; хорунжий – казачий офицерский чин и т.п.; **«Военное снаряжение»**: амуниция – снаряжение военнослужащего; булат – стальной клинок, меч; бомбарда – пушка большого калибра; хоругвь – войсковое знамя; тур – цилиндрическая корзина без дна, как укрытие от ружейного огня; **«Военные объекты, подразделения»**: гарнизон – воинские части; бивак – военная стоянка; шанец – полевое укрепление; **«Речевые клише»**: идти войной – нападать на кого…, в ружье – в полной боевой готовности; острогай коли - команда, подаваемая для действия пикой в кавалерийских частях.

ЗАКЛЮЧЕНИЕ

Устаревшая лексика и фразеология по своей тематической классификации довольно разнообразна. Однако рассмотренные толковые словари не отражают всего многообразия устаревшего пласта языка.

Часто, изучая или просто читая классическую литературу, мы сталкиваемся с явными проблемами непонимания значения того или иного слова, что приводит к неполноценному восприятию всего текста. Чаще всего этому подвержены учащиеся школ и лицеев, в учебную программу которых включены произведения писателей и поэтов прошлых столетий. Так почему же мы должны изучать устаревшие, вышедшие из употребления слова и выражения? Только ли для определения значения незнакомых нам слов? Конечно же, нет. Изучая архаичную лексику и фразеологию, мы, прежде всего, знакомимся с историей народа, своеобразием быта, культуры, языка, с особенностью мировосприятия носителей данной языковой культуры. Для лингвистов эта область может стать настоящим кладезем знаний.

Список использованной литературы

1. «Словарь русского языка» / под ред. С. И. Ожегова – Москва, 1952
2. «Словарь современного русского литературного языка» – Москва, 1950 – 1960 гг.
3. «Словарь русского языка» в 4-х томах / под ред. А. П. Евгеньевой – Москва, 1957 1961 гг.
4. «Словарь современной русской фразеологии». Состав.: А. В. Жуков, М. Е. Жукова, Москва, 2016
5. «Толковый словарь русского языка» / под ред. Д. Н. Ушакова – Москва, 1935-1940гг.
6. «Советская энциклопедия», 1935 – 40 гг. (в 4-х томах.)
7. «Фразеологический словарь современного русского литературного языка». Том 1-2. Под ред. А.А. Тихонова – Москва, 2004
8. «Словарь лингвистических терминов» / О.С. Ахманова – Москва: «Книга по требованию», 2013

Интернет-ресурсы:

9. https://scicenter.online/frazeologiya-leksikografiya-leksikologiya-scicenter/321-ustarevshaya-leksika-arhaizmyi-126063.html
10. https://spravochnick.ru/russkiy_yazyk/frazeologizmy_s_ustarevshimi_leksicheskimi_komponentami/



Сулайманова Нилуфар Жаббаровна
Самарқанд давлат чет тиллар институти, PhD., доц.

ДИОЛОГИК НУТҚДА БАҲО НУТҚИЙ АКТЛАРИ БАЖАРИЛИШИНИНГ ПРАГМАТИК ВА СОЦИОЛИНГВИСТИК ШАРТЛАРИ

https://doi.org/10.5281/zenodo.0000000

АННОТАЦИЯ

Мақола **б**аҳо категориясининг моҳияти, аксиологик нуқтаи назардан қаралганда, қиймат назарияси доирасида, яъни объектнинг белгиланган талаблар, эҳтиёжлар, истакларни қондириши ёки қондирмаслиги жиҳатидан белгиланлигига, билиш фаолиятини онтологик воқелик билан боғловчи баҳонинг лингвофалсафий талқинидан фарқли равишда, коммуникатив–прагматик йўналишда баҳо адресатга таъсир ўтказувчи восита сифатида таърифланлигига, баҳо инсон эҳтиёжи ва мотивга боғлиқ ҳолда юзага келиши, баҳолаш прагматик омиллар иштирокини талаб этадиган муҳим когнитив механизмлигига бағишланган.

Калит сўзлар: мантиқшунослик луғатлари, баҳо категорияси, баҳо объекти, инструментал баҳо**,** утилитар баҳо, онтологик воқелик, коммуникант, стркутур–семантик, имплицит, нутқий ҳаракат, стимул-реакция, дискурсив фаолият

Сулайманова Нилуфар Жаббаровна
Самаркандский государственный институт
иностранных языков, PhD., доц.

ПРАГМАТИЧЕСКИЕ И СОЦИОЛИНГВИСТИЧЕСКИЕ УСЛОВИЯ ВЫПОЛНЕНИЯ ОЦЕНОЧНЫХ РЕЧЕВЫХ АКТОВ В ДИАЛОГИЧЕСКОЙ РЕЧИ

АННОТАЦИЯ

Статья посвящена сути оценочной категории с аксиологической точки зрения, в рамках теории ценности, определение объекта с точки зрения удовлетворения или неудовлетворения установленных требований, потребностей, желаний описательной, возникновение оценки зависит от потребностей и мотивов человека, оценка посвящена важному познавательному механизму, требующему участия прагматических факторов.

Ключевые слова: логические словари, категория оценки, объект оценки, инструментальная оценка, утилитарная оценка, онтологическая реальность, коммуникант, структурно-смысловой, имплицитный, речевое движение, стимул-реакция, дискурсивная деятельность

Sulaymanova Nilufar Jabbarovna
Samarkand State Institute of Foreign Languages, PhD., assistant professor

PRAGMATIC AND SOCIOLINGUISTIC CONDITIONS OF EXECUTION OF EVALUATIVE SPEECH ACTS IN DIALOGIC SPEECH

ANNOTATION
The article is devoted to the essence of the evaluation category from an axiological point of view, within the framework of the theory of value, the definition of an object in terms of satisfaction or dissatisfaction with established requirements, needs, desires descriptive, the emergence of evaluation depends on the needs and motives of a person, the evaluation is devoted to an important cognitive mechanism that requires the participation of pragmatic factors .
Key words: dictionaries of logic, category of assessment, object of assessment, instrumental assessment, utilitarian assessment, ontological reality, communicant, structural-semantic, implicit, speech movement, stimulus-reaction, discursive activity

---

Баҳонинг юзага келиши инсоннинг оламни билиш фаолияти давомида, ундаги нарса–ҳодисаларни таснифлаш шароитида юзага келиши файласуфлар ва тилшунослар томонидан бир хилда қайд этилган. Мантиқшунослик луғатларида “баҳо” тушунчасига берилаётган таърифларда ҳам “баҳо”нинг у ёки бу ҳодисаларнинг (ҳатти–ҳаракатлар, мақсад-режалар ва ҳ.к) аҳлоқий қийматини аниқлаш ҳамда асослаш билан боғлиқ ҳаракат эканлиги ва шунинг негизида “инсоннинг онгли фаолияти ҳосил бўлиши” таъкидланади [5,507].

Баҳо категориясининг моҳияти, аксиологик нуқтаи назардан қаралганда, қиймат назарияси доирасида, яъни объектнинг белгиланган талаблар, эҳтиёжлар, истакларни қондириши ёки қондирмаслиги жиҳатидан белгиланади [1].

Е.М.Вольфнинг наздида, баҳо лисоний иборалар маъносининг алоҳида бўлаги бўлиб, қуйидагича изоҳланади: “А (баҳо субъекти) В (баҳо объекти)ни яхши ёки ёмон деб ҳисоблайди” [4, 203]. Баҳо фаолияти тўртта структур қисмдан иборат–булар баҳо субъекти, баҳо объекти, баҳонинг асоси ва унинг характери. Баҳо субъекти–баҳо фаолиятини бажараётган шахс ёки одамлар жамоаси. Баҳо объекти–баҳоли тавсиф олаётган оламнинг ҳар қандай қисми; ҳар қандай баҳо билан боғлиқ ментал тузилмада баҳо объекти мавжуд, субъект шу объектга нисбатан лисоний белгилар воситасида ижобий ёки салбий муносабатини билдиради. Баҳо объектининг ўзига хос хусусияти унинг нафақат бирор бир алоҳида предмет, балки тўлиқ воқеа–ҳодисалар, фактларни аташида кўринади. Баҳо предикати ёки баҳо асосини нутқий тузилманинг воқеа–ҳодиса моҳиятини ифодаловчи қисми ташкил қилади.

Баҳо муҳимлик / аҳамиятсизлик, ҳақиқий / сохталик каби белгилар асосида берилади, аммо, Е.М.Вольфнинг фикрича, энг етакчи белги яхши / ёмон бўлиб қолаверади. Баҳо субъекти ва объекти ўртасидаги маълум кўринишдаги муносабатнинг ифодаси ҳар қандай баҳо тузилмаси мундарижасида асосий ўринни эгаллайди. Шунингдек, умумий баҳо белгилар умумлашмасида пайдо бўлади.

Инсон бажарадиган фаолиятлар турли соҳаларга оид ва шу боис, ушбу фаолиятлар ҳар хил баҳоланиши мумкин. Рус тилшуноси Н.Д. Арутюнова ўз тадқиқотларида фин мантиқшуноси Г.Х. Фон–Вригт илгари сурган назарий қарашларга суянади. Мантиқшунос баҳо турларини баҳо тузилмаси объектининг табиатини инобатга олган ҳолда ажратиш таклифини берган. У, биринчи навбатда, тавсия бериш мақсадида бериладиган инструментал баҳони (яхши пичоқ, яхши искович) фарқлайди. Бу турга кирувчи иборалар “фаоллашганида ҳукмнинг ҳақиқийлигини таъминловчи фактлар қаторига киради” [1, 12]. Инструментал баҳо мазкур объектнинг бошқа шу мақсадда қўлланиладиган объектлардан устунлигини кўрсатади.

Г.Ф. Вригт “утилитар баҳо” (амалий баҳо) деб атаётган турга объектнинг бирор бир мақсадга эришишда фойдалигини англатувчи баҳо иборалари киради. Бунда баҳо фойдали, зарарли, беҳуда каби хусусият–белгиларни акс эттиради. Ниҳоят, тиббиёт баҳо гуруҳи алоҳида

ажратилиб, унда инсон ва бошқа мавжудотларнинг жисмоний органлари, руҳий-ментал қобилияти (зўр хотира) кабилар тавсифланади.

Фин мантиқшуносига эргашган Н.Д.Арутюнова баҳони мантиқий категориялар қаторига қўшади ва тил бирликларининг умумий ҳамда хусусий баҳо маъносига эга бўлишига қайд этади. Умумий баҳода объектнинг алоҳида бир жиҳати ажратиб кўрсатилса, хусусий баҳо кўламида эса объектлар таснифий белгилари олд ўринга чиқади.

Билиш фаолиятини онтологик воқелик билан боғловчи баҳонинг лингвофалсафий талқинидан фарқли равишда, коммуникатив–прагматик йўналишда баҳо адресатга таъсир ўтказувчи восита сифатида таърифланади. Шунга ўхшаш фикрни психолингвистик ёндашув вакиллари ҳам билдирадилар. Машҳур руҳшунос А.Н.Леоньтев баҳо инсон эҳтиёжи ва мотивга боғлиқ ҳолда юзага келишини қайд этади. Баҳолаш прагматик омиллар иштирокини талаб этадиган муҳим когнитив механизмдир [8, 48-49]. Коммуникатив– прагматик ёндашувда турли коммуникатив стратегиялар қўлланишини назарда тутувчи баҳо лексикасининг таҳлилига катта эътибор берилади. Баҳо ҳодисасининг ўрганилиши айниқса коммуникантларнинг ҳатти–ҳаракатлар режаси яққол намоён бўладиган шахслараро мулоқотга доир муаммолар тадқиқи учун ўта муҳимдир.

Мулоқот муҳитида мурожаат қилинадиган стратегиялар сўзловчининг маълум мақсадни амалга ошириш учун танлайдиган қарорлари, нутқий ҳаракаталари ва лисоний воситаларда фойдаланишидан иборат [6].

Мулоқотга кирувчи шахс воқелик ҳодисаларини ижобий баҳолаш орқали мулоқотнинг ўзаро ишонч, дўстона яқинлик руҳида кечишига замин яратади. Суҳбатдошлар инсоннинг ботиний ҳислатларини намоён этгувчи ҳиссиётлар, ҳаракатларни изҳор этиш орқали ўзаро яқинлашадилар. Баъзи тадқиқотчиларнинг фикрича, стратегия тушунчаси ўзаро ҳамкорлик (кооперация)дан кўра кўпроқ мақсадга эришишни назарда тутади. Бу эса, адресатга таъсир кўрсатишнинг самараси, унинг олам ҳақидаги тасаввурини сўзловчи истаётган манзарага ўтказишдан иборатдир [6].

Шундай қилиб, баҳо айниқса ижобий баҳо, инсон ҳатти ҳаракатларини измга солувчи ва назорат қилиб турувчи ҳодисадир. Ижобий баҳодан ҳамсуҳбатни диалогга ундаш, бир–бирини англашга шароит яратиш учун фойдаланишдан ташқари, баъзан уни маълум ҳаракат, вазифани бажаришга мажбурлайди ҳам [13; 7].

Ижобий баҳо мазмунидаги нутқий актлар кўпроқ диалогик нутқда учрайди. Зеро, диалог таркибидаги нутқий акт икки томонлама йўналишга эга бўлади: биринчи йўналишда нутқий акт воситасида маълум шахсга мурожаат қилинса, иккинчисида–у олдинги контекстга, нутқий ҳаракатга, саволга жавоб вазифасини бажаради [21]. Диалог назариясининг долзарб вазифаларидан бири унинг таркибидаги репликаларнинг ўзаро боғланиши, муносабатларини ўрганишдир. Диалогик бирлик, одатда, “стимул-реакция” муносабатидаги иккита реплика–нутқий ҳаракат бирикишидан иборат тузилма сифатида қаралади. Ушбу репликалардан биринчисини стркутур–семантик ва функционал жиҳатдан мустақил нутқий акт деб қаралса, иккинчисига эса барча жиҳатлардан аввалгисига тобелик мақоми берилади. Диалог нутқий актларнинг оддий ёки фавқулодда бирикувидан ташкил топмасдан, балки уларнинг ахборот ифодаси кўламидаги ўзаро мослашуви, синтактик–семантик ҳамда функционал муқобиллашувини тақозо этувчи тузилмадир. Жавоб репликасининг ўз антецеденти билан функционал–семантик боғлиқлиги, масалан, унинг ижобий жавоб вазифасини бажаришида кўринади: Margaret: Laurie. Would you ring down for some more Perrier’s? Laurie: OK darling (J. Osborne).

Баҳо маъноси яққол намоён бўладиган диалог тузилмалардан бири коммуникатлардан бирига мулозамат билдириладиган комплимент нутқий акти етакчилик қиладиган диалогдир. Маълумки, мақтов акти ижобий баҳони турли кўриниш ва даражаларда ифодалашнинг энг қулай воситалардандир [18;17].

Мақтовли мулозамат мулоқот воқелиги “комплимент унга жавоб” лисоний тузилмасида акс топади. Бунда комплимент стратегияси сўзловчи томонидан бажарилади ва ушбу коммуникатив стратегия турли вариантларда лисоний кўриниш олади ҳамда бошқа

турдаги коммуникатив стратегиялар билан алоқага киришади. Шу билан биргаликда, у турли ижтимоий вазиятларда, расмий ҳамда кундалик маиший дискурсларда бир хилда фаоллашади. Комплимент нутқий актлари яхлит бир функционал–семантик майдонни ташкил қилиб, унинг марказида одамларни мақташ ҳаракати туради. Ундан кейинги доиралардан инсон билан боғлиқ объектларга нисбатан мақтов актлари жой олади. Бундан ташқари, комплиментнинг ошкора ва тагмаъноли имплицит ифодаланиш турлари мавжуд. Тагмаъноли комплимент муносабатлари уйғунлаштиришга йўналтирилган мулоқот тактикасига бўйсунади [19].

Комплимент, энг аввало, суҳбатдошга эҳтиром кўрсатиш ҳаракатидир ва ушбу ҳаракат бажарилишида ўзаро яқинлашув стратегияси кўзланади. Мазкур ҳаракатни прагмалингвистлар “ижобий ҳурмат стратегияси” деб атайдилар [19]. Суҳбатдош билан боғлиқ ҳар қандай нарсага юқори баҳо бериш унга ҳузур бағишлаш мақсадини кўзлайди. Айни пайтда, ушбу нутқий актга бўлган эҳтиёж турли лисоний маданиятларда бир хил эмас [14; 20].


Диалогик мулоқот муҳитида комплимент икки вазифани бажаради ва улардан биринчиси баҳо объектидан ғурурланиш (бунда мўлжал–сўзловчи) бўлса, иккинчиси ахборотнинг суҳбатдошга ёқимли бўлишини таъминлашдир (мўлжал - тингловчи). Тингловчи комплиментни қабул қилиш билан бир пайтда, камтарлик кўрсатишга зарурат сезади, акс ҳолда обрўни йўқотиш хавфи йўқ эмас. Шу сабаб бўлса керак-ки, П. Браун ва С.Левинсон комплиментни “face–threatening acts”, яъни обрўга таъсир қилувчи нутқий актлар гуруҳига қўшишни маъқул кўради [13]. Чунки комплимент нутқий акти “суҳбатдошлар ўртасидаги тенгликни йўқотади” [4, 28].

Е.М. Вольфнинг ушбу фикри психологлар таклиф қилишган “эмоционал силаш” тушунчасига мос келади. Э.Берн “эмоционал силаш” терминини суҳбатдошнинг мавжудлигини қайд этиш ҳаракатига нисбатан қўллайди.

Унинг талқинича, одамлар бундай эҳтирофга эҳтиёж (recognition - hunger) сезади ва бу эътироф лисоний ёки нолисоний кўринишда воқеланиши мумкин. Демак, сўзловчи комплимент нутқий актини бажараётиб, тингловчини “эмоционал силаб–сийпаб қўяди” ва ундан бунга жавоб кутади. Тингловчи ҳам, ўз навбатида, бундай эмоционал таъсирга жавоб қайтариш лозимлигини ҳис этади. Жавоб берилмаган тақдирда эса орага совуқлик тушгандай бўлади [4, 11].

“Комплимент ва унга жавоб” вазияти моделини икки босқичга тақсимлаган ҳолда тавсифлаш керак бўлади. Бу босқичларнинг ҳар бирида суҳбатдошларнинг ижтимоий мавқеси, мақсади бир хил бўлмаслиги туфайли самара ҳам бир хил бўла олмайди. Мазкур модел доирасида ҳосил бўладиган нутқий актларни биз таҳлил учун танлаб олишни режалаштирганмиз. Диалог кечиши давомида сўзловчи (А) ва тингловчининг (В) коммуникатив мақоми алмашиб туради. Коммуникантлар мақомини белгилашда бир нечта кўрсаткичларга асосланилади (масалан, вертикал кесимда етакчилик ва ижтимоий мавқе фарқланади, горизонтал кесимда суҳбатдошларнинг шахсий муносабатлари эътиборга олинади). Сўзловчи (А) бир пайтнинг ўзида иккита мақсадни; яъни тингловчига ҳузур бағишлаш тактик мақсад бўлса, яхши муносабат ўрнатиш–стратегик мақсаддир. Мулоқотнинг самараси баҳо бериш орқали тингловчига ижобий таъсир кўрсатиш билан белгиланади. Комплиментга жавоб бериш мулоқотнинг иккинчи босқичидир. Бунда мулоқот қатнашчилари, шартлари ўзгармасдан қолса-да, лекин мақсад бошқа кўриниш олиб, тингловчи (В) унинг субъектига айланади. Айтилган ҳолатни қуйидаги чизмада тасвирлаш мумкин (Чизма - 1).

Сўзловчи ва тингловчи муносабати. Чизма 1.



Келтирилган чизмада кўринадики, ҳар иккала мулоқотдош ҳам нутқий актларини бажаришга интилади. Биринчи босқичда А билан мулоқот ўрнатиш учун ёқимли ҳаракатни бажариш мақсадини кўзлайди. Иккинчи босқичда бажариладиган В нинг баҳо нутқий актининг мақсади ўша ижобий муносабатни сақлаб қолишдир. Худди шу жавоб актида баҳонинг янгича кўриниш олиши, баъзан, ҳатто, таъкидланиши кузатилади. Бунда, албатта, референт вазиятга нисбатан аввал билдирилган баҳо маълум ўзгаришларга учрайди. Баҳонинг ўзгариш когнитив жиҳатдан когнитив интеграция [16] ҳодисасининг ҳаракатга келиши, яъни воқеа–ҳодисалар ҳақидаги ижобий образнинг бошқача тасвирда намоён бўлиши билан боғлиқ.

Комплиментга бу турда бериладиган жавоблар коммуникатив стратегиялари турлича ва улардан энг асосийлари комплиментни тўлиқ қабул қилиш, уни қисман қабул қилиш ёки умуман инкор этишдир. Н.Н.Герасимов рус тилидаги комплиментларга берилиши мумкин бўлган жавобларин 13 гуруҳга ажратади [4].

1) комплиментни кучайтириш;
2) унга розилик билдириш;
3) жавоб комплименти;
4) миннатдорчилик;
5) хурсандчилигини ёки ҳузурланганини маълум қилиш;
6) изоҳли жавоб;
7) илтифотдан мамнунлигини кўрсатиш;
8) қайта сўраш йўли билан аниқлаштириш;
9) муваффақиятли сабабини кўрсатиш;
10) мақтов даражасини пасайтириш;
11) мақтовнинг адресатини аниқлаштириш;
12) ўзида мавжуд бўлган камчиликларни эслатиш;
13) комплиментни қатъиян рад этиш;

Р.Герберт инглиз тилидаги комплиментга жавобларни 11 та турга тақсимлайди [18]:

1) изоҳ бериш орқали комплиментни тасдиқлаш;
2) қабул қилиш;
3) адресатни аниқлаштириш;
4) комплиментни қайтариш (такрорлаш);
5) истеҳзоли жавоб;
6) баҳони пасайтириш;
7) савол қўйиш;
8) эътироз билдириш;
9) ён бериш;
10) қабул қилмаслик;
11) жавоб бермасдан, бошқа мавзуга кўчиш.

Санаб ўтилган гуруҳлардаги жавоб репликалари баҳо даражасига қандайдир ўзгартиришлар киритилавермайди, жумладан, ризолик, савол, рад қилиш аломатлари пайдо бўлганида баҳо ўзгармасдан қолади ёки умуман сийқалашади. Шу боис, ҳар қандай суҳбат диалогдан иборат бўлавемайди. Диалог маълум мақсадга эришиш йўлидаги дискурсив фаолият натижасидир ва унинг кечиши жараёнида мулоқотдошларнинг ҳар бири ўз вазифасини бажаради ҳамда “лисоний ўйиннинг қоидаларига биноан ҳаракат қилади” [3].

Комплиментга жавоб мулоқотнинг олдинги босқичида шаклланган ментал майдоннинг қайта тузилишига олиб келади. Бундай когнитив ўзгариш ҳатто иккита ҳар хил баҳо майдонини юзага келтириши мумкин. Бундай ҳолатларни кузатиш учун биз психолингвистика ва социолингвистика йўналишларида синовдан ўтган эксперимент–тажриба усулига мурожаат қилишни лозим топдик. Бу хилдаги тажриба–синовининг ўтказилишида коммуникация иштирокчиларининг ёши, этник келиб чиқиши, ижтимоий роли, жинси, маълумоти каби социомаданий кўрсаткичлар инобатга олинади [9, 143; 12, 103].

Ўтказилган тажриба–синовининг натижаларини баён қилишдан олдин унинг баъзи жиҳатларига тўхталиб ўтмоқчимиз. Энг аввало, эътироф этишимиз лозимки, ҳарқандай

тажриба синови пайтида унинг қатнашчилари тадқиқотчи қўяётган шарт–шароитга амал қилишга мажбурдирлар. Синов энг объектив тадқиқот методларидан бўлиб қолиши мумкинлигини ҳам ёддан чиқармаслик керак. Тажриба ўтказилишида реал мулоқот вазиятлари сунъий равишда қайта яратилади ҳамда унинг иштирокчилари бўлган респондентлар инсон ва олам муносабатини акс эттирувчи табиий шароитдан ажралиб қолади. Натижада, тадқиқотчи табиий нутқ фаолиятидан кўра кўпроқ унинг хаёлдаги тасвирини таҳлил қилади.

Шунинг билан биргаликда. Т. ван Дейк изоҳлаганидек, сўзловчи шахслар хотирасида стереотип нутқий ҳодисаларнинг ментал қолиплари сақланади ва уларда турли кўринишдаги билимлар (ижтимоий, прагматик, этномаданий, олам манзарасига ва тил тизимига оид) ўзаро муносабатлар акс топади [15]. Шунга биноан, стереотип коммуникатив вазиятни, бошқача айтганда, контекстни шакллантириш ҳамда умумий ижтимоий–маданий хусусиятга эга бўлган респондентлар учун тушунарли нутқий тузилмаларни саволномаларга киритиш асосида адекват жавобларни олиш мумкин деб ҳисоблаймиз. Биз тажриба объекти сифатида шундай стереотип коммуникатив вазиятлар намунаси бўлган “комплимент + жавоб” диалогик тузилмасини танладик.

Олиб борилган тажриба–синов тадқиқида Самарқанд шаҳридаги олий ўқув– юртларида фаолият кўрсатаётган профессор–ўқитувчилар ва уларнинг оила аъзолари, шунингдек талабалар иштирок этишди (жами–100 киши). Инглиз лингвомаданияти доирасидаги тажриба–синови Буюк Британия Астон университети жамоаси кўмагида ўтказилиб, унда 80 киши иштирок этди. Респондентларнинг ёши 20 дан 70 гача бўлиб, улар иккала жинсга ҳам мансубдирлар.

Тажриба жараёнида биз ўзбек ва инглиз тилларида битирган ва тугалланган қисқа диалоглардан иборат сўровномалардан фойдаландик. Респондентлардан комплимент нутқий актига жавоб бериш сўралди. Диалогларни тузиш ва улардаги жавоб репликалари таҳлилида мулоқотнинг ижтимоий, ёш, жинс ва бошқа кўрсаткичлари эътиборга олинди.

Тажриба–синови жами 11 та вазиятни қамраб олиб, улардан еттитаси расмий мулоқот соҳасига оид (жадваллардаги 1, 2, 4, 6, 7, 8, 9 вазиятлар) ва бунда мулоқот асосан иш жойида, университетда кечади ҳамда респондент комплиментни устозидан ёки аксинча, устоз шогирдидан эшитади. Шулардан бешта вазиятда респондент комплимент адресатидан ёш жиҳатидан кичик ва ижтимоий мавқеси паст, қолган иккита вазиятда ёши тобе шахсга мулозамат кўрсатмоқда (4 ва 8 вазиятлар). Жавоблар таҳлили кўрсатишича, респондентнинг сўзловчига муносабати ижобий баҳога эга (N 1, 2, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 11), фақат иккита ҳолатда ушбу муносабат салбий баҳога лойиқлиги маълум бўлди: Саккиз вазиятдан олтитасида (1, 2, 3, 4, 5) комплимент соҳиби–аёл бўлса, қолган бештасида бу ролни эркак киши бажаради (6, 7, 8, 9, 10, 11). Ўтказилган тажриба тадқиқотида А сўзловчининг баҳо тактикаси ва стратегияси олдиндан маълум, тингловчи (В) нинг ҳаракат стратегияси ва уни амалга ошириш тактикаси тажриба жараёнида намоён бўлади.

Қуйида расмий мулоқот вазиятларида комплимент нутқий актига билдирилган жавобларни прагматик ва социолингвистик хусусиятларини таҳлил қилиб кўрамиз. Бундай вазиятларда диалог бошлиқ ва унга тобе шахс ёки устоз ва шогирд ўртасида кечади (1, 2, 4, 6, 7, 8, 9). Олинган жавоблар юқорида эслатилган Р.Герберт таснифида қайд этилган 11 та гуруҳга тақсимланади [18] (қаранг: 1 ва 2 жадваллар).

Жадвал 1.

Ўзбек тили соҳибларининг комплиментга жавоби

Вазиятлар	Ризолик	Асослаш	Адресатни ўзгартириш	Қайтариш	Кучайтириш	Қабул қилмаслик	Сусайтириш	Савол	Эътироз	Ён бериш	Мавзуни ўзгартириш

1	100	38	12	32							
2	85	17	51	39	13			23			
3				16			17				13
4	22			91							15
5	62	9			92		19	49			25
6	9	10	16	37							18
7	93	35	79	39			22		15	25	8
8	67	8	6	23	43				11	13	
9	29	24		10			24	7		26	34
10	69	12			22	19	15	12	9		15
11	41	9			14			62			13

Жадвал 2.

Инглиз тили соҳибларининг комплиментга жавоби

Вазиятлар	Ризолик	Асослаш	Адресатни ўзгартириш	Қайтариш	Кучайтириш	Қабул қилмаслик	Сусайтириш	Савол	Эътироз	Ён бериш	Мавзуни ўзгартириш
1	72	10		56							
2	64	47	67					11			
3						13	16				71
4	27	12		68						19	10
5	61	14	10		38	19	21	15		20	
6	70	20		36						11	
7	64	66		32	1	14	15		18	13	
8	66	33		21	19			55	17	37	49
9	57		34	39	18	10	16				39
10	72		17	29	62			38		31	17
11											

Иккита жадвал қиёсидан маълум бўлишича, ўзбек ва инглиз тили соҳиблари кўпчилик вазиятларда бир хил жавобларни тақдим этдилар. Бу албатта, прагмалингвистларнинг шахслараро мулоқот муҳитларида универсал тамойиллар устуворлик қилиши ҳақидаги хулосаларини исботлайди [13].

Саволномада тасвирланган 1 ва 2 вазиятларда расмий мулоқот шароитида баҳо объекти тингловчининг ташқи кўриниши, унинг бажараётган ҳаракати, иши кабилар бўлса, баҳо асоси вазифасини равиш ва сифат бирликлари бажаради. Масалан:

That’s fantastic. You did an excellent job;

You are so very, very beautiful tonight;

You daughter is a genius. She is absolutely fantastic.

Қандай нозик, атирингиз янгими?

Ажойиб суҳбат бўлди, эртага давом эттирамизми?

Жуда меҳрибонсиз, хоним!

Тажриба–синов қатнашчиларининг кўпчилиги бу турдаги мақтовларни ижобий қабул қилишиб, берилаётган баҳога миннатдорчилик билдиришди. Бироқ бундай вазиятда ўзбеклар мақтовга мақтов билан жавоб беришни инглизларга қараганда бироз кўпроқ маъқул кўрадилар. Бундай ҳолатда коммуникатив вазият структурасида ўзига хос ўзгариш юз беради: баҳо объекти субъект билан ўрин алмашади. Масалан: Ажойиб маъруза қилдингиз! Сизни чиқишингиз ҳам зўр бўлди!

Шунингдек, қайта комплимент тактикасидан аёлларнинг нисбатан кўпроқ фойдаланиши аниқ бўлди (аёллар нутқидаги кўрсаткич 52% бўлса, эркакларникида–41 % ни ташкил қилади).

Тўртинчи рақамли расмий мулоқот вазиятида тингловчи (В) сўзловчи (А)га нисбатан юқорироқ мавқега эга, ёши ҳам катта бўлганида баҳо объекти тингловчининг ўзи (В) бўлади, баҳо белгиси эса–кучайтирувчи бўлакка эга предикатив бирикмадир: I am really grateful to you–Сиздан жуда миннатдорман; You've done me a great favour–Сиз менга жуда катта ёрдам бердингиз; I'm very much obliged to you–Сиздан жуда миннатдорман; You have been most helpful–Сиз менга жуда катта ёрдам кўрсатдингиз.

Ушбу вазиятда ўзбек ва инглиз респондентлари қарийб бир хил жавоб қайтардилар, аммо бу ҳолатда ўзбек миллати вакиллари комплимент шаклида жавоб қайтаришга камроқ мойиллик кўрсатди (нисбат–58 % ва 68 %): Сизга мен раҳмат айтишим керак! – it is I should thank you; - It was pleasure; Қўйинг, ҳечким йўқ. Фойдам текканидан хурсандман! – Oh, it's nothing. I was happy to oblige you.

Кейинги олтинчи вазиятда респондент бошлиқнинг комплиментига жавоб бермоқда. Бошлиқ аёл жинсига мансуб, ёши респондентникидан катта ва бу ерда баҳо объекти–тингловчининг ташқи кўриниши: You liik very smart in this smit– Костюм сизга ярашибди; What a nice dress! – Бунча чиройли кўйлак экан! You are looking gorgeous – Кўринишингизга гап йўқ! Your new hairdo is not body- Соч турмагингиз менга жуда ёқди

Ушбу вазиятда ҳам респондентлар маъқул кўришди (уларнинг асосий қисмини хотин–қизлар ташкил қилди): You suit shows you to great advantage–Сиз ҳам шу костюмда ўзгача кўринасиз; The hat is very pretty on you–Шляпа жуда ярашибди; You are the best of the best–Тенги йўқ инсонсиз; You are a beautiful women–Сиз жуда гўзал аёлсиз.

Шунга ўхшаш вазиятни 7- рақамли диалог кечишида кузатиш мумкин. Бунда аёл–бошлиқ респондентнинг турли хислатларини мақтайди. Бу вазиятда баҳолаш амали асосан сифат сўз туркумига кирувчи бирликлар воситасида бажарилади: You have a good voice–Овозингиз ёқимли экан; A smile becomes you–Табассумингиз ўзингизга ярашар экан; You're a first class dancer–Рақс тушишни қойил қилар экансиз: You are sharp–witted–Сиз ўткир ақл соҳибисиз.

Мазкур турдаги комплиментларга жавоб беришда ўзбек респондентларидан 20 % га яқини ён бериш, бўйсуниш тактикасидан фойдаланган бўлсалар, инглизларда бу кўрсаткич анча паст (7 %). Қиёсланг:

Қойил! Машина бошқаришни боплар! – Қанийди, машинани сиз каби яхши бошқаришни билсам!

Сиз кишини лол қолдирган даражада мафтунсиз! – Буни сиз томондан илтифот деб қабул қиламан.

Сен ажойиб ва зўр қизсан! – Эшитганимдан хурсандман!

Кейинги вазиятда (№ 8) респондент ёш ва мавқеси паст аёл мақтов субъекти, баҳо объекти–тингловчи (В) бажарган фаолият натижаси:

What a careful work; - Жуда эҳтиёткорлик билан бажарибди; I can tell you worked really hard on that – Кўриниб турибди, жуда қаттиқ ишлабсиз; Good job! Way to go–Зўр иш бўлиди! Боплабсиз! Tha's incredible–Ақл бовар қилмайди.

Бу вазиятда инглиз аёллари комплимент даражасини оширишга кўпроқ жазм қилдилар (инглизларда ушбу тактикадан фойдаланиш миқдори 31 %, ўзбекларда– 13%). Шунингдек, лисоний маданиятларнинг ҳар икковида ҳам юмор стратегияси фаоллашадиган ҳолатлар учрайди: Better luck next time: Кейинги сафар албатта омад кулиб боқади; I couldn't have asked for a better women–Мен бундан яхши аёлни топа олмасдим ҳам; You are absolutely, astoningly gorgeous and that's the least interesting thing about you–Сиз кишини лол қолдирадиган даражада мафтункорсиз. Бу сиз ҳақингиздаги фикрларнинг энг камтаронаси.

Ниҳоят, тўққизинчи вазиятда респондент мулозамат мақтовни бевосита изҳор этади. Билдирилаётган комплимент кайфиятга боғлиқ. Масалан:

You look quite stunning;

You're absolutely fantastic;

You're a dream come true;

You are very gifted with your hands;

Қўлингиз ширин экан. Овқат жуда ажойиб бўлибди;

Гўзаллигингиз кўзни қамаштиради;

Сиз билан суҳбатлашиш мароқли.

Мазкур вазиятда ўзбек респондентларидан фақат 6 фоизи комплиментга комплимент билан жавоб берган бўлса, инглизларда бу кўрсаткич анча юқори– 33%. Қизиғи, ушбу вазиятда 21 % инглиз респондентлари кўрсатилган эҳтиромни инкор этишди, ўзбеклар эса бундай имкониятдан фойдаланишга умуман ҳаракат қилмадилар (0%). Шунингдек, камтарлик кўрсатиш ва мақтов даражасини сусайтириш тактикасини қўллаш ҳам кам миқдорда татбиқ этилди (ўзбекларда–15 % ва инглизларда–11%). Қиёсланг: Thank you compliment–Мақтов учун раҳмат; You flatter me–Ошириб юбордингиз; If only it were not a mere compliment– Қанийди бу ҳақиқат бўлиб қолса;

The same goes for you–Булар сизга ҳам тегишли;

The same can be said about you–Сиз ҳақингизда ҳам шу гапларни айтиш мумкин.

Умуман, респондентларнинг мавқеси, ёши, жинсидаги фарқларга қарамасдан, уларнинг жавобларида энг кўп қўлланган тактика комплиментга жавоб қайтариш эканлиги маълум бўлди. Иккала миллат аёллари қарийб бир хилда ён босиш ёки мақтовни юмшатиш тактикаларига мурожаат қилдилар. Эркаклар нутқида эса бу ҳолат кам учради. Респондентнинг шахсий хислатларига хос комплиментларда баҳо даражаси ўзгариб турган бўлса, бажарилган иш, фаолиятга нисбатан айтилаётган мақтовларда бу кўрсаткич унчалик сезиларли эмас.

Комплиментга билдирилган жавобларнинг прагматик хусусиятлари билан бир қаторда, биз ушбу ҳодисанинг лисоний–когнитив жиҳатларини ҳам ўрганишга ҳаракат қилди. Нутқий актларнинг бу кесимда ўрганилишида инглиз ва ўзбек тиллари соҳибларининг комплиментли нутқи актлар ифодасидаги ўхшаш ва фарқли томонларини аниқлаш мумкин бўлса, когнитив таҳлил эса баҳо концептлари фаоллашувини таъминловчи универсал омиллар ва жараёнларни тавсифлашга имкон беради.


Жумладан, “комплимент” коммуникатив вазиятда ижобий баҳо ўзгаришининг икки тури инглиз ва ўзбек тилларида бир хилда воқеланишини кузатдик. Биринчи турдагисида сўзловчи (А)нинг нутқий акти асосида ётган ментал майдон қайта ташкил топади. Иккинчиси эса жавоб бериш жараёнида янги ментал майдон шаклланадиган ҳолатларни ўз ичига олади.

Биринчи турдаги ментал майдон ўзгаришини қуйидаги мисол орқали изоҳлашга ҳаракат қиламиз:

Сизнинг раҳбарлигингизда магистрлик диссертациясини ёзаётган Шоҳида имсли қиз янгидан нашрдан чиққан китобингизнинг муқовасини кўриб, “ажойиб муқовани танлабсиз! Ранги оқ қарағай суратига жуда ҳам мос тушган!” дейди. Жавоб: “Ташаккур! Ўқиб кўринг! Ўйлайманки, китобнинг мундарижаси ҳам сизга ёқади!”. Бу ерда В (устоз), баҳони янада кучайтириш йўли билан КИТОБ ментал майдонини, унга янги ижобий хусусиятларни қўшиш орқали, қайта тузмоқда. Чунки нутқий актдан “Китобни фақат муқоваси чиройли, бўлмасдан, балки мундарижаси ҳам мазмундор” маъноси англашинилмоқда.

Ментал майдондаги бундай ўзгаришлар қуйидаги чизмада акс топади (чизма -2):

Чизма 2. Ментал майдондаги ўзгаришлар тасвири




Иккинчи гуруҳга В ижобий баҳога жавоб бераётиб, янги ментал майдонни шакллантириш билан боғлиқ ҳолатларни киритдик. Бунда, албатта, баҳо объекти ўзгаради. Қуйидаги вазиятни изоҳлаймиз:

Конференциядаги чиқишингизни эшитган илмий раҳбарингиз профессор N олдингизга келиб сизни мақтамоқда: “Баракалло! Жуда ҳам қизиқ мавзуда чиройли маъруза қилдингиз!” Жавоб: “Сизга раҳмат, устоз! Лекин сизсиз менга бунга йўл бўлсин эди! Катта раҳмат!”.

Инглиз тилидаги жавоб: Thank you! I am convinced your experience will help me to achieve success.

Мазкур жараённи қуйидагича тасвирлаш мумкин (чизма - 3):

Чизма 3. Иккинчи турдаги вазиятда ментал майдондаги ўзгаришлар.



Ҳар бир турдаги ментал майдонларда ўзига хос нутқий ҳаракат тактикаси ва лисон воситалар қўлланилади. Масалан, комплиментни қайтариш стратегияси фаоллашувида янги ментал майдон шаклланишида феъл+равиш бирикмалари ёки баҳо сифатларининг ишлатилиши кузатилади. Масалан: Сиз аёллар билан муомила қилишни жуда яхши биласиз: Сиз жуда ёш кўринасиз; Сизни ҳеч қачон бунчалик бахтиёр кўрмаганман; I have never seen you looking so bright; You look completely wonderful in that outfit, darling; How thoughtful of you.

Баҳо кўрсаткичи пасаётганида ёки ментал майдонда янги хусусиятлар акс топаётганида “э йўқ”, “ундай эмас”, “бундай бўлиши мумкин эмас” каби тузилмалар диалог таркибидан жой олади. Бу, ўз навбатида, комплиментни сусайтириш ёки бутунлай йўққа чиқариш стратегиясини воқелантиради. Объект референцияси баҳо даражаланиши бўйлаб юқорилашганида ва ижобий баҳога янги хусусиятлар бириктирилганида яна ўша феъл, сифат, равиш бирликлари ва баҳо конструкциялари қўлланилади. Қиёсланг:

That’s better than ever! – Ҳаммасидан ҳам аъло!

Harrah for you. Bravo! – Сизга олқишлар бўлсин! Қойил!

Keep up the good work! – Шундай давом этаверинг!

I’m glad you like it – Сизга бу ёққанидан хурсандман!

Thankfully it never happened again – Минг шукурки, бу бошқа қайтарилмади;

I can never thank you enough – Сизга қандай қилиб миннтатдолрчилик изҳор қилишни билмаяпман;

Thank you so much for taking the trouble to read my article – Менинг мақоламни ўқиб чиққанингиз учун сиздан жуда миннатдорман.

Ўтказилган тажриба–синови натижалари таҳлил қилинган коммуникатив вазиятларда мақтов изҳорида баҳо даражасининг ўзгариши тез–тез содир бўлиб турадиган ҳолатдир. Бунинг сабаби комплимент адресатининг иккита бир–бирига қарма–қарши мақсадни мўлжаллаши билан боғлиқ. Зеро у мақтовни ёки қабул қилиши керак ёки ҳурматни йўқотмаслик учун ўзини камтар қилиб кўрсатиши лозим. Комплимент нутқий актларининг прагматик, когнитив ва социолингвистик таҳлили ўзбек ва инглиз тилларида ижобий баҳо ифодаланишининг изоморф ва алламорф жиҳатларини аниқлашга имкон берди.

Инглиз ва ўзбек респондентларининг жавобларидан маълум бўлишича, ушбу лингвомаданиятларда комплимент нутқий актлари воқеланишида қуйидаги фарқлар мавжуд:

- ўзбеклар фатик мулоқот вазиятлардаги ҳатти–ҳаракатлари меъёрларга қаътий амал қилади ва бу камтарлик намунаси сифатида намоён бўлади;
- ўзбек миллати вакиллар қўллаётган комплимент–мақтов тузилмаларининг экспрессивлик даражаси юқори эмас;
- ўзбеклар ҳар қандай мақтов, гиперболаларга ишонавермайди, уларга эҳтиётқорлик билан ёндашиб, камтарлик, ишончлиликни маъқул кўради;
- эмоционал баҳо тузилмаларидан фойдаланаётган ўзбеклар шахсий ҳиссиётларини ифодалашдан кўра воқеа–ҳодисаларга муносабат билдиришни кўпроқ маъқул кўради;
- эмоционал баҳо репликалари, хушомад, эҳтиром мазмунидаги тузилмалар инглизлар нутқида ўзбекларникига қараганда кўпроқ учрайди;
- ушбу мазмундаги репликалар инглизлар нутқида суҳбатдошни эмоционал қўллаб–қувватлаш вазифасини бажаради;
- гиперболали баҳо инглиз миллати вакиллари коммуникатив фаолиятининг анъанавий хусусиятидир.

Буларнинг барчаси инглиз ва ўзбек лисоний маданиятларида умумий ва идиоэтник хусусиятлар уйғунлигида кечишидан дарак беради. Бунинг билан диалогик риторикада фақатгина “лисоний омиллар мавжуд бўлмасдан, балки у орқали миллий–маданий хусусиятлар ҳам ифодаланиши” [10, 99] тўғрисидаги фикрнинг ўринли эканлиги ўз тасдиғини топади.

Адабиётлар:

1. Арутюнова Н.Д. Типы языковых значений. Оценка. Событие. Факт. – М.: Наука, 1988. – 339 с.
2. Берн Э.Игры, в которые играют люди. Психология человеческих взаимоотношений. – М.: Фан-пресс, 2000-480 с.
3. Витгенштейн Л. Философские исследования // Новое в зарубежной лингвистике. – Вып. XVI. – М.: Прогресс, 1985. – С. 79-128.
4. Вольф Е.М.Функциональная семантика оценки. – М.: Наука, 1985. – 228 с.
5. Ивин А.А. Философский энциклопедический словарь. – М.: Гардаринки, 2004. – 1072 с.
6. Иссерс О.С. Коммуникативные стратегии и тактики русской речи. ISBN978-5-382-00698-7. 1999, 2008. E-mail:URSS@URSS….
7. Ларина Т.В. Эмоциональность и эмотивность в коммуникации // Межкультурная коммуникация и перевод. – М., 2002. – С. 89-93.
8. Леонтьев А.Н. Деятельность. Сознание. Личность. – М.: Политиздат, 1977. – 304 с.
9. Рахимов Г.Х. Инглиз тили Ўзбекистонда: Социолингвистик ва прагматик кўрсаткичлар. Монография, Тошкент: Тамаддун, 2017
10. Самигова Х.Б. Инглиз ва ўзбек тилларида нутқий формулалар луғати. – Т.: Фан ва технология, 2016. – 136 б.
11. Самигова Х.Б.Нутқ маданиятининг риторик аспекти. – Т.: Фан ва технология, 2016. – 152 б.
12. Шомаҳмудова А.Ф. Билвосита нутқий актларни мулоқот матнида воқелантирувчи этнопрагматик омиллар (испан тили мисолида). Филол.фанлари бўйича фалсафа доктори.... дисс. – Самарқанд,. 2019. – 164 б.
13. Brown P., Levinson S. Politeness: Some Universals in Language Usage. – Cambridge: CUP, 1987. – 310 p.
14. Chen R. Responding to compliments: A contrastive study of politeness strategies between American and Chinese speakers // Journal of Pragmatics. 1993. Vol. 20. – P. 49-75.
15. Dijk T.A. van. Studies in Pragmatics of Discourse. – The Hague – Paris: Mouton, 1981. – 331 p.

16. Fauconnier. G. Mental Spaces (2 nd ed.) – Cambridge: CUP, 1994.
17. Herbert R.K. The Ethnography of English Compliments and Compliment Responses // Contrastive Pragmatics. – Amsterdam, 1988. – P. 3-36.
18. Herbert R.K., Straight H.S. Compliment Rejection and Compliment Avoidance // Language and Communication. 1989. Vol. 9. № 1. – P. 35. 48.
19. Holmes J. paying Compliments: a sex – referential positive Politeness strategy // Journal of Pragmatics, 1988. № 12. P. 185-205.
20. Lorenzo – Dus N. Compliment responses amongst British and Spanish University students: A contrastive study // Journal of Pragmatics. 2001. Vol. 33. – P. 107-127.
21. Swann J., Deumert A., Lillis Th., Mesthrie R. A Dictionary of Sociolinguistics. – Edinburgh: Edinburgh University Press, 2004. – 368 p.



Umarova Feruzabonu Bobir qizi
Samarqand davlat universiteti magistranti
Email: umarovaferuzka97@gamil.com
Ilmiy rahbar: Begmatova Dilnoza Muxtarovna

TARBIYACHILARNING KASBIY MADANIYATINI SHAKLLANTIRISHDA INNOVATSION PEDAGOGIK TEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANISH

https://doi.org/10.5281/zenodo.0000000

ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada maktabgacha ta'lim tashkiloti tarbiyachisining innovatsion madaniyatining asosiy strukturaviy komponentlari, pedagogning metodologik madaniyati, uning axborot madaniyati, innovatsion faoliyatini haqida so'z boradi. Pedagogik kasbiy amaliyotining motivatsion, intellektual va faoliyatli-amaliy soxalarini tavsiflashi, tarbiyachi o'z kasbiy faoliyati asosi va uni amalga oshirish darajasi sifatida innovatsiyalarning axamiyatini anglab yetishning ko'rsatkichi sanaladi. Innovatsion motivlar pedagogning bilimlar tizimini boyitishi, kasbiy faoliyatda pedagogik innovatsiyalarni tizimli amalga oshirish orqali o'z faoliyatini takomillashtirish extiyojida namoyon bo'lishi va innovatsion malakalarga gnostik malakalar, pedagogik loyixalash malakalari, axborot malakalari ega bo'lishi lozim.

Kalit so'zlar: ta'lim, tarbiya, bilim, innovatsiya, pedagog, ko'nikma, malaka, faoliyat.

Умарова Феруzабону Бобир кизи,
Магистр Самаркандский государственный университет
Email: umarovaferuzka97@gamil.com
Научный руководитель: Бегматова Дильноза Мухтаровна

ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ИННОВАЦИОННОЙ ПЕДАГОГИЧЕСКОЙ СИСТЕМЫ В РАЗВИТИИ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ КУЛЬТУРЫ ПЕДАГОГОВ

АННОТАЦИЯ

В статье рассматриваются основные структурные составляющие инновационной культуры воспитателя дошкольного образования, методическая культура педагога, его информационная культура, инновационная деятельность. Описание мотивационной, интеллектуальной и деятельностно-практической сфер педагогической профессиональной практики является показателем понимания педагогом важности новаторства как основы его профессиональной деятельности и уровня ее реализации. Инновационные мотивы должны отражаться в потребности учителя в обогащении системы знаний, в улучшении своей деятельности путем систематического внедрения педагогических новшеств в профессиональную деятельность, а также в обладании гностическими навыками, навыками педагогического проектирования, информационными навыками.

Ключевые слова: образование, воспитание, знания, инновации, педагог, умение, квалификация, деятельность.

Umarova Feruzabonu Bobir qizi,
Master of Samarkand State University
Email: umarovaferuzka97@gamil.com
Scientific adviser: Begmatova Dilnoza Mukhtarovna

USE OF INNOVATIVE PEDAGOGICAL TECHNOLOGIES IN THE FORMATION OF PROFESSIONAL CULTURE OF EDUCATORS

ANNOTATION

This article discusses the main structural components of the innovative culture of the educator of preschool education, the methodological culture of the teacher, his information culture, innovative activities. The description of the motivational, intellectual and activity-practical spheres of pedagogical professional practice is an indicator of the educator's understanding of the importance of innovations as the basis of his professional activity and the level of its implementation. Innovative motives should be reflected in the teacher's need to enrich the knowledge system, to improve their activities through the systematic implementation of pedagogical innovations in professional activities, and to have gnostic skills, pedagogical design skills, information skills.

Keywords: education, upbringing, knowledge, innovation, pedagogy, skill, qualification, activity.

KIRISH

Mamlakatimizda o’tgan davr mobaynida judayam ko’p islohatlar amalga oshirildi. Shu qatorda maktabgacha ta’lim tizimida ham ko’plab yangidan – yangi qarorlar ijro qilindi va amalda qo’llana boshlandi. Yosh avlodni sog’lom muhitda to’g’ri tarbiya qilish, sifatli ta’lim berish orqali samarali maktabgacha ta’lim tizimini tashkil qilish va shakllantrish asosiy maqsad qilib belgilangandir. Buning uchun har tomonlama mukammal, bilimli, va sifatli mutaxasislarrni zamonaviy ta’lim darsturiga mos ravishda o’qitish va bilim, ko’nikma, malakasini oshirish uchun keng ko’lamli ishlar olib borilmoqda. Shu qatorda Maktabgacha ta’lim sohasida xususiy – sherikchilik, oilaviy nodavlat va xususiy maktabgacha ta’lim tashkilotlari faoliyati yo’lga qo’yildi. Chekka qishloqlarni sifatli maktabgacha ta’lim bilan qamrob olish maqsada mobil avtobuslar harakati yo’lga qo’yila boshlandi.

Shu bilan bir qatorda maktabgacha ta’lim tashkilotlarini zamonaviy o‘quv-metodik materiallar va badiiy adabiyotlar bilan to‘ldirish, sohaga malakali pedagog va boshqaruv kadrlarini jalb qilish uchun keng ko’lamli ishlar olib borilmoqda. Maktabgacha ta’lim tizimini yanada takomillashtirish, bolalarning sifatli maktabgacha ta’limdan teng foydalanishini ta’minlash, maktabgacha ta’lim xizmatlarining nodavlat sektorini rivojlantirish maqsadida, shuningdek, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018 yil 30 sentyabrdagi “Maktabgacha ta’lim tizimini boshqarishni takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi PQ–3955-son qaroriri qabul qilindi.

ASOSIY QISM

Ta'limdagi innovatsion faoliyati o'ziga xos xususiyatlarga egadir. Birinchi xususiyat, innovatsion jarayon sub'ektlari bolalar, ota-onalar va o'qituvchilar. Agar bu e'tiborga olinmasa, unda pedagogik innovatsiya haqiqatan ham ta'limiy bo'lgan hamma narsani, innovatsion faoliyatning butun gumanistik tarkibiy qismini tashlab yuboradi. Pedagogik innovatsiyalarning ikkinchi ajralib turadigan xususiyati iloji boricha ko'proq pedagogik muammolarni muntazam ravishda yoritib berish zarurati. Pedagogik innovatsiyalar samaradorligini belgilovchi shart bu xususiy metodologiyaning muammolarini hal qilishda umumiy savollar beriladigan va mavjud didaktik tamoyillarni yangicha qayta ko'rib chiqishni boshlaydigan o'qituvchilarning tadqiqot faoliyatidir. Ta'lim sohasiga kelsak, innovatsiyalarni yangi mazmun, usul, o'quv jarayonini tashkil etish shakli yoki ta'lim sohasidagi ijtimoiy xizmatlarni ko'rsatishga yangi yondashuv shaklida, ota-onalarning haqiqiy iltimoslari asosida, ya'ni yangi innovatsiyalarning yakuniy natijasi deb hisoblash mumkin.

Innovatsion faoliyatni muvaffaqiyatli tashkil etish va amalga oshirish o'qituvchilar tarkibiga, ularning innovatsion g'oyadan xabardorligiga bog'liq, chunki innovatsion rejim sharoitida

o'qituvchining shaxsini o'zi belgilashning faol jarayoni mavjud bo'lib, maktabgacha tarbiya muassasasi xodimlari o'rtasidagi munosabatlar tabiatida o'zgarishlar mavjud. Bu jarayon uzoq davom etadi va o'z-o'zidan bunday bo'lmaydi.

Bugungi zamonaviy ta'lim tizimining asosiy unsurlaridan biri bu, shubxasiz, yangicha, ya'ni innovatsion pedagogik texnologiyalardir. Ushbu pedagogik texnologiyalar orqali dars, mashg'ulot jarayonlarining olib borilishi yoki tashkil etilishi o'quvchilarning va tarbiyalanuvchilarning ham, yangicha fikrlashlariga katta yo'l ochib berish uchun xizmat qiladi.

Tarbiyachi maktabgacha yoshidagi bolalarga tabiat, jamiyat hodisalari, kattalarning mehnati haqida boshlang'ich bilim va tushunchalar beradi, ularga madaniy axloq, o'z tengdoshlari va kattalar bilan madaniyatli manosabatda bo'lish odatlarini singdiradi, yaxshilik, haqiqatgo'ylik, adolat, jasurlik, kamtarinlik, kattalarga hurmat bilan qarash, tabiatga qiziqish, kuzatuvchanlik, o'simlik va hayvonlarga g'amxo'rlik bilan qarash, mehnatsevarlik, kattalarni mehnati natijalarini asrab-avaylash kabi axloqiy sifatlarni tarbiyalaydi.

Xalq san'ati, musiqa, ashula, adabiyot, tasviriy san'atni bilish, san'atga muhabbat tarbiyachini madaniyatli qiladi, bolalar bilan olib boradigan ishida yordam beradi. Pedagog kerakli bilim, malaka va ko'nikmalarni ma'lum bir izchillik bilan egallab borsagina bolalarni tarbiyalash va ularga ta'lim berish ishida yaxshi natijalarga erishadi. Tarbiyachi o'z kasbining mohir ustasi bo'lish uchun maxsus tayyorgarlik ko'rishi kerak.

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

Asrlar davomida o`qituvchi shaxsiga nisbatan alohida hurmat ko`rsatilib qolmasdan, o`z navbatida uning ma`naviy-axloqiy sifatlarga ega bo`lishi yuqori baholangan va unga yuksak talablar qo`yilgan. Ana shunday talablar mohiyati ilk yozma manbaa sanalauvchi "Avesto", Islom dinining muqaddas manbaalaridan biri bo`lgan "Hadis", shuningdek, ulug` mutafakkirlar – Abu Nasr Forobiy, Abu Rayhon Beruniy, Abu Ali ibn Sino, Muslihiddin Sa`diy, Abdurahmon Jomiy, Alisher Navoiy, Jaloliddin Davoniy, Abdulla Avloniy, Abdurauf Fitrat bva boshqalar tomonidan yaratilgan asarlar mazmunida ham o`z ifodasini topgan. Shaxs, uning kamoloti hamda ma`naviy-axloqiy qiyofasi borasida yaratilgan asarlarda ilgari surilgan qarashlar bevosita o`qituvchi sahxsi va uning qiyofasi mohiyatini ham yoritishga xizmat qiladi. Bu borada U.Mahkamov, O.Musurmonova, S.Nishonova, J.Tulenov, F.Shayxova, E.Yusupovlar tomonidan yaratilgan asarlar alohida ahamiyat kasb etadi. A.Aliyev, X.Abdukarimov, A.A.Verbitskiy, V.K.D`yachenko, B.R.Jo`rayeva, S.M.Markova, V.S.Merlin, L.M.Mitina, V.A.Slastenin, N.E.Kurkova, D.O.Himmatilliyev va boshqalarning ishlarida uzluksiz pedagogik ta`lim tizimida o`qituvchi shaxsini kasbiy shakllantirish, o`quv-tarbiya jarayonida kasbiy madaniyatni milliy qadriyatlar asosida shakllantirish, pedagogik turkum fanlarini o`qitish jarayonida bo`lajak o`qituvchilarning pedagogik madaniytini tarbiyalash, shuningdek, pedagogik mahoratni qaror toptirish masalalari yoritilgan bo`lsa, M.Yu.Mahkamova, B.X.Rahimov, E.I.Passov va T.Qudratovlar tomonidan olib borilgan tadqiqot ishlarida bo`lajak o`qituvchilarda muloqot va nutq madaniyatini shakllantirish borasida so`z yuritiladi. Maktabgacha tarbiya pedagogik bilim yurtlarida o`qituvchilarning kasbiy yo`nalganligini shakllantirish masalasi K.S.Shodiyeva tomonidan tadqiq etilgan.

XULOSA

Xulosa qilib shuni aytish mumkinki bugun kundan-kunga rivojlanib borayotgan O'zbekiton Respublikasida maktabgacha ta'lim tizimini tubdan takomillashtirish chora tadbirlari amalga oshirilib keng islohatlar olib borilmoqda. Avallambor maktabgacha ta'lim tizimini takomillashtirish yo'lida mutaxasislarni bilim, ko'nikma, malakasini oshirish, kabiy madaniyatini va mahoratini shakllantirish, innovatsion pedagogik texnologiyalar orqali kasbiy faoliyatini yanada mustahkamlash va takomillashtirish lozimdir. Chunki har tomonlama mukammal shakllangan mutaxasislar bizga yaxshi kelajak avlodni yetishtirib bera olishiga ishonchim komildir.

Adabiyotlar ro'yxati

1. O'zbekiston Respublikasi «Kadrlar tayyorlash milliy dasturi». - T.: O'zbekiston, 1997-yil.
2. O'zbekiston Respublikasining «Ta'lim to'g'risida»gi Qonuni. – 2020-yil

3. O’zbekiston Respublikasining “Maktabgacha ta’lim va tarbiya to’risida”gi Qonuni.Toshkent 2019yil 16 –dekabr.
4. Avliyoqulov N.X., Musaeva N. Pedagogik texnologiyalar. Toshkent-2008-yil
5. Avliyoqulov N.X. Zamonaviy o’qitish texnologiyalari – Toshkent, 2001
6. F.R.Qodirova, Sh.Q. Toshpo’latova, N.M.Kayumova, M.N.A’zamova Maktabgacha pedagogika- “Tafakkur nashriyoti” –Toshkent-2019yil
7. Babayeva D.R. Nutq o‘stirish nazariyasi va metodikasi. Darslik. – T.: TDPU, 2018.
8. Fayzullayev SH.N. ”Islohotlar samarasi: TAJRIBA, MALAKA, TEXNOLOGIYA”// Maktabgacha ta’lim, Toshkent. 2018,12-son,2-5 betlar
9. Kodjaspirova G.M., Petrov K.V. Texnik o'quv qo'llanmalari va ulardan foydalanish usullari - M.: IT akademiyasi, 2019. - 350 p.
10. http://new.tdpu.uz
11. kun.uz



Shahnoza Izbosarova,
Navoiy davlat pedagogika instituti, o‘qituvchi
izbosarovasahnoza4gmail.com

HALIMA XUDOYBERDIYEVA IJODIDA O‘XSHATISHLARNING LINGVOPOETIK XUSUSIYATLARI

https://doi.org/10.5281/zenodo.0000000

ANNOTATSIYA

Tilshunoslikda matnni alohida tadqiqot obyekti sifatida o‘rganish, tizimli ravishda tahlil etish va yuzaga kelish qonuniyatlarini ochib berishga alohida e’tibor berilgan. Matn birliklari hamda ularni bog‘lovchi vositalarning amalda qo‘llanishi, uslubiyatiga doir ilmiy, amaliy tadqiqotlar yaratilgan. Badiiy matn ma’lum bir xalq, ijtimoiy guruh o‘rtasida asrlar mobaynida avloddan avlodga o‘tib kelgan o‘ziga xosliklarning badiiy tarzda, tildagi badiiy vosita va usullar yordamida o‘z ifodasini topishi tushuniladi. Badiiy ijodda muayyan millat yashaydigan joy, uning turmush tarzi, siyosiy-iqtisodiy sharoiti, e’tiqodi, urf-odat va milliy qadriyatlari aks etadi.

Kalit so‘zlar. Badiiy asar tili, leksik-stilistik vositalar, stilistik figuralar, o‘xshatish, o‘xshatish etaloni, o‘xshatilmish, vosita.

Шахноза Избосарова,
Навоийский государственный педагогический
институт, преподователь
izbosarovasahnoza4gmail.com

ЛИНГВОПОЭТИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ СРАВНЕНИЙ В ТВОРЧЕСТВЕ ХАЛИМЫ ХУДОЙБЕРДИЕВОЙ

АННОТАЦИЯ

В лингвистике особое внимание уделяется изучению текста как отдельного объекта исследования, его системному анализу и раскрытию закономерностей его возникновения. Созданы научные, практические исследования по методике, практическому применению текстовых единиц и средств их связывания. Под художественным текстом понимают выражение у определенного народа, социальной группы тех специфических черт, которые веками передавались из поколения в поколение художественным путем, с помощью художественных средств и методов в языке. В художественном творчестве отражается место, в котором живет та или иная нация, ее образ жизни, политико-экономические условия, убеждения, традиции и национальные ценности.

Ключевые слова. Язык художественного произведения, лексико-стилистические средства, стилистические фигуры, аналогия, эталон подражания, аналогия, средство.

Shakhnoza Izbosarova,
Navoi State Pedagogical Institute, lecturer
izbosarovasahnoza4gmail.com

LINGUOPOETIC FEATURES OF COMPARISONS IN THE WORK OF HALIMA KHUDOIBERDIEVA

ANNOTATION

In linguistics, special attention is paid to the study of the text as a separate object of research, its systematic analysis and disclosure of the patterns of its occurrence. Scientific and practical studies on the methodology, practical application of text units and means of linking them have been created. An artistic text is understood as the expression of a certain people, a social group, of those specific features that have been passed down from generation to generation artistically for centuries, using artistic means and methods in language. Artistic creativity reflects the place in which a particular nation lives, its way of life, political and economic conditions, beliefs, traditions and national values.
Key words. The language of a work of art, lexical and stylistic means, stylistic figures, analogy, the standard of imitation, analogy, means.

Bugungi kunda o‘zbek tilshunosligida poetic matn tilini tadqiq etish yuzasidan olib borilayotgan izlanishlar ham o‘z ko‘lamini tobora kengaytirib doimo o‘sish va o‘zgarishda ekanligi seziladi. Matn tahlili bilan bog‘liq ishlarda shaxs va til o‘rtasidagi aloqadorlikni yoritib berishga alohida e’tibor qaratilmoqda. Professor Sh.Safarov to‘g‘ri ta’kidlab o‘tganidek, “Natijada tilshunoslikning mantiq, psixologiya, bilish nazariyasi kabi kognitiv fan sohalari bilan hamkorlikka ehtiyoji kuchaymoqda” [1, 7]. Demak, olim tomonidan ta’kidlab o‘tilgan muammo matn bilan bog‘liq kuzatishlarda til va kishilik jamiyati munosabati mavzu mohiyatini yoritishda kognitiv yondashuv zarurligini ko‘rsatadi. Tilshunoslar tomonidan tan olingan tadqiq usullari poetik matnlarni, xususan, Halima Xudoyberdiyeva dostonlari tilini lingvistik jihatdan tahlil qilishimizda ham yordam beradi. Alohida olingan ijodkor asarlarida qo‘llanilgan til birliklarining o‘ziga xos xususiyatlarini aniqlash, ya’ni “lingvistik tahlil – kognitiv tahlilning bir turi, uning ma’lum bir ko‘rinishda namoyon bo‘lishidir” [1, 9].

O‘zbek tilshunosligida lingvopoetik yo‘nalishda olib borilgan tadqiqotlarda xalqimiz orasida yetishib chiqqan so‘z san’atkorlarining badiiy ijodlari, ular tomonidan yaratilgan badiiy asarlar tilining uslubiy, badiiy-estetik jihatlari haqida so‘z yuritilgan, ularda yozuvchi yoki shoirning o‘ziga xos tili va uslubi, badiiy til vositalaridan foydalanish mahorati, milliy an’ana va qadriyatlarimizga bo‘lgan munosabati, voqea-hodisalar tasvirini berishda o‘ziga xos yangidan yangi so‘z va iboralar yaratishi kabi masalalar to‘g‘risida fikr yuritilgan. Badiiy matnda leksik vositalarning uslubiy jihatlari bo‘yicha kuzatishlar olib borgan A.Hasanov o‘zbek tilshunosligida badiiy matnlarni o‘rganish bo‘yicha olib borgan izlanishlarida shunday xulosaga keladi: “Ayniqsa, M.Yo‘ldoshev tomonidan badiiy matn lingvopoetik xususiyatlarining o‘zbek tilshunosligida birinchi marta dissertatsion planda tadqiq etilishi bu boradagi ishlarni yana bir pog‘ona yuqoriga ko‘tardi. Olim badiiy matnni lingvopoetik tahlil etishning yetti tamoyilini: shakl va mazmun birligi, makon va zamon birligi, matn tilining umumxalq tili va adabiy tilga munosabatini aniqlash, badiiy matnga badiiy-estetik butunlik sifatida yondashish va asar konseptini aniqlash, badiiy matnda poetik aktuallashgan til vositalarini aniqlash, badiiy matndagi eksplisitlik va implisitlik nisbatini aniqlash, badiiy matndagi intertekstuallik mexanizmlarining lisoniy va semantik xususiyatlarini aniqlash tamoyillarini ishlab chiqdi” [2, 8]. Darhaqiqat, har bir ijodkorning til birliklarini tanlashdagi o‘ziga xosligi u tomonidan yaratilgan badiiy matnda namoyon bo‘ladi. Badiiy matnni lingvopoetik tahlil qilish orqali shoir yoki yozuvchining o‘ziga xos uslubiy mahorati haqida aniq tasavvurga ega bo‘lish mumkin.

Badiiy matnning asosiy quroli so‘z hisoblanadi. A.Nurmonov va Sh.Iskandarovalar tomonidan “tilshunoslik fani badiiy adabiyot bilan uzviy aloqadadir. Chunki til aloqa vositasi sifatida muayyan axborot tashuvchi oddiy belgilar sistemasigina bo‘lib qolmay, balki tinglovchiga ta’sir qiluvchi qudratli vosita hamdir. Tilning birinchi funksiyasi an’anaviy va sistem-struktur

tilshunoslikning o‘rganish obyekti bo‘lsa, ikkinchi funksiyasi lingvopoetikaning o‘rganish obyektidir”, – deya ta’kidlab o‘tiladi.

“Lingvistik poetikaning har qaysi turini alohida-alohida o‘rganish va ularning o‘zaro munosabatini ochish hozirgi tilshunoslik oldida turgan muhim vazifalardan biridir” [3, 151-152].

Ijodkor til birliklarini o‘rinli qo‘llay olsagina u tomonidan yaratilgan asar o‘quvchi tomonidan yaxshi qabul qilinadi.To‘g‘ri tanlangan til vositalari badiiy matnda qo‘llanilar ekan, o‘quvchiga badiiy-estetik ta’sir qilish vositasiga aylanadi va unda asarda tasvirlangan voqea-hodisa, kishilar xarakter-xususiyatlari badiiy tarzda o‘z ifodasini topadi. Bu esa badiiy asar ijodkori tili va uslubi to‘g‘risida ma’lum bir xulosalarga kelishga asos bo‘ladi.

Iste’dodli shoira Halima Xudoyberdiyeva ijodida lingvopoetik vositalar muhim o‘rin egallaydi. Shoira she’riyati tilini lingvopoetik jihatdan tadqiq etish jarayonida uning badiiy tasvirning usul va vositalarini yaxshi bilishi va o‘z she’rlarida ulardan mohirona foydalana olishining guvohi bo‘lamiz. Tahlil jarayonida shoira asarlarida lingvopoetik vositalarning keng qamrovli ekanligi, ularning xalqona ohang hosil qilishda, takrorlanmas badiiy obrazlar yaratishda hamda boshqa shoirlar ijodida uchramaydigan turli xil ma’no nozikliklarini poetik tasvirlashda eng muhim vositalardan ekanligi tobora oydinlasha boradi.Tilimizda badiiy asar tilining emotsional-ekspressivligi, obrazliligini ta’minlashga xizmat qiluvchi bunday vositalar “lingvopoetik vositalar”, “troplar”, “uslubiy vositalar”, “stilistik figuralar” kabi turli nomlar bilan yuritiladi.

Tilshunos olim N.Mahmudov shunday fikrlarni bildiradi: “Nutqda so‘zlarni ko‘chma ma’noda ishlatishning xilma-xil ko‘rinishlari mavjud bo‘lib, ular ko‘chimlar (yoki troplar) nomi bilan umumlashtiriladi. Ko‘chimlarning asosida ikki narsa yoki tushunchani qiyoslash yotadi, ya’ni ikki narsa yoki tushuncha o‘rtasidagi muayyan munosabat (o‘xshashlik, umumiylik, aloqadorlik kabi) asosida tasviriylik, ifodalilik, aniqlikni kuchaytirish maqsadi bilan ulardan birining nomi ikkinchisiga ko‘chiriladi. Shuning uchun ham ko‘chimlar o‘ziga xos tasviriy vositalar sifatida nutqning ifodaliligini ta’minlashda alohida o‘rin tutadi” [4, 68]. Olimning bu fikrlari tilshunos S.Karimov tomonidan yanada aniqlashtirilganligi kuzatiladi. Olim badiiy uslubda ifoda-tasvir vositalarining qo‘llanishini tahlil qilar ekan shunday fikrlarni bayon qiladi: “Ularning troplar deb ataluvchi qismi obraz yaratishda bevosita ishtirok etsa, ikkinchi bir qismi – uslubiy figuralar esa, garchi obraz yaratmasa-da, ana shu obrazlarning shakllanishiga, barkamol, pishiq bo‘lishiga, o‘quvchining matnni to‘g‘ri va tez tushunib olishiga ko‘maklashadi. Ko‘chma ma’noda qo‘llanilayotgan, obraz yaratayotgan til birliklari darajasida bo‘lmasa ham, ular vaziyatga qarab qo‘shimcha ma’no ifodalaydi, tasvir ob`yektiga ijodkor bahosini beradi, yuksak emotsionallikni yuzaga keltiradi. O‘quvchi yoki tinglovchidagi hissiyotlarning junbushga kelishida tezlashtiruvchi vosita rolini – katalizatorlik vazifasini bajaradi, yozuvchiga ko‘makdosh bo‘ladi. Badiiy ijodning qiyinchiligi ham shundaki, yozuvchi his-tuyg‘ularni o‘zi qanoatlanadigan darajada ifodalay oladigan til birligini axtaradi. Ularni bir-birlariga chog‘ishtiradi, qarama-qarshi qo‘yadi, yonma-yon qo‘llaydi, takror ishlatadi va hokazo. Zero, troplarning o‘zi so‘zlarni asl ma’nolaridan ko‘ra ko‘proq ko‘chma ma’noda qo‘llashga intilishning natijasidir” [5, 5].

O‘zbek tilshunosligida lingvopoetik vositalar til birliklari ma’no taraqqiyotining namoyon bo‘lishi bo‘lib, ularning vujudga kelishi va shakllanishida so‘zning uzual yoki okkazional ma’no doirasida vujudga keluvchi ma’no qirralari hisobga olinadi. Lingvopoetik vositalarning badiiy matn doirasida qo‘llanishi haqida fikr yuritganda ko‘proq ularning o‘zlari qo‘llangan matnda tutgan o‘rniga, shoir yoki yozuvchining maqsadi, qolaversa, ijodkorning individual uslubi nuqtai nazaridan yondashish maqsadga muvofiq bo‘ladi. Chunki har qanday badiiy matnda ijodkorning o‘ziga xos xususiyatlari, tabiat va jamiyatga, unda bo‘layotgan o‘zgarishlar, voqea-hodisalar, odamlarga subyektiv munosabati, tafakkur doirasi, e’tiqodi va dunyoqarashi kabilar lingvopoetik vositalar yordamida o‘zining badiiy ifodasini topadi.

Badiiy asarlar tilining poetik ta’sirchanligini oshirishda so‘z muhim ahamiyat kasb etadi. “So‘z orqali inson katta yutuqni qo‘lga kiritdi, bu vosita natijasida uning olami ikkilandi. So‘zga ega bo‘lgunga qadar faqat bevosita ko‘rinib turgan narsa bilan ish ko‘rgan mavjudot tilga ega bo‘lishi bilan faqat borliq elementlari bilangina emas, balki bevosita kuzatmagan narsa va hodisalar bilan ham ish ko‘ra oladigan bo‘ldi. So‘z insonga bevosita kuzatishda berilmagan narsa va hodisalar haqida ham

axborot bera oladi. Shuning uchun ham hayvonot faqat bir olamga - sezgi orqali his qilish mumkin bo‘lgan predmetlar olamiga ega bo‘lsa, inson ikki olamga - sezgi orqali his qiladigan olam bilan birga, so‘z orqali ifodalanadigan obrazlar, munosabat, sifatlar dunyosiga ega bo‘ldi.

Shunga muvofiq, so‘zlarning borliq (denotativ) ma’nosi real va afsonaviy tushunchalar bo‘lishi ham mumkin. Qanday tushunchani ifodalashiga muvofiq so‘zlar ham borliqdagi inson ongidan tashqarida bo‘lgan narsa va hodisalarni nomlovchi so‘zlar hamda inson tomonidan yaratilgan afsonaviy narsa va hodisalarning nomlarini ifodalovchi so‘zlar sifatida ajratiladi” [6, 176]. Badiiy asar tilining jozibadorligini oshirishda, keng kitobxonlar ommasi uchun tushunarli bo‘lishini ta’minlashda muhim ahamiyat kasb etuvchi lingvopoetik vositalardan biri o‘xshatish hisoblanadi.

Badiiy matnlarda muallifning ma’lum bir voqea-hodisa, narsalarni kitobxon ko‘z o‘ngida aniq gavdalantirish uchun o‘xshatishdan foydalanishida aniq bir maqsad – kitobxonga badiiy-estetik ta’sir etish ko‘zda tutiladi. Nutqiy vaziyat uchun mos keladigan o‘xshatish hosil qiluvchi til birligining munosib tanlanishi uni stilistik imkoniyatlarini yanada kengaytiradi. Bundan tashqari tasvirlanayotgan shaxsning ruhiy holati, orzu-umidlari, o‘y-kechinmalarini berishda ham o‘xshatishlar muhim vosita hisoblanadi.

«Ikki narsa yoki voqea-hodisa o‘rtasidagi o‘xshashlikka asoslanib, ularning biri orqali ikkinchisining belgisini, mohiyatini to‘laroq, konkretroq, bo‘rttiribroq ifodalash» sifatida o‘xshatish qo‘llaniladi. Ko‘rinadiki, eng boy va qadimiy lingvopoetik tasviriy vositalardan biri o‘xshatishlar sifatida e’tirof etilib, yozma va og‘zaki nutqimizni, ayniqsa, inson nozik his-tuyg‘ulari tasvirini berish vositasi bo‘lgan badiiy matnlarning badiiy-estetik ta’sirchanligini oshirishda, muallif maqsadiga xizmat qiluvchi obrazlilikning yuzaga kelishida muhim ahamiyat kasb etadi.

O‘xshatish etaloni o‘xshatish qurilmaning poetik qimmatini, muallif mahorati bilan hosil qilingan lingvopoetik vositaning estetik salmog‘ini oshiradi. Tilimizda kundalik nutqimizda faol qo‘llanadigan bir qator o‘xshatishlar borki, ular an’anaviy o‘xshatishlar hisoblanadi. Qo‘yday yuvosh, toshday qattiq, cho‘chqaday semiz, tulkiday ayyor kabi o‘xshatishlar ko‘p qo‘llanilgani bois ta’sirchanlik xususiyatini yo‘qotgan deyish mumkin. Shoira Halima Xudoyberdiyeva ijodini kuzatar ekanmiz, uning turli holat va hodisalar, narsalar mohiyatini anglashda takrorlanmas, o‘ziga xos o‘xshatishlar hosil qilganligining guvohi bo‘lamiz.

Ma’lumki, tilimizda o‘xshatishlar 2 ta vosita yordamida hosil qilinadi: leksik vositalar hamda grammatik vositalar. Kabi, singari, yanglig‘, qadar, xuddi, naq, go‘yo, misoli, misli, bamisoli, bamisli, monand, teng, o‘xshatmoq, eslatmoq, demoq, bo‘lmoq, bir, aynan, o‘zi, tus, ibrat, holatda, chu, andoqki va boshqalar leksik vositalar sifatida qo‘llanilsa, -day (-dek) -dak -(tak) -dag‘ (-dog‘) -dayin, -dan, -dir, -namo, -simon,-ona, -omuz, -li, -cha, (-larcha, -chalik, -chasiga) kabilar grammatik vositalarga kiradi. Quyida shoira ijodiga mansub bo‘lgan o‘xshatish san’atining yuksak namunalarini kuzatamiz:

Chiroqqa uringan **parvonasimon** —
U kelsa qizg‘anmay dilimni tutay.
Men o‘zim shu dardning hosilasiman,
Mayliga, shu dardda dunyodan o‘tay. (19-bet)

O‘xshatish san’atida -simon qo‘shimchasi eng faol hisoblanadi. Shoira ham she’rlarida undan o‘rinli foydalanganligiga guvoh bo‘lamiz. Ushbu misrada ko‘ngil obrazi gavdalangan bo‘lib, uning barcha dardlarni o‘ziga yutishi, hattoki chiroqqa urilgan parvonaday dilini tutib tayyor turishi go‘zal pardalarda ifoda etilgan. Aynan shu mazmunni shoira o‘z misralarida birgina so‘zlar bilan aks ettirganini ko‘ramiz. Va shoiraning so‘z qo‘llash mahoratiga tan beramiz.

Bundan tashqari, shoira she’rlarida o‘xshatish san’atini hosil qilishda asosan quydagi usullarni qo‘llaydi:

1. -day, -dek, -simon singari qo‘shimchalar yordamida o‘xshatish san’atini hosil qilish:

Axir bug‘doy o‘rimida undan ustasi yo‘q-di,
Tosh qotdimu bilmay qoldim, bu hol haqmi, xatomi?
Qay kun u o‘zidan ustun o‘roqchiga yo‘liqdi
Va u xuddi bug‘doy**day**in o‘rib ketdi otamni... (22-bet)

Shoira hayotda ko‘p qiyinchiliklarni yengib o‘tgan, sabr-bardoshli, matonatli ayol. Uning har qanday vaziyatda ham iymonini, e’tiqod, otaga bo‘lgan mehrni yo‘qotmaganligi aynan shu misralarda aks ettirgan. Yuqoridagi misralarda shoira otaning o‘limini bug‘doyning o‘rib ketilishiga qiyos etmoqda. Bug‘doy pishib yetilgach, o‘rish mavsumi bo‘lishi haqida yaxshi bilamiz. Shoira o‘xshatishning go‘zal namunasini yaratar ekan, otasining vafot etishini aynan unga qiyoslaydi. Ya’ni, “Va u xuddi bug‘doy**day**in o‘rib ketdi otamni” deya chiroyli o‘xshatishni hosil qiladi.

Yoki:

O‘zga tortmam, cheksam ham shuncha jabru jafoni,
O‘zgaga ham bermasman, **sizdek** bir bevafoni!
Begim, Sizni xudoyim raso qilib yaratgan... (41-bet)

Keltirilgan ushbu misrada -dek o‘xshatish vositasi qo‘llanganligini ko‘ramiz. Ushbu baytda ham shoira yori u uchun qanchalik buyuk zot ekanligini ta’rif etadi. U sabab qancha jabr-u jafo ko‘rsada, uning bevafoligiga qaramay yorini hech kimga bermasligini ifodalaydi. Ko‘rinadiki, shoira aynan “sizdek” so‘zini qo‘llab she’rning emotsionalligini oshirishga erishgan.

Ma’lumki, xalqning tabiati, turmush tarzi hamda urf-odatlarini tildan ayri holda tasavvur etish mushkuldir. Har bir til birliklarida, jumladan, keng qamrovli so‘z, tasviriy ifoda hamda sermazmun iboralarda millatning urf-odatlari muayyan tarzda in’ikosini topadi.

Olimlar ta’kidlaganidek, “xalqning madaniyati va mentaliteti hakidagi ma’lumotlarning eng qimmatli manbasi frazeologizmlar, metaforalar, ramzlardir, ularda asotirlar, afsonalar, urf-odatlar go‘yoki konservatsiyalangan holatda saklangan bo‘ladi”.

Antroposentrik tilshunoslikning zamonaviy va yetakchi oqimlaridan biri lingvokulturologiya xususida V.N.Teliya quyidagilarni keltirib o‘tadi: “Lingvokulturologiya insoniy, aniqrog‘i, insondagi madaniy omilni tadqiq etuvchi fandir. Bu esa shuni bildiradiki, lingvokulturologiya markazi madaniyat fenomeni bo‘lgan inson to‘g‘risidagi antropologik paradigmaga xos bo‘lgan yutuqlar majmuasidir”

Lingvokulturologiya masalasiga bir qator manbalar, jumladan, N.Alefirenko, Z.Sabitova, V.Maslova, I.Nazarova, O.Dmitriyeva, O.Artemova, ye.Kurchenkova, S.Nikitina, M.Strelnikova, Y.Komarov, F.Smirnov tadqiqotlarida to‘xtalib o‘tilgan. O‘zbek tilshunosligida lingvokulturologiya masalalariga bag‘ishlangan ilk tadqiqotlar N.Mahmudov, D.Xudoyberganova, Sh.Usmanova kabi olimlar tomonidan olib borilgan.

Asar tilida o‘xshatishlar, epitetlar, kinoyalar, mubolag‘a va jonlantirish qanchalik xilma-xil va o‘rinli ishlatilgan bo‘lsa, uning stili qanchalik ravshan va individual bo‘lsa, asardan ko‘zda tutilgan maqsad ham shunchalik tez ro‘yobga chiqadi, ya’ni asarda olg‘a surilgan g‘oya, shu obraz va badiiy priyomlar vositasida o‘quvchilarg‘a tez va osonlik bilan yetib boradi.

Halima Xudoyberdiyeva asarlarida uchraydigan turg‘un o‘xshatishlar shundan dalolat beradiki, o`zbek millatining ma’lum bir narsa-predmet, voqea-hodisa, belgi-xususiyat, harakat-holatga munosabati, lingvokreativ qobiliyati o‘xshatishlarda ham namoyon bo‘ladi.

Shu bois, shoira ijodida o‘xshatish ma’nosini ifodalashda **kabi, o‘xshash, singari** ko‘makchilaridan ham foydalanish ko‘zga tashlanadi:

E’tirof etamanki, Sizda chuqur fikrat bor,
Ammo maqsad qoradir, maqsadda ko‘p illat bor,
Er yuzida rizq tergan ne davlat, ne millat bor,
Har birida Siz **kabi** ne-ne aqli daholar,
Ular odamni Sizdan boshqacharoq baholar! (140-bet)

Ushbu misrada shoira butun dunyoning barcha go‘zalliklarini mujassam etuvchi dilbar ayol siymosining ta’rifi beriladi. Siz kabi aqlli daholar har millatda mavjud ekanligini ta’kidlaydi.

Yoki:

Bir maktub **singari** xotiramni men
O‘chirib-o‘chirib yashayotibman.
Dilimni o‘rtagan armon, g‘amni men
Qog‘ozga ko‘chirib yashayotibman. (85-bet)

2) shoira o‘xshatish san’atini hosil qilishda **misli, bamisoli** singari so‘zlaridan ham faol foydalanadi:
O‘xshash kimsa ortidan chopdim,
Ortga qaytdim o‘ylarga botib.
Tuyulardi bular **misli** tush,
O‘ngligini angladim keyin. (27-bet)

Ushbu misralarda shoira inson uchun aziz inson sanalgan ota obrazini baland pardalarda madh etadi. U otasiga o‘xshagan inson ortidan borib, otasi emasligini ko‘rib, bu xuddi tushga o‘xshaganini, keyin esa bu voqeaning hayotda sodir bo‘layotganini anglab yetadi. Misli o‘xshatish etaloni ushbu she’rda ham o‘xshatishning go‘zal namunasini yaratishga xizmat qilganini ko‘ramiz.

Yoki:

Jajji qushim, sen kuyingni qushlarga kuyla,
Bog‘dan chiqmaslarga kuyla, yil — o‘n ikki oy.
Menga chopmoq — taqdir, hayot — aylana bo‘ylab
Goh o‘qday tik, goh egilib **bamisoli** yoy.(86-bet)

3) Shoira, shuningdek, o‘xshatish ma’nosini ifodalashda go‘yo, go‘yoki, naq so‘zlarini qo‘llaydi:
Jangga ketgan har yuztadan o‘ldi to‘qson yettisi,
Naq qirq yillik devorlarning ortida-ku ul tunlar.
Bul kun nechun xonadonda kamaymoqda baxt isi,
Qaydan paydo bo‘lmoqdadir bul kun tirik yetimlar?! (136-bet)

Inson hayotida mudhish voqea sanalgan o‘sha davr urush voqealarini xotirlaydi. Shoira shu holatni o‘xshatish etaloni orqali shunday go‘zal tasvir etadiki, uning mahoratiga beixtiyor kitobxon tan beradi: “**Naq** qirq yillik devorlarning ortida-ku ul tunlar”.

Shoira asarlarida emotsionallikni yanada kuchli ifodalash maqsadida go‘yo o‘xshatish vositasini qo‘llaydiki, bu esa she’rga yanada o‘zgacha bir kayfiyat, ruh bag‘ishlaydi:

Ko‘k qunduzin qoshga bostirib
Uloqchilar to‘dasiga goh
Go‘yo otam kelardi kirib,
Bir zumgina entikardim, oh. (27-bet)

Shoiraning ushbu misralari, uning jondan aziz insoni otasiga atab yozilgan bo‘lib, uning vafotidan so‘ng bitgan she’ri hisoblanadi. Shu birgina satrda shoiraning qalb sirlari oshkor etilganiga guvoh bo‘lamiz. O‘xshatish vositasi bo‘lgan go‘yo so‘zining qo‘llanishi, uning ichki kechinmalari jo‘shqinligini yanada kuchli ta’minlashga xizmat qilgan.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Safarov Sh. Kognitiv tilshunoslik. –Jizzax: Sangzor, 2006.
2. Hasanov A. Qahhor hikoyalari tilining badiiyatini ta’minlovchi leksik-stilistik vositalar. Filol.fan.nomz. ...diss.avtoref. –Toshkent, 2010.
3. Nurmonov A., Iskandarova Sh. Tilshunoslik nazariyasi. O‘quv qo‘llanmasi. – Toshkent, 2008.
4. Mahmudov N. Nutq madaniyati va tilning estetik vazifasi. // Filologiya masalalari. 2006. 11-son.
5. Karimov S. Badiiy uslub va tilning ifoda-tasvir vositalari. –Samarqand: SamDU, 1994.
6. Nurmonov A., Iskandarova Sh. Tilshunoslik nazariyasi. O‘quv qo‘llanmasi. – Toshkent, 2008.
7. Yuldashev M. Badiiy matn lingvopoetikasi. – Toshkent: Fan, 2008.
8. Doniyorov X., Yo‘ldoshev B. Adabiy tanqid va badiiy stil. – Toshkent: Fan, 1998.
9. Hojiyev A. Tilshunoslik terminlarining izohli lug‘ati. – Toshkent: Fan, 2002.
10. Xudoyberdiyeva H. Osoyishta sham. – Toshkent: O‘zbekiston, 2017.



Рашидова Умида Мансуровна
филология фанлари
бўйича фалсафа доктори (PhD),
Самарқанд давлат университети
e-pochta: umida_rashidova@bk.ru

БАДИИЙ МАТНДА УСЛУБИЙ ХОСЛАНГАН ПОЛИСЕМАНТИК ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАРНИНГ ФУНКЦИОНАЛ-СТИЛИСТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

https://doi.org/10.5281/zenodo.0000000

АННОТАЦИЯ

Мақолада ўзбек тилидаги соматик фразеологизмлар ўртасида учрайдиган полисемия ҳодиса ҳақида сўз юритилади. Соматик фразеологизмлар ҳақида дунё ва ўзбек тилшунослигида олиб борилган тадқиқотлар хусусида ҳам фикр юритилган. Шунингдек, таркибида соматик компоненти бор бўлган полисемантик фразеологизмларда услубий тармоқланиш масаласи мисоллар ёрдамида очиб берилган. Барча назарий фикрлар ўзбек тилидаги “кўз”, “қўл”, “бош” компонентга эга полисемантик иборалар мисолида исботланган. Фраземалар ўртасидаги шаклдошлик ҳодисаси ҳам атрофлича баён қилинган, ҳамда бадиий матнда рўёбга чиққан турли хил фразеологик маъноларнинг семантик-грамматик табиати изоҳланган. Фраземалар ўртасида рўй берувчи полисемия ҳодисами дистрибутив таҳлил методи асосида ўрганилган.

Калит сўзлар: соматизм, соматик фразеологизм, кўп маъноли фразеологизмлар, услубият, услубий бўёқдорлик.

Рашидова Умида Мансуровна

ФУНКЦИОНАЛЬНО-СТИЛИСТИЧЕСКИЕ СВОЙСТВА ПОЛИСЕМАНТИЧЕСКИХ ФРАЗЕОЛОГИЙ В ХУДОЖЕСТВЕННОМ ТЕКСТЕ

АННОТАЦИЯ

В статье приводятся сведения о феномене полисемии, который встречается среди соматических фразеологизмов узбекского языка. Также рассматриваются исследования, проведенные в мировой и узбекской лингвистике по соматическим фразеологизмам. Также с помощью примеров раскрывается вопрос методологического разветвления в многозначных фразеологизмах, в составе которых присутствует соматический компонент. Все теоретические идеи доказываются на примере многозначных словосочетаний с компонентом "глаз", "рука", "голова" в узбекском языке. Также подробно объясняется феномен формальности между фразеологизмами, а также семантико-грамматическая природа различных фразеологических значений, реализуемых в художественном тексте. Феномен полисемии, возникающий между фразеологизмами, был изучен на основе метода дистрибутивного анализа.

Ключевые слова: соматизм, соматическая фразеология, фразеологические значения, методология, методологическая красочность.

Rashidova Umida

FUNCTIONAL AND STYLISTIC PROPERTIES OF METHODOLOGICALLY POLISEMANTIC PHRASEOLOGIES IN THE ARTIC TEXT

ANNOTATION

The article provides information about the phenomenon of polysemy, which is found among the somatic phraseological units of the Uzbek language. The research conducted in the world and Uzbek linguistics on somatic phraseological units is also considered. Also, with the help of examples, the issue of methodological branching in polysemous phraseological units, in which there is a somatic component, is revealed. All theoretical ideas are proved by the example of multi-valued phrases with the component "eye", "hand", "head" in the Uzbek language. The phenomenon of formality between phraseological units is also explained in detail, as well as the semantic and grammatical nature of various phraseological meanings realized in a literary text. The phenomenon of polysemy arising between phraseological units was studied on the basis of the method of distributive analysis.

Keywords: somatism, somatic phraseology, phraseological meanings, methodology, methodological colorfulness.

Полисемия ҳодисасининг фразеологияда тушунилиши

Полисемия ҳодисаси сўз билан бир қаторда ибораларга ҳам тааллуқлидир. Полисемиянинг ўзбек тили лексикологияси ва фразеологиясида ёйилиш даражаси айнан эмас. Фразеолог олим Шавкат Раҳматуллаевнинг қайд қилишича, «ўзбек тилидаги сўзларнинг фақат 20 фоизигина кўпмаъноли бўлса, «Ўзбек тилининг кисқача фразеологик луғати»да талқин этилган 998 та фразеологизмнинг 156 таси полисемантик» хусусиятга эга [Ўзбек фразеологиясининг баъзи масалалари, 1966, 8].

Ўзбек тилидаги кўпгина сўзлар икки ва ундан ортиқ маънога эга. Масалан, ЎТИЛда қайд қилинишича, «бош» сўзи 15 маънога [Ўзбек тилининг изоҳли луғати, 2006, 1, 136-137], «кўз» сўзи 5 маънога [Ўзбек тилининг изоҳли луғати, 2006, 1, 410-411], «кўтармоқ» сўзи 16 маънога [Ўзбек тилининг изоҳли луғати, 2006, 1, 422-423], «овоз» сўзи 6 маънога [Ўзбек тилининг изоҳли луғати, 2006, 1, 518], «отмоқ» сўзи 11 маънога [Ўзбек тилининг изоҳли луғати, 2006, 1, 549-550], “очмоқ” сўзи 12 маънога [8, 1, 553-554], «оқ» сўзи 9 маънога [8, 1, 557], «оғиз» сўзи 8 маънога [ЎТИЛ, 1, 561-562], «юз сўзи 8 маънога [Ўзбек тилининг изоҳли луғати, 2006, 2, 463-464], «ўтмоқ» сўзи 31 маънога [Ўзбек тилининг изоҳли луғати, 2006, 2, 521-523], «қанот сўзи 9 маънога [Ўзбек тилининг изоҳли луғати, 2006, 2, 550-551] эгадир. Тадқиқотчи Б.Жўраев биргина «бош» сўзининг 23 маъносини аниқлаган, шундан 4 маъно ЎТИЛда қайд этилмаган, «оғиз» сўзининг 12 маъносидан 4 таси қайд этилмаган. Шунингдек мазкур ишда «юз» сўзининг “Ўзбек тили изоҳли луғати”да қайд қилинмаган уч маъно ва бир маъно қирраси, «тил» сўзининг икки хил маъносига оид мисоллар келтирилган [Джураев Б.А., 1985, 8-19].

«Фразеологик полисемия дейилганда фразеологизмнинг ўзи биттадан ортиқ фразеологик маъно англатиши» тушунилади. Фразеологияда фразеологизмларнинг асосий қисми бир маъноли, моносемантик хусусиятга эгадир. Тилимиздаги фразеологизмларнинг тахминан бешдан бир қисми икки ва ундан ортиқ маънога эгадир.

Полисемантик фразеологизмларнинг матнда ифодалаган услубий бўёқлари

Масалан, ўзбек тилида мавжуд кўз компонентли фразеологизмларнинг аксарияти кўп маънолилик характерига эга. Масалан, кўз тикмоқ фразеологизмси Ш.Раҳматуллаев луғатида кўп маъноли фразеологизм сифатида изоҳланиб, уч маънога эгалиги кўрсатилган [Ш.Раҳматуллаев, 1992, 149]:

1. Тикилиб қарамоқ. 2. Умидвор бўлиб қарамоқ. 3. Ҳирс билан қарамоқ.

Кўз олайтирмоқ фразеологизмси ҳам кўп маъноли характерга эга бўлиб, қуйидаги икки маънони ифодалайди: 1.Ўқраймоқ. –Ҳай секин гапир! – **кўз олайтирди** кампир; Арслонқул билан Султонмуроднинг нафаслари ичига тушиб, **кўзларини олайтиришди**.

2. Ўз манфаатига бўйсундириш (олиш) ниятида бўлмоқ.

– Карoматмисан? Яшшамагур, сенга менинг келишимнинг орқасини ўлчашдан бошқа ташвиш йўқмиди? Бор, ишингни қил, лекин унга **кўз олайтирма**; –Ҳе, ўл, эркак бўлмай. Келиб келиб есир хотиннинг топганиига **кўз олайтирасанми...**.

Оғзаки сўзлашув услубида бу фразеологизмнинг биринчи ифодалаган маъносининг синоними сифатида кўзини лўқ қилмоқ фразеологизмси тез-тез ишлатилади. Ёзувчилар асарларида кўзини лўқ қилмоқ фразеологизмидан турли услубий мақсадларда фойдаланишади. Масалан, А.Йўлдошев бу фразеологизмни ўқрайиб қарамоқ маъносида қўллайди: Ўн олти ўн етти ёшлар чамасидаги чиптачи ўзига **кўзини лўқ қилиб** қараб турарди (А.Йўлдошев, Биз ўтган йўллар). Маълумки, кўз соматизми турли метофорик маъноларни ҳам шакллантиради: бургут кўз, қирғий кўз, лочин кўз, қўй кўз ва ҳ. Бундай маъноларнинг юзага чиқишида қараш лексемаси билан боғлиқ маъно нозиклари ҳисобга олинади. Абдулла Қаҳҳор “Сароб” романида кўзини лўқ қилиб қараш «сигир қараш»га ўхшатилади:

– .... қизим**, кўзингни лўқ қилма**. Сигирга ўхшаб қарама!

Айни ўринда кўзини лўқ қилиш билан бир қаторда сигир сўзига алоҳида урғу берилган. Сигир қарашда услубий жиҳатдан инсонга нисбатан ҳурматсизлик билан боғлиқ маъно қирраси мавжуд, бу маъно қирраси ўхшаб қарамоқ феъл шакли билан яна ҳам таъкидланган. Асарнинг умумий интонацияси, воқеа ривожи айни ўринда сигир сўзини бошқа синоним сўз билан алмаштиришга имкон бермайди. Сигир қараш мазкур ўринда ёзувчининг тугал маҳорати билан ўзининг бутун лексик ва эстетик моҳиятини намоён қила олган.

Ш.Раҳматуллаевнинг ЎТФЛда кўзи уйқуга кетибди фразеологизмси ухлай бошламоқ маъносини ифодалаши ва унинг кўзи кетибди фраземаси билан вариантдошлик ҳосил қилиши кўрсатилган [Ш.Раҳматуллаев, 1992, 168]. Мазкур луғатда пинакка кетмоқ фразеологизмси ҳам берилган бўлиб, у кўп маъноли фразеологизм сифатида изоҳланган. Унинг биринчи маъноси ухлай бошламоқ бўлса, иккинчи маъноси эса хаёлга чўммоқдир: Қария пинакка кетди: оқ сочли бошини қўллари билан сиқиб, кўзларини юмиб, узоқ ўйга толди.

Тилда мавжуд кўп маъноли «кўзи мошдек очилди» ибораси Ш.Раҳматуллаев луғатида бир маъноли ибора деб кўрсатилган [Ш.Раҳматуллаев, 1992, 139]. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да эса бу иборанинг “ҳушёр тортди, ўзига келди” ҳамда “асқотиб, кунига яраб жуда хурсанд бўлди” маънолари мавжудлиги изоҳланган [Ўзбек тилининг изоҳли луғати, 2006, 1, 473]. Кузатишлар шуни кўрсатадики, бу ибора бадиий матнлар услубида уч маъноли ибора сифатида намоён бўлади. Ойбекнинг «Қутлуғ қон» романида бу ибора такрор ҳолда қўлланган. Дастлаб «кўзи мошдек очилди» салбий муносабат маъносида қўлланилган: ....ана шунда кўзи мошдек очилади». Иккинчи марта «кўзи мошдек очилди» ибораси маъмунига салбийлик билан кучли таҳдид маъноси ҳам сингдирилган: « - Кўзини мошдек очиб қўямиз .... Уйи куяди, хонавайрон бўлади...».

Адибнинг «Болалик» қиссасида «кўзи мошдек очилди» ибораси ижобий муносабат маъносини ифодалаган: « – Бўлди-бўлди, қутулдинг, чирофим. Энди соғсан - дейди бошимни силаб аёл. - Бечора болани шунча қийнабсизлар, мана, кўзи мошдек очилди, - дейди аёл кулиб, отамга қараб». А.Қодирийнинг «Ўткан кунлар» романила бу фразеологизм муаллиф нутқида қўлланган бўлиб, «хушёр тортмоқ» маъносини билдиради: «Бу саволдан унинг кайфи тарқалгандек бўлиб, кўзлари мошдек очилди».

Шуниси эътиборлики, ўзида кўп маънолилик хусусиятини ташиган иборалар услубий жиҳатдан яхлит табиатга эга бўлади. Бу эса полисемантик фраземада аксарият ҳолда тўғри маъно бўлмаслиги билан изоҳланади. Тилимизда мавжуд «қўлга тушмоқ» ибораси қуйидаги маъноларни англатади: а) гуноҳи ошкор бўлмоқ; б) ҳибсга олинмоқ. Мазкур маънолар «тутқунлик» концепти атрофида яхлитлашади [8, 2, 635]. «Икки кўлини бурнига тиқиб» фраземаси 1) ҳеч нарсасиз, 2) бенасиба қолмоқ маъноларини ифодалаб келади. Бадиий матнда

мазкур маънолари «қуруқдан-қуруқ» концепти атрофига бирлашади [Ўзбек тилининг изоҳли луғати, 2006, 1, 152].

Маълумки, полисемантик (кўп маъноли) фразеологизмлар икки, уч ва ундан ортиқ маъноларни англатиши мумкин. Масалан, қўл урмоқ фразеологизмси икки маънони билдиради: 1.Тегмоқ. 2. Бирор ишни қила бошламоқ.

Тўлқин ҳозиргина дастурхонга қўйилган вам ҳали **қўл уриб** улгурилмаган паловни Гулруҳ ва онасига қараб улоқтирди (Зарафшон, 2006).

Кўп маъноли фразеологизмларнинг аксарияти икки маъноли бўлса-да, лекин уч, тўрт ва беш маънони англатувчи ФБлар ҳам йўқ эмас. Масалан, қўлга олмоқ фразеологизмининг ЎТФИЛда тўрт маъно изоҳланган: 1.Ўз ихтиёрига ўтказмоқ: 2. Расмий маънода тўсатдан ҳужум қилиб босиб олмоқ. 3. Расмий маънода ҳибс қилмоқ. 4. Ўз хоҳишига бўйсунадиган қилмоқ. Кўринадики, фразеологизмлар бири учун бири асос вазифасини бажариб, уларнинг маънолари бири иккинчисидан ўсиб чиққан.

Услубий хосланган полисемантик фразеологизмлар

Аксарият ҳолларда кўп маъноли фраземанинг бир маъноси кам миқдорда экспрессивликка, услубий жиҳатдан хосланганликка эга бўлади, иккинчи маъносида эса аксинча, экспрессив даражаси баланд бўлади. «Оғиз солмоқ» фразеологизми ўз ва кўчма маъноларда қўлланувчи кўп маъноли иборадир. Унинг биринчи маъноси куёв қилиш истаги борлигини билдирмоқ: «Жўра. Хотин зоти эрга тегса сенчалик эрга тегади-да. Бахти бор хотин тегади, ошнам. Энди кимга оғиз солсанг, ғиринг демай тсгиши аниқ»; «....баззоз унинг ўзига эмас, ўн еттига кириб бораётган соҳибжамол қизига .... оғиз солган экан».

Мазкур ибора «гап бошламоқ, сўзлай бошламоқ» маънони англатиши билан услубий жиҳатдан нейтрал характер касб этади: «Келинимни сўрамадим. Ўзинг оғиз очмаганингга сўрамадим, болам»; «Фазилатхон билан қарши қуда бўлаётганлари тўғрисида Отақўзи тоғаси у ёқда турсин, ҳали аяга ҳам оғиз очишга юраги бетламаган» ; «Бу тўғрида бировга оғиз очма, савдо ишидай нозик иш жаҳонда йўқ». Бу фразема «шом пайти бирор нарса истеъмол қилмоқ, рўзани очмоқ» маъноси билан эса диний сўзлашув ибораси ҳисобланади. Шунингдек, «оғиз очмоқ» фраземасининг “совчи юбормоқ, қизнинг қўлини сўрамоқ” маъноси ҳам борки, мазкур маъно билан у «оғиз солмоқ» фраземасининг дастлабки маъносига яқинлашади. Аммо “оғиз очмоқ” фраземасининг профессор Шавкат Раҳматуллаевнинг “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” да фақат бир маъноси изоҳланган. [Ш.Раҳматуллаев, 1992, 216].

Тилимизда мавжуд юраги куймоқ фраземаси Ш.Раҳматуллаевнинг луғатида моносемантик фразема тарзида изоҳланган ва унинг кучли даражада чанқамоқ маъносини ифодалаши кўрсатилган: «Қани, Муҳиддин ака, юрагингиз ҳам куйгандир, қовунга марҳамат», – деди Муҳиддин (Р.Файзий. Чўлга баҳор келди). Бизнингча, мазкур фразеологизм полисемантик характерга эга ва унинг иккинчи маъноси ачинмоқ, ўкинмоқдир: ... шундай бир ит ўзиники бўлмаганидан юраги куйгани куйган эди (Н.Норқобилов. Оқбўйин). Юрагини тирнамоқ икки компонентли феъл фразеологизмси эса яширин ҳолда руҳан безовта қилмоқ маъносини билдиради. ЎТФЛда бу фразеологизмнинг дил(и)ни тирнамоқ, юракни тимдаламоқ вариантлари мавжудлиги кўрсатилган. О.Мухтор бу фразеологизмнинг юрагини тимдаламоқ вариантидан фойдаланган бўлса, Ойбек унинг оғзаки сўзлашувга яқин юрагини тилмоқ вариантини қўллаган: Бир бўлакчаси юрагини тимдалаётган улкан аламни елкасидан улоқтирай деб югуриб-елиб юрган одамлар изи (О.Мухтор. Оппоқ қор); Навоийнинг юрагини аламнинг пўлати чуқур тилиб кетди (Ойбек. Навоий).

Хулоса

Хулоса қилиб айтганда, тилимизда фаол қўлланувчи соматик фразеологизмлар ўзбек тили фразеологик фондининг катта қисмини ташкил этади. Иборалар ёрдамида биз халқимизнинг асрлар оша орттирган тажрибаси, бизни ўраб турган олам тўғрисидаги тасаввури акс этади. Тилимизда мавжуд соматик характердаги фраземаларнинг семантик-грамматик табиатини аниқлаш, уларнинг ўзига хос бўлган хусусиятларини жиддий ўрганиш фразеология, лексикология, лексикография фанлари олдида турган муҳим вазифалар сираисга киради.

Ўзбек тилида қўлланувчи соматик фраземалар тилимизнинг энг қадимги қатламлари сирасига киради. Соматик компонентлар билан тилимизда инсон тана аъзоларининг вазифаларини ёрқин акс эттирувчи кўп фразеологизмлар шаклланган. Бундай инсон тана аъзолари номлари соматик фразеологизмлардан ташкил топган фраземалар ўртасида кўп маънолилик ҳодисаси акс этади. Биз мақолада шулар хусусида фикр юритдик.

Адабиётлар

1. Раҳматуллаев Ш 1966. Ўзбек фразеологиясининг баъзи масалалари. Тошкент.
2. Джураев Б.А., 1985. Структурно-семантическое исследование многозначных слов современного узбекского языка (на материале соматической лексики). Автореф. дис...канд. филол. наук. Ташкент.
3. Алмаматова Ш., 2004. Шахс тавсифли фраземаларнинг семантик таҳлили // Ўзбек тили ва адабиёти, 2004, 3-сон, 78-79 б.
4. Йўлдошев Б., 1999. Фразеологик услубият асослари. –Самарқанд.
5. Йўлдошев Б. 1992 Фразеологизмларнинг адабий тил нормасига муносабатига доир // Ўзбек тили ва адабиёти, 1992, 3-4-сон, 37-42-бетлар.
6. Усмонова Ш.Р., 1998. Ўзбек ва турк тилларида соматик фразеологизмлар. НДА. – Тошкент.
7. Раҳматуллаев Ш., 1992. Ўзбек тилининг фразеологик луғати. Тошкент.
8. Ўзбек тилининг изоҳли луғати., 2006. Беш томлик, 1-2-том. Тошкент.



Назарова Нуржаҳон Баҳодировна
Самарқанд давлат чет тиллари институти
таянч докторанти
E-mail: nurjahonn@gmail.ru

ЭРТАКНИНГ ДИСКУРСИВ БЕЛГИЛАРИ

https://doi.org/10.5281/zenodo.0000000

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада эртак жанри матнини ўрганишнинг долзарблиги ҳамда дискурс тушунчаси ва унинг категориал белгилари, қолаверса ушбу дискурс категориал белгиларининг эртак жанрига алоқадорлик жиҳатлари тўғрисида сўз юритилади. Бугунги кунда эртак жанрини ўрганиш долзарб масала бўлиб бормоқда. Бугунга қадар бу жанр ҳақида кўплаб олимларимиз ўрганган бўлса-да, улар тадқиқот хусусиятига эга эмас. Муаллиф фикрича, бунинг сабаби дискурс ҳодисаси ва дискурсив таҳлил ҳақида бирон бир якдил хулосага келинмаганлиги билан боғлиқ.

Калит сўзлар: эртак, дискурс, дискурсив белги, тил, нутқ, матн антропоцентриклик, вазиятлилик, адреслилик, очиқлик, процессуаллик.

Nazarova Nurjahon Bahodirovna
PhD Student of Samarkand State
Institute of Foreign Languages
Email: nurjahonn@gmail.ru

DISCURSIVE SIGNS OF A FAIRY TALE

ANNOTATION

This article discusses the relevance of the study of the text of the fairy tale genre and the concept of discourse and its categorical features, as well as aspects of the relevance of these discourse categorical features to the fairy tale genre. Today, the study of the fairy tale genre is becoming a topical issue. Although many of our scientists have studied this genre so far, they are not of a research nature. According to the author, this is due to the fact that no consensus has been reached on the discourse phenomenon and discursive analysis.

Key words: Fairy tale, discourse, discoursive sign, language, speech, text, anthropocentricity, situationally, addressability, openness

---

Назарова Нуржаҳон Баҳодировна
Докторант Самаркандского государственного
института иностранных языков
Электронная почта: nurjahonn@gmail.ru

ДИСКУРСИВНЫЕ ПРИЗНАКИ СКАЗКИ

АННОТАЦИЯ

В данной статье рассматривается актуальность изучения текста жанра сказки и понятия дискурса и его категориальных признаков, а также аспекты соотнесения этих категориальных признаков дискурса с жанром сказки. На сегодняшний день изучение жанра сказки становится актуальным вопросом. Хотя до сих пор многие наши ученые изучали этот жанр, они не носят исследовательского характера. По мнению автора, это связано с тем, что не достигнуто единого мнения о феномене дискурса и дискурсивном анализе.

Ключевые слова: Сказка, дискурс, дискурсивный знак, язык, речь, текст, антропоцентричность, ситуативность, адресность, открытость

Фольклор асарлари орасида тадқиқотчилар диққатини энг кўп жалб қилиб келаётган жанр эртакдир. Филология соҳасида эртак кўпроқ фольклоршунослар томонидан ўрганилган бўлса-да, лекин бу жанрдаги асарлар адабиётшунослик, матншунослик каби фан соҳаларининг ҳам тадқиқ объектига айланиб улгурган. Тилшунослар узоқ пайтлардан буён эртакларнинг лисоний хусусиятлари, уларнинг матн тузилиши каби масалалар билан шуғулланиб келмоқдалар. Эртакларнинг просодик хусусиятлари, луғат таркиби, синтактик тузилиши, генетик асослари, бадийяти бирмунча батафсил ўрганилган (Сахарова 1981; Печерникова 1962; Плохова 2007; Дўстхўжаева 1999; Содиқова 2003; Усмонова 1999 ва бошқалар). Бироқ эртакларнинг дискурсив хусусиятлари, уларнинг алоҳида турдаги дискурс сифатида мулоқот жараёнида бажарадиган вазифалари мукаммал даражада ўрганилмаган.

Машҳур фольклоршунос В.Я Пропп ўз пайтида эртакнинг матн сифатида ўрганилишига кам аҳамият берилаётганидан ташвишланиб қуйдагиларни ёзган эди: “....асосан эртаклар матнлари нашр қилиниб, у ёки бу масалаларга бағишланган ишлар ҳам кўп, аммо умумий характердаги тадқиқотлар жуда кам. Бундай ишлар мавжуд бўлса-да, лекин улар тўла маънодаги тадқиқот хусусиятига эга эмас.....Эртак ҳақидаги фаннинг боши берк кўчага кириб қолишининг сабаби нимада экан ?”(Пропп 1998:7). Орадан шунча йиллар (В.Я.Пропп ўтган асрнинг 20-йиллари назарда тутилмоқда) ўтган бўлса-да, аммо олимнинг қўйган саволига жавоб топиш ва “ боши берк кўчадан” чиқиб кетишнинг йўлини топиш борасидаги изланишлар давом этмоқда.

Бизнингча, юқорида эслатилган муаммонинг пайдо бўлиш сабабларидан бири тилшунослик фанида дискурс ҳодисаси ва дискурсив таҳлил ҳақида бирон бир якдил хулосага келинмаганлиги билан боғлиқ. Жаҳон фанида дискурс тушунчаси табора оммавийлашиб бораётгани ҳамда ушбу ҳодисанинг мукаммал, кўпжиҳатли тавсир-таърифлари берилаётганига қарамасдан, баъзилар ҳануз дискурсни алоҳида тадқиқ объекти сифатида тан олишдан тортиниб турганлари ҳам маълум (Партин 1996; Ревзина 1999). Турли гуманитар интегратив муносабатлар асосида шаклланаётган янги йўналишнинг худудий чегараси аниқ эмаслиги, дискурс ҳодисаси талқинида катта қийинчиликлар туғдирмоқда. Нидерландиялик олим Т. ван Дейк бундай ноқулайликлар пайдо бўлишининг асосий сабабини “дискурс” тушунчасининг кўп маънолигида кўради. Унинг фикрича, дискурс тушунчаси тил тушунчасидек дудмалдир. “ Биламизки,-деб ёзади олим,- дудмал ва таърифлаш қийин бўлган тушунчалар кўпинча оммавийлашади. Дискурс тушунчаси худди шундайлардан биридир”(Дейк Т.А.ван 1988).

Ҳозирги пайтда турли манбаларда дискурс ҳодисасига берилаётган ўнлаб тарифларни учратиш мумкин. Ғарбдаги олимларнинг баъзилари матн ва дискурсни гап ҳодисаси билан қиёслашга одатланишган. Жумладан, инглиз адабиётшуноси Р.Фаулер “Linguistics and the Novel” китобида “матн” тушунчасини нутқий тузилмаларининг сиртқи қатлами билан тенглаштиради. Матн, олимнинг талқини бўйича, гаплар бирикишидан ҳосил бўладиган тузилма ва ўқувчи гаплар кетма кетлигидан маънони англаб етади. Дискурс эса “нуқтаи-назар” (point of view), “муносабат” (attitude), “дунёқараш” (world view) каби модал омиллардан иборат ва мазмун жиҳатидан муаллифнинг воқеликка муносабатини акс эттиради (Fowler 1983:49).

“Дискурс таҳлили” (Discourse analysis) асарида матн ва дискурс тушунчалари тил ва нутқ қарама қаршилигида тавсифланади.Ушбу китоб муаллифларининг фикрича, дискурс “қўлланишдаги тил”(language in use) бўлса, матн эса коммуникатив ҳаракатнинг лисоний қайдидир (Brown, Yule 1983:1-6).

Ҳақиқатдан ҳам, матн маъно шаклланишини бошлаб берувчи восита бўлса, дискурс худди шу жараённинг ўзидир (Haberland 1999:915). Шу сабаб, матн ва дискурс ҳодисалари муносабати талқинида охиргисини лисоний шахс фаолияти доирасида тавсифлаш лозим бўлади. Матн эса шу фаолият маҳсулидир.

Ҳозирги пайтда дискурс назарияси соҳасида кўплаб тадқиқотлар амалга оширилганини эътироф этиш лозим. Дискурс таҳлили тилдан ижтимоий-маданий муҳитда фойдаланиш билан боғлиқ ҳолда олиб борилмоқда. Л.М.Макаров ёзишича, дискурс таҳлилида лисоний мулоқотнинг ижтимоий-маданий ва инерактив жиҳатлари ўрганилади, “лекин бундан унинг ҳудуди фақат оғзаки диалог билан чегараланиши ҳақида хулосага келмаслик керак: лисоний мулоқотнинг ҳар қандай кўриниши....шу нуқтаи назардан таҳлилга тортилиши мумкин” (Макаров 2003: 88).

Дискурснинг кенг маънода талқин қилиниши унинг категориал белгиларини аниқлашни тақоза этади. Ушбу ҳодисанинг структур-семантик, коммуникатив-прагматик, когнитив ва эстетик-маданий хусусиятларини эътиборга олиш лозимлигини уқтирган тадқиқотчилар унинг категориал белгилари антропоцентриклик, вазиятлилик, адреслилик, очиқлик, процессуаллик, миллий узига хослик кабилардан иборат эканини қайд этадилар (Нормуродова 2020: 16-17).

Эртакнинг дискурсив табиатини аниқлашга қийналаётган матншунослар юқорида санаб ўтилган категориал белгиларнинг баъзилари фақат оғзаки нутқ ёки бадиий матнга хос деб ҳисоблайдилар. Бинобарин, М.Я.Дымарский матн талқинига бағишланган семинарда ўқиган маърузасида “процесуаллик” белгисини воқелик кечаётган давр билан боғлайди. Унинг фикрича, қўлланилаётган сўзлар, иборалар, медиаматнларда, маърузаларда, турли фикрлар алмашинувида даврнинг кечиш давомийлигини акс эттиради (М.Я.Дымарский 1998:19). Аммо давомийлик дискурснинг категориал белгиси сифатида кенгроқ маънода англашинилади. Ушбу аспектуал маънога ўтган ва келаси замон шакллари ҳам эга бўлиши мумкинлиги исботланган ҳақиқатдир (Анзаев 1999; Мирсанов 2018).

Фольклорга қарашли ҳар қандай жанр оғзаки дискурс шаклига эга.Ушбу турдаги асарлар ҳар бир кўринишида қайта яратилаётгандек туюлади.Ёзиб олинган эртакда ҳам табиий нуткқа хос хусусиятлар сақланиб қолади, унда мулоқот жараёни учун хос бўлган хислатлар намоён бўлади. Эртак дискурсининг ёзма шакли воситасида узатилаётган ахборот тингловчига тезроқ етиб боради. Демак, эртак дискурсида процессуаллик доимий белгидир.

Дискурснинг яна бир муҳим категориал белгиларидан бири интертекстуалликдир. Маълумки, тил фақат тайёр хабарни узатиш билан чекланмасдан, янги хабарларни ифодалаш имконига ҳам эга.Тилнинг мазкур ижодкорлик вазифаси айнан матнлар дискурслар яратишида намоён бўлади. Янгидан шаклланётган матн эса бошқа матнлар билан диалогик муносабатга киришади. Шу муносабат доирасида янги матннинг мазмуни шаклланади (Кузьмина 2009: 19-20). Шундай экан, интертекстуалликни эртак дискурсининг ажралмас белгиси эканлигини эътироф этмасликнинг иложи йўқ. Зеро, эртак тилида табиий тилнинг ижодкорлик вазифаси яққол намоён бўлади.

“Эртак дискурсининг пайдо бўлиши ижтимоий эҳтиёт талаб натижасидир ва унинг дастлабки намуналарида вазиятлилик белгиси аниқ кўзга ташланган.Чунки бу ҳолатда дискурсив фаолиятнинг асосий иштирокчилар эртак айтувчи ва тинловчи бўлган. Аммо оғзаки мулоқотнинг ёзма шакл олиши давомида вазиятлиликнинг таъсир кучи камайиб бориб, эртакнинг эстетик қиймати ошиб боради. Шунинг билан биргаликда, эртак ҳикоячиси қандайдир мавҳум, эркин ижод шахси бўлмасдан, балки унинг ижоди замон ва муҳит билан боғлиқ ҳолда кечади. Бироқ, давр ва муҳит доимий бўлмагандек, эртакнинг вазиятлилик хусусияти ҳам ўзгариб туради.(Пропп 2000: 373).

Хуллас, онгли фаолият маҳсули бўлган эртак матнида ташқи олам манзараси ўзига хос равишда акс топади. Ушбу турдаги дискурс умумлашган, оммавий характерга эга бўлиб, унинг баёнида оддийлик, жозибалик, тингловчилар диққатини доимий равишда жалб қилади. Эртак матни эса жамиятда муҳим вазифа бажаради

Адабиётлар

1. Brown G., Discourse analysis. -Cambridge: Cambridge University Press,1983. -P.1-6.
2. Haberland H. Text, discourse, discourse: The latest report the terminology vice Squad //Journal of pragmatics,1999. N 31.-P.901-922.
3. Макаров М.Я. Основы теории дискурса-М : Гнозис, 2003.-88 с.
4. Нормуродова Н.З. Инглиз бадиий дискурсида антропосентризмнинг вербал экспликацсияси. Филол. фан. докт. дисс. Автореферати.- Т.2020.-16-17 б.
5. Арурюнова Н.Д. Дискурс //Лингвистический энциклопедический словарь.-М: Советская энциклопедия, 1990.-С. 136-137.
6. Дымарский М.Я. Текст-дискурс-художественный текст// Текст как объект многоаспектного исследования: Сборник статей научно-методического семинара “Textus”. Вып.3.-СПБ.,1998-192 с.
7. Ризаев Б.Х.Проблемы аспектной семантики временных форм немецкого языка. Аспектная семантика претерита.-Т.: Фан, 1999.-121 с.
8. Мирсанов Ғ.Дискурс таркибида аспектуал ва терминологик мазмун ифодаси.-Т.: Наврўз, 2018.-156 б.
9. Кузьмина Н.А.Интертекст и его роль в процессах эволюции поэтического текста –М. Л И Б К О Р М, 2009.-272 с.
10. Пропп В.Я.Русская сказка // собрание трудов В.Я.Проппа.-М.: Лабиринт, 2000.-373 с.
11. Галиева М.Р.Теолингвистика: истоки, направления, перспиктива .-Т.: VneshInvest Prom, 2018.-260 с.
12. Пропп В.Я. Морфология волшебного сказка.-М.: Лабиринт, 2011.-128 с.



Дўстова Сурайё Савроновна
Жиззах давлат педагогика институти
катта ўқитувчи ф.ф.ф.д. (PhD)
surayyodostova@gmail.com

“ТАЗКИРАИ ШУАРО”ДА БЕРИЛГАН ҒАЗАЛЛАРДАГИ МАТНИЙ ФАРҚЛАР

https://doi.org/10.5281/zenodo.0000000

АННОТАЦИЯ

XIX аср охири ва XX аср бошлари Хоразм адабий муҳити ҳақида маълумот берувчи “Тазкираи шуаро” асарида олтмишга яқин шоирларнинг ҳаёти ҳақида маълумотлар берилган. Бундан ташқари тазкирада ҳар бир шоир ижодидан намуна шеърлар келтирилган. Тазкирада номлари келтирилган муаллифларнинг шеърлари матни тазкиранинг қўлёзма нусхалари ва нашри билан солиштирилиб, тарихий ва адабий манбалар, муаллифнинг шеърияти жамланган девон ёки бошқа алоҳида манба матни билан қиёсланди. Мақолада “Тазкираи шуаро” асарининг қўлёзма нусхаларида намуна тарзда берилган ғазаллар матнидаги фарқлар ўрганилган ва хулосалар чиқарилган.

Калит сўзлар: тазкира, манба, котиб, нусха, инвеньтар, фонд, ғазал, маснавий, асар, хат, адабиёт, шеър,варақ, муаллиф.

Dustova Surayyo Savronovna,
(PhD), senior teacher of Jizzakh
State Pedagogical Institute
surayyodostova@gmail.com

TEXT DIFFERENCES IN GAZELLES IN TAZKIRAI SHUARO

ANNOTATION

The work "Tazkirai shuaro", which provides information about the literary environment of Khorezm in the late XIX and early XX centuries and information about the lives of about sixty poets. In addition, the tazkira contains sample poems from the works of each poet. The text of the poems of the authors named in the tazkira was compared with the manuscripts and edition of the tazkira and compared with the text of historical and literary sources, the devon or other separate source where the author's poetry was collected. The article examines the differences in the text of the sample ghazals in the manuscripts of "Tazkirai shuaro" and draws conclusions.

Key words: anthology, manuscript, clerk, source, copy, inventory, fond, gazelle, masnaviy, work, script, literature, poet, page, author.

Дустова Сурайё Савроновна,
(PhD), старший преподаватель
Джизакского государственного педагогического института
surayyodostova@gmail.com

ТЕКСТОВЫЕ РАЗЛИЧИЯ ГАЗЕЛЕЙ В TAZKIRAI SHUARO

АННОТАЦИЯ

Произведение «Тазкирай шуаро», в котором представлены сведения о литературной среде Хорезма в конце XIX и начале XX веков и сведения о жизни около шестидесяти поэтов. Кроме того, тазкира содержит образцы стихотворений из произведений каждого поэта. Текст стихов названных в тазкире авторов сопоставлялся с рукописями и редакцией тазкиры и сопоставлялся с текстом историко-литературных источников, девона или другого отдельного источника, где собрана поэзия автора. В статье рассматриваются различия в тексте выборочных газелей в рукописях «Тазкирай шуаро» и делаются выводы.

Ключевые слова: антология, рукопись, писарь, экземпляр, инвентарь, фонд, газель, месневи, произведение, письмо, литература, поэт, страница, автор.

«Тазкираи шуаро»нинг қўлёзмалари ва нашрида шоирларнинг намуна тарзида берилган баъзи ғазаллари матнидаги тафовутлар қуйидагича қиёсий таҳлил этилди:

1) қисқартирилган байтлар;
2) ҳарфлар ва сўзларнинг ўзгариши;
3) нашрда кўп нуқта қўйилган қаторлар.

Қисқартирилган байтлар. «Тазкираи шуаро»нинг қўлёзма нусхалари ва нашрида берилган ғазалларни бир-бири билан солиштириб чиққанимизда, туширилиб қолдирилган, қисқартирилган байтларни аниқладик. Натижада, ушбу ғазалларни шоирлар девони, танқидий матн ва бошқа манбалар билан қиёсланган ҳолда йиғма- қиёсий матнда тўлиқ ҳолатда берилди. Мунисниг «Фиғонким чархи кажрав, доми зулфидин эмас озод...» мисрали тарихи Лаффасий тазкирасининг 12561 рақамли қўлёзмасида [2] $7^{а}$-варақ (6-бет), 9494 рақамли қўлёзмада $3^{б}$ варақ [3] ва П.Бобожонов нашрининг 7-бетида берилган. Уччаласини қиёслаганимизда 12561 ва 9494 рақамли қўлёзмалардаги бир байт, яъни охирги икки байтдан олдинги қуйидаги байт П.Бобожонов нусхасида қисқартириб кетилган:

بهاری سبز خورم لیغ بیله باش چیکسا شمشاد
خزان ساوق شمالی برلا دور بی تاب

Огаҳийнинг «Дарди дилим онга дедим, дема они манга деди...» радифли ғазали 12561 рақамли қўлёзмада $20^{б}$ варақ (33-бет), 213 рақамли қўлёзмада $6^{а}$ варақ [4] (10-бет)да жойлашган. Қўлёзмалар бир-бирига солиштирилиб, (Ф.Ғанихўжаев) танқидий матн билан қиёсланганида охирги байтдан олдинги қуйидаги икки байт 213 рақамли қўлёзмада берилмаган:

وه نیدین ایرکان ایتماکونک هیچ وفا منکا دیدم
طاهر اولوبدورور قچان حسن ایلیدین وفا دیدی

خسته کونکلکا قیلماسَن مونچه جفا دیدیم
دیما جفا آنی سنینک دردینکادور دوا دیدی

Ғозийнинг «Кўнгул кўргач юзингни майл гулзори эрам қилмас...» радифли ғазали «Тазкираи шуаро»нинг 12561 рақамли қўлёзмасида $21^{а}$ варақ, 213 рақамли нусхада $12^{а}$ варақ ва П.Бобожонов нашрида 17-бетда ёзилган. У.Ҳамроев ва У.Каримовлар тазкиранинг баъзи қўлёзмаларини ўрганиш жараёнида Ғозийнинг ушбу ғазалини Ферузнинг иниси Отажон тўра Комроннинг ўғли Ғозийники [7, 77-80 бетлар], деган фикрни айтишган. Бироқ ушбу ғазал Мавлоно Ғозий Ҳўқандий номи билан “Тазкираи Қаюмий”нинг [6, 712- бет]1-дафтари 93-бетида берилган ва у 7 байтдан иборат. Ғазал Отажон тўра Комроннинг ўғли Ғозийга ёки Ғозий Ҳўқандийга тегишли эканлигини аниқлаш мақсадида уларнинг бир неча девонларини кўриб чиқдик. Отажон тўра Комроннинг ўғли Ғозий девони қўлёзмаларида бу ғазал учрамади.

Пўлатжон Қаюмийнинг асари «Тазкираи Қаюмий» асарида ғазал Ғозий Ҳўқандийга тегишли деб кўрсатилган. «Тазкираи Қаюмий»да Мавлоно Ғозий Ҳўқандий ҳақида яна қуйидаги маълумотлар ҳам берилган: «Бу киши асли туғилмиш ери Яйпан қишлоғида бўлуб, шу томонга оз вақт қози бўлуб тургани ҳам сўзланадур. Норбўтахон саройига яқин аъёнлар ва сипоҳлар қаторида бўлмиш эса-да, Умархон даврида саройдан йироқлашган. Кучли шоир ва олим, фозилларидан бири бўлуб, номи Муҳаммад Ғозийдир. Кўп шеърлари диний кучга эга бўлуб Навоийга эргашувчи шоирдур. Вафоти Умархон даврида 1817 йилга тўғри келадур», дейилган ва 5 та намуна шеъри берилган.

Ғозийнинг «Кўнгул кўргач юзингни майл гулзори эрам қилмас...» радифли ғазалининг «Тазкираи шуаро» қўлёзма нусхалари ва нашрдаги матнини «Тазкираи Қаюмий»нинг биринчи китоби 93-бетида берилгани билан қиёслаганимизда, баъзи фарқлар мавжудлиги аниқланди. 12561 ва 9494 рақамли қўлёзмада берилган:

سرشکیم کویی نینک توفراغی نی بهوده نم قیلماس

мисраси «Тазкираи Қаюмий»да қуйидагича:

کوزیم یاشی کویین توفراغینی بیهوده نم قیلماز

Ушбу мисрадан сўнг икки байт 12561, 213 рақамли нусхалар ҳамда П.Бобожонов нашрида ҳам йўқ, мисрани тўлиқ келтириб ўтамиз:

خداکه شوکورکیم درد جفایو جورین اول مهوش

قیلور کوندین کون آرتوق جانیمه بر ذرَه کم قیلماز

Юқорида берилган ғазаллардаги туширилиб қолдирилган, қисқартирилган байтлар, бизнингча, котибларнинг хатоси ва бу каби хатолар баъзан матндаги маънога путур етказган. Ҳарфлар ва сўзларнинг ўзгариши. «Тазкираи шуаро» қўлёзмаларида намуна тарзида берилган баъзи шеърларни нашр билан солиштирганимизда, сўзларда фарқлар ва хатоликлар борлиги ҳам аниқланди. Нашр қилиш жараёнида кўп сўзларнинг ўзгарган ҳолатда берилганига дуч келдик. Сўзлардаги хатоликларни аниқлаштириш мақсадида шоирларнинг девонларига мурожаат қилинди ва бу хатолар тузатилди.

Мунисниng «Фиғонким чархи кажрав, доми зулфидин эмас озод...» радифли тарихи Лаффасий тазкирасининг 12561 рақамли қўлёзма $7^{а}$ варағи (6-бет), 9494 рақамли қўлёзманинг $3^{б}$ варағи ва П.Бобожонов нашри 7-бетида берилган. Учаласи қиёсланганда қуйидаги фарқлар келиб чиқди:

12561	9494	Нашр
(дом) دام	(дом) دام	Доми
(асбоб) اسباب	(асбоб) اسباب	Асҳоб
(чекиб) چیکیب	(чекиб) چکیب	Чекиб
(уза) اوزه	(уза) اوزه	Узра
(зоҳир) ظاهر	(зоҳир) ظاهر	Моҳир
(тош) تاش	(тош) تاش	Тоғ
(лаълию ноб) لعلی یو ناب	(лаъли ноб) لعل ناب	лаъли ноб (тоза лаъл(ноб форсча «соф, тоза,»))
(золим жафосидин) ظالم جفاسی دین	(золим жафосидин) ظالم جفاسیدین	золи жафосида
(туфроқиға ноёб) توفراقِغه نایاب	(туфроқиға тоёб) تفراقیغه تایاب	туфроғи-ки ноёб
(дедим бир) دیدیم بر	(дедим бир) دیدم پر	дедимки бир

Бизнингча, бу ерда баъзи сўзлардаги ўзгаришлар моҳиятга зид ҳолда келган: «асҳоб» ва «асбоб», «моҳир ва зоҳир», «тоғ» ва «тош» сўзлари бир-бирининг ўрнига ишлатилиши мумкин эмас. Қўлёзмалардаги ғазалда бу сўзлар «асбоб», «зоҳир», «тош», «золим жафосидин» деб тўғри ёзилган.

Фаррухнинг «Эй кўнгул ҳар ёр васлиға хумор ўлмоқ абас...» радифли ғазали 12561 рақамли қўлёзма 33[а,б] варақ, 9494 рақамли қўлёзманинг 11[а] варағи ва нашрнинг 31-бетида ёзилган. Улар солиштирилганда қуйидаги ўзгаришлар борлиги аниқланди:

12561	9494	Нашр
(-нинг йўқ)(ёр) یار	(-нинг йўқ)(ёр) یار	Ёрнинг
(зор) زار	(зор) زار	Хор
(чун сўзи йўқ)(қадам) قدم	(чун сўзи йўқ)(қадам) قدم	чун қадам
(дилафкор) دل افکار (форсчада юраги чарчаган,ғамгин,юраги хаста)	(дилафкор) دلافکار	Дирфиқор
(қони ашкинг) قان اشکِنک	(ашки қонинг) اشک قانین	қони ашкинг
(ҳижрон ўтиға) هجران اوتیغه	(ҳажр ўтиға) هجر اوتیغه	ҳажр ўтиға
(қуллуқ) قوللوق	(қуллуқ) قول لوق	Қуллик

Юқоридаги жадвалдаги «хор» ва «зор», «дирфиқор» ва «дилафкор», «қуллик» ва «қуллуқ» сўзлари бирининг ўрнига бири ишлатилиши мумкин эмас. Нашрдаги бундай хатоликлар натижасида матндаги маънога путур етган. Фаррух девони берилган 906 қўлёзма нусхада ва «Тазкираи шуаро»нинг 12561 рақамли қўлёзмасида ушбу сўзлар бир хил, яъни «хор» эмас «зор», «дирфиқор» эмас «дилафкор», «қуллик» эмас «қуллуқ», «ҳажр ўтиға» эмас «ҳижрон ўтиға» деб ёзилган ва бу тўғридир.

Султонийнинг «Бўлиб сунъинг насимидин азал бирла абад пайдо...» радифли ғазали 12561 рақамли қўлёзма 43[а] варақ ва Бобожонов нашрининг 33–бетида берилган. Иккаласи солиштирилганда қуйидаги фарқлар келиб чиқди:

12561	Нашр
(сунъинг) صنعینک	Сунъий
(хирадға) خردغه	Хирад
(кунҳи зотининг) کنهِ ذاتینک	.....зотинг (сўз ўрнида кўп нуқта қўйилган)
(ё раб, не ҳад пайдо یا رب نی حد پیدا	ёрабки ҳад пайдо
(кунглида бийминг беҳисоб асру) کونکلیده **بمینک** بیحساب اسرو	кўнглида.....(сўзлар ўрнида кўп нуқта қўйилган)
(бурҳон эрур ашё) **برهان** ایرور اشیا	барбод эрур ашё
(беамад пайдо) بی عمد پیدا (арабчада умуднинг бирлиги(устун)дегани)	беадад пайдо (арабчада ҳаддан ташқари кўп дегани)
(даҳри дун ичра) دهردون ایچرا	гардун ичра

Ушбу ғазал 909 рақамли Султоний девонининг 2[а] варағида [5] ҳам берилган. Ғазалда берилган юқоридаги сўзларни Султоний девонида берилганига солиштирганимизда 12561 рақамли қўлёзма билан бир хил, фақат бир байтда фарқ мавжуд:

12561 рақамли қўлёзмада 7-байт:

بشر عاجز ایرور سلطانی آنینک وصفی فکریدا
ز هی ایرماس ظهورینک غه ازل برله ابد پیدا

909 рақамли қўлёзмада 7-байт:

خرد عاجز ایرور سلطانی آنینک ذاتی فکریدا
ز هی ایرماس ظهورینک غه ازل برله ابد پیدا

Бобожонов нашри 7-байт:

Башарга кўз эрур Султоний онинг васфи фикрида,
Сенинг зикри зуҳурингга азал бирла абад пайдо.

Бунда ғазалдаги «башар» ва «хирад», «васфи» ва «зоти» сўзлари бир-бирига мос тушмаган. Нашрда сўзлар хато ёзилганлиги сабабли матнга путур етган.

Ғуломийнинг «Сиҳҳат равон қилсам, нетонг гар лаъли дилбардин таъма...» радифли ғазали 12561 рақамли қўлёзма нусха 52[а] варақ, 213 рақамли қўлёзманинг 34[б] варағи ва Бобожонов нашрининг 57-бетида берилган. Учаласи солиштирилганда қуйидаги фарқлар аниқланди:

12561 қўлёзма	213	Нашр
(умидин) اومیدین	(умидин) امیدین	Уммидин
(хумор шакардин таъма)خمار شکردین طمع	(хумор шаккардин таъма) خمارشکردین طمع	бемор...(сўзидан сўнг кўп нуқта қўйилган)
(соқий мавзун) ساقی موزون	(соқий мавзун) ساقی موزون	соқий(сўзидан сўнг бир сўз ўрнига кўп нуқта қўйилган)
(қарорғон) قرارغان	(қарорғон) قرارغان	Қорайган
(жазо) جزا	(журм) جرم	жуз
(бас ситам кавсардин) بس ستم کوثردین طمع	(бас ситам кавсардин) بس ستم کوثردین طمع	бас оби кавсардин

Ушбу ғазал Содиқ, Ғуломий ва Ҳақирий девони берилган 1145/2 рақамли қўлёзманинг 160[б] варағида ҳам берилган. «Тазкираи шуаро»нинг қўлёзмалари ва нашрини девон билан солиштириб чиққанимизда 1-байтнинг иккинчи қаторида фарқ борлиги аниқланди.

1145/2 қўлёзмада:

کیم مهیدین قیلور خمار بیشکردین طمع

12561қўлёзмада:

کیم قوت اومیدین قیلور خمار شکردین طمع

Юқоридаги ғазаллардаги бир-бирининг ўрнига ишлатиш мумкин бўлмаган сўзлар нашрга тайёрловчининг эътиборсизлиги, масъулиятсизлиги натижасидир.

Нашрда кўп нуқта қўйилиб кетилган қаторлар. Биз «Тазкираи шуаро»нинг қўлёзмаларини нашр билан қиёслаб ўрганиш жараёнида нашрда шоирларнинг ижодидан намуна шеърларни беришда баъзан мисралар ўрнига кўп нуқталар қўйиб кетилганлигини кўрдик. Бу ҳолатни нашрга тайёрловчи П.Бобожонов: «Ушбу манбалар кирилл алифбосига кўчирилаётганда имло хатоларга йўл қўйилган. Хатоларни имкони борича бартараф қилдик, мужмал сўзларнинг ўрнини кўп нуқта қўйиб очиқ қолдирдик» [1, 2-бет], дея изоҳлаган. Бизнингча, нашрга тайёрловчи араб ёзувидаги матнни ўқишда қийинчиликларга дуч келган ва мисрани очиқ қолдирган ҳолда кўп нуқта қўйиб кетаверган. Асарни нашрга тайёрлаш жараёнида П.Бобожонов 12561 рақамли қўлёзмани кўрмаган ёки кўришининг имкони бўлмаган бўлиши мумкин. Қўлёзмаларни ўрганиш жараёнида нашрдаги ушбу кўп нуқта қўйилган қаторларни таянч нусха ва шоирларнинг девони билан солиштириб чиқдик ҳамда кўп нуқта қўйилган қаторларни тўлдирдик.

Ферузнинг «Ҳолима раҳм айламас, шўхи паризодим манинг...» радифли ғазалининг бешинчи байти биринчи мисраси П.Бобожонов нашрида «Чун» сўзи ёзилиб, кўп нуқта қўйилган. Бу ғазал 12561 рақамли қўлёзманинг 29[а] варағида қўйидагича учрайди:

چون منکا بیداد رسمین توتمیش اول سلطان حسن

کیم ایشتکای ایمدی هجران ایلکیدین دادیم منینک

Бу каби кўп нуқта қўйилган мисраларга нашрдаги ғазалларда 37 марта ва мусаддасда 2 марта дуч келдик.

Хулоса қилиб айтганда, бизнингча, матнни нашрга тайёрлашда асарнинг битта эмас, балки бир неча қўлёзма нусхасини ўрганиб чиқиш лозим бўлади. Шундай қилинса, адабиёт тарихида манбалар мукаммаллиги ва ишончлилиги ортади.

Тазкирани ўрганишимиз жараёнида Лаффасий тазкирасининг аҳамияти, биринчи навбатда шоирларнинг яхши ғазаллари, мухаммасларидан олинган намуналар жамланмасини

тақдим этгани бўлса, иккинчидан, унда шоирларнинг таржимаи ҳоллари ва ғазалларидан намуналар берибгина қолмасдан, балки кўплаб адиблар ва уларнинг ижоди ҳақида ўз фикрларини ҳам ифодалаган ҳамда уларга атаб маснавийлар ҳам битганлигида кўринади. Шу билан бирга асарда бизга ҳозиргача номаълум бўлган, бироқ назмда баракали ижод қилган ўнлаб шоирлар билан ҳам таништиради, бу эса, шубҳасиз, тазкира қимматини янада оширади.

Ҳасанмурод Лаффасийнинг “Тазкираи шуаро” асари ҳозирги кунда XIX аср охири XX бошлари Хоразм адабий муҳити тарихи ва адабиёти бўйича қилинаётган барча илмий тадқиқотларда тез-тез тилга олинади. Бу ҳолат тазкиранинг ушбу муҳит учун зарур ва ишончли манба эканлигини исботлайди.

Адабиётлар рўйхати:

1. Лаффасий. Тазкираи шуаро. (нашрга тайёрловчи П. Бобожонов) // Урганч: Хоразм. 1992. -Б.2.
2. ЎзРФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар фонди 12561 рақамли қўлёзма $7^{а}$, $20^{б}$, 21 ^{а}, 52 ^{а} варақ.
3. ЎзРФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар фонди 9494 рақамли қўлёзма $3^{б}$, 12 ^{а} варақ.
4. ЎзРФА Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи 213 рақамли қўлёзма $6^{а}$, $34^{б}$ варақ.
5. ЎзРФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар фонди Султоний девони 909 рақамли қўлёзма 2 ^{а} варақ
6. Қаюмов П. Тазкираи Қаюмий. (Нашрга тайёрловчи А. Қаюмов).– Т.: Қўлёзмалар институти, 1998. – 712 б.
7. Ҳамроев У., Каримов У. Хива шоирлари тазкирасининг нусхалари // Адабий мерос. –Т.. 1981. – № 4. –Б.77-80.
8. https//science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/4818
9. https//science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/4819
10. https//science.i- edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/4836
11. https//science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/2375



Юсуфжонова Шахло Мухторовна,
Фарғона давлат университети, Чет тиллар факультети
Немис ва француз тиллари кафедраси, немис тили ўқитувчиси
usufzonovasahlo@gmail.com

ТАРЖИМА МУАММОЛАРИНИНГ УМУМЛАШТИРИЛГАН ТАВСИФИ

https://doi.org/10.5281/zenodo.0000000

АННОТАЦИЯ

Ҳозирги босқичда тиллардаги фразеолизмларни тадқиқ этишга катта эътибор берилмоқда. Шундай тадқиқотлар натижасида фразеология тилшуносликнинг алоҳида соҳаси сифатида шаклланди. Бу ҳолат фразеологизмларни янада чуқурроқ илмий тадқиқ этишни тақазо қилади. Ушбу мақола ўзбек ва немис тилларидаги асарлардаги ва оғзаки нутқдаги фразеологизмларнинг миллий ва маданий хусусиятлар доирасидаги даражаларини ўрганишга, тавсифланишига, уларнинг луғатларда таржима қилиш муаммолари масалаларига бағишланган бўлиб, шу турдаги фразеологизмларга келтирилган мисоллар орқали уларнинг этимологик манбалари кўрсатилган. Шу билан бирга, уларни адабиётларда қанчалик кўламда тарқалганлиги ва уларнинг қўлланилиши, лексик луғатларда фразеологизмларнинг таржималари ифодаланганлиги кўрсатилган. Мақолада, асосийси, уларнинг миллий-маданий хусусиятлари қандай омилларга боғлиқлиги хам кўрсатиб ўтилган. Улар хақида етарли тассавурга эга бўлиш, мазкур фаолият мохиятини теран тушиниш имконини беради. Шу боис ушбу ишда таржиманинг мухим муаммолари умумлаштирилиб тавсифланган

Калит сўзлар: Немис тили, фразеолизм, лексик, семантик, грамматик, тадқиқот, миллий хусусият, маданий хусусият , фраза**,** лексема, морфема, синтактик боғланиш, лисоний бирлик, матн турлари, таржима омила, таржима бирлиги.

Юсуфжонова Шахлохон Мухторовна
Преподаватель немецкого языка
кафедры немецкого и французского языков,
Факультет иностранных языков,
Ферганского государственного университета
usufzonovasahlo@gmail.com

ОБЩЕЕ ОПИСАНИЕ ПРОБЛЕМ ПЕРЕВОДА

АННОТАЦИЯ

На современном этапе большое внимание уделяется изучению фразеологии языков. В результате такого исследования фразеология сформировалась как отдельный раздел языкознания. Эта ситуация требует более глубокого научного изучения фразеологии. Статья посвящена культурным особенностям узбекских и немечских фразеологизмов в романах и устной речи, с помощью примеров этих фразеологизмов показаны их этимологические

ресурсы, выражается их одновременно распространенность и применяемость в литературе. В статье даны их национально-культурные специфики, основана на описании фразеологизмов в контексте национально-культурных особенностей в перевода, исходя из проблем их перевода в словарях. Достаточное их понимание позволяет глубже понять природу этой деятельности. Поэтому в данной работе обобщаются и описываются важные проблемы перевода.

Ключевые слова: немецкий язык, фразеология, лексика, семантика, грамматика, исследование, фразеологизмы, роман, устная речь, национально-культурные, этимологический, ресурс, специфики, национально-культурные особенности, фраза, фразеология, лексема, морфема, синтаксическая связь, языковая единица,стиль, комментарий, комментарий, понимание, типы текста, коэффициент переводчика, единица перевода.

Yusufjonova Shakhlokhon Mukhtorovna
Teacher of German language of Department
of German and French languages, Faculty of
Foreign Languages, Fergana State University
usufzonovasahlo@gmail.com

GENERALIZED CHARACTERISTC OF TRANSLATION PROBLEMS

ANNOTATION

At the present stage, much attention is paid to the study of the phraseology of languages. As a result of such a study, phraseology was formed as a separate section of linguistics. This situation requires a deeper scientific study of phraseology. The article is devoted to learn cultural peculiarities o f the Uzbek and English phraseological units in novels and oral speech, their etymological resources are also shown by given examples o f such these phraseological units. It is expressed the prevalence of them and how they are applied in the literature simultaneously. In the article it was alsoclaimed to which resources they are related.This article presents the issues of classification of phraseological units according to their national and cultural characteristics, problems of their translation in dictionaries. Having a sufficient understanding of them contributes to a clear understanding of the essence of this activity. Therefore, in this work summarizes important translation problems.

Key words: German, phraseology, vocabulary, Phraseological units, novel, oral speech, national-cultural, etymological, resource, feature, semantics, grammar, research, national characteristics, cultural characteristics, phraseme, lexeme, morpheme, syntactic connection, phenomena, phraseological units, speech, generalized meaning, lexical-semantic unity, note, understanding, types of texts, translation unit, translator factor.

Инсоният ақлини топибдики,узоқ ва яқин халқлар билан турли - туман алоқада яшаб келади. Ушбу алоқалар яқин қўшничилик, савдо сотиқ билан бир қаторда албатта басқинчилик урушлар орқали хам амалда намоён бўлган Булар қаторида турли диний эътиқодларни ўзга юртларга тарғиб қилиш,сингдириш орқали халқлар кенг мулоқатга киришганлари барчамизга тарихдан маьлум.

Бу каби мулоқат йўллари,шубхасиз,тил орқали,тил бўлганда хам ўзга тилларни билиш орқали амалга оширилганлиги исбот талаб қилинмайдиган хақиқат. Ана шундай мулоқот элчилари бизнинг юртимизда биринчи тилмочлар асосий таржимонлар бўлишган.У халқлар ўртасидаги беназир воситачи шахслар эдилар. Чунки уларнинг хатти харакати орқали савдо сотик амалга оширилиши билан бирга турли келишмовчиликларнинг олди олинган.

Ёзувнинг кашф этилиши эса инсоният хаётини тубдан ўзгартириб юборди. Ёзув нафақат инсонлар орасидаги абадий мулоқот унсури сифатида,балки оламни идрок этишда энг қулай таффакур қуроли - востаси сифатида одамзотни янги нурафшон йўлга олиб чиқди. Инсониятнинг буюк шахслари ўзларининг ақл заковоти,қувваи - хотираси билан келажак тараққиёти учун ўз асарлари билан тамал тошини қўйдилар. Қадимий таьлим тарбияга оид

эстетик фанлар қаторида меъморчилик, тасвирий санъат,мусиқа,шерият ва фалсафа каби қатор фан йўналишлари шакллана

бошлади.Ушбу ўринда эслатиш лозимки, Ғарб ва Шарқ фалсфасининг буюк номоёндалари Луқмони Хаким (Алекмеон), Пифагор, Гераклит, Суқрот, Афлутон, (Платон), Аристотель (Арасту), Гиппократ (Буқрот), Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино каби илм дарғаларининг ёзиб қолдирган бебахо бойлиги сифатида қадрланиб келинади.

Ўша даврлардаёқ бирон бир халқ томонидан яратилган ноёб асарлар ўзга халқлар мутаффакирларининг хам диққатини ўзига тортган,ўзгалар томонидан яжратилган ёзма дурдоналар билан танишиш нияти туфайли ёзма тардимонлар пайдо бўла бошлади. Таржимашунос олим Комилжон Жўраевнинг таъкидлашича, ”гўзал нафосат оламининг энг завқбахш бир томони-таржимачилик санъати бундан 2000 йил муқаддам, яъни Гомер” Одиссея” сининг юнон Ливий Андроник томонидан лотин тилига биринчи бор ўгирилиши билан бошланган экан [3].”

Антик цивилизациядан сўнг Ғарбда, Шарқда уйғониш даври бошланди. Бу даврда кўплаб шоир, файласуф хамда давлат арбобларининг турли мавзулардаги асарлари дунёга келди. Натижада бирин – кетин буюк сиймолар етишиб чиқа бошлади. Шарқда Фирдавсий, Саъдий, Жомий, Низомий, Навоий, Дехлавийлар ўзларининг буюк асарлари билан инсоният маънавий дунёсининг юксалишига,равнақга беназир хиссаларини қўшдилар. Уларнинг ноёб асарлари эса ўша даврлардан бошлаб хали хануз тиллардан тилларга таржима қилиниб келинаётир.

Лекин адолат юзасидан таъкидлаш лозимки,таржимачилик иши фақат XX асрга келибгина оммавий тус олди. Аср давомида таржима амалиёти турмушнинг барча жабхаларида иштирок этди.Унинг шарофати ила филология илмида тардима назарияси фани вужудга келди ва илмий жамоатчилик томонидан тан олинди.Пировард натижада дунё миқёсида турли таржима ва таржимашунослик мактаблари юзага келди, деб ёзади таниқли олим М.Холбеков. Биргина мисол, Шарқ ренесансининг йирик номоёндаси Алишер Новоийнинг пурҳикмат асарлари фақат XX асрнинг эллигинчи йилларига келиб,аниқроғи, 1940 йилда рус тилига ўгирилди.Таъкидлаш лозимки, бундай тарихий асарларни махсус тайёргарликсиз аниқ таржима қилиш амримахол. Таржимондан эса нафақат Навоий замондаги ўзбек тилини, балки араб, форс тилларини хам мукаммал билиш талаб этилади.Таржимашунос олим Ғайбулла Саломов ”Таржима тил билган хар бир кимса хам шуғулланаверадиган юмуш эмас, балки фан ва саънатдир” [4]деганларида юз бора хақ эдилар.

Дархақиқат, таржимашунослик фанининг ўз қонун қоидалари мавжуд бўлиб, бунда фан ва санъат уйғунлигини кўрамиз. Таржимон бирон бир асарнинг асл мохиятини англамай, асарда

қўлланган сўз ва ибораларнинг мағзини чақмай туриб, асар руҳиятини очиб беролмайди. Бундай жиддий талаблар даставвал поэзия ва проза таржимасига тааллуқлидир.

Ўзбекистон таржима амалиёти, таржимашуносликнинг назарий масалалари билан шуғуланниш ўтган асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб кенг амалга оширилди. Бир қатор мумтоз адабиётлар таржималари қаторида таржимашуносликнинг турли тарихий, лингвистик, бадиий томонларини ёритган илмий - монографик қўлланмалар ёзила бошлади. Олимларимиздан Ж.Шарипов, Ш.Шомухаммедов, Ғ.Саломов, Н.Комилов, И.Ғофуров, Н.Владимирова каби қатор тилшулшунос, адабиётшунос олимларимиз таржимашунослик назарияси яратилишига ўз мақола ва рисолалари билан тамал тошларини қўйдилар.Бундан ташқари Республикамиз олий ўқув юртларида таржима амалиёти ва назарияси бўйича махсус дарслик, қўлланмалар асосида ўқув машғулотлари шакиллантирилди.

Ушбу ўринда Республикамизда илк бор таржимашунослик фидоийси Ғ.Саломов томонидан “Таржима назариясига кириш” дарслиги яратилди. ЎзФА тил ва адабиёт институти томонидан бадиий таржима масалаларига оид қатор мақолалар тўпламлари чоп этилди. Ўша йиллари (1979), Ғ.Саломов, Н.Комилов, К.Жўраев, Н.Отажоновларнинг “Таржима махорати”, Ғ.Саломовнинг “Адабиёт анъаналаи ва бадиий таржима”(1980), “Тил ва таржима”(1966), Ғ.Саломов, Н.Комиловнинг “Дўстлик кўприклари”(1979) монографиялари чоп этилди.

Такидлаш лозимки,таржима ва таржимашуносликнинг икки ўзига хос йўналишлари ўша даврда шакллана бошлади.Машхур рус ёзувчиси, таржимон К.Чуковский томонидан тан олиниб, эътироф этилган бадиий таржима назарияси билан бир вақтдатилшунос олим А.Фёдоровнинг таржиманинг лингвистик назарияси яратилди.

Биринчи назарияси тарафдорлари фикрича, таржимажараёнида асосий эътибор таржима қилинаётган асарнинг эстетикасига ва сўз санатига қаратилиши лозим, яъни таржимани санъат даражасга кўтариш талаб этилиши таъкидлаб ўтилади.

Иккинчи йўналиш тарафдорларининг фикрича, таржима жараёнида тилларнинг умумий структурасига, масалан, грамматик хамда стилистик мутаносиблигига эътибор бериш лозимлиги талаб этилади. Ушбу йўналишлар хақида кейинги бобларимизда кенгроқ тўхталиб ўтишимиздан аввал, таъкидлашимиз лозимки, ушбу икки йўналиш хам хозирги кунда ўз ахамиятини йўқотмаган холда, тўлдирилиб, амалиётда қўлланилиб келинмоқда.Бунга ёрқин мисол тариқасида В.Н.Комиссаров, А.Д.Швейцер, Л.С.Бархударов, Г.Р.Левинная, А.М.Фитерман, Л.А.Черняховская, М.Холбеков, К.Мусаев, Ш.Сафаров, З.Садиқов, Ғарб тилшуносларидан Р.Якобсон, Р.Ферс, Ж.Муне, О.Каде, А.Нойберт, Дж.Кеттфорд, Ю.А.Найда, Г.Егер, Э.Флайшманн каби олимларнинг монографик асарларини эслатиш кифоя.

Таржиманинг адабиётшунослик йўналиши тарафдорлари Г.Гачечиладзе, И.Кошкинларнинг қарашлари кенгроқ талқин қилиниб,хозирда Д.Дюришнинг ’’Таржима халқаро адабиёт жараёни тараққиётида мухим ўрин эгалловчи адабиётлараро комуникатив воситадир’’,деган назарияси ушбу йўналишда мухим ўрин эгаллайди. Ушбу ғояга мувофиқ А.Попович’’Таржиманинг комуникатив характери’’ни асослаб берди. Бир қатор олимлар И.Кошкин,Г.Гачечиладзенинг қарашларига қарши ўлароқ таржиманинг аниқ лингвистик талқинига таянган холда таржимашунослик назариясини яратиш лозимлиги ғоясини илгари сурдилар.Дарвоқе, машхур тилшунос Р.Якобсоннинг фикрича,’’.....таржима бир тил (аслият) дан иккинчи тил (таржима) га ўтувчи семиотик,яъни вербал белгиларнингкўчиши’’тарзида эътироф этилса, А.Поповичнинг фикрига
кўра “.....таржима метатекст,яъни текстни ўзга тилга кўчиши, ўзгариш ходисаси ”деб талқин қилинади.

Такидлаш лозимки, бундай мураккаб тил ходисасини бир томонлама талқин қилиб бўлмайди. Бизнинг фикримизча, таржиманинг адабиётшунослик назариясини таржиманинг тилшунослик назариясига қарама қарши қўйиш мантиққа тўғри келмайди. Таржимани ягона,бир томонлама амалга ошириб бўлмайди.Хар қандай таржима амалиётига комплекс ёндошиш зарур,унинг барча аспектлари инобатга олинмоғи даркор.

Француз тилшуноси Ж.Муненинг “Таржиманинг назарий проблемалари” китобида “.....таржима ўз мохияти билан тил билан доим боғлиқ,унга таянадиган ва шу билан бирга уни лингвистик аспектида текширишни кўзда тутадиган фаолият. Бу – у бажараётган вазифалари (бадиий роза ва поэзия таржимаси хақида гап кетса –адабий,эстетик вазифа) характери бўйича кўп қиррали ходиса бўлган таржимани тилшуносликдан ташқари фанлар қизиқтирмайди деган гап эмас”, деб таъкидланади.

Умуман олганда таржимашунослик назарияси хақидаги тортишувлар, қарама– қарши фикрлар хозирги кунда хам кун тартибида турибди.Чунки таржимага бўлган эхтиёж кун сайин кучаймоқда,зинхор пасайгани йўқ.

Лекин таржима ва таржимашунослик ўзига хос ютуқларга эришган бўлса–да, таржимашуносликнинг илмий-методологик асарлари хануз тўла асосланманган. Масалан, ”Таржима фанми, ёки саънатми ?”, ёки “ Таржима умуман бор нарсами ёки янги яратилган асарми “Каби саволларнинг ечимига хали бери жавоб беролмасек керак.Бир нарса аниқки,таржима –бу ўта машшақатли фаолият, бу фаолиятда икки тилни билишгина кифоя эмас,бунда таржимондан алохида маълум қобилият, саънат хам талаб этилади. Шу боисдан таржиманинг бадиий назариясини,тилшунослик назарияси билан қарама– қарши қўйиш мумкин эмас.Чунки бири иккинчисисиз яхши таржима ярата олмайди.

“Таржима борми–таржима йўқми?”деган иккинчи савол антиномияси маълум даражада ўз ечмига эга.Чунки оламни идрок қилишди,инсонларнинг қай жойда

яшашидан,Қайси тилда гаплашишидан қахтий назар,умумийлик мавжуд. Борлиқ дунёни идрок қилишдаги умумийлик қайсидир даражада таржима мумкинлигини исботлайди. Албатта, таржимада бир қатор йўқотишлар бўлиши мумкин, булар кўпроқ экстралингвистик, лингвистик ходисалар,аниқ ёки яширин ифодаланадиган миллий менталитетни ифодалаш қийинчиликлари билан боғлиқ бўлади. Шу билан бирга хар қандай таржима ўз олдига қўйган вазифани адо этиши барчага маълум. Аксарият масалалардан бири, таржимашунослик назариясини яратиш масаласи, яъни таржиманинг психологик, бадий, лингвистик хусусиятларини бирлаштирган холда, ягона назария яратиш зарурияти хисобланади. Бундан кўзланган мақсад бадиий таржима номояндалари, психологик йўналш вакилларининг тилшунослик ва таржимада ўз сохаларида эришган ютуқларини умумлаштириш хамда таржима амалиёти ва назариясига тадбиқ этишдир.

Таржима ва таржимашуносликнинг методологик масалалардан бири текст муаммосидар. Фақат текстда таржима назарияси ва амалиёи маслалари ўз ечимини топади.Текст асосий информация “ўчоғи” хисобланади. Фақат текстда тил бирликларининг кўп маънолилиги йўққа чиқарилиб, ифодаланаётган фикр ойдинлашади. Ушбу фикр асосида таржимон таржима қилинаётган тилдаги муқобил сўз ёки сўз бирикмасини топади. Ушбу кўрнишда текст таржиманинг асосий бирлиги сифатида намоён бўлади. Текстнинг қайси жанрга тааллуқлилиги, хусусияти таржимондан махсус вазифа, тайёргарлик, билим ва таржима талаб этади. Дарвоқе, текст таржимаси таржиманинг қай даражада аниқ,тўлиқ бўлганлигини аниқлаб берувчи фактор хисобланади. Чунки айни шу ерда барча таржима муаммоларининг ечими кўзга аниқ ташланади. Шу нуқтаи назардан хам таржимани назарий тадқиқ қилишда текстни ўрни беқиёс. Хар қандай таржимани лингвистик нуқтаи назардан тахлил қилишда оригинал текст билан таржима тектини қиёслаб ўрганиш катта ахамиятга эга. Ушбу ўринда таржиманинг прагматик аспектига эътибор қаратиш талаб этилади. Чунки социолингвистик маълумотлар таржима назариясининг шаклланишида катта ахамиятга эга. Бундан ташқари таржима жараёнида таржиманинг прагматик мақсади, яъни нима мақсадда таржима қилинаётгани ва қандай холатда бунга эришилаётгани, қолаверса, таржимага муносабат даражаси ахамиятли хисобланади.

Таржима ва таржимашуносликнинг асосий масалаларидан бири икки тил бирликлари ўртасидаги эквивалентлик муносабатларини ўрнатишдир. Бу, албатта, хар қандай таржима фаолиятининг ўзак масаласи хисобланада. Тиллардаги лексик, фразеологик, грамматик ва стилистик ўзига хослик тил бирликларининг ўзаро муқобиллиги, эквивалентлигини ўрнатишда, мос тушадиганини топиш таржима жараёнининг энг нозик, шу билан бирга энг ахамиятли масаласидир. Албатта, хар қандай асарни таржима қилиш жараёнида таржимон хар бир тил бирлигининг, у хох сўз ёки фразема бўлсин, ўзга тил сўзи ёки фраземасига муқобиллигини аниқлашда, ўзидан олдин қилинган амалий, илмий ишларни тахлил қилган холда,ўз муқобил вариантини таклиф этади. Албатта, бундай имконият тиллардан тилларга қилинган тўғридан тўғри таржималар сони ва сифати кўлами билан аниқланди. Алохида таъкидлаш лозимки, хар қандай таржиманинг асосий “иш қуроли”–бу турли типдаги бир тилли, икки тилли хамда тилларнинг махсус бирликлари асосида тузилган луғатлардир. Сўнгги пайтда дунё лексикографик амалиётида бу борада катта ютуқларга эришилди. Бир қатор тиллар жуфтлигида кўп минг сонли фундоментал лексик луғатлар қаторида махсус ўқув луғатлар чоп этилди. Шунга қарамасдан таржимонлар ишини енгиллаштиришда асосий қурол хисобланган луғатлар ва уларни тузиш жараёнида таржима масалалари хали хануз махсус илмий тадқиқотлар объектига айланмаган. Бундай холатни нафақат ўзбек луғатшунослиги ва таржимашунослигида, балки жахон луғатшунослиги ва таржимашунослигида хам кузатамиз.

Умуман олганда, сўнгги йилларда йилларда дунё таржимашунослиги таржиманинг амалий масалаларига катта эътибор қаратмоқда. Лейпциг таржимашунослик мактабида ҳозирги кунда фаолият юритаётган қатор олимлар ўзларининг илмий тадқиқотлари билан таржима ва таржимашунослик фанининг ривожига сезиларли хисса қўшиб келмоқдалар. Улар қаторида роман тиллари мутахассиси профессор Герд Вотяк, немис на рус тиллари таржимаси масалалари билан шуғулланувчи профессорлар Эберхардт Флайшманн, Владимир

Кутиларнинг монографик ишларини алоҳида таъкидлаш лозим. Таржима фаолияти қуроллари бўлган луғатлар тузиш масалалари билан ҳам Лейпциг таржимашунослари бир катор амалий ва назарий ютуқларга эришдилар. Қисқа қилиб айтганда, таржимашунослик давр талабидан келиб чиккан ҳолда ҳаётда амалий аҳамиятга эга бўлган турли фанлар иштирокида шаклланаётган ёш фанлар сирасига киради. Унинг катор илмий, амалий масалалари ўз ечимини кутмокда. Олиб борилган тавсивларимизга қисқача хулоса қилсак, икки тилли луғатларда тилларни лексемалари қаторида ноёб фразеологик бирликларга хам алоҳида эътибор қаратилиб келинмоқда. Лекин адолат юзасидан таъкидлаш лозимки, лексик луғатларда фраземамаларга, агар ўхшатиш жоиз бўлса, “ўгай ука” га қаралгандай қараб келинмоқда. Улар норматив тил бирликлари бўлишига қарамасдан, ҳалигача жаҳон лексикографиясида лексемалар қаторида мустақил равишда тавсифланиб, таърифланиб,т ўлиқ изоҳланмаётир. Шу боисдан ҳам ҳар бир тилнинг изоҳли фразеологик луғатлари қаторида икки, кўп тилли мустақил фразеологик луғатларга олинажак иборалар ўзларининг барча семантик, структур, функционал-стилистик, миллий-маданий хусусиятларини намоён этмоғи даркор.

Адабиётлар рўйхати (Literatur verzeichnis):

1. М.Холбеков. Германистика ва романистиканинг тарақиёти ва келажаги Ўз.дав.нашр, Бухоро, 2008, 72-бет
2. Umarxo’jayev, M.Olmon tili leksikologiyasi va frazeologiyasi.Andijon 2010.
3. К,Жураев.Таржима саънати.Тошкент\\ «Фан»нашрёти,1982 йил,6-бет
4. Ғ.Саломов Таржима назариясига кириш.Т,1978 йил,179-бет
5. “Мастерство перевода –1966 “,.М.,1968,471– 472 бетлар
6. Mirsoatov,T. Deutsche Grammatik, Verlag (“O‘qituvchi”),Taschkent 1980
7. Sattorov,M., Mirsodiqova,D., Safarov,O. Otning grammatik xossalari va old ko‘makchilarning qo‘llanishi,Toshkent“O‘zbekiston“2003
8. Otto Kade. Zufall und Gestkeiten in der Übersetzung.Beiheft zur Zeitschrift ’’ Fremdsprachen’’.I.Leipzig.Verlag Enzykloipedie.
9. М.Э.Умарходжаев.Ўша ерда, 494 бет
10. Thihingen 1999. Handbuch Translation. Thübingen, Staffenbe
11. Федоров А.В. Основы общей теории перевода. – Москва, 1968.
12. 11.Ҳакимов Қ.М. Ўзбек тилидаги содда гап қолипли фразеологизмларнинг зарурий бирикувчанликлари: Филол. фан. номз. дисс. автореф. – Тошкент, 1994
13. Холбеков М. Таржимашунослик ва таржима танқиди // Мақолалар тўплами. – Тошкент: Наврўз, 2015
14. Виноградов В.В. Об основных типах фразеологических единиц в русском языке. Избраннные труды. – Москва, 1977.
15. Кунин А.В. Фразеология современного английского языка. – Москва, Международные отношения, 1972.
16. Duden. Redewendungen und sprichwörtliche Redensarten. 11. Mannheim 1992. S. 3
17. Wiegand, Herbert Ernst (1998): Wörterbuchforschung. Untersuchungen zur Wörterbuchbenutzung, zur Theorie, Geschichte, Kritik und Automatisierung der Lexikographie. Berlin. S. 33
18. L.I.Binovich, N. N. Grishin «Nemetsko-russkiy frazeologicheskiy slovarg’» M. Russkiy azqk.1975g.
19. Умархаджаев М.И Основи фразеографии..Т.:Фан,1983,27-28 бб
20. Жуманиёзов З Таржима ва миллий калорит. Т.,1916
21. Ўзбек тилининг изохли фразеологик луғати. Т.,1972, 192б
22. Walter Jung. Grammatik der deutschen Sprache. VEB Bibliographisches Institut, Leipzig 1968
23. Admoni W. Der deutsche Sprachbau. Moskau –Leningrad 1972



Шахноза Акрамовна Қўлдашева
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ўқитувчиси
E-mail: skuldasheva@mail.ru

ЎЗБЕК ТИЛИ ТАЛАФФУЗ ТИЗИМИДА УМУМТУРКИЙ ДИВЕРГЕНТ ВА КОНВЕРГЕНТ БЕЛГИЛАР ЭВОЛЮЦИЯСИ

https://doi.org/10.5281/zenodo.0000000

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақола туркий тиллар вакилларидан бири бўлган ўзбек тилининг шаклланиши ва ривожланишида умумтуркий дивергент ва конвергент белгилар эволюциясини тадқиқ қилишга бағишланган. Унда муаллиф ўзбек тилини айрим туркий тиллар билан солиштирган ҳолда, унинг фонетик тизимида содир бўлган конвергент ва дивергент ҳодисаларини таҳлил қилади. Бундан ташқари, муаллиф ўзбек тилининг турли шеваларидаги дивергент ва конвергент белгиларини турли мисоллар ёрдамида тахлил қилади.

Калит сўзлар: эволюция, конвергенция, дивергенция, дивергент белги, конвергент белги, Умумтуркий тил, фонетик тизим, талаффуз тизими, жарангли фонемалар, жарангсиз фонемалар, сингармонизм, прототурк тил, протоолтой тил, туркий тил, ассимиляция ҳодисаси.

Shakhnoza Akramovna Kuldasheva
Uzbekistan State World Languages University senior lecturer
E-mail: skuldasheva@mail.ru

EVOLUTION OF COMMON-TURKIC DIVERGENT AND CONVERGENT FEATURES IN THE UZBEK LANGUAGE PHONETIC SYSTEM

ANNOTATION

The given article is devoted to the study of the evolution of Common-Turkic divergent and convergent features in the formation and development of the Uzbek language, as one of the representatives of the Turkic languages. In it, the author compares the Uzbek language with some Turkic languages and analyzes the convergent and divergent features that occur in its phonetic system. In addition, the author analyzes divergent and convergent features in different dialects of the Uzbek language using various examples.

Keywords: evolution, convergence, divergence, divergent feature, convergent feature, Common-Turkic language, phonetic system, pronunciation system, resonant phonemes, soundless phonemes, synharmonism, Proto-Turkic language, Proto-Altaic language, Turkic language, assimilation phenomenon.

Шахноза Акрамовна Кулдашева
Преподаватель Узбекского государственного университета мировых языков
E-mail: skuldasheva@mail.ru

ЭВОЛЮЦИЯ ОБЩЕТЮРКСКИХ ДИВЕРГЕНТНЫХ И КОНВЕРГЕНТНЫХ ПРИЗНАКОВ В ФОНЕТИЧЕСКОЙ СИСТЕМЕ УЗБЕКСКОГО ЯЗЫКА

АННОТАЦИЯ

Данная статья посвящена изучению эволюции общетюркских дивергентных и конвергентных признаков в формировании и развитии узбекского языка, как одного из представителей тюркских языков. В ней автор сравнивает узбекский язык с некоторыми тюркскими языками и анализирует конвергентные и дивергентные признаки, которые мы находим в его фонетической системе. Кроме того, автор анализирует дивергентные и конвергентные признаки в ряде диалектов узбекского языка на различных примерах.

Ключевые слова: эволюция, конвергенция, дивергенция, дивергентный признак, конвергентный признак, Общетюркский язык, фонетическая система, система произношения, звонкие фонемы, глухие фонемы, сингармонизм, прото-тюркский язык, прото-алтайский язык, тюркские языки, явление ассимиляции.

КИРИШ.

Туркий тиллари ва ўзбек тили талаффуз тизимини илмий жиҳатдан тадқиқи масаласи Жаҳон, Европа ва ўзбек тилшунослари томонидан охирги асрларда жуда интенсив ўрганилиб келди. Г.И.Рамстедт (1957); Н.К.Дмитриев (1955); А.М.Щербак (1963, 1964, 1970) ва бошқалар. Бу олимлар томонидан яратилган ишларда туркий тиллари фонетик ва фонологик тизими, бўғин структураси, фонемалар классификацияси ва характерологияси, унли ва ундош товушлар позицион ва мустақил альтерацияси, фонетик жараёнлар хақида гап борган.

Кейинги гуруҳдаги олимлар эса, яъни Н.А.Баскаков, А.М.Щербак, Э.В.Севортян, Н.З.Гаджиева, А.Н.Дыбо ва бошқалар, ўзбек ва бошқа туркий тиллари талаффуз тизимининг муаммоларини ўрганишга бағишланган йирик салмоқли, классик асарлар яратганликлари билан характерланади.

Ўзбек олимлари ишларига келсак, Ш.Рахматуллаев, Ғ.Абдурахмонов, Б.Джураев, ва бошқалар, эса ўзбек тили фонологик тизимининг турли масалаларини синхрон ва диахрон планда ўрганишга ўзларининг салмоқли хиссаларини қўшдилар.

Эволюция тушунчаси ривожланишнинг тил элементларининг босқичма-босқич, аста-секин кечишидир.

Дивергент белги деганда тил оиласи учун базавий бўлган моделда турли интралингвистик ёки экстралингвистик омиллар таъсирида ўзгаришга мойил элемент тушунилади. Бу термин семиотикадан кириб келган бўлиб унда базавий модел унсурларида содир бўладиган шаклий ёки функционал ўзгаришга учраган белгилар (символ, рамз кабилар) тушунилади. [Степанов, 2001]

Тилдаги таркибий ўзгаришлар жараёнида тизимнинг бир бўғинидаги дивергенция бошқа бир боғланишда яқинлашиш каби кўриниши мумкин. [Қўлдашева, 98]

Конвергент белги эса унинг акси, яъни белгининг ўз тизимида хос бўлган барча хусусиятларини сақлаб қоладиган ўзгаришларга мойил бўлмаган тил белгиси бўлиб у тизимни сақлаб қолишда муҳим роль ўйнайди.

“Конвергенция тил тизимининг алоҳида қисмларини (масалан, фонологик тизим ёки сўз бойлигини) ёки бутун тилни тўлиқ қамраб олади.” [Қўлдашева, 96]

Энди бу таъриф ва тушунчаларни мисоллар билан изоҳлашга уруниб кўрамиз. Масалан, Умумтуркий тилда тил олдида талаффуз қилинадиган [g] товуши бўлган. Мана шу товуш турли тилларда турли фонемик вариантлар сифатида ривожланди ва натижада: Қозоқ, Қорақалпоқ, Бошқирд, Татар, Караим, Халаж тилларида [k] фонемаси яъни жарангсизланган шаклда тизимдан ўрин олди.

А.М.Қўлдошев ўзининг “Тилшуносликда тарихийлик тамойили” номли монографиясида [g>k] ўзгариши, “яъни жарангли ундош ўз жарангини йўқотиши” сабаблари яққол кўрсатиб берилган. Мисол учун, “Ўзбек тилидаги “ҳўкиз” сўзининг келиб чиқишида ҳам юқоридаги кучсизланиш роль ўйнётгани кўриниб турибди.” [Қўлдошев, 185]

Худди шу фонема тарихий тараққиёт жараёнида Турк, Озарбайжон, Гагуз, Ўзбек тилида [g] жарангли фонемасига ўзгарди. Қумиқ ва Қорачой тилларида эса ҳар иккала вариант, жарангли ва жарангсиз фонемалар сақланди [k] ва [g].

Шу мисолни таҳлил қилсак, [k > g] ўзгариши тилларни сифат жиҳатдан базавий моделдан узоқлаштиргани учун дивергенция ходисаси кузатилади ва юқоридаги тиллар учун бу фонема дивергент белги деб саналади.

Бошқа, [gʻ] фонемаси [g] шаклида сақланиб қолгани учун бу ерда конвергенция ҳодисаси кузатилади, чунки базавий моделда [g] бўлгани учун бирқанча тилларда ривожланиш умумийлик томон бўлди ва умум туркий – энг қадимги туркий проформа янги пайдо бўлган тилларда сақланиб қолди. Шунинг учун [gʻ > g] конвергент белгилар деб аталади.

Аросат ҳолатлар кузатилган Қумиқ ва Қорачой тилларида структуравий ривожланиш охирига етмаган ёки тил нормаси функционал жиҳатдан етарли даражада меъёрланмагани учун ҳар икки вариант сақлаб қолинган деб ҳисобланади.[Дыбо, 2007; 16]

Бу мисолнинг ўзи мақолада конвергенция ва дивергенция ходисалари ёлғиз кечмайди ва улар доимо ёки кўпинча бирга кузатилади, деган фикрни исботи бўлиши мумкин.

Дивергенция ва конвергенция ҳодисалирини таҳлил қилиш учун тилшунос биринчи навбатда проформа, протоформа, протошакл, этимонни топиши керак. Бу нарсалар эса тилларнинг этимологик луғатларида ва қиёсий-тарихий тилшунослик йўналишида олиб борилган илмий изланишларни иллюстрация қилиш учун яратилган махсус глоссалар, луғатлар ва комбинаторик луғатлардан топилади. Бу ўринда эса биз Ш.Рахматуллаевнинг “Ўзбек тилининг этимологик луғати” Туркий тиллари фонетикаси ва грамматикасига бағишланган мақолада, монография, турли таржима луғатлари ва бошқа нашрлардан маълумот олдик. [Рахматуллаев, 2008; Севортян, 1980; ДТС, 1969]

Дивергенция ёки товуш фарқланиши орқали янги шаклларнинг пайдо бўлишига туркий тиллардан мисолни таҳлил қилишни давом эттирамиз.

Прототуркий, (ПТ): *jigirmi (йигирма) [Дыбо, 2007]; Чуваш тилида: sirem; Ёқут тилида: surbe; Тува тилида: červi; Қадимги туркийда: jigirmi; Ўзбек тилида: jigirma; Уйғур тилида: zigirma; Турк, гагауз, озарбайжон тилида: jirmi; Туркман тилида: jiγrimi; Салар тилида: jiγrime; Халаж тилида: jirmi; Қрим қараим тилида: jigirmi; Тракай караим тилида: igirme; Галиция караим тилида: egirmi; Қумық тилида: jigirma; Қорачой-балкар тилида: zijirma; Татар, бошқир тилида: jegerme; муғой тилида: jirma; қора-қалпоқ тилида: zijirma (ʤ); қирғиз тилида: ǯijirma (ʒ).[Севортян, 1980; 201-202]

Туркий тиллардаги “йигирма” сўзининг талаффузида биз қуйидаги асосий дивергенция вариантлари ёки йўналишларини кузатамиз:

1) j > š (ʃ) чуваш тилида;
2) j > s (ёқут тилида);
3) j > č (ʧ) (тува тилида);
4) j > ž (ʒ) уйғур, қирғиз тилларида;
5) g > ɣ (ʁ) уйғур тилида, салар тилида, туркман тилида;
6) j > z балқар тилида;
7) j > ʤ Қора-қалпоқ тилида;
8) ı > u ёқут тилида;
9) ı > e тува, татар, бошқир тилларида;
10) g > ø халаж тилида, нўғой тилида;
11) i > a ўзбек, уйғур, қумық, балқар, нўғой, қора-қалпоқ, қирғиз тиллари ва ҳ.к.

Мисоллардан шуни хулоса қилиб айтиш мумкин. Прото-турк j фонемаси дивергент элементи сифатида бир қанча вариантларга ўзгарди, аниқроғи [j > g, ʃ, ʧ, s, ʒ, ɣ. z], яъни 7та фонетик қийматга эга бўлди. Бошқача қилиб айтганда Прото-турк тилидаги [j] – фонемаси 7та дивергент элемент ёрдамида фарқланиш жараёнини амалга оширди. Бир ҳолатда ɣ варианти сўз ўртасида талаффузда тушиб қолди. Халаж тилида кузатилган бу ҳодиса илмий тилда контракция деб аталади.[Ильиш, 1975; 76]

1. Сўз охиридаги [i –] фонемаси ҳам [i, e, a] фонемаларига ўзгарди.

[i > e] Ёқут караим тилида

[i > ø] чуваш тилида

[i > a] ўзбек, қора-қалпоқ, қирғиз, қозоқ.

Бошқа тилларда конвергенция ходисаси кузатилди, яъни [i] ўзгаришсиз қолди.

2. Умумтуркий [θ], [ð] товушларининг ҳозирги туркий тиллардаги дивергент белгилари.

ð > z бошқирд: qið; туркман: qıð; турк: qiz; ўзбек: қиз.

ð > z бошқирд: küð; туркман: göð; турк: göz; ўзбек: кўз.

ð > z бошқирд: tuqið; туркман: doguð; турк: doquz; ўзбек: тўққиз.

Туркий тиллардаги [θ] ва [ð] фонемаларининг мавжудлиги аввалари туркийшунослар томонидан инкор қилиниб келган, лекин жонли тил материаллари уларнинг бу ҳолатнинг мавжудлигини тан олишга мажбур қилди [Дмитриев, 1962; 15]. Тил фонетик структурасида юз берган шу каби ўзгаришлар умумтуркийдан ҳозирги тилларга томон ривожланиш жараёнини бошлаб берганлигини кўрамиз.

Юқоридагиларга қўшимча қилиб, қуйидаги мисолни келтирсак:

“z форманти 1чи ва 2чи ўахс кўплик сондаги кишилик олмошларида кузатилади. biz<bi+z (биз); siz < si+z (сиз)”. [Қўлдошев, 175]

Туркий тилларда унлиларнинг чўзиқлиги кўп тилларга хос, лекин шу билан бир вақтда тилларни фарқловчи дивергент белгилар сифатида чиқиши мумкин. Масалан: Умумтуркий шакл бўлган унлилар тува ва ўзбек тилида фақат қисқа унлиларга мос келади. āш>аш; āt>at; bāш>baш ва ҳоказо. Аммо шу билан бир вақтда ўзбек тилида а ёки ā эмас балки [о] унлиси келмоқда [о] бу ā нинг қисқаси эмас, балки бутунлай бошқа унли. Балки биз ўзбек тилида унлилар сингармонизмининг ўзбек тилида кузатилмаслиги сабабини шу ерда кўрармиз. Бошқача қилиб айтганда, бошқа тилларда ўша сўзларга -лар кўплик қўшимчасини қўшсак атлар, ашлар, ба йлар, башлар ҳосил бўлади, агар иш ва ин сўзига –лар қўшсак: ishler, inler, ва ҳоказолар пайдо бўлади. Ўзбек тилида эса бу қонун ишламайди. –лар қўшсак оқлар, отлар, бойлар, борлар, ишлар, инлар ва бошқалар пайдо бўлади.

Бу эса сингармонизмнинг ўзи дивергент белги сифатида юқоридаги [ā>о, ш>с, g>й] каби альтернациялардан кейинроқ юз берганини кўрсатади. Унда прототурк ва айрим пайтларда протоолтой тилларининг тилшунослар томонидан тахмин қилиб таклиф этаётган талаффуз шаклларининг ўзбек тилидаги шаклларга тўлиқ ёки қисман мос тушиши ўзбек тилининг прото-олтой ва прото-туркий даврлардан бери кўплаб дивергент белгиларини намоён қилиб келаётган бўлса-да, унда, яъни ўзбек тилида прототипик шаклларнинг кўплаб сақланганлиги ўзбек тилида конвергенция ҳодисасининг етакчи тенденцияси бўлиб келганини тасдиқлаши мумкин. Ўзбек тили ўз тарихий тараққиёти даврида ҳозиргача фонетик стркутураси, грамматик структурасида, луғат таркибида кўплаб ўзгаришларни бошдан кчириб келган бўлса-да, у умумтуркий шаклларни сақлаб қолгани учун ўзбек тилини Амир Темур “туркийнинг (ўзак) ўқ бўғинини ташкил этади” дегани бегиз эмаслигини кўрамиз.

Ўзбек тилида протурк ва прото-олтой унлилари асосан сақланиб қолган, лекин улар кўп ўзгаришларни бошдан кечирган. [Щербак, 1983; 24-40]

Улардан айримларини мазкур мақолада доирасида кўриб чиқишга уриниб кўрамиз.

Умумтуркий [а] фонемаси озарбайжон, олтой, балқар, гагауз, қозоқ, қараим, қирғиз, қора-қалпоқ, қумық, нўғой, турк, туркман, уйғур, хакас, шор ва ёқут тилларидаги [‘а] фонемасига мос келади. Башқирд ва татар тилларида [а] бироз лабланган фонема ҳисобланади. Ўзбек тилида эса умумтуркий [а] ўзбек тилида [о] га мос келади. Масалан: ат-от, алти-олти, аш-ош, баш-бош, хатин-хотин, ал-ол, бар-бор, тап-топ ва ҳоказолар. А.М.Щербак бу дивергенция А.М.Щербак бу дивергенция ходисасини ўзбек тилига араб ва форс тилларининг кучли таъсири билан изоҳлайди. [Щербак, 1983; 34] Масалан: қарор, агар, асар, маслаҳат, калта ва ҳоказо.

Лекин, А.М.Щербакнинг бу мисолларни келтиргани қоронғу, фақат биринчисини тушуниш мумкин: қарар > қарор. Аммо қолганларда [о] йўққу.

1) [а]нинг [о]га тўғри келиши ёки тилшунослик терминини қўлласак регуляр мос тушиши аввалги бобларда биз кузатган Умум Ҳинд-Европа [о]нинг герман тилларида [а]га мос келишига турдош ходиса хисобланади. Масалан, Хинд-Европа [о] > Герман [а]. Рус тилидаги «стоять» > инглиз тилидаги stand. Ҳозир умумтуркий “а” товушининг бошқа айрим дивергент белгиларини кўриб чиқамиз.

а > у, ў, ı, ї, ä. Масалан: ijm < ajm “сўрамоқ”; іваç<abїч (ўзбек “ҳовуз”); илтан<алтын<алтун; пил<бал (асал); сіхla<сақла, хирам<қорин; іl<ал<ол; сıр<ёзмоқ; хасан<кичан (қачон); чаха<товуқ; улма<алма; хут<қат; ултта<алти “олти”; хумаш<қамыш; пут<бат “ботмоқ”.

2) Кейинги [о] фонемаси Озарбайжон, олтой, балқор, гагауз, қараим, қўмиқ, нўғай, тува, турк, туркман, уйғур, хакас, шор, яқут тилларида конвергенцияни бошидан кечириб барча тилларда сақланиб қолган. Ўзбек тилида бу [о] товуши [у]нинг тил олди, чўзиқ шаклига айланган, ва бу билан умумтуркийга нисбатан дивергент элементга айланган. Масалан; хул<қўл; хур<қўй; ута<ўт; ивал (ўғил), biran<ўрин; таххар<тўққиз; ватар<ўттиз; варман<ўрмон; вал<ўл; тапра<тупроқ; май<бўйин.

Чўзиқ [ō] қисқа [о] га мос келади. Масалан: суол<йўл; уон<ўн; туол<тўл; уот<ўт; вут<ўт; чўл<йўл ва ҳоказо.

3) Кейинги фонема [у] товуши Озарбайжон, қозоқ, қорақалпоқ, болқор, гагауз, қараим, қирғиз, қумиқ, тува, турк, туркман, хакас, уйғур, шор, ёқут тиллардаги [у]га мос келади. Бошқир, қозоқ, қорақалпоқ, нўғай ва татар тилларида у нинг ўрнида кўпроқ кучсизланган [о] ва [‘ı] ўртасидаги [ъ] ривожланган, бу дивергент элемент сифатида белгиланади. Масалан; тăрна<турна; варам<узун; пата<бўтқа; ҳевел<қуяш; пелет<булут; халха<қулоқ; кулпак<чаптар<дулдух; парча<бурчак; хата<куда; хантар<қундуз; тар<тур; ватан<утан, удаи; тим<тут; вир<ўр(моқ); шів<сув ва ҳоказолар.

4) Умумтуркий [і] қисқа товуш чуваш тилида қуйидаги дивергент белгилар билан воқеланган: [а] (е). Масалан: тавар (тор) <тиғиз; херех<қирқ; чернэ<тирноқ; хёл<қиш; селэн<ділан (илон); хајах<қиёқ (ўт); танла<тингла.

5) Умумтуркий [ä] товуши олтой, балқар, гагауз, қозоқ, қараим, қирғиз, қорақалпоқ, қумиқ, нўғай, тува, турк, туркман, ўзбек, шор тилларида [ӛ] қисқа [э] га конвергентлашган. ä < ӛ. Бошқирд, татар ва хакас тилларида умумтуркий ä<і га айланди.

6) Умумтуркий [ӱ] айрим тилларни ҳисобга олмаганда барча туркий тилларда [ӱ] фонемаси шаклида конвергенция жараёнининг бошидан кечирган. Айримлар қаторига ўзбек ва чуваш тиллари киради. Ўзбек тилида [ӱ] фонемаси “у” шаклида тил олди фонемасига ўзгарган.

Туркий тиллар фонетик тизимида содир бўладиган конвергент ходисаларнинг қуйидаги турларини санаб ўтишимиз мумкин.

1) Биринчи бўғиндаги унлининг торайиши. (103 б.)
2) Ассимиляция. [Гаджиева]
3) Делабиализация.
4) Икки унли орасида юмуқ ундошларнинг спирантизацияси.
5) к > ч; т, д > ч; ч > ц.
6) Протеза.
7) Икки унли орасида ундошнинг иккиланиши (гелпенация)
8) Иккиланган ундошларнинг кучсизланиши.
9) Унлиларнинг торайиши.
10) Сўз бошидаги унлиларнинг дифтонгизацияси.
11) Л нинг ўзгарувчанлиги.
12) Умлаут. [Баскаков, 1986; 292]

Бу барча дивергент ҳодисаларни бирма бир қисқача кўриб чиқамиз.

1. Биринчи бўғиндаги унлининг торайиши туркий тилларда шу жумладан ўзбек тилида кўп учрайдиган фонетик ҳодиса ҳисобланади. Масалан:

Ўзбек (қурама) дийди < Ўзбек адабий дейди;

Ўзбек адабий:кийим >Хоразм шеваси: гийим;

Юқоридаги мисолларда биз: **[е>и]** (дейди-дийди) дивергент жуфтликларни кўришимиз мумкин. Улар ўз вақтида ёзма нутқнинг ёзув асосида меъёрлашганлиги учун адабий нормага кира олмай узус доирасида қолган дивергент элементлар бўлиб, улар, биз қуйида келтирадиган мисоллар орасида ҳам кўплаб учрайди.

Биринчи бўғиндаги унли торайишига яна бир дивергент тип **[-о] > [у]** ни келтириш мумкин. Масалан:

Ўзбек (адабий): **ў** > Ўзбек (Жиззах шеваси): **о** бўрон > бўрон.

[θ > у]: Ўзбек (адабий): ўрик > Жиззах шеваси: урук. [Гаджиева, 105]

2. Ассимиляция ҳодисаси туркий тилларда жуда кенг тарқалган фонетик жараёнлардан биридир. Битта мисолда айтадиган бўлсак туркий тиллардаги отларнинг кўплик қўшимчаси – лар олимларнинг гувоҳлик беришига 17та фарқланувчи дивергент белги шаклига эга; улар: **-лар, -лер, -ләр, -лор, -лөр, -дар, -дер, дәр, -дор, -дәр, -тар, -тер, -тәр, -тор, -төр, -нар, -нәр**дир. Масалан: эркаклар > эркектер, эркекләр; бойлар > байдар; аталар > атадар, уйпер > уйдер. Булар Қирғизларга қўшни ўзбеклар нутқида кўп кузатилади. [Гаджиева, 63]

[н>л] кўринишдаги ассимиляция ҳам ўзбек тили шеваларида учрайдиган фонетик жараёнлардан ҳисобланади. Масалан болалар (норма) – балдар, баллар; кунлар – куллар, кунлер.

[н-д-т] кўринишли ассимиляция ҳам кузатилади. Масалан: жойдан > жойдин; **[о>а**; **а>и]:** қишлоқдан > қишлоқтин. **[а > а, д > т, й – ж – ж] [j - ʒ - ʤ]** ассимиляцияси ҳам туркий тилларда кенг тарқалган дивергент элементлардан ҳисобланади.

Бундан ташқари умумтуркий тилларда **[ч>ш], [ш>ч]** ассимиляцион ўзгаришлар ҳам кенг тарқалган. Масалан: чай > шай; этикчи > этикши; уч > уш (учмоқда); русча > орусша ва ҳоказо.

3. Делабиализация термини унлиларнинг маълум ўринларда лаблланганлик хусусиятини йўқотиш ҳодисасини билдиради. Масалан қорақалпоқ тилида буйақта>бийақта (у>и); бузав>бизав (бузоқ); Ўзбек тилининг ўш шевасида: мусича>мичча; душман>дышман; бузав>бизов (бузоқ); Озарбайжон тилида юлдуз>йылдыз (ы>у); турна>тырна; буз>быз (муз). [Баскаков, 1986; 292]

4. Икки унли ўртасида келган юмуқ, портловчиларнинг сирғалувчи ундошга айланиши. Икки унли ўртасидаги позицияда келган юмуқ портловчи товушларнинг муайян ўринларда сирғалувчи ундошга айланиши туркий тилларда кенг учрайдиган ҳодиса ҳисобланади. Масалан: Ўзбек тилининг Жиззах шевасида бобо>бова; ароба>арава; Умумтуркий чўбон > Азарбайжон шеваси чован; Умумтуркий юбарув > ғарбий сибир татар тили: йевару > жибару; Умумтуркий кубелек > кувелек (капалак).

г/ғ > в дивергент белгилар.

Ўзбек тилининг қурама шевасида топилган. Масалан: отига > атыға > отува (атува).

F (ɣ) → w → чўзиқ унли дивергенцияси нафақат туркий балки бошқа кўп тилларда ҳам кузатилади. Масалан, қадимги инглиз тилидаги Hē folʒende ānum burʒ-sittendum man гапини олсак бу ерда folʒende сўзи гапнинг кесими бўлиб бу сўздаги ʒ - харфи қадимги инглиз тилида 6 хил ўқилган: [g (г); ɣ (ғ); j (й); ʤ (ж); ʒ (ж - “журнал”даги), h (х)] кейинчалик еттинчи товуш қиёмати ҳам пайдо бўлди – [w]. Демак сўз folwende га ўзгаради, бу ерда – ende қўшимчаси ҳозирги инглиз тилидаги –ing қўшимчасига тушади folw эса follow га ўзгарди. Маъноси эса ўзгармай қолди, ва бу гап ҳозирги инглиз тилида: He followed a town-dwelling man деб таржима қилинадию Бу IX аср ёзма ёдгорликларидан олинган гап бўлиб у қадимги олтой ва туркий тилларда ҳам кузатилганлиги билан қзиқдир. Юқоридаги гапнинг ўзбекча таржимаси: У бир шаҳарлик одамнинг ортидан кетди. (= одамга эргашди) to follow – эргашмоқ, ортидан бормоқ, кузатмоқ, изидан бормоқ деб таржима қилинади. [Ильиш, 1975]

ч-ж-ж – дивергент учлиги: Ўзбек адабий тили **ч** > Ўзбек Паркент шеваси тинчмиз > тинжмиз; турк тили кучук > Турк геоклен шеваси гужук; (Санчқи) Озарбайжон тили санчағ > Озарбайжон имишлин шеваси санжāх. [Гаджиева, 107]

к > г дивергент жуфтлиги: Ўзбек тилининг қипчоқ шеваси: эгин < Ўзбек адабий тили: экин; ноги < нок; Қозоқ тили: аға > шеваси: ақа;

5. Сўз бошидаги ундошлар талаффузида кузатиладиган дивергент белгилар.

к > ч альтерацияси. Бу ўзгариш тил олди ундошлар олдида содир бўлди. Масалан: Озарбайжон тили кирпик > Нахичеван шеваси чирпих; (Ўзбек: киприк). [Ширалиев, 1962]

m > g > ч альтерацияси. Ўзбек тилининг Тошкент, Андижон, Наманган шеваларида кузатилади. Масалан: Ўзбек адабий тили > Тошкент, Андижон, Наманган шеваси: чиш; чэш.

ч > ц дивергент жуфтлиги: Қирғиз тили: чай > Шим. шеваси: цай; Рус тили: церковь > Ўзбек тили: черковь. Рус тилидан сўз қабул қилинганда тил мана шу схемадан фойдаланган. Ёки: Инглиз тилида Church [ʧəːʧ] > Рус тилига Церковь : Немис тилига: Kirch; Этимон сўз Грек тилидаги Kuriakon (черковь). [Смирницкий, 1960]

6. Протеза дивергенциянинг бир усули сифатида.

Протеза туркий тилларда кўп тарқалган фонетик жараён бўлиб у Озарбайжон, Қора қалпоқ, ўзбек ва ҳоказо тилларда асосан j, y, w, v, h, x кабилар билан содир бўлади. Масалан: Қора-қалпоқ ис > Шимолий қора-қалпоқ шеваси: ийис (ис, ҳид); Ўзбек тили йирик > Ғаллаорол шеваси: ирик; Турк тили ағач > Шева: йағач; Гагауз тили: arpa > шева: harpa (арпа); Ўзбек адабий тил: ҳисоб > ўзбек шева: ҳисап.

Қиёс учун Ҳинд-Европа тилларида кузатиладиган ўхшаш ҳодисаларни кўрсатиб ўтишни лозим топдик: Қурд тили: hasp > Тожик тили: asp. (от)

7) Икки унли орасида келган ундошларнинг иккиланиши ҳодисаси: Қирғиз тили: отус > Қирғиз жанубий шева: оттуз; Турк тили: яман > Турк шева: йамман; Турк тили: көngul > Турк шева: гөŋŋul. (Юрак); Ўзбек тили: эшак > шева: эшшак; Қумиқ тили: ачиқ > шева: аччиқ. [Гаджиева, 112]

8) Иккиламчи ундошларнинг кучсизланиши. Бу ҳодиса жуфтлашиш ҳодисасининг акси бўлиб унда иккиланган тил шакллари айрим контекстларда парчаланишни бошидан кечиради.

Ўзбек адабий тил: икки > Бахмал шеваси: ики.

Ўзбек адабий тил: бизни > Шева: биззи > Шева: бизи.

Ўзбек адабий тил: сизни > Шева: сиззи > Шева: сизи.

Ўзбек адабий тил: бизни > Шева: биззи > Шева: бизи.

Ўзбек адабий тил: иссиқ > Ўзбек адабий тил: исит. (феъл)

Бу ҳодиса герман тилларида ҳам кузатилишини юқорида айтиб ўтганмиз. Масалан: beginnan > beginen (Немис тили).

9. Унлиларнинг торайиш ҳодисаси. Бир қанча ўзгариш турларининг ёки дивергент элементларини ўз ичига олади. Масалан, [**о > у, ə > ü**]: Бошқирд тили: botqa > butqa; Қозоқ тили: ol > ul; Туркман тили: томсару > тумсару (ҳўмраймоқ); Туркман тили: өгей > угей (ўгай); Қозоқ тили: қодық > қудиқ (хўтик).

10. Сўз бошидаги унлиларнинг дифтонгизацияси. Бу ҳодиса туркий тиллардан қозоқ, қорақалпоқ ва бошқирд тилларида кузатилади. Масалан: Қорақалпоқ тили: on > won (ўн); Бошқирт тили: төла > төула (тўла); Қозоқ тили: ёмир > уёмир (умр). [Дмитриев, 1962; 279]

11. [л]нинг ўзгарувчанлиги ҳодисаси туркий тилларга хос энг қадимги фонетик жараён эканлиги Н.К. Дмитриев томонидан таъкидлаб ўтилган эди. [Дмитриев, 1962; 279] Мисоллар:

Қозоқ тили: ал (олмоқ) > а(л)са (олса).

Қозоқ тили: бол > боса (бўлса).

Қозоқ тили: болған > боған (бўлган).

Бу ҳодиса қорақалпоқ, ўзбек ва бошқа туркий тилларда ҳам кузатилади. Масалан:

Қорақалпоқ: болса > боса.

Ўзбек адабий тили: қолса > Ўзбек оғзаки нутқи, шева: қоса.

Ўзбек адабий тили: бўлса > Ўзбек оғзаки нутқи, шева: бўса.

Ўзбек адабий тили: бўлмаса > Ўзбек оғзаки нутқи, шева: бўмаса ва ҳоказолар.

12. Умлаут ҳодисаси дивергент элемент сифатида ўзбек, қозоқ, қирғиз, уйғур тилларида ва бошқа айрим тилларда кузатилади. Масалан:

Ўзбек тили: соч > Ўзбек тили ош шеваси: чач.

Ўзбек тили: оёқ > Ўзбек тили шеваси: айақ.

Ўзбек тили: кетганим > Ўзбек тили шеваси: кетгоним.

ХУЛОСАЛАР.

Мазкур мақолани хулосалаш мақсадида шуни айтиш мумкинки, жаҳоннинг барча тил оилалари, ва гуруҳларида кузатилганидек туркий ва ўзбек тилларида ҳам дивергент элемент гуруҳ ва алоҳида тилларнинг шаклланиши ва кейинчалик ривожланишида катта роль ўйнаган. Бу умумий фикларни қуйидаги тарзда шакллантиришни лозим топдик.

1) Дивергент белгиларнинг вазифаси шева ёки тиллардан фонетик шакл, грамматик шакл, ёки лексема яратиш орқали тилга инновациялар олиб кириш, инновацияларни функционал жиҳатдан фаоллаштириш орқали тилнинг, аниқроғи шева, тил ва ундан каттароқ бирликларнинг янги шаклларини яратиш, ёки шу орқали тилнинг янги функционал-структурал босқичига олиб ўтишдир. Кўрганимиздек туркий тилларда дивергент белгилар йўналишининг умумий миқдори ундан ортиқдир.

2) Конвергент белгиларнинг мақсади тилнинг ягоналиги яхлитлигини сақлаб қолиш, бу дегани конвергент белгилар ривожланмайди, тилни ривожланишдан тўхтатади деган фикрга олиб келмайди. Дивергент белгилар маълум бир босқичга келганда, айрим тилларда кенг тарқалиб фонетик, лексик ёки грамматик норманинг аъзоси бўлиб қолгач, энди улар конвергент белгиларга айланиб боради, яъни аввал дивергент белгилар кузатилмаган тил, шева каби функционал вариантларга ҳам кирибю кела бошладилар, натижада яккалик умумийликка айлана боради. Дивергенция конвергенцияга айланади.

3. Дивергент белгилар анъанавий тилшуносликда дивергент изоглосс ҳодисалар деб аталаган. Конвергент белгилар эса ўз навбатида конвергент изоглосс ҳодисалар деб юритилган.

4. Дивергенция жараёнлари одатда тил оиласи тарқалган ареалларнинг чекка худудларида перифирия ареалларида кўпроқ ва фаолроқ содир бўлади. Марказ ва гуруҳлараро тил контактлари интенсив бўлган ареалларда конвергент белгиларнинг фаоллиги кузатилади ва тиллар, шевалар тараққиётида конвергенция доминант тенденция сифатида кузатилади.

5. Дивергент белгиларининг аксарияти перифериал ареаллардатил нормасининг асосий элементи сифатида мавжуд бўлади. Масалан туркий тиллар тарқалган ареалларнинг энг шимолий-ғарбида, шимолий –шарқида ва шу каби чекка ҳудудларда дивергент белгилар кўпроқ сақланган. Масалан: чуваш, гагауз, қумық, қараим, қрим татар тили, хакас, халаж, ва ҳоказо тилларда архаик бошқа тилларда аллақачон ўлиб кетган, муомаладагн чиққан, эски шакл ёки сўз маънолари сақланиб қолган.

Цивилизациялар тўқнашуви одатий бўлиб келган, бошқа тил оилалари ва бошқа тиллар билан доимий контакда бўлган ареалларда кўпроқ инновацион жараёнлар, шакллар, янги маънолар кузатилади. Бу каби тилларда турк, ўзбек, қозоқ, қирғиз, татар, бошқирд тилларини санаб ўтишимиз мумкин. Чунки маданиятлар тўқнашуви тилларнинг тўқнашувига олиб келади, ва шу йўл билан тилларга кирган инновациялар конвергент жараёнлар тусини олади.

Адабиётлар:

1. Баскаков Н.А. Введение в изучение тюркских языков. М.: Наука, 1986. 520 с.
2. Дмитриев Н.К. Строй тюркских языков. М., Изд. восточной литературы, 1962.
3. Древнетюркский словарь (=ДТС). М.: Наука, 1969, 800 с.
4. Дыбо А.В. Лингвистические контакты ранних тюрков. Лексический фонд. М.: Изд. «Восточная литература», РАН, 2007. 224 с.
5. Ильиш Б.А. История английского языка. М.-Л.: ВШ, 1975, 380 с.
6. Кулдашев А.М, Акбаров А. Этимологический анализ некоторых этнонимов тюркских народов. Научный вестник Май – Луу – Суйского института экономики и управления, Андижан: Изд. Хаёт, 1999.
7. Кулдашева Ш.А. Роль и характер языковых контактов в условиях глобализации. Сборник материалов III Международной научно-практической конференции

«Инновации в образовании: поиски и решения» 1 том, Казань, Российская Федерация, 2016, стр. 175-178.
8. Қўлдашев А.М. Тилшуносликда тарихийлик тамойили. – Тошкент; Фан, 2020. – 300 б.
9. Қўлдашева Ш.А. Конвергенция ва дивергенция жараёнларининг глоттогоник ва структуравий-диахроник ривожланиши. // Инновация, таълим сифати ва ривожланиш. Тошкент, 2021. 96-98 бб.
10. Рамстедт Г.И. Введение в алтайское языкознание. Морфология. М., 1957, 350 с.
11. Рахматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати. Т.: Фан, 2008. 600 б.
12. Севортян Э.В. Этимологический словарь тюркских языков. Том I. М.: Наука, 1980. – 395 с.
13. Смирницкий А.И. Древнеанглийский язык. М.: Изд. лит. на иностр. яз. М., 1960. 280 с.
14. Степанов Ю.С. Семиотика: Антология / Сост. Изд. 2-е, испр. и доп. - М.: Академический Проект; Екатеринбург: Деловая книга, 2001. - 702 с.
15. Ширалиев М.Ш. Озарбайжон диалектологиясининг асослари. – Баку, 1962.
16. Щербак А.М. О тюркском вокализме. – в кн. Тюркологические исследования, М. Изд АН, 1983, С. 24-40.



To’rayeva Maftuna Akbar qizi
Samarqand Davlat Chet Tillar Instituti o’qituvchisi

SEMANTIK NEOLOGIZMLARNING LINGVOMADANIY TAHLILI

https://doi.org/10.5281/zenodo.0000000

ANNOTATSIYA

Ushbu maqola jamiyatdagi o'zgarishlar tufayli paydo bo'lgan yangi so'zlar ustida tadqiqotlarni o'z ichiga oladi. Ushbu tadqiqot jarajonida, avvalambor, neologizmlarning orasida lingvomadaniy ma’noga ega so‘zlar ajratib olindi.

Tadqiqot asosi etib quyidagi tilshunos olimlarning izlanishlari: Sablayrolles, Espersen, Vinogradov, Maslova va boshqa shu kabi turli yetuk tilshunoslar tadqiqotlariga murojaat etildi.

Tadqiqot jarayonida, ushbu neologizmlar ustida diaxronik, semantik tahlil va boshqa shu kabi lingvomadaniy tahlillar olib borildi.

Tahlillar natijasida so‘zlarning yangi ma’no manbalari hosil bo’lishi turmush hayotning keskin o’zgarishi, vaqt va kontekst (muhit (mahalliy, tarixiy, ijtimoiy)) orqali ekanligi ma’lum bo’ldi.

Kalit so’zlar: neologizmlar va neonimlar, neosemiya, polisemiya, diaxronik tahlil, semantik neologizm, semantik ma’no qisqarish jarayoni, semantik ma’no kengayish jarayoni, madaniy konnotatsiya.

Тураева Мафтуна Акбаровна
Преподаватель
Государственного Института Иностранных языков
maftunaturayeva18@gmail.com

ЛИНГВОКУЛЬТУРНЫЙ АНАЛИЗ СЕМАНТИЧЕСКИХ НЕОЛОГИЗМОВ

АННОТАЦИЯ

В данную статью включены исследования новых слов, появившихся в связи с изменениями в обществе. Проведя исследование, мы выделили слова с лингвокультурными коннотациями.

Для нашего исследования мы обратились к исследованиям разных лингвистов, таких как Саблайроллес, Эсперсен, Виноградов, Маслова и др.

Следуя нашему углублению, мы сделали лингвокультурологический анализ этих неологизмов, такой как диахронический, семантический анализ и т.д.

В ходе нашего анализа мы увидели, что источниками новых значений слов являются изменение с течением времени и контекст (среда (местная, историческая, социальная и т.д.).

Ключевые слова: неологизмы и неонимы, полисемия, диахронический анализ, семантические неологизмы, семантическое ограничение, семантическое расширение, культурные коннотации.

To'rayeva Maftuna Akbar qizi
teacher at the National Institute of Foreign Languages
maftunaturayeva18@gmail.com

LINGUOCULTURAL ANALYSIS OF SEMANTIC NEOLOGISMS

ABSTRACT

This article includes research on new words that have appeared due to changes in society. By doing research we have separated the words with linguistic-cultural connotations.

For our research, we have addressed the research of different linguists such as Sablayrolles, Espersen, Vinogradov, Maslova etc.

Following our deepening, we made the lingocultural analysis of these neologisms, such as diachronic, semantic analysis, etc.

During our analyzes we have seen that the sources of new meanings of words are by the progress of temporal movements and the context (the atmosphere (local, historical, social).

Keywords : neologisms and neonyms, neosemies, polysemy, Diachronic analysis, semantic neologisms, semantic restriction, semantic extension, cultural connotations.

The semantic evolution of words can be traced back to several main causes: historical, social, linguistic and psychological. According to the changes of a social, political and cultural nature that appear in contemporary society, semantic neology creates new terms or words by adding a new meaning to an already existing denomination in the two classes considered: neologisms and neonyms. According to the research of Rumanian philologist Daniela Dinca, neologism is a means of enriching a language; it can appear synonymic series, promotes morphological creation and has a reduced circulation; opposed to neologism, the neonym is created by the need for terminologies, does not present synonymic series, favors syntagmatic creation and masters international circulation with universal value.

The specificity of semantic neology as a process of internal formation consists in the multiplication of meaning for the same lexical unit: "It is neology when a word already existing in a language adds another meaning". [1]

Semantic neologisms - new words that have acquired additional lexico-semantic variants in the process of development and have socio-cultural connections.

The change of meaning during its history, the word receives a new meaning which eliminates the original meaning. For example: ramage :

1. in the Middle Ages, many branches;
2. that lives in the branches;
3. birds (warping song);
4. birdsong even if they are not in the trees.[2]

The development of meaning: the word acquires a new meaning without eliminating the primitive (original) meaning. For example: errer :

1. go here and there;
2. be wrong

Both of these meanings exist in the modern language. The second was the most productive: erreur, erroné, errements.[3]

A single word can have multiple meanings. This is how we come to the notion or phenomenon of polysemy.

Indeed, the semantic value of words reacts immediately and directly to the slightest changes that appear in society and in language. The semantic evolution of words is a productive internal source of vocabulary enrichment.

Conversely, the monosemy of the word can be created by the context and also by the atmosphere (local, historical, social).

Indeed, the meaning of the word depends on the region, the province where this word is used.

In today's French, many geographical, technical, military and medical terms have broadened their meaning by passing into political terminology: climat, crise, combat, etc. [4]
The word can modify its meaning as a result of the change that makes the notion expressed by these words:

1. Zone frontière- limited space of a place, of a country; (geography)

Zone d'influence- anything comparable to any space; (geography)
Zone de confort- set of habits, integrated beliefs;[5] (economy)
zone euro – European country set. (geography)

2. Couloir- moving from one room to another; (location)

Couloir- narrow passage: air corridor; (aerodrome)
Couloir de nage-private swimming pool model with a very long and narrow rectangular basin; [6] (societal evolution).

3. Réutilisation - act of using again;

réutilisation - right of reuse, possibility offered to the public to use, including for commercial purposes, the data held or produced by administrations in the exercise of their public service mission.

4. Cavalier-ère- person on horseback (riding) ;

Cavalier-ère - contained in a bill or a proposal of law, which has no connection with the subject dealt with by the text under examination. (legislative; law).
In all these cases, it is the notion expressed that is transformed, while the structure of the word does not change.

Over the centuries, the meaning of a word can be restricted, extended or shifted. It can also strengthen or weaken. Semantic evolution takes place through the essential processes of change and development of the meaning of words: metonymy, metaphor, extension and restriction of meaning, improvement and degradation of meaning, hyperbole, understatement and euphemisms.
The evolution of the meaning of words is a slow and complex process. The evolution of the meaning of words takes place in two essential ways:
1. by semantic restriction;
2. by semantic extension.

Some words have restricted their meaning (restriction). For example : pondre les oeufs (to lay eggs) comes from the Latin verb ponere ("poser" in French) (to lay). Their original meaning is broader than their current meaning. Also, a car – a means of transport, today – an automobile. Also, une voiture (a car) – a means of transport, today – une automobile (an automobile).
Several words could be explained in a favorable or in an unfavorable sense, for example, the adjective fatal meant marked by fate, and fate can be favorable or unfavorable. The example of the restriction of meaning is the word « roman » : in the Middle Ages, it meant "any literary work written not only in Latin, but in the Romance language. » [7] Such works mostly had a secular subject, as opposed to the theological subjects expounded in Latin. These secular subjects were very often the story of some love affair. So the word «roman » has acquired a very precise meaning: a book where it is a story (adventures) of love.[8] Another classic example: the verb « labourer » (plough) meant "to work" in general: labourer le bois, la terre (to plow the wood, the earth). Today, till the land only.

Again, the restriction of meaning is followed by a change of the article and the number of the noun, for example:
la bonté et avoir **des** bonté**s** pour qn,
la liberté et prendre **des** liberté**s** avec qn, etc.
Neologisms are searched according to domain of use and analyzed for changes in their meanings. We found that when the spheres of use of neologisms change, new semantic words appear that have linguistic and cultural connotations, such as: le zone euro (from economics to politics), couloir (from the aerodrome to societal evolution), allemand-e (from linguistics to art), capitaliser (from economy to daily life).
According to Maslova, at present there have been several directions in cultural linguistics, for example, the cultural linguistics of a distinct social group, of ethnos in a kind of gloss in a cultural

situation. She also noted diachronic cultural studies, that is to say the measurement of the linguistic-cultural state of an ethnic group over a certain period of time.

Diachronic analysis, involving the study of a neological unit in time; it applies mainly to semantic neologisms, previously known words that have acquired new meanings. . The neologism of 2017- peau “protects the body” or “non-carrying envelope with which the exterior of a building is covered”; another neologism of 2017- pédigrée "genealogy" or "modern or contemporary, and which allows a large number of aesthetic and functional possibilities"; neologism of 2019 – parapluie “umbrella” “animal species whose protection helps to preserve a large number of other species”; 2019 neologism – suivre “monitor” or “follow a person registered on a social network”.

By diachronic and semantic analysis of these neosemies, we come to the conclusion that even the words have the new meanings they do not lose their primitive meanings, so we form the polysemies. We know that the polysemy of the prerequisite for the very nature of language stems from the relationship between language and the real content of human experience. Polysemy, according to Mr. Breal, is one of the signs of civilization and in no way leads to confusion of meanings.[9] According to O. Espersen, a language devoid of polysemy would turn into “linguistic hell”.[10] According to Academician V.V. Vinogradov, no language would be able to express each specific idea in an independent syllable or the root element. The concreteness of experience is limitless, the resources of the richest language are strictly limited. The language is compelled to distribute an innumerable set of meanings under one or another of the headings of basic concepts. The development of language is closely linked to the development of society. The reasons for the appearance of new words and new meanings in old words lie mainly in the change of social life, the development of production, achievements in the field of art, sports, etc., as well than the development of thought. The pace of development of science, technology and human society itself is accelerating. All this cannot go unnoticed by language. Accelerated language development is noted by many researchers. ... According to French linguists, the 20th century is the most “neogenic”, especially for 30 years. In our time, the French language, like many others, is experiencing a veritable “neological boom”.[11]

In order to somehow stimulate the use of new vocabulary, a policy of “controlled neology” is being introduced in France. Many official institutions were created, including the “International Council of the French Language”. The Council publishes a special review “the Bank of words”, which should trace all the changes that occur in modern French and be a kind of reference in the field of neology.

References:

1. Sablayrolles S. J-F. La Néologie en français contemporain.// Honoré-Champion, -Paris : 2000, P. 150
2. Robert P., Rey-Debove J., Rey A. Le Nouveau Petit Robert 2008: Dictionnaire Alphabetique Et Analogique De La Langue Francaise, p.2111
3. Robert P., Rey-Debove J., Rey A. Le Nouveau Petit Robert 2008: Dictionnaire Alphabetique et Analogique de la Langue Francaise, p.921
4. Žvirinska V.Modifications stucturales et sémantiques du mot français Vilnius, 2014 p.17
5. Robert P., Rey-Debove J., Rey A. LE PETIT LAROUSSE ILLUSTRÉ, 2017 ; http://manuscritdepot.com/documentspdf/DossierPresse-PetitLarousse-2017.pdf p.19
6. Robert P., Rey-Debove J., Rey A. LE PETIT LAROUSSE ILLUSTRÉ, 2017 ; http://manuscritdepot.com/documentspdf/DossierPresse-PetitLarousse-2017.pdf p.18
7. Robert P., Rey-Debove J., Rey A. Le Nouveau Petit Robert: Dictionnaire Alphabetique Et Analogique De La Langue Francaise, 2008p.2265
8. Timeskova I., Tarkhova B. Essai de lexicologie du francais moderne. // P. Leningrad. 1967 p.21
9. Dubois J. Le "néo-français". Réalité ou illusion? // La Pensée, 1961, N 96. pp. 156-157.
10. Riffaterre M. La métaphore filée dans la poésie surréaliste. // LP, 1969, N 3. p.119

11. Галкина-Федорук Е.М. О знаковости в языке в свете марксистского языкознания. ШИ, 1952, $ 2.116.-Галкина-Федорук Е.М. Современный русский язык. Лексика. // М.: Изд-во МГУ, 1954. – с 37
12. Маслова В.А. Мезенко А.М., Лингвокультурология: Учеб. пособие для студ. высш. учеб, заведений. - М.: Издательский центр «Академия», 2001. -- 208с.
13. incă D. La Néologie et ses mécanismes de création lexicale. Typologie des emprunts lexicaux français en roumain. Fondements théoriques, dynamique et catégorisation sémantique. – Rouminie :2008. –P. 12
14. Sablayrolles S J-F. De la " néologie syntaxique " à la néologie combinatoire. //Langages, Armand Colin 2011, pp.39-50.



Феруз Ражабов Умаркулович,
Qarshi davlat universiteti mustaqil-tadqiqotchisi
E-mail: rajabovferuz5@gmail.com

ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР ЛИРИК АСАРЛАРИДАГИ АНТРОПОНИМЛАРНИНГ ЛИНГВОПОЭТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

https://doi.org/10.5281/zenodo.0000000

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Заҳириддин Муҳаммад Бобур лирик асарларидаги антропонимларнинг лингвопоэтик хусусиятлари ҳақида сўз боради. Тадқиқодчи филологик маълумотлари ҳамда ёзма манбаларга таяниб, мавжуд илмий-бадиий адабиётлар асосида муаммога аниқликлар киритган. Заҳириддин Муҳаммад Бобур лирик асарларидаги антропонимларнинг лингвопоэтик хусусиятлари бўйича мавжуд ўзига хос ёндашувлар ва назарияларни қиёсий таҳлил этган.

Калит сўзлар: Бобур, таҳаллуси, таҳлил, лингвопоэтикаси, ономастик, асарлар.

Феруз Раджабов Умаркулович,
Независимый исследователь
Каршинского государственного университета
Электронная почта: rajabovferuz5@gmail.com

ЛИНГВОПОЭТИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ АНТРОПОНИМОВ В ЛИРИЧЕСКИХ ПРОИЗВЕДЕНИЯХ ЗАХИРИДДИНА МУХАММАДА БАБУРА

АННОТАЦИЯ

В этой статье рассказывается о лингвопоэтических особенностях антропонимов в лирических произведениях Захириддина Мухаммада Бабура. Исследователь, опираясь на филологические данные и письменные источники, внес уточнения в проблему на основе имеющейся научно-художественной литературы. Захириддин Мухаммад Бабур в своих лирических произведениях провел сравнительный анализ существующих специфических подходов и теорий по лингвопоэтическим особенностям антропонимов.

Ключевые слова: Бабур, псевдоним, анализ, лингвопоэтика, ономастика, произведения.

Feruz Rajabov Umarkulovich,
Independent researcher at Karshi State University
E-mail: rajabovferuz5@gmail.com

LINGUISTIC FEATURES OF ANTHROPONYMS IN THE LYRICAL WORKS OF ZAHIRIDDIN MUHAMMAD BABUR

ANNOTATION

In this article, Zahiriddin Muhammad Babur talks about the linguistic features of anthroponyms in his lyrical works. The researcher based on philological data as well as written sources and made clarifications to the problem on the basis of existing scientific and artistic literature. Zahiriddin Muhammad Babur made a comparative analysis of the existing specific approaches and theories on the linguistic properties of anthroponyms in his lyrical works.

Keywords: Babur, threatening, analysis, linguopoetics, onomastic, works.

Бугунги кунда ўзбек тилшунослигида «лингвопоэтика» деб аталувчи матн лингвистикасининг мустақил соҳаси жадал суръатлар билан ривожланмоқда. Лингвопоэтик ёндашувнинг такомиллашуви бадиий матнни ташкил қилувчи тил бирликларини қайтадан кўздан кечириш имконини ўртага чиқарди. Чунки ҳар қандай тил бирлиги бадиий матнда муаллифнинг бадиий ниятига хизмат қилувчи бебаҳо воситага айланиши ҳамда тамоман ўзига хос поэтик қонуниятларни инкишоф қилиши мумкин[1.23]. Бадиий матнда қўлланган ономастик бирликларни ўрганувчи соҳа ёки соҳанинг ўрганиш объекти ҳақида С.И.Зинин алоҳида диққат қаратган ва бир қатор тадқиқотлар олиб борган.

Мазкур тадқиқотлар айни соҳа терминологиясини тартибга солгани, поэтоним термини остида ҳар қандай ономастик бирликни эмас, балки бадиий юки, поэтик қиммати бор номларнигина тушунилгани билан ҳам муҳим. Тадқиқотчи поэтик юки бор шахс номларини поэтик антропоним, поэтик юки бор жой номлари поэтик топоним ҳамда айни хусусиятли ҳайвон ва қуш номларини эса поэтик зооним деб атаган.[1.46]

Соҳага оид бошқа бир ишда эса поэтонимларга нисбатан адабий антропоним термини ишлатилади. Масалан, М.В.Карпенко муаллиф ижод қилган персонаж номларини адабий антропоним деб номлайди.[1.46]

Н.А.Ҳусанов ўз тадқиқотида бадиий антропонимлар[6.33] деб таснифида бериб ўтган. Ш.Ёқубов Алишер Навоий асарлари ономастикаси таркибидаги шахс номларини, аввола, икки гуруга бўлади:

1) ҳаётда реал яшаган тарихий шахслар номлари: Маҳмуд Ғазнавий, Амир Темур, Ҳусайн Байқаро ва бошқалар;

2) ҳаётда мавжуд бўлмаган афсонавий шахслар номлари: Исо, Илёс, Яъқуб, Юсуф ва бошқалар. Бу афсонавий номлар диний, яъни илоҳийлаштирилган номлар ҳамда илоҳийлаштирилмасдан халқ томонидан тўқима номларга бўлинади.[7.35]

Н.Ҳусанов XV аср ўзбек адабий ёдгорликларидаги антропонимларни уч гуруҳга бўлиб тасниф этади: 1) диний исмлар; 2) бадиий антропонимлар; 3) реал исмлар [6.33] каби. Биз Бобур асарларидаги антропонимларни юқоридаги таснифларга ҳамда ономастик поэтика нуқтайи назарига кўра уч гуруҳга бўлдик. Булар: 1) реал антропонимлар; 2) поэтик антропонимлар; 3) диний антропонимлар.

Бундан кўринадики, адабиётшунослик, тилшунослик ва фольклор соҳасида атоқли отлар билан боғлиқ тадқиқотларда адабий антропоним термини мазмунан кенгайган ҳолда тарихий ва тўқима образларнинг исмлари учун бирдек қўлланила бошланди ва бу нисбатан кейинги даврларга тааллуқли. Рус тилшунослигида бажарилган баъзи ишларда бадиий матндаги топоним, зоонимлар учун ҳам айни қолипда ясалган «адабий топоним», «адабий зооним» терминлари қўлланади. Ўзбек бадиий матнида қўлланган номларнинг шаклланиш тарихи, лингвопоэтик хусусиятлари, ўзбек лингвомаданиятида тутган ўрнини ўрганишни ва таҳлил қилишни тарихий асарлардан бошлаш зарур. Хусусан, З.М.Бобур лирик асарларидаги ономастик бирликлардан бири поэтонимлардир. Поэтонимларни махсус ўрганувчи соҳа ономастик поэтикада поэтонимлар ономастик бирликларнинг турига қараб поэтик антропоним, поэтик топонимлар, поэтик зоонимлар, поэтик мифонимлар[1.49] каби номлашни маъқул кўрдик. Ушбу мақоламизда Бобур лирик асарларига кирувчи ғазал, рубоий, қитъа, туюқ, маснавий, фард, муаммо, маснуларда қўлланган поэтик антропонимларни таҳлил қилга тортдик. Ўзбек тили поэтонимларининг изоҳли луғатида поэтонимлар шеърий асарда аллюзив ном, ономастик метафора вазифасида, бирор хусусиятнинг эталон сифатида келиши ва

шеърий асрларда қўлланган поэтонимлар талмеҳ, тажнис, ташхис, ташбеҳ, такрир, муболаға, иттифоқ, ийҳом, истиора, нидо каби бадиий санъатлар; апострофа, хушоҳанглик, аллитерация каби услубий воситаларни юзага келтириши[5.5] таъкидланган. З.М.Бобур лирик асарларидаги ономастик бирликларга эътибор қаратадиган бўлсак, улар турли бадиий тасвирий воситалар ҳамда услубий фигураларни ҳосил қилганлиги намоён бўлади:

Абдуссамади Тархон, ишрат била бўл беғам,
Абдуссамади Тархон, ишрат била бўл хуррам.
Эл ҳамдами бўлғанда, ишқингда ғаму меҳнат,
Абдуссамади Тархон, ишрат била бўл ҳамдам. [2.21 b]

Бобурнинг ушбу мисраларида келтирилган Абдуссамади Тархон реал антропоним бўлиб шеърда нидо бадиий тасвирий восита учун асос бўлган. Реал антропоним таркибидаги тархон унвон бўлиб ўша шахснинг ижтимоий ўрнини билдирган.

Тут муғтанам ул ёрни, Бобурки, жаҳонда
Маҳмуд ким эрди, не киши эрди Аёзи? [4.63]

Машҳур Султон Маҳмуд Ғазнавийдир. Шоир реал ном орқали талмеҳ ва истифҳом санъати қўлланган. Аёзи машҳур Султон Маҳмуд Ғазнавийнинг вазири. Бу реал антропоним орқали талмеҳ санъати қўлланган. Реал номни эслатиб, бадиий образни кучайтирган. Бу мисраларда келтирилган Маҳмуд ва Аёзи реал антропонимлар тажоҳил ул-орифон шеърий санъати учун зийнат бўлган.

Тут муғтанам ул ёрни, Бобурки, жаҳонда
Маҳмуд ким эрди, не киши эрди Аёзи? [4.32]

Кўнглунгга нечаки, сайр матлуб ўлса,
Аҳбобнн сўрмоқ доғи марғуб ўлса.
Гар ҳажринг имтидоди мундин ортар,
Қолмас манга сабр — сабри Айюб ўлса. [4.95]

Манбаларда келтирилиша Айюб Қуръонда номи зикр этилган 25 пайғамбарлардан бири. Айюб номи ва қиссаси Таврот, Инжил ҳамда бошқа қадимий китобларда ҳам келтирилган. Қуръонда Оллоҳ Айюбнинг садоқатини синаш учун унга қаттиқ синовлар юборгани (баданини яра босиб, қуртлаган бўлса-да, чидаган ва Худонинг иноятн билан тузалган), Айюб энг оғир дамларда ҳам Оллоҳга шукрона келтириб, сабр қилгани тўғрисида ёзилган. Шу боисдан Айюбга Собир номи ҳам нисбат берилган. Ўзбек адабиётида у “сабр қилувчи” маъносида қўлланган. Бобур рубоийида ҳам Айюб диний антропоними анъанавий сабр қилувчи тимсол сифатида қўлланган ва диний антропоним сифатида унга боғлиқ воқеаларга ишора қилиш анъанаси мавжуд.

Қилмади Фарҳоду Мажнун ўзни расво мен киби
Ким, бу навъ иш — иш эмасдур ҳеч оқил қилғудек.[4.33]

Қулар эрдим бурун Фарҳоди мискин достониға,
Бу ШиринДурки онинг барла-ўқ ҳамдостон бўлдум.[4.38]

Қани Ширин била Лайлики сендин ноз ўрганса,
Қани Фарҳоду Мажнунким, аларға ишқ ўргатсам.[4.40]

Ҳуснда ортуқ агар бўлса юзи Лайлидин,
Мен тақи бормен анинг ишқида юз Мажнунча.[2.55]

Улки юз Лайливаш онинг ишқидин Мажнундурур,
Хўблар султони Мирзо Қосими Арғундурур.[4.9]

Фарҳод шарқ халқлари оғзаки ва ёзма адабиётида кенг тарқалган образ. Фарҳод қадимий мифология ва фольклорда тоғ қаҳрамони сифатида тасвирланган. Ривоятларда Фарҳод афсонавий кучлардан ҳам юқори қўйилган. Бадиий адабиётда дастлаб форс-тожик

шоири Оғочий (X-XИ асрлар) шеърларида тилга олинган. Балъамий («Тарихи Табарий»), Абу Дулаф («Рисолаи сония») асарларида Фарҳод Ширин билан боғлиқ қаҳрамон сифатида эсланган. Шарқ адабиётида биринчи бўлиб Низомий Фарҳод образини кенг эпик планда тасвирлаган. XIV асрда Низомий достонини Қутб туркийга таржима қилган. Хусрав Деҳлавий «Ширин ва Хусрав»ида Низомий изидан борган. Фарҳод образига айрим аниқликлар киритган. Низомийда Фарҳоднинг келиб чиқиши ҳақида маълумот йўқ. Хусрав Деҳлавийда у Чин хоқонининг ўғли. Лекин уларда Фарҳод қаҳрамон даражасига кўтарилмаган. Ориф Ардабилийнинг «Фарҳоднома» достони (1369) дан бошлаб Фарҳод марказий қаҳрамон сифатида тасвирлана бошлаган. Фарҳоднинг мукаммал эпик образини Навоий яратган. Навоий Фарҳод образи орқали идеал инсон ҳақидаги гуманистик қарашларини ифодалаб, энг юксак инсоний фазилатларни мадҳ этган. Навоий достонда Фарҳод ва Ширинниng чин севгиси ҳақида ҳикоя қилади ва шу муҳаббат фонида ижтимоий ҳаёт муаммоларини ёритади. XV асрдан кейин туркий халқлар адабиётида Фарҳод ва Ширин номлари билан боғланган достончиликка Навоийнинг шу номдаги асари ўзининг катта таъсирини кўрсатди.

Шарқ адабиётида Лайли (Лайло) Шарқда машҳур Лайли ва Мажнун муҳаббатига бағишланган достондаги тимсол. Бобур лирикасида ҳам бу тимсол келтирилган. Талмеҳ, лафф ва нашр шеърий санъатларини ҳосил қилган.

Шарқ адабиётида машҳур образлардан бири Ширидир. Милодий 590 йилда тахтга чиқиб, 628 йилда ўлдирилган Эрон шоҳи Хусрав Парвезнинг гўзал Ширинга бўлган муҳаббати кўпгина тарихий асарларда, қайд этилган. Тарихчи Табарий (923 йили вафот этган) фикрича, замонасида Ширидан гўзалроқ аёл бўлмаган. Нима бўлганда ҳам, ўз севгисини ўлими билан исбот этган бу сулув малика ҳақида кўплаб ривоят ва афсоналар тўқилган. У ҳақда биринчи маротаба Фирдавсий ўзининг «Шоҳнома» достонида ёзган. Низомий эса уни алоҳида ишқий-саргузашт достон ҳолига келтирди. Низомийнинг «Хусрав ва Ширин» достони XIV асрда Қутб томонидан туркийга таржима ҳам қилинганди. Шеъриятда гўзаллик, вафодорлик ва ширинсуханлик тимсоли сифатида талқин этилади.

Мажнун Шарқ мумтоз адабиётида машҳур образ. Лайли ва Мажнун муҳаббатига бағишланган даостонларнинг бош қаҳрамони. Асосида араб шоири Имрул-Қайс сиймоси ётади. Мумтоз адабиёт тарихида бирорта шоир йўққи, у ўз қаҳрамонини Мажнунга ўхшатмасин. Бу масалада Бобур ижодида ўзига хослик кўринади. Навоий ўзига мурожаат этиб, ёр сени Мажнун (жинни) деса, тонмагин. Жинни бўлмасанг, парига ошиқ бўласанми, дейди:

Эй Навоий, тонма гар ер ул пари Мажнун сени
Ошиқ ўлғайму парига улки Мажнун бўлмаса.

Бобур эса лирик қаҳрамонини Мажнунга ўхшатмайди, ундан юксак қўяди. Бобурнинг лирик қаҳрамони ишқда шундай баркамолки, агар Мажнун ишқ истар бўлса, унинг изидан борсин, ахир йўлбошловчи йўлга бошламаса, бошқалар адашиб қолади-ку!

Ишқ истар бўлса, Мажнун айлагай пайравлиғим,
Йўлни не билгай киши то раҳнамо кўрсатмагай. [6.36]

Балои ишқу ёлғузлукдағи ҳижрону гурбатда
Отим Мажнун, кишим меҳнат, ишим зори, ерим гулхан. [6.45]

Демагай аҳсант лафзин, Бобур, ул ёринг сенинг,
Нечаким, Ҳассон киби ўзни сухандон ҳилғасен.[4.48]

Ҳассон ўрта асрнинг таниқли араб шоири бўлган. Муҳаммад(с.а.в.) давридаги таниқли ва ҳозиржаноб сўз устаси. Шарқ адабиётида номи сухандонлик, ҳозиржавоблик рамзи сифатида келтирилади. [2.581-б] Бобур лирикасида Ҳассон реал антропонимини ўхшатиш эталони сифатида қўлланган. Ҳассон реал антропоними аллюзив ном вазифани бажарган.

Ироқу Форс гар етса сенинг бу шеъринг, эй Бобур,
Ани ҳифз этгуси Ҳофиз, мусаллам тутқуси Салмон.

Ушбу мисраларда келтирилган Ҳофиз (Ҳофиз Шерозий) форс шоири, юксак бадиий ғазаллари билан Шарқ ва Ғарбда машҳур бўлган ҳассос шоир. Ўзбек мумтоз адабиётида Ҳофиз

реал антропоними орқали унинг ижоди ва у билан боғлиқ афсоналарга ишора қилинади. Бобур ижодида ҳам биз буни кўришимиз мумкин. Салмон (Салмон Соважий) форс шоири. Қасида ва ғазал жанрлари ривожига катта ҳисса қўшган. “Куллиёт”и, “Жамшид ва Хуршид” достони, “Фироқнома” маснавийси бор. “Аруз” рисоласида Салмон ижодидан кўпгина намуна келтирган. Бобур фахриясида бу ном учрайди. Ҳатто битта ечими топилган ва битта ечими топилмаган муаммода ҳам бу реал антропонимни кўришимиз мумкин:

9-Салмон номига:

Улусдин меҳр олдик хоҳ эриктик,
Ул ой бори бизинг бирла эликтик.

Ечими: «улус» меҳри (у) олиб ташланса, қолган «лус» «бизнинг» форсчаси (мон)га илиниб, (сал) бўлса, Салмон номи юзага келади. [2.31]

35- Салмон номига:

Чиқар савдойиларнинг дуд янглиғ оҳи бошиға,
Агар келтурса сочини паришон зулфи қошиға. [2.36]

Комрон Шоир ва давлат арбоби ҳамда Бобурнинг иккинчи ўғли. Адабиёт, ҳарб ва сиёсат илмларини отаси ва бошқа мураббийлардан ўрганган. Бобур ҳаётлигида Қандаҳор ва Кобул ҳукмрони бўлган. Заҳириддин Муҳаммад Бобур бир умр шариатпаноҳ ҳукмдор бўлиб яшади; шариатга амал қилди; шаръий ҳукмлар берди ва фиқҳга оид “Мубаййин” (баён этилган) номли асар ёзди. Ушбу китобда муаллиф фарзандлари билиши зарур бўлган фарз асосларини (имон, намоз, рўза, закот, ҳаж) ўташ масалаларини шеърий усулда бутун муфассаллиги билан баён этди. Бобур ёзади:

Комрон бўл жаҳонда давлат кўр,
Юз туман обрўю иззат кўр. [6.155]

Бобур рубоийида Комрон реал антропоними орқали сўз ўйини қилган. Бу рубоийда Комрон Бобур ўғли ва унинг форсча бахтли; ҳаётдан завқланувчи маъносида қўлланган. Натижада иттифоқ санъати (Атоқли отни билдирувчи сўзни турдош от сифатида шеърга кириб, сўз санъатини ясаш) орқали лингвопоэтик хусусият намоён бўлган. Бу мисраларда ҳам иттифоқ, лутф санъатларини кўришимихз мумкин:

Давлат била шоду шодмон бўлғойсен,
Шавкат била машҳури жаҳон бўлғойсен.
Кўнглунгдагидек даҳр аро ком суруб
Бу даҳр боринча Комрон бўлғойсен.[2.89]

Манбаларда айтилишича, Масиҳ (Мосиҳо) Қуръонда номи зикр этилган пайғамбарлардан бири бўлган Исо алайҳиссаломнинг лақаби. Қуръон Каримнинг “Ол-и Имрон” ҳамда “Моида” сураларида ёзилишича, ўликка қўл теккизиб, уни тирилтира олиш Исо алайҳиссаломнинг кароматларидан бири бўлган. Шу сабабли Қуръон Каримда Исо номига ал-масиҳ – силовчи лақаби қўшилган. Кейинчалик ал-масиҳ сўзи Исо алайҳиссаломнинг яна бир номи сифатида қўлланиб, уни “ўликка жон бахш этувчи” маъносида ишлатиш анъанага айланган. Адабиёт, шеъриятда севгилини ва унинг лабини жонбахшлик юзасидан Масиҳ, Масиҳога, Исога ўхшатилади ва Масиҳо нафас, Масиҳ анфос деган тавсифлар берилади. Масиҳ номини “ҳаётбахш, тирилтирувчи” маъноларида қўллаш анъанаси мумтоз адабиётда кенг тарқалган. Масиҳ диний антропоними орқали талмеҳ, ўхшатиш каби бадиий санъатлари юзага келтиришда лингвопоэтик восита бўлган. Бобур лирикасида ҳам бу анъанавий образни кўриш мумкин.

Қим Хизр суйин оғизланғай лабингнинг қошида?!
Қим Масиҳ алфозидин дегай каломинг борида?! [2.17]

Масиҳ анфоси янглиг жон берур фарсуда жисмимга,
Сабо келтурса ногаҳ хажр аро ул ёр пайгомин.[6.81]
Донаи холи Масиҳосо лабининг устида
Нотавон жонимға бўлди мояи савдо киби. [2.59]

Руҳдам “жон бағишловчи”. Бобурнинг Кобул ва Аградаги саройларида хизмат қилган ҳофиз. Бобур базмларининг фаол иштирокчиси бўлган. Шоир Руҳдамга бағишланган рубоийсида маҳорат билан истихрож ва ийҳом санъатларини ишлатган. Руҳдам поэтоними аллюзив ном сифатида келиб лутф санъатини ҳосил қилган. Булар эса Руҳдам реал антропонимнинг лингвопоэтик хусусиятлари кўрсатиб беради:

Гар Руҳдам этса эрди оҳанги нағам,
Мажлисда не ҳузн қолур эрди, не ғам.
То борғали Руҳдам бизинг мажлисдин,
Мажлис элига не руҳ қолди-ю не дам.

Султон Увайс бинни Маҳмуд — Самарқанд ҳокими Султон Маҳмуднинг ўғли, Бобурнинг холаваччаси (Султон Нигорхонимнинг ўғли), холаваччаси. Бобур бутун бир ғазалини холаваччасига бағишлаб ёзади. Бу антропоним радиф, нидо каби лингвопоэтик хусусиятларни намоён қилади:

Шоҳ Султон Увайс бин Маҳмуд!
Моҳ Султон Увайс бин Маҳмуд!
Қадду оғзиндин айру тортармен
Оҳ, Султон Увайс бин Маҳмуд!
Мени ёд айла базми ишқингда
Гоҳ, Султон Увайс бин Маҳмуд!
Хуш турур, ҳамраҳим агар сенсен,
Роҳ, Султон Увайс бин Маҳмуд!
Подшаҳдур агарчи Бобур, лек
Шоҳ Султон Увайс бин Маҳмуд! [4.20]

Хизр Қуръонда номи қайд этилган пайғамбар бўлиб, афсонавий “тириклик суви”ни топган пайғамбар номи. Абадий барҳаёт пайғамбар. Мумтоз адабиётда Хизр суви (у абадий яшашга, яъни Яратган васлига етишга ишора), Хизири нажот(нажот берувчи Хизр), Хизири раҳ(йўл кўрсатувчи Хизр) каби тимсолларда келтирилади. Бобур лирик асарларида ҳам поэтоним сифатида келтирилган. Аллюзив ном сифатида ўқувчига қўшимча маълумот беради. Реал антропоним сифатида талмеҳ, ўхшатиш каби бадиий воситаларни ҳосил қилади.

Қим Хизр суйин оғизланғай лабингнинг қошида?!
Қим Масиҳ алфозидин дегай каломинг борида?! [4.17]
Хати лабиға тутош бўлса эй кўнгул, не ажаб
Кн, Хизр чашмаи ҳайвонга раҳнамойидур.[4.21]

Риндлар олида ҳайвон суйини кўп ўкасен,
Эй Хизр, борми экин ул сув майи гулгунча?[4.55]

Ҳаёт суйини қўйким, лабидин олдим ком,
Бор, эй Хизрки, манга умри жовидон келди.[4.64]

Сўзунгким, Хизр суйидин нишондур,
Вале, ул сув киби мендин ниҳондур.[4.110]

Бўл талабгор истар ар бўлсанг отонинг давлатин,
Тангри носир бўлса, эй Бобур, жаҳонгир ўлғасен. [2.40]

Бу байтда Бобурнинг мажозан икки иниси (Жаҳонгир Мирзо) ва (Носир Мирзо)га ишорати мавжуд. [2.40] Бу ерда ҳам носир ва ҳаҳонгир сифатлари орқали сўз ўйини, яъни лутф, иттифоқ санъатларидан унумли фойдаланганлиги намоён бўлади.

Қуллуқу хизматинг этмак йилу ой,
Насли Жўжию уруғи Чиғатой. [6.137]

Жўжи Чингизхоннинг катта ўғли. Хитой, Ўрта Осиё, Дашти Қипчоқ Чингизхон томонидан эгалланишида фаол иштирок этган. Чингизхон қўлига кирган ҳудудларни ўғиллари ўғиллари ўртасида тақсимлаганда Жўжихонга Иртишдан то Урал дарёсигача ва ундан ғарбдаги ерлар теккан. Бобур ушбу мисрада тарихий шахс бўлган Жўжи ва ўша пайтда биз яшаб турган ҳудудлар Чиғатойга берилгани ҳамда “Чиғатой улуси”, “Чиғатой тили” каби номларнинг пайдо бўлганига ишора бор.

Хулоса қилиб айтганда, Бобурнинг лирик жанрларида қўлланилган поэтик антропонимлар китобхонларга турли бадиий ҳамда эстетик завқ бериш ёки қайсидир тарихий факт, тарихий шахс ва унинг фаолияти билан боғлиқ воқеани жонлантиришга хизмат қилади. Шу билан бирга Бобурнинг нақадар билимдон шахс эканлиги, ҳаёти таҳликали ўтган ижодкорнинг бу поэтонимлар моҳиятини чуқур билганлиги ва эътироф этганлиги кишини ҳайратлантиради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Анданиязова Д. Бадиий матнда ономастик бирликлар лингвопоэтикаси. Филология фанлари буйича фалсафа доктори (Phd) дисс. автореф. -Тошкент, 2017.
2. Бобур девони. – Тошкент: «Шарқ» , 2004. 112 b
3. Бобур энциклопедияси. – Тошкент: Шарқ, 2017. – 688 б.
4. Заҳириддин Муҳаммад Бобур Девон. – Тошкент: «ФАН», 1994, 144b
5. Худойберганова Д., Анданиёзова Д. Ўзбек тили поэтонимларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Турон замин зиё, 2016. – б. 5
6. Ҳусанов Н. XV аср ўзбек адабий ёдгорликларидаги антропонимларнинг лексик-семантик ва услубий хусусиятлари. док.диссер. – Тошкент, 2000.
7. Ёқубов Ш. Навоий асарлари ономастикаси. Филология фанларлари ном.диссер. – Тошкент. 1994, Б- 35
8. Шоҳ ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Назм дурдоналари. – Тошкент: «Шарқ» , 1996. 201 b
9. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 12 жилдлик. 1-12-жилдлар. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2000-2006-йиллар.

ISSN: 2181-9297
www.tadqiqot.uz
INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

Amirova Zohida Oripovna
Qarshi davlat universiteti o'qituvchisi
zohida_oripovna@mail.ru

LINGVOKULTUROLOGIYA KONTEKSIDA "TIL" TUSHUNCHASI TALQINI

https://doi.org/10.5281/zenodo.0000000

ANNOTATSIYA

Ma'naviy madaniyatning milliy xususiyatlari ifodaning lisoniy usuliga bog'liqlikni taqozo etmaydi. Biroq ma'naviy madaniyat uchun zaruriy shart-sharoitlarning shakillanishi, rivojlanishi va voqe bo'lishida muhim tarkibiy qism sifatida unda alohida o'rin egallaydi. Turli madaniyatlarni qiyoslash til va madaniyatda milliy o'ziga xoslik masalasining qo'yilishiga olib keladi. Ushbu maqolada hozirgi zamon tilshunosligida lingvokulturologik izlanishlarning o'rni va asosiy yo'nalishlari haqida so'z boradi.

Kalit so'zlar: til, madaniyat, nutq, manzara, inson, komunikatsiya, olam, idrok, konsept.

Amirova Zohida Oripovna
Teacher of Karshi state university
zohida_oripovna@mail.ru

INTERPRETATION OF THE CONCEPT "LANGUAGE" IN THE CONTEXT OF LINGUOCULTUROLOGY

ANNOTATION

The national characteristics of spiritual culture do not require dependence on the linguistic method of expression. However, it has a special place in it as an important component in the formation, development and occurrence of the necessary conditions for spiritual culture. Comparing different cultures leads to the question of national identity in language and culture. This article discusses the role and main directions of linguoculturological research in modern linguistics.

Keywords: language, culture, speech, landscape, man, communication, universe, perception, concept.

Zamonaviy tilshunoslik tilni tadqiq etish chegaralarini kengaytirib bormoqda. Tilshunoslikni tutash fanlar bilan – eng avvalo, madaniyat etiologiyasi va etnografiya bilan – bir yaxlit holga keltirish natijasida kulturologik tilshunoslik yoki lingvokulturologiya shakllanadi. Turli madaniyatlarni qiyoslash til va madaniyatda milliy o'ziga xoslik masalasining qo'yilishiga olib keladi. Bir tomondan , ma'lum madaniyat vakillari uchun relevant bo'lgan nolisoniy sharoitning ba'zi qirralari tilda namoyon bo'lsa, boshqa tomondan , so'zlovchilar tilni va xususan, so'zlarning ma'nolarini o'zlashtirar ekan, u dunyoni ona tili orqali ko'ra boshlaydi va ma'lum madaniyatga xos belgilarni o'rganadi.

Ma’naviy madaniyatning milliy xususiyatlari ifodaning lisoniy usuliga bog’liqlikni taqozo etmaydi. Biroq ma’naviy madaniyat uchun zaruriy shart-sharoitlarning shakillanishi, rivojlanishi va voqe bo’lishida muxim tarkibiy qism sifatida unda alohida o’rin egallaydi. Gap tilning ma’naviy madaniy taraqqiyotining meros bo’lib o’tishini amalga oshirish vazifasi haqida ketmoqda. Meros bo’lib o’tish mexanizmlarini esa tilda aks etuvchi lisoniy muhitini tahlil qilish orqali tushuntirish mumkin. [G. Bokieva, D. Ashurova, Sh.Safarov, Kubryakova, Arutyunova, Gak V.G]

“Til” haqida gap kelganda, bu so’zning ma’nosi juda keng bo’lsa ham, odatda, tibbiy til nazarda tutiladi. Muayyan tildan (fan tili, madaniyat tili, sanat tilidan) foydalanar ekanmiz, ich-ichimizdan shunga ishonchimiz komil bo’lishi kerakki, aynan shu holat umuman boshqacha tassavur etilishi ham mumkin. Ushbu g’oya psixotexnik tartibda insonni qo’yidagi bosqichda olib keladiki, u istalgan til, shu til haqidagi istalgan bilim aynan shu tilning o’zi ekanligi tushunib yetadi. Ya’ni, til muayyan ma’noda hech narsani ifodalamaydi. Zamonaviy pozitiv bilim matnida xotira belgi emas, balki tilda mutloq universal ma’nodagi istalgan tajribaning dolzarb mexanizimi sifatidagi epifenomendir. Aynan tilning nisbiyligini (uning onga munosabatini) tushunmaslik shunga olib keladiki, butun hayot tilga aylanadi, yoki aksincha, til va hayot – ikkisi bir deb qaraladi. Masalaning bunday qo’yilishi shundan nazorat beradiki, zamonaviy madaniyat bor qadriyatlari bilan birga “til-hayot” soxta madaniyat bilan bog’liq tushunmovchilikni bartaraf etmoqda.

“Til” kontseptining ma’nosi haqida fikr yuritish noverbal tillarga olib keladi: imo-ishoralar tili, mimika, signal, belgi va ramzlar tili. Bu so’zning o’ziga xos ma’nosi majoziy qo’llanishda ham yuzaga chiqadi: san’at tili (o’z navbatida tasviriy san’at tili, musiqa tili, xoreografiya tili; yana bir o’xshatish-rassomlik tilning tili (chiziqlar rangi va hkz), musiqa tilning tili (tovush, tembr, temp va hkz), xoreografiya tilning tili (xarakat va hkz)) Keyingi tahlil qilishga moyillik chuqurlashish va yangi tillarning paydo bo’lishiga olib keladi: ranglar tili, ohanglar tili va hkz. Fan tilning tahlil qilishga moyilligi bizga matematika tili, geometriya tili – matematika tilining tili (raqamlar, formulalar...) -» va hkz. Shunday qilib, “til” tushunchasining tuzilishi asosdan “lisoniy” ta’sir doirasidagi “atom” ko’rinishini oladi.

Tilning ijtimoiy tabiati muayyan jamiyatda til harakat qilishning tashqi sharoitlari (bi- yoki polilingvizm. tillarga o‘qitish shartlari, jamiyat, fan va adabiyotning taraqqiyot darajasi va hkz.) bilan birga til tizimining o‘zida ham, uning sintaksisi, grammatikasi, leksikasi, funksional stilistikasi va boshqalarda ham namoyon bo‘ladi.

Shunday qilib, til va real borliq o‘rtasida inson mavjud. Aynan inson sezgi a’zolari orqali borliqni qabul qiladi va anglaydi va shu asosda borliq haqidagi tasavvurlar tizimini shakllantiradi. S.T.Ter-Minasova fikricha, inson qabul qilish natijalarini tushungan holda o‘z tafakkuridan o‘tkazar ekan, u buni o‘z lisoniy muloqot jamoasining boshqa a’zolariga til orqali yetkazadi. Boshqacha qilib aytganda, borliq va til o‘rtasida tafakkur turadi.

So‘z real predmetning o‘zini emas, balki til tashuvchisining ongiga singib qolgan predmet haqidagi tasavvurning aksini ko‘rsatadi. Tushuncha esa shu tushunchani tashkil etuvchi ba’zi umumlashgan belgilar vositasida shakllantiriladi. Shuning uchun o‘zicha muayyan mavhumlikni, aniq xususiyatlardan chekinishni ko‘rsatadi. Real borliq va tushuncha keyinchalik og‘zaki ifoda o‘rtasidagi masofa turli halqlarda turlicha, bu ularning tarixi, geografiyasi, bu halqlarning turmush tarzi, shuningdek ularning ijtimoiy ongi rivojlanishi bilan ham bog‘liq. Bizning tafakkurimiz jamoaviy (turmush tarzi, urf-odat, an’ana va hakazolarga bog‘liq holda) shartlangan ekan ya’ni, madaniyat tushunchasi o‘zining keng etnografik ma’nosida ifodalovchi barcha xossalari bilan birga, shuningdek individual (muayyan aniq individuumga xos tarzda borliqni spetsifik qabul qilish) tushunilar ekan, til olamni to‘g‘ridan to‘g‘ri emas, real olamdan tafakkurga va tafakkurdan real olamga ko‘rinishida aks ettiradi. S.T.Ter-Minasova qayd qilishicha, ko‘zguga o‘xshatish boshida ko‘ringanidek juda aniq emas, chunki ko‘zgu qiyshiqligi ma’lum bo‘ldi: so‘zlovchi jamoaning madaniyati, uning mentaliteti, olamni ko‘rishi yoki dunyoqarashi bilan shartlangan (97.40). Shunday qilib, bizning oldimizda til va tafakkur munosabati masalasi ko‘tariladi.

G.V. Kolshanskiy "dunyo manzarasi' muammosi bilan bog’liq qo’yidagi jihatlarni keltiradi:

1. Inson dunyo manzarasining ob’ektivlashtirilmagan (moddiylashtirilmagan) holatida bunday manzara lokallashtirish “maydoni” hisoblanadi;

2. "Dunyo manzarasi" qo'yidagi hollarda inson tomonidan yaratiladi: a) xayotiy faoliyatga asoe bo'ladigan dunyo obrazlarining predmetlashtirilishi, ob'ektivlashtirilishn natijasida. bu o'z moxiyatiga ko'ra dunyo obrazining qayta yuzaga chikishi hisoblanadi va b)refleksiya jarayonida yangi obrazlarning ishlab chiqilishi natijasida, bu dunyo obrazining ko'rilishidan iborat bo'ladi;
3. Dunyo manzarasi - bu voqelikning ko'zgudagi aksi emas. balki uning muayyan tarzdagi talqinidir, chunki "olamni muayyan prizmalar orqali ko'rish xisobiga yaratiladigap dunyoning har qanday manzarasi har doim mukarrar ravishda insoniy sub'ektivlik, o'ziga xoslikning belgilarini o'z ichiga oladi. Dunyo manzarasi insonning olamni idrok etish i negizi bo'lib, o'zida uning asosiy xususiyatlarini mujassam etadiki. Bu tilning antropotsentrikligi bilan bog'liqdir.

M.Xaydegger fikricha, "dunyo manzarasi" tushunchasi qo'yidagilardan iborat bo'ladi: "manzara" so'zini eshitib biz avvalo nimaningdir in'ikosi to'g'risida uylaymiz. Shunda dunyo manzarasi tegishlicha guyoki umuman butun borliqning aksi bo'ladi. Biroq dunyo manzarasi birmuncha kengroq ma'noga ega. Biz bunda dunyoning o'zini, umuman uning butun borlig'ini biz uchun belgilovchi va shart hisoblanadigan tarzda nazarda tutamiz. Bu o'rinda manzara chizilgan narsanimg emas, balki nutq oborotida eshitilgan narsani anglatadi: biz nimaningdir manzarasini o'zimizga tasavvur etamiz... Nimaningdir manzarasini o'zi uchun tasavvur etish: borliqning o'zini o'z oldiga uning kay holatda bo'lsa, shunday holatda ko'yish va uni har doim shunday tasavvur qilishni anglatadi. Lekin bu yerda hozircha bunday manzara moxiyatiga tegishli hal qiluvchi ta'rif yuq. "Biz nimaningdir manzarasini o'zimizga tasavvur etdik" degan jumla nafaqat bizning borliqni umuman qandaydir tasavvur qilganimizni, balki ushbu borliqning bizning tasavvurimizda unga xos bo'lgan va uni tizim sifatida tashkil etadigan jamiki unsurlarning bizning tasavvurimizda namoyon bo'lishini bildiradi. Ushbu "manzaraning tasavvur etilishi" iborasida komnetentlik. butunlik, aniq maqsadga yunaltirilganlik jaranglaydi. Dunyo manzaraga aylaigan joyida umuman borliqqa nisbatan xuddi inson butun dikkat-e'tiborini qaratgan narsaga bo'lgani kabi munosabat bildiradi va shuning uchun u ushbu manzarani o'ziga taqdim etish, tasavvur xazinasida olib qolishga harakat qiladi. Mohiyatan anglab yetilgan dunyo manzarasi shu taxlitda olamni tasvirlaydigai manzarani emas, balki bunday manzara ma'nosida anglab yetilgan dunyoni anglatadi... Dunyo manzarasi haqida gap ketadigan joyda umuman borliqqa tegishli tub yechim chiqariladi. Borliqning mavjudligini ushbu borliq tasviridai izlashadi va topishadi".

G.V. Kolshanskiyning qayd qilishicha, "dunyo manzarasi" atamasining o'zidagi "dunyo" tushunchasi aniqlashtirishni talab qiladi. "Dunyo" so'zi iste'mollariga muvofik dunyo ikki hilda tushuniladi: birinchidai, bu - umuman muayyan keng kamrovli narsa tarzi da idrok etiladigan, inson boshqa odamlar bilan bir qatorda qamrob olinadigan va uni boshqa kishilar bilan birga birlashtiradigan olamdir. Bunda "umuman dunyo" qandaydir boshqa olamga qarama-qarshi ko'yilmaydi. Bu o'rinda gap dunyo bilan alohida munosabat vositasida bog'langan inson sub'ektaga qarama-qarshi ko'yish haqida bormokda. Sub'ektiv tarzdagi idrok etish so'zlovchi kishi ongida hosil bo'lgan dunyo manzarasiga mukarrar tarzda ta'sir ko'rsatadiki, u uning dunyo haqidagi fikrida xabar yetkazish predmetiga aylanadi.

Boshqa tomondan, muqobil dunyolar deb ataladigan olamlar ham mavjud. Bunday dunyo borliqning boshqa kiyos keltiriladigan sohalaridan farqlanadigan va faqat unga xos qonuniyatlar bilan tavsiflaiadigan muayyan soxasidan iborat bo'lishi mumkin.

A.A.Potebnyaning fikricha, faqatgina so'z vositasida yuzaga keluvchi tushunchalarni ongli aqliy faoliyat ma'nosida qabul qilishni ong desak, biz ko'ramizki, ong tilsiz mavjud emas, chunki uning o'zi til yordamida shakllanadi va unda til vaqt nuqtai nazaridan birlamchi hisoblanadi. Bugungi kunda bu masala tilshunoslar tomonidan boshqacha ko'rilmoqda. Masalan, N.N.Boldirev til va tafakkur masalasiga to'xtalar ekan, shunday tushunchalarni tilga oladilar, bular – tafakkur tuzilishi, tafakkur shakli, metatafakkur: "Tafakkur va til tabiiy holatda faqat biror bir tasavvurlar (biz metapredmetlar deb atovchi narsalar) shu predmetlar haqidagi tasavvurlarni yaratish sharoitidagina voqe bo'lishi mumkin. Ya'ni, tafakkur u haqidagi nimadir bo'lgani uchun mavjud. Bu metafikrlar bir vaqtning o'zida shu predmetning mavjudlik belgisi bo'lgan elementlar borligi uchun ishlaydi, balki mutlaq ob'ektiv shaklda predmet yoki ob'ektivatsiyalar ko'rinishida berilgan bo'lishi ham mumkin". Olimlar qayd etishlaricha, ong haqida gap ketar ekan, biz ongning lisoniy shaklini ong sohasiga

yuklashimiz kerak emas. Biz “Qaerda til bo’lsa – o’sha yerda ong bo’ladi” deya olmaymiz. Biz tildan ong tushunchasi sifatida foydalanar ekanmiz, bu tushuncha shartli belgilarni izohlaydi. Mualliflar ta’kidlaydilarki, ongni matnni lingvistik tahlil qilish yo’li bilan tushunish mumkin emas va lisoniy tafakkurning ba’zi bir strukturalari uning yo’qligiga mavjudligidan ko’ra ko’proq bog’liq. Ong sohasining o’zi lingvistik tahlil ob’ekti sifatida ko’rib chiqilar ekan, dunyoviy hodisaga, dunyoviy ob’ektga nisbatan olganda idrok sohasi “universal kuzatuvchi” sifatida yuzaga kelish gipotezasi ma’lum bo’ladi. “Idrok holati” atamasini mualliflar shunday tushuntiradilar: “Odamniing anglamagan holati – bu ong holati, u anglasa – bu idrok holati”. Idrok tuzilishi mazmun deb ham atalishi mumkin, shakl deb ham atalishi mumkin – bu holatning mavhumlashjtirilganidan kelib chiqadi: “Idrok tuzilishi – ong sohasi nuqtai nazaridan idrok holatidan kelib chiqqan holda “idrok o’rnining” mazmundor qat’iy joylashuvi”. Biz uchun mualliflarning quyidagicha xulosasi muhim: “Ong o’zi uchun “til” ga ega emas, balki psixika uchun “til” ga ega, va bu til ramzlar tili hisoblanadi”.

Foydalanilgan adabiyotlar ro’yhati:

1. A.A. Abduazizov – “Til nazariyasi”, 2010
2. A.A.Abduazizov – Tilshunoslikning boshqa fanlar bilan aloqasi, 2004
3. Sh.S.Safarov – Pragmalingvistika, 2008 E.Sepir – Language.
4. Yu.S.Stepanov – Semiotika, 1971
5. S.Ter-Minasova - Sintagmatika rechi: ontologiya i evristika, 1980, 2009.
6. V.Gumbol`dt - Development of the Human Species, 1999.
7. E.S.Kubryakova – Kognitiv lingvistika haqida, 2001
8. A.D.Arutyunova – Tilning mantiqiy taxlili, 1991
9. V.G.Gak – Tilshunoslik savollari,

ISSN: 2181-9297
www.tadqiqot.uz
INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

Nizomova Mohinur Baratboyevna
Qarshi davlat universiteti o'qituvchisi

PEDAGOGIKAGA OID TERMINLARNING ETIMOLOGIK KOMPONENTI ASOSIDA ILMIY MATNLARNI TARJIMA QILISHNI O'RGATISH MODELINI AMALGA OSHIRISH

https://doi.org/10.5281/zenodo.0000000

ANNOTATSIYA

Pedagogika sohasida ilmiy matnlarni tarjima qilishni o'rgatish modelini ishlab chiqish jarayonida atamalarning etimologik komponentiga asoslangan holda tarjima kompetensiyasining umumiy va etimologik kompetentsiyani shakllantirish samaradorligini ta'minlaydigan shart-sharoitlar, xususan quyudagilar:

- pedagogik, lingvistik, madaniy va tarjima bilimlarining integratsiyasi;
- pedagoglarni o'quv va kasbiy faoliyatini rag'batlantirish (tashqi va ichki motivatsiyani shakllantirish va rivojlantirish);
- tarjima kompetentsiyasini shakllantirishda etimologik komponentning ustuvorligi va etimologik kompetentsiyaning kognitiv, nutqiy, sotsial-madaniy, sotsiolingvistik, pragmatik, kompensatsion, diskursiv va informativ kompetentsiyalar bilan aloqasi.

Kalit so'zlar: tarjima, lingvistik va pedagogik bilimlar, ilmiy matnlar, an'anaviy tilshunoslik, tarjimashunoslik, tarjima modeli, pedagogikaga oid atamalar, etimologik komponenti.

Низомова Мохинур Баратбоевна
Преподаватель Каршинского
государственного университета.

РЕАЛИЗОВАТЬ МОДЕЛЬ ОБУЧЕНИЯ ПЕРЕВОДУ НАУЧНЫХ ТЕКСТОВ НА ОСНОВЕ ЭТИМОЛОГИЧЕСКОЙ СОСТАВЛЯЮЩЕЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИХ ТЕРМИНОВ

АННОТАЦИЯ

В процессе разработки модели обучения переводу научных текстов в области педагогики определены условия, обеспечивающие эффективность формирования общеэтимологической компетенции переводческой компетенции на основе этимологического компонента терминов, в частности:

- интеграция педагогических, лингвистических, культурологических и переводческих знаний;
- стимулирование учебно-профессиональной деятельности педагогов (формирование и развитие внешней и внутренней мотивации);
- Приоритет этимологического компонента в формировании переводческой компетенции и взаимосвязь этимологической компетенции с когнитивной, вербальной,

социокультурной, социолингвистической, прагматической, компенсаторной, дискурсивной и информативной компетенциями.

Ключевые слова: перевод, лингвопедагогические знания, научные тексты, традиционное языкознание, переводоведение, модель перевода, педагогические термины, этимологический компонент.

Nizomova Mohinur Baratboyevna
Teacher at Karshi State University

IMPLEMENT A MODEL FOR TEACHING THE TRANSLATION OF SCIENTIFIC TEXTS BASED ON THE ETYMOLOGICAL COMPONENT OF PEDAGOGICAL TERMS

ANNOTATION

In the process of developing a model for teaching the translation of scientific texts in the field of pedagogy, the conditions that ensure the effectiveness of the formation of general and etymological competence of translation competence based on the etymological component of terms, in particular:

- integration of pedagogical, linguistic, cultural and translational knowledge;
- Stimulation of educational and professional activity of teachers (formation and development of external and internal motivation);
- The priority of the etymological component in the formation of translation competence and the relationship of etymological competence with cognitive, verbal, socio-cultural, sociolinguistic, pragmatic, compensatory, discursive and informative competencies.

Keywords: translation, linguistic and pedagogical knowledge, scientific texts, traditional linguistics, translation studies, translation model, pedagogical terms, etymological component.

Maqsad: Maqolaning maqsadi venger tilining shakllanishi va rivojlanishida Xalqlar buyuk ko‘chishining o‘rni va ahamiyatini yoritib berishdir.

Maqola oldiga qo‘yilgan vazifalar:

• pedagogikaga oid terminlarning etimologik komponenti asosida ilmiy matnlarni tarjima qilishni o‘rgatish modelini amalga oshirish.

• ingliz va o‘zbek tillarida terminlarining pedagogikaga oid terminlarning paydo bo‘lishidagi asosiy omillarning rolini aniqlash;

• ingliz, o‘zbek tillari materialida pedagogikaga oid terminlarining o‘ziga xos lingvistik xususiyatlarini qiyosiy tahlil asosida o‘rganish;

• semantik tahlil orqali ingliz tilidagi pedagogikaga oid terminlarning ingliz tilida va o‘zbekcha ekvivalentlarini aniqlash;

• pedagogikaga oid terminlarni va tillararo interferensiya hodisalarini aniqlash;

• lingvistik matnni pedagogikaga oid atamalarni tahlil qilib chiqish.

Metodlar: Tadqiqot jarayonida lingvistik tahlil, analiz va sintez, qiyosiy-tipologik, semantik va lingvostatistik tahlil, tarjima metodlardan foydalanildi.

Tarjimaviy kompetentsiyani umumiy va xususan etimologik kompetentsiyani shakllantirishning pedagogik shartlari deganda biz maxsus yaratilgan ta'lim muhitini tushunamiz, unda kasbiy kompetentsiya va unga kiritilgan kompetensiyalar shakllanadi va rivojlanadi, pedagogik faoliyat olib boriladigan holatlar majmui va mu faoliyatda qo’llaniladigan atamardir. Bundan tashqariga, shuningdek, o'quv jarayonini samarali amalga oshirishni ta'minlaydigan texnikalar, vositalar va o'qitish usullari.

1. Tarjima, madaniy, lingvistik va pedagogik bilimlarning integratsiyasi

Pedagogik tadqiqotlarda integratsiyaning quyidagi ta'riflari ustunlik qiladi:

- tizimlarning, organizmning tabaqalashtirilgan qismlari va funktsiyalarini bir butunga birlashtirish; fanlarning differensiallashuv jarayonlari bilan birga kechayotgan yaqinlashuvi va aloqadorlik jarayoni [Kasbiy ta'lim ensiklopediyasi 1998];

- fanni tashkil etuvchi moddiy olam yoki ijtimoiy hayotning ayrim hodisalari, jihatlari, xususiyatlari haqida talabalar o‘rtasida har tomonlama, murakkab ilmiy g‘oyalar tizimini yo‘nalishli shakllantirish maqsadida turli o‘quv fanlari mazmunining o‘zaro ta’siri, o‘zaro kirib borishi va o‘zaro bog‘lanishi. ushbu o'quv fanidan [Salomatov 1987];

- ilmiy tushunchalar umumiy ma'no va o'qitish usullari bilan bog'langan bir nechta o'quv fanlarini birlashtirish [Zverev 1981];

Pedagogik, lingvistik, madaniy va tarjima bilimlarini integratsiyalashuvi atamalarning etimologik komponentiga asoslangan ilmiy matnlarni tarjima qilishni o‘rgatish modelini muvaffaqiyatli amalga oshirishning zarur shartidir. Filologiya fanlari magistri nafaqat o‘qituvchi, balki tadqiqotchi sifatida ham faoliyat ko‘rsatganligi sababli, uning kasbiy malakasini shakllantirishda til va madaniy bilimlar hal qiluvchi rol o‘ynaydi.

Pedagogik faoliyatning kasbiy standartida madaniyat haqidagi bilimlarni uzatish ushbu faoliyatning asosiy tarkibiy qismlaridan biri deb nomlanadi: “Pedagogik faoliyat o`quvchining maqsadli rivojlanishida, madaniyat asoslarini o`zlashtirishda ifodalangan faoliyat turlaridan biridir va uning qobiliyatlarini har tomonlama rivojlantirish” [Kasbiy standart.2007].

Aytish joizki, ilmiy matnlar tarjimasini atamalarning etimologik komponenti asosida o‘rgatishda madaniy komponentni ham hisobga olish zarur. Birinchidan, bu lotin tilidagi terminologik tizimlarning shakllanishiga katta ta'sir ko'rsatgan Rim madaniyati. Ko'pincha zamonaviy atamalarning ma'nosi qadimgi Rimdagi Rim huquqi yoki tibbiyot tarixidan kelib chiqadi. Ikkinchidan, bu ingliz va amerika madaniyatining madaniy tarkibiy qismi bo'lib, u ko'p jihatdan o’zbek tilidan farq qiladi. Barcha mamlakatlarda ilmiy matnlar axborotni taqdim etishga qaratilganligiga qaramay, taqdim etish usullari boshqacha bo'lishi mumkin. Shuni ta'kidlash kerakki, ingliz ilmiy matnlari soddaroq jumlalardan iborat bo'lib, kamroq terminologiyadan foydalaniladi.

Pedagoglarni kasbiy faoliyati nafaqat ilmiy-tadqiqot ishlari, balki pedagogik faoliyatda ham ekanligini alohida ta’kidlaymiz. Shunday qilib, magistr uchun, masalan, nazariyotchi olim uchun ilmiy matnni o'qish va tushunish etarli emas, chunki filologiya ta'limi pedagoglarning vazifasi olingan ma'lumotlarni maktab o'quvchilari va talabalarga etkazishdir.

Shunday qilib, tarjima, madaniy, lingvistik va pedagogik bilimlarni birlashtirmasdan turib, atamalarning etimologik tarkibiy qismiga asoslangan ilmiy matnlarni tarjima qilishni o'rgatish modelini amalga oshirish mumkin emas.

2. Pedagoglarning o'quv va kasbiy faoliyatini rag'batlantirish (tashqi va ichki motivatsiyani shakllantirish va rivojlantirish).

Motivatsiya umumiy tarjima kompetensiyasini, xususan, etimologik kompetentsiyani muvaffaqiyatli egallash shartlaridan biridir. L.A.ning so'zlariga ko'ra. Grigorovichning ta'kidlashicha, "har qanday faoliyat samaraliroq davom etadi va sifatli natijalar beradi, agar bir vaqtning o'zida odamda faol harakat qilish, kuchini to'liq bag'ishlash, muqarrar qiyinchiliklarni, noqulay sharoitlarni va boshqalarni engish istagini keltirib chiqaradigan kuchli, yorqin, chuqur motivlar bo'lsa. ko'zlangan maqsad sari tinmay olg'a borayotgan sharoit [Grigorovich 2004: 133].

Misol qilib quyudagi lingvistik matnni olamiz va pedagogikaga oid atamalarni tahlil qilib chiqamiz.

While traditional **linguistic** studies had developed **comparative** methods (comparative linguistics), chiefly to demonstrate family relations between **cognate languages,** or to illustrate the historical developments of one or more languages, modern **contrastive linguistics** intends to show in what ways the two **respective languages** differ, in order to help in the solution of practical problems. (Sometimes the terms **diachronic** linguistics and synchronic linguistics are used to refer to these two perspectives.)

Contrastive linguistics, has often been linked to aspects of applied linguistics, e.g., to avoid **interference** errors in **foreign-language** learning, to assist **interlingual transfer** in the process of **translating** texts from one **language** into another, and to find lexical **equivalents** in the process of compiling **bilingual dictionaries.**

Contrastive descriptions can be made at every level of linguistic structure: speech sounds **(phonology),** written symbols **(graphology),** word-formation **(morphology),** word meaning

(lexicology), collocation **(phraseology),** sentence structure (syntax) and complete **discourse (textology).** Various techniques used in corpus linguistics have been shown to be relevant in **intralingual** and **interlingual contrastive** studies, e.g. by **'parallel-text' analysis.**

Contrastive linguistic studies can also be applied to the differential description of one or more varieties within a language, such as styles (contrastive rhetoric), **dialects,** registers or **terminologies** of technical genres.

traditional linguistic - an'anaviy tilshunoslik
comparative methods -qiyosiy usullar (qiyosiy tilshunoslik**),**
cognate languages-qardosh tillar**,**
contrastive linguistics -qarama-qarshi tilshunoslik
tegishli tillar- respective languages
diachronic linguistics-diaxronik tilshunoslik
synchronic linguistics-sinxron tilshunoslik
contrastive linguistics-kontrastiv tilshunoslik
applied linguistics- amaliy tilshunoslik
labguage interference- til aralashuvi
foreign-language learning-chet tilini o'rganish
interlingual transfer-tillararo transfer
translating -tarjima qilish
exical **equivalents**- leksik ekvivalentlar
bilingual dictionaries-ikki tilli lug'atlar
linguistic structure-lingvistik tuzilish
phonology - fonologiya
graphology - grafologiya
morphology -morfologiya
lexicology- leksikologiya
collocation **phraseology-**birikma frazeologiyasi
discourse (textology)-nutq (matnshunoslik)
interlingual contrastive- tillararo kontrast
parallel-text analysis-parallel matn tahlili.
contrastive linguistic- qarama-qarshi lingvistik
dialects-lahjalar
terminologies-terminologiyalar.

Ushbu matinni tarjima qilganda, qiyosiy tilshunoslik, diaxronik tilshunoslik va sinxron tilshunoslik atamalari nazarga nisbatan qo'llanilishi, fonologiya, grafologiya, morfologiya, so'z ma'nosi -leksikologiya, birikma –frazeologiya, gap tuzilishi-sintaksis, to'liq nutq-matnshunoslik holatlarini tarjima jarayonida uchratishimizni guvohi bo'ldik. Quyudagi lingvistik matnni tarjima va tahlilda ko'rib chiqdik.

An'anaviy tilshunoslik, asosan, qardosh tillar o'rtasidagi oilaviy munosabatlarni ko'rsatish yoki bir yoki bir nechta tillarning tarixiy rivojlanishini ko'rsatish uchun qiyosiy usullarni (qiyosiy tilshunoslik) ishlab chiqqan bo'lsa, zamonaviy qarama-qarshi tilshunoslik ikki tilning bir-biridan qanday farq qilishini ko'rsatishni maqsad qilgan. Bu maqsad maliy muammolarni hal qilishda yordam berish ko'zda tutilgan. (Ba'zan diaxronik tilshunoslik va sinxron tilshunoslik atamalari ushbu ikki nuqtai nazarga nisbatan qo'llaniladi.) Qarama-qarshi tilshunoslik ko'pincha amaliy lingvistikaning jihatlari bilan bog'langan, masalan, chet tilini o'rganishda aralashish xatolarining oldini olish, matnlarni bir tildan boshqa tilga tarjima qilish jarayonida tillararo ma'no ko'chirishga yordam berish lozim. Ikki tilli lug'atlarni tuzish jarayonida leksik ekvivalentlarga asoslanadi.

Qarama-qarshi tavsiflar til tuzilishining har bir darajasida amalga oshirilishi mumkin: nutq tovushlari (fonologiya), yozma belgilar (grafologiya), so'z yasalishi (morfologiya), so'z ma'nosi (leksikologiya), birikma (frazeologiya), gap tuzilishi (sintaksis) va to'liq nutq (matnshunoslik). Korpus lingvistikasida qo'llaniladigan turli usullar til ichidagi va tillararo kontrastiv tadqiqotlarda dolzarb ekanligi ko'rsatilgan, masalan "parallel-matn" tahlili orqalidir. Kontrastiv lingvistik

tadqiqotlar, shuningdek, uslublar (kontrastli ritorika), lahjalar, registrlar yoki texnik janrlarning terminologiyasi kabi til ichidagi bir yoki bir nechta navlarni differentsial tavsiflashda ham qo'llanilishi mumkin.

Mahalliy metodologiyada ta'lim maqsadining to'rtta jihati ajratiladi: 1) o'quv-amaliy jihat, 2) o'rganishning tarbiyaviy jihati, 3) tarbiyaviy jihat, 4) rivojlantiruvchi jihat [Solovova 2002].

ЎзМЭда диалект сўзи изоҳида: (юн. Диалестос – лаҳжа, шева) – қ. Лаҳжа. ЛАҲЖА, диалект – умумхалқ тилининг муайян чегараланган ҳудудда жойлашган кишилар жамоасида бевосита алоқа воситаси сифатида қўлланувчи ва нисбатан яхлит лисоний тизим билан ажралиб турувчи кўриниши. … Лаҳжа умумхалқ тилининг қуйи босқичи ҳисобланади, у шевага нисбатан кенг маънога эга бўлиб, шевалар йиғиндисидан таркиб топади.

Диалектологолим Н.Ражабов “Диалект лотинча сўз бўлиб, шевага нисбатан кенг маънода қўлланилади. Адабий тилдан ўзининг баъзи бир хусусиятлари (фонетик, лексик, грамматик) билан фарқланадиган бирор умуммиллий тилнинг йирикроқ бўлаги ҳисобланади”. Олим диалект терминини айни инсонлар онгида ва мулоқотда лаҳжага тенглаштирилишини таъкидлайди. “Демак, диалект тилнинг энг кичик бўлаги саналган шеваларнинг бир қанчасини ўз ичига олади, яъни у шевалар йиғиндисидан ташкил топади. Лекин баъзан диалект атамасининг тор маънода, кўпинча шева маъносида қўлланилиши ҳам учрайди: Масалан, Тошкент диалекти, Фарғона диалекти каби.

Шевашунос С.Аширбоев лаҳжа терминининг ўзбек, турк тилларида истеъмолда мавжудлиги, бошқа аксарият тиллар диалектологиясида диалект ва шева терминларига кўпроқ мурожаат қилинишини таъкидлайди. Олим шева терминига қуйидагича изоҳ беради: “**Шева** – форсча равиш, йўсин деган маъноларни билдириб, фанда бирор тилнинг ўзига хос лексик, фонетик ва грамматик хусусиятлари билан фарқланиб турадиган кичик территорияга оид қисмини англатади. **Диалект** – грекча сўз бўлиб, шева деган маънони англатиб (аслида қабила тили демакдир), аксарият тил хусусиятлари ўхшаш бўлган шеваларни бирлаштиради”.

Диалект ва шева терминларининг маъноси ўзбек шевашунослигида ҳалигача охирги ечимини топгани йўқ. Терминларга берилган изоҳлар таҳлилида, диалект атамасининг ўзбек шевашунослиги фанидаги ўрни у қадар муҳим эмаслиги англашилди. Чунки бу термин шеваларни қамраб олувчи лаҳжа тушунчасини ҳам, ёки тилнинг ҳудудларда тарқалишига кўра энг кичик қисми шева тушунчасига тенг мақомда қўлланар экан, диалект тушунчасининг аниқ чегарасини белгилаш муҳим вазифадир.

Диалектолог олим Б.Тўйчибоев шева ва диалект атамалари хусусида қуйидаги фикрларни билдиради: “**Шева** – бирор тил доирасидаги халқ жонли тилининг ўзига хос фонетик, лексик ва грамматик хусусиятларга эга бўлган энг кичик қисми ҳисобланади. Масалан, Тошлоқ шеваси, Қарноқ шеваси, Турк шеваси.

Диалект – тилшуносликка доир адабиётларда кўпинча лаҳжа маъносида, баъзан шева маъносида ҳам қўлланади. Олимлар томонидан яратилган диалектологияга оид илмий ишларда шева, диалект ва лаҳжа атамаларини фарқламаслик, аралаштириб қўллаш ҳоллари ҳам учрайди. **Диалект** – халқаро атама бўлиб, умумлингвистик “диалект” маъносида ишлатиш лозим. Ўзбек диалектологияси фанида шева ва лаҳжа атамаларини қўллаш етарлидир”.

Ҳар бир тилда мавжуд лаҳжа ва шева тушунчалари ўзбек тилида ҳам энг муҳим ва долзарб масалалардан. Чунки инсон учун ўз туғилиб ўсган ери, маскани Ватани ва ўша жойнинг тили унинг она тили ҳисобланади. Демак, ўзбек адабий тили устунлик қилмайдиган ҳудудларда мавжуд шевалар адабий тилнинг бойиши учун хизмат қилар экан, уларнинг ўзбек тилининг энг бой хазинаси “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да акс этиши масаласи нафақат лексикография, балки диалектология соҳаси учун ҳам долзарбдир.

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати” давр талаби туфайли учта нашри эълон қилинган, биринчи нашр 1981 йилда 2 том (жилд), иккинчи ва учинчи нашри 5 жилд кўринишида фойдаланувчиларга тақдим этилди. Янги кўп жилдли луғатни тузишда 1981 йилда нашр этилган икки жилдли изоҳли луғат материалларидан фойдаланилди. Лекин у икки жилдли луғатнинг тўлдирилган ёки қандайдир ўзгартиришлар билан қайта ишланган нашри эмас, балки лексикографиянинг янги ютуқларини ҳисобга олган ҳолда яратилган мутлақо янги луғатдир.

Ўзбек тили ўзининг фонетик тузилиши, грамматик қурилиши ва луғат таркибига кўра қардош туркий тиллар билан ўзаро муштарак ҳамда улардан фарқаланадиган ўзига хос хусусиятларга эгадир. Ўзбек тили диалекти ва шеваларининг сўз бойлиги, асосан, қуйидаги қатламлардан ташкилтопган: а) асл туркий лексик қатлам; б) араб тилидан ўзлашган лексик қатлам; в) форс-тожик тилига хос лексик қатлам; г) рус тили ва у орқали бошқа тиллардан ўзлашган лексик қатлам.

ЎТИЛ нашрларидаги фарқ, асосан, 2 жилдли ва 5 жилдли нашрлар орасида учрайди. Таҳлиллар 2 жилдли ЎТИЛда шевага хосс ўзлар учун диал. (диалектал сўз, ибора) шартли қисқартма белгиси, 5 жилдли ЎТИЛда эса шв. (шевага оид сўз, ибора) шартли қисқартма белгиси қўлланган. Собиқ совет даври сиёсати ва руслашиш таъсирида қардош ва қўшни бўлмаган тиллардан сўз ўзлаштириш ва терминлардан фойдаланиш айни давр учун мос эди. Рус тили ва рус тили орқали кириб келган сўзлар XX асрнинг 80-йилларида устунлик қилар эди. 2 жилдли ЎТИЛ нашр қилинган пайтда, ҳаттоки, ўзбек тилига давлат тили мақоми расман берилмаган эди. Кейинги нашрларда шевага хос луғавий бирликлар шв. Шартли қисқартмаси орқали изоҳланади. Шартли белгини ифодаловчи шевага оид сўз, ибора таркибидаги шева атамаси ҳам форс-тожик тилидан ўзлашган бўлишига қарамай, у ўзбек тилидаги фаол сўзлардан ва форс-тожик тили биз учун қадимдан туркий тил билан тенг истеъмолдаги тиллардан бўлганлиги сабабали бу лексема ўзбек тили учун бегона ҳисобланмайди.

Ўзбек тилининг шевага хос сўзларини асосий ва умумий деб қаралган – ўзбек тилининг изоҳли луғатига киритилган шв. ва диал. Шартли белгилари этимологик хусусияти бўйича таснифи қуйидагича тартибланди:

- соф ўзбекча (туркий қатлам);
- арабий;
- форсий;

Соф ўзбекча лексик қатлам диалект ва шеваларда асосий ўринни эгаллайди. “Ўзбек тили туркий тиллар оиласига мансуб бўлгани учун ўзбек тилига ва унинг шеваларига хос бўлган кўпгина сўзлар (туб ўзбек сўзлари) бошқа туркий тиллар луғат таркибидаги кўп сўзлар билан этимологик бирликка (ўхшашликка) эга”.

Қуйида 5 жилдли ЎТИЛда мавжуд шевага хос сўзларни юқоридаги тасниф бўйича таҳлили:

Соф ўзбекча сўзлар: 5 жилдли ЎТИЛда соф ўзбекча шевага оид сўзларнинг миқдори кўп бўлганлиги учун мисоллар бериш билан кифояланилди.

- **1-жилдда 213 та соф ўзбекча шевага оид сўзлар мавжуд бўлиб,** абжўш, абжўши, авара, ада, ажаб, аживақа, ажирвақи, бўдана, бўрё, бўроз, вайиш, газа, газат, гаразон, гашир, гелагай, гувалак, гуппи, гўмма, давача, дагалай, даёв, дали, дамба, дастгир, дастмол, довол, довуш, дойи, дукур, думак, дўлопваҳк.
- **2-жилдда 249 та соф ўзбекча шевага оид сўзлар мавжуд.** Кадхудо, касратки, кашак, кезал, келбатли, кели, келича, келисоп,корсон, корламоқ, куют, кулунч, курдик, лами, лаппак, лачак, лойчақир, лўя, маймунчак, майрилмоқ, макка, маска, менгзамоқ ва ҳк.
- **3-жилдда 161 та соф ўзбекча шевага оид сўзлар мавжуд.** Нарраки, нашвати, нағал, нўқимоқ, обдиш, олмурут, омбир, омонлашмоқ,орқаланмоқ, отиз, оша, пакар, палпис, парманчак, парчин, саба, саза, сазо, сайис, салдом, салма, саримой, сақланди, сизғимоқ, синиқчи, синли, тайпоқ, таккан, талатин, талтангламоқ, ваҳк.
- **4-жилдда 198 та соф ўзбекча шевага оид сўзлар мавжуд.** Татим, таффот, таътил. тақа, тақир, тевалашмоқ, тийғонмоқ, тикраймоқ, тимтиқ, тирама, тишлон, тишовламоқ, тоб,

тобоқ, товушқон, товуқ, тоза, туйқусдан, уюмоқ, фотмачучук, хабаркашлик, ханик, хасва, хурмақовоқ, чалпак, чушкирмоқ, чўлпи, шапати, шапшак, шиптир, шоти, шувоқ, шундайин ва ҳ. к.

- **5-жилдда 207 та соф ўзбекча шевага оид сўзлар мавжуд.** Эланмоқ, элас, элламоқ, эловсиз, энағар, эниш, энмоқ, эрганак, эрдонча, эртан, эсар, эш, юмуртқа, юрум, ялмон, ялғарс, ялҳак, ясадоқ, яхакижон, яхоб, яшинмачоқ, ўкча, ўлтанг, қайтиш, қапчимоқ, қасава, қашов, қирпи, қувончиқ, қурчоқ, ғужум, ҳадаҳа, ҳайинчак, ҳаккар, ҳопитмоқ ва ҳ. к.

Хулоса: “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да шевага хос сўзларнинг этимологик тавсифи ўзбек тилининг софлик, қадимийлик хусусиятларини очишда аҳамиятлидир. Икки томли ва беш жилдли луғатлар қиёсий таҳлил қилинганда улардаги фарқлар, ўзгаришлар яққол сезилади. Шевага оид сўзларнинг ушбу таҳлили изоҳли луғатнинг янги нашрларини яратиш амалиётида фойдаланилса, тадқиқотимизнинг илмий-амалий аҳамияти янада ортган бўлар эди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Махмуд Кошгарий. Девону луготит турк, I том. — Тошкент,Уэбекистон ССР ФА нашриёти, 1960
2. В.В.Решетов, Ш.Шоабдураҳмонов. Ўзбек диалектологияси: Университетлар ва педагогика институтларининг филология факултетлари учун дарслик. –Т.: “Ўқитувчи” нашриёти, 1978.
3. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 3-жилд. – Т.: Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси, 2006-2008.
4. Н.Ражабов. Ўзбек шевашунослиги: педагогика институтларининг ўзбек тили ва адабиёти, университетларнинг филология факултетлари талабалари учун дарслик. – Т.: Ўқитувчи, 1996. – 32 б.
5. Аширбаев С. Ўзбек диалектологияси. – Т.: Низомий номидаги ТДПУ, 2011.
6. Тўйчиев Б., Ҳасанов Б. Ўзбек диалектологияси: Олий ўкув юртлари учун дарслик.—Т.: А.К Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2004.
7. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. 1-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси, 2020.
8. Ўзбек тилининг изоҳли луғатини тузиш учун қўлланма. – Т.: Фан, 1964.
9. Ҳасанов А. Ўзбек адабий тилидаги лексик лакуналарнинг диалестал асослари: Филол.фан.бўйича фалсафа доктори (PhD)…дис. –Тошкент, 2021.
10. Нурмонов А. Танланган асарлар. – Тошкент: Академнашр, 2-жилд, 2012.



Tugba Yilmaz
Samarqand davlat universiteti filologiya fakulteti
O‘zbek tilshunosligi kafedrasining mustaqil izlanuvchisi
tugbakaratugyilmaz@gmail.com

ABDULLA ORIPOV SHE’RLARIDA TASAVVUR VA OBRAZ

https://doi.org/10.5281/zenodo.0000000

ANNOTATSIYA

Abdulla Oripov; Sovet va mustaqillik davrida doston, ocherk, maqola va tarjima kabi janrlardagi asarlaridan tashqari ko‘plab mavzularda yozilgan she’rlari bilan tanilgan shaxs. A.Oripov she’rlarida; vatan, millat, ona tiliga muhabbat, din, bayroq, istiqlol, tabiat, qarindoshlik, she’riyat, shoir, tarixiy shaxslar, shaxsning ichki dunyosi, umuminsoniylik, axloq, ezgulik, odam va jamiyat haqidagi falsafiy fikrlar kabi masalalarni tez-tez tilga olinadi. O‘z asarlarini sodda tilda ijro etuvchi shoir, she’rlari orqali ona tilining ahamiyati, vatanparvarlik, O‘zbekistonning qadimiy tarixi, geografik go‘zalliklari, o‘zbeklarning o‘ziga xos madaniy xususiyatlari haqida gapiradi. Ko‘rinib turibdiki, shoir o‘z asarlari orqali o‘zbek xalqini tarbiyalash, ongini oshirishni hamisha o‘z oldiga vazifa qilib olgan. Oripov ijodiga nazar tashlab; O‘zbek tilining ma’no imkoniyatlari, she’riy kuchi, obraz va obraz unsurlaridan foydalanishi aniqlanadi. Ushbu tadqiqotda shoir she’rlaridagi obraz va obrazlar qaysi tushunchalar uchun qo‘llanilganligi aniqlanadi va tahlil qilinadi. Shuningdek, shoirning so‘z boyligi, she’riy uslubi, o‘zbekning she’riy qudrati va ma’no olami ochib beriladi.

Kalit so‘zlar: Abdulla Oripov, she’r, obraz, tasavvur, vatan, millat, ona til, din, bayroq, istiqlol, tabiat, qarindoshlik, falsafiy fikrlar.

Tugba Yilmaz
Independent researcher at the Department of Uzbek Linguistics,
Faculty of Philology, Samarkand State University

IMAGINATION AND IMAGE IN ABDULLA ORIPOV'S POEMS

ABSTRACT

Abdulla Oripov; he is a person known for his poems written on many subjects, as well as his works in genres such as epics, essays, articles and translations during the Soviet and independence era. In the poems of A. Oripov; He frequently touches upon subjects such as homeland, nation, love of mother tongue, religion, flag, independence, nature, kinship, poetry, poet, historical figures, the inner world of the individual, universality, morality, goodness, virtue, philosophical thoughts about man and society. The poet, who performs his works in a simple language, talks about the importance of his mother tongue, the love of homeland, the ancient history of Uzbekistan, its geographical beauties, and the unique cultural characteristics of the Uzbeks through his poems. It is seen that the poet has always made it his mission to educate and raise awareness of the Uzbek people through his

works. Looking at Oripov's works; It is determined that the Uzbek language benefits from its meaning possibilities, poetic power, image elements. In this study, it will be determined and analyzed for which concepts the images and images in the poet's poems are used. In addition, the poet's vocabulary, poetic style, poetic power of Uzbek and the universe of meaning will be revealed.

Keywords: Abdulla Oripov, poetry, image, ideate, homeland, nation, mother tongue, religion, flag, independence, nature, kinship, philosophical thoughts.

Тугба Йылмаз
Является независимым научным сотрудником
кафедры узбекского языкознания филологического
факультета Самаркандского государственного университета.

ВООБРАЖЕНИЕ И ОБРАЗ В СТИХАХ АБДУЛЛЫ ОРИПОВА

АННОТАЦИЯ

Абдулла Орипов; он известен своими стихами, написанными на многие темы, а также произведениями в таких жанрах, как эпосы, очерки, статьи и переводы в советское время и в эпоху независимости. В стихах А. Орипова; он часто затрагивает такие темы, как родина, нация, любовь к родному языку, религия, флаг, независимость, природа, родство, поэзия, поэт, исторические личности, внутренний мир человека, всеобщность, нравственность, добро, добродетель, философские мысли. о человеке и обществе. Поэт, исполняющий свои произведения простым языком, через свои стихи рассказывает о важности родного языка, любви к Родине, древней истории Узбекистана, его географических красотах, уникальных культурных особенностях узбеков. Видно, что поэт всегда ставил перед собой задачу просвещать и повышать осведомленность узбекского народа через свои произведения. Рассматривание работ Орипова; Определено, что узбекский язык выигрывает благодаря своим смысловым возможностям, поэтической силе, образным элементам. В данном исследовании будет определено и проанализировано, для каких понятий используются образы и образы в стихотворениях поэта. Кроме того, будут раскрыты словарный запас поэта, поэтический стиль, поэтическая сила узбекского языка и вселенная смысла.

Ключевые слова: Абдулла Орипов, поэзия, образ, идея, родина, нация, родной язык, религия, флаг, независимость, природа, родство, философские мысли.

KIRISH

Ma’lumki, tasavvur tushunchasi she’riyatning mavjudligi kabi qadimiydir. Ayni paytda she’riyat janrini tashkil etuvchi asosiy unsurlardan biri sifatida qabul qilinadi. Turkcha lug‘atda obraz; ongda o‘ylab topilgan va uni amalga oshirishni orzu qilgan narsa, dush, orzu, xulyodir [Turkcha lug‘at, 1998: 1076]. Timuro‘g‘li obrazi; voqelikni inson ongiga aks ettirishning va bilishning vositasi sifatida belgilaydi [Timuro‘g‘li 1994: 7-8]. Ishguvenning fikrincha, obraz; hislar orqali olingan go‘zalliklarning, tajribaning til orqali ochib berilishidir [Ishguven 1995: 98]. Injening ta’biri bilan aytganda obraz; she’riyatning qayta ishlab chiqarilgan birligidir [Inje 2001: 20-21].

Abdulla Oripov o‘zbek adabiyotida o‘ziga xos tasavvur va obrazlardan foydalangan, o‘ziga xos uslubga ega, she’rlarini sodda tilda yozgan mustaqillik davrining eng ko‘zga ko‘ringan shaxslaridan biridir. Oripov; vatan, millat, til, din, bayroq, istiqlol, tabiat, qarindoshlik, she’riyat, shoir va tarixiy shaxslar kabi ko‘plab mavzularda yozgan she’rlarida tasavvur va obraz unsurlariga katta o‘rin bergani ko‘rinadi.

MUHOKAMA VA NATIJALAR

Bu tadqiqotda Abdulla Oripov she’rlarida ijod qilgan barcha tushuncha va motivlar ustidagi obraz va obrazlarni aniqlash orqali shoirning she’riy uslubi, o‘zbekning poetik qudrati ochib beriladi. Oripov “Quyosh Shahri” she’rida Shosh Turon yulduzlarin silsilasi sifatida belgilagan shaharlarda Shoshning mangu o‘rnini topa olishini ta’kidlaydi. O‘zbek xalqining maqtanishni yoqtirmasligini,

ammo Toshkent, Buxoro, Xiva va Samarqandning har birining jahonning bezagi ekanligini va bu g‘ururning ularni g‘ururlantirishini ta’kidlaydi:

“Turon yulduzlarin silsilasida
Chaqnadi yana bir qo‘lbola quyosh.
Ulug‘ shaharlarning bo‘ysirasida
Abadiy o‘rnini topa olgan Shosh.

O‘zbekka maqtanish odatmas, garchand,
Bag‘rimni to‘lg‘azar ushbu kun g‘urur:
Toshkentu Buxoro, Xevoq, Samarqand,
Har biri jahonning bezagi bo‘lur.” [Oripov, 2001: 40].

“O‘zbeklar” she’rida shoir; Yaratganning bu yerga dengiz bermaganligini, lekin yuragi to‘lsing deb bu xalqga dengiz kabi yurak, yer yuzida abadiy omadli bo‘lsing deb bukilmas bilak va o‘tkir tushuncha berganligini aytadi:

“Ummon bermadimu, ko‘ngli to‘lsin deb
Berdim ushbu elga ummonday yurak.
To abad zaminda baxtli bo‘lsin deb
Idrok berdim unga va tolmas bilak” [Oripov, 2005: 52].

“Quyosh bekati” nomli she’rida A. Oripov; Olis Yaponiyada qiziqarli maqtov tuyg‘usi bilan yurganini, tevarak-atrofni tomosha qilganini, shu zamindan quyosh chiqsa ham bir kun kelib O‘zbekistondan o‘tishini ta’kidlaydi. U O‘zbekistonni Quyosh bekati deb ta’riflaydi:

“Sayr etib yurarkan olis Yaponda,
Ajib faxr hisi jo‘shardi qonda:
Quyosh bu diyordan chiqsa ham garchand,
Bir kun to‘xtab o‘tar O‘zbekistonda!” [Oripov, 2010: 61].

"Armaniston" nomidagi she’rida Oripov; uzoq yo‘l bosib, daryo va tog‘lardan o‘tib, Armanistonga kelganini aytadi. Armaniston yurtining g‘amgin onasining go‘zalligiga, bir tomondan tog‘lar tasbihining gavhar donasidek turgan oq sochli Araratga, boshqa tomondan bulutlar ichidagi oydek ko‘ringan Sevan ko‘lining shoirda uyg‘otgan tuyg‘ularni ifodalaydi:

“Men bu kun daryolar, tog‘lardan oshib,
Quchog‘ingga keldim, go‘zal Hayaston.
Bir yoningda turar oqsoch Ararat —
Tog‘lar tasbihining gavhar donasi.
Nima ham der edim, go‘zalsan faqat,
Ey, sen arman yurtin g‘amgin onasi.
Bir yoningda esa Sevanday bahr,
Misoli bulutlar ichida qamar.” [Oripov, 2000: 130].

Abdulla Oripov “Ummon Ortidagi Makonim” nomidagi she’rini Vashingtondagi O‘zbekiston elchixonasining yangi binosi ochilishi munosabati bilan yozgan. Ushbu she’rda; dunyo darchasi keng olamga ochilganini, bugun Uzoq Amerikada o‘zbek quyoshining olov parchasining taralayotganini ifodalaydi:

“Keng jahon bir qadam bo‘ldi men uchun,
Menga ham ochildi olam darchasi.

Yiroq Amriqoda taft sochar bu kun.
O‘zbek quyoshining olov parchasi.” [Oripov, 2001: 294].

Davomida; uning uchun tor asuma mukammal ochilganini, o‘zbekning ozod va ko‘rkam lochinining bu yerda ham o‘z o‘rnini egallaganligini ifodalaydi. U o‘z noroziligini yashira olmasligini, chunki ummonning orqasida manzil borligini, O‘zbekiston dunyoning har bir burchagiga boshpana bo‘lishi kerakligini ta’kidlaydi:

“Ochildi men uchun tor osmon bekam,
Sezdim yuksaklikning cho‘ng darg‘asini.
O‘zbekning lochini ozod va ko‘rkam,
Qurdi bu yerda ham qo‘nalg‘asini.

Nechun xushnud bo‘lmay, dilimni yormay,
Ummon ortida ham bordir makonim.
Dunyoning qaysi bir burchiga bormay,
O‘zing boshpana bo‘l, O‘zbekistonim!” [Oripov, 2001: 294].

Jenevani Yevropaning dilovar qizi va ilhom yulduzi sifatida tasvirlaydi, tushida ko‘rishining mumkinligini va uni uzoq yillar eslashini aytadi:

“Jeneva,
Jeneva
Ilhom yulduzi,
Seni tushlarimda balki ko‘rgayman.
Balki uzoq yillar eslab yurgayman,
Seni — Yevropaning dilovar qizi...” [Oripov, 2001: 281].

“Versal Xotiralari” nomidagi she’rida shoir; yam-yashil o‘rmonda qasrlar paydo bo‘layotganini tushuntiradi va bu manzarani farang dahosining bus-butun san’atga aylangan shakli sifatida talqin qiladi. Bu yerdagi barcha asarlarda baxt ham, qayg‘u ham o‘z aksini topganligini ta’kidlaydi. Shuningdek, farishtalar gumbazlari ichida sayr qilishlarini, har bir rang samoviy manzaradan darak berishini va ular o‘rtasida xuddi kiprik o‘rab turgan ko‘z kabi chuqur bog‘liqlik borligini eslatib o‘tadi:

“Yam-yashil o‘rmon ichra qad ko‘tarmish qasrlar,
Bu — farang dahosining bus-butun, jamul jami.
San’atga aylanmishdir bunda ne-ne asrlar,
Aks etmish barchasida Insonning shodlik, g‘ami.

Boqsang, gumbazlar ichra maloyiklar charx urar,
Samoviy manazaradan darak bergay har bir rang.
Go‘yo kiprik qurshagan ko‘zdek daxlsiz ular,
Gavharingni asrabsan, balli, senga, ey farang.” [Oripov, 2001: 304].

“Onajonim, She’riyat” nomidagi she’rida Oripov; yaxshi kunlarda she’rlar unga do‘st, qorong‘u tunlarda esa yulduzlar porlashini ta’kidlaydi. U goh shodon, goh g‘amgin ovozlarda she’rlar bilan suhbatlashdi va she’rlarini eng oliy baxti, toj-taxti deb bilishini aytadi. “Hamsa”dan saboq olib, she’rlar bilan do‘stlashganini, she’riyat ayyomida balki bir umr qolganini ta’kidlaydi. U o‘z san’atini o‘zining eng oliy boyligi deb bilishi, she’riyatga “ona” deb murojaat qilishi uni onadek muqaddas va mehrli ko‘rishi bilan izohlash mumkin. Abdulla Oripovning ko‘pgina asarlarida vatanni va she’riyatni onajonim, onam, ona deb ta’riflagan:

“Hamdam bo‘lding men bilan
Har qandayin kunlarda,
Yulduz bo‘lding charog‘on
Eng qorong‘i tunlarda,
Suhbat qurdik goh shodon,
Goho hazin unlarda,
Eng oliy baxtim mening,
Onajonim, she’riyat.
Topgan toj-taxtim mening,
Jonajonim, she’riyat.
Hamdam bo‘lib sen bilan
“Xamsa”dan saboq oldim,
Yiroq-yiroq yulduzlar
Sehrini dilga soldim,
Mehmon emas, qasringda
Balki bir umr qoldim,
Eng oliy baxtim mening,
Onajonim, she’riyat.
Topgan toj-taxtim mening,
Jonajonim, she’riyat.” [Oripov, 2000: 292-293].

“Shoir va Ilhom” nomli she’rida shoir; o‘z san’atini to‘g‘ri ijro etish uchun zolimlardan yuz o‘girishini, bo‘sh, befoyda odamlardan uzoqlashishini ta’kidlaydi. Bu fikrni marjonlarin yulqilamoq ifodasi bilan mustahkamlashiga, ijrochilik san’ati asosida keraksiz bog‘lanishlarni kesish zarurligiga e’tibor qaratadi:

“Zarra ochirmasdan Ilhom ko‘zini
Ig‘vogar nenidir gapirib soldi.
Shoir o‘girgan deb sendan yuzini
oldi.” [Oripov, 2000: 299].

“Jahon shoirlari” nomli she’rida Oripov, yolg‘izlik tushunchasi jahon shoirlari oziqlanadigan umumiy element bo‘lib kelgan. Darhaqiqat, yuqoridagi satrlardan ham anglashimiz mumkinki, yolg‘izlik she’riyat manbai, balki shoirlarni kamolotga yetkazuvchi omil sifatida qaraladi:

“Jahon shoirlari nechun galma-gal
Yolg‘izlik haqida yozar she’r, g‘azal.
Olam havosiga ko‘nikolmasang
Yolg‘izlik afzaldir, yolg‘izlik afzal.” [Oripov, 2010: 112].

“Iymon” nomli she’rida Oripov, yer yuzida har xil jonzotlar yashaydigini, insonni sharafli qiladigan narsaning qalbidagi iymoni bo‘lganligini aytadi. Unga ko‘ra zarracha iymon bo‘lmasa; sharafli borlik deb joriy etilgan insonning to‘g‘ri yo‘ldan adashib, nafsining quli va bir umr shaytonga hamroh bo‘lishining mumkinligini ta’kidlaydi:

“Zaminda mavjuddir turfa xil jonzot,
Biri o‘rmalaydi, birida qanot.
Mukarram atalmas inson degan zot,
Qalbida zarracha iymon bo‘lmasa.

Baribir g‘alati qavmdir bashar,

Bir umr nafsiga qul bo‘lib yashar.
Haqqa yetishardi, yo‘lida agar,
Hamrohi hazrati Shayton bo‘lmasa.” [Oripov, 2010: 114].

"Ro‘za" nomidagi she’rida shoirning fikricha; ro‘zani tutishni to‘xtatish - muborak sinovdan mahrum bo‘lishdir. She’rni Rasulullohning “Qanoat mo‘minlik belgisidir” degan so‘zlari bilan yakunlaydi:

“Ro‘zadan chiqqanlar, sizga ham rahmat
Farzingiz sinovli saodat erur.
Rasulullоh demish: — Sabr qil, ummat,
Mo‘minlik belgisi qanoat erur.” [Oripov, 2001: 200].

Oripov “Oyisha” nomidagi she’rida; Hz. Oyshaga xitob qilib, “Oysha onajon, nega ko‘zlaridan marjon yosh oqadi, bir muhrning oy bo‘lsa, ikkinchisi quyoshdir” deb mo‘minlarning onasi bo‘lish sifatini oy tushunchasi bilan, payg‘ambarning xotini bo‘lish sifatini quyosh tushunchasi orqali bilan bog‘lagan:

“Oyisha, Oyisha, Oyisha ona,
Nechun ko‘zlaringdan oqar marjon yosh.
Senga Rasulullоh o‘zi parvona,
Bir muhring Oy bo‘lsa, birisi Quyosh.

Tonglarni ottirding juftingga qarab,
Shoni shon keltirdi, hasrati — ado...
Payg‘ambar zavjasi bo‘lmoq-ku sharaf,
Insonga yo‘ldoshlik og‘irdir, ammo.” [Oripov, 2001: 202].

Shoir so‘nggi satrlarida payg‘ambarning rafiqasi bo‘lish o‘ta sharafli xislat ekanini, balki og‘ir mas’uliyat ham olib kelishini eslatishdan o‘zini tiyamaydi.

XULOSA

Mustaqillik davri o‘zbek adabiyotining muhim nomlaridan biri bo‘lgan Abdulla Oripov she’rlarida qo‘llanilgan tushunchalar, motivlar, tasavvurlar va obrazlar o‘zbek tilining she’riy qudratini, ma’no imkoniyatlarini aniqlash orqali tahlil qilindi. Oripov; vatan, millat, til, din, bayroq, istiqlol, tabiat, qarindoshlik, she’riyat, shoirlar, tarixiy shaxslar kabi ko‘plab mavzularda yozgan she’rlarida tasavvur va obraz unsurlariga katta o‘rin berganligi ko‘rindi. A. Oripovning asarlarida ishlatilgan; O‘zbekiston, o‘zbeklar, vatan, Toshkent, Buxoro, Xiva, Samarqand, Jeneva, Versal, Ararat, Sevan ko‘li, she’r, she’riyat manbai, yurak, marjon, inson, qanoat, payg‘ambarning xotini, mo‘minlarning onasi kabi ko‘plab tushunchalar uchun tasavvur va obrazlardan foydalanganligi aniqlangan. Ushbu tadqiqotda o‘zbek tilining ifoda kuchidan foydalanib shoirning juda ko‘p obrazli elementlarga o‘rin berganligi, ayrim tushunchalarni va motivlarni, tasavvur yoki obraz unsurlari bilan tasvirlagani aniqlandi.

Adabiyotlar ro‘yxati (references)

1. Ishildak, S. Yaratilishdagi birinchi qadam: obraz va tasavvur. “Najotibey ta’lim fakulteti fan va matematika ta’limi” jurnali, Anqara, 2008 yil - № - 2 (1), B. 64-69.
2. Ishguven, M. M. She’r tilidagi obraz. “Hacettepe universiteti adabiyot fakulteti” jurnali, Anqara, 1995-yil, № -12 (1-2), B. 98-133.
3. Inje, O. She’riyat va haqiqat. Istanbul: Turkiya ish banki madaniyat nashriyoti, 2001.
4. Jabbarov, I. Abdulla oripov she’riyatida tarixiy shaxs talqini. Toshkent: O’zbekiston respublikasi fanlar akademiyasi “fan” nashriyoti, 2008.

5. Komissiya. (1998). Turkcha lug‘at. 9- Nashr, Anqara: TDK nashriyoti.
6. Qo‘shjonov, M. ve Meli, S. Abdulla oripov. Toshkent: “Ma’naviyat”, 2000.
7. Oripov, A. Adolat ko‘zgusi, she’rlar, maqolalar, suhbatlar, tarjimalar. (Red. Doniyor Begimqulov) Toshkent: “Adolat” nashriyoti, 2005.
8. Oripov, A. Bedorlik, she’rlar. (Red. Doniyor Begimqulov) Toshkent: Yozuvchi nashriyoti, 1999.
9. Oripov, A. Birinchi muhabbatim. (Red. Laziz Tangriyev) Toshkent: O‘zbekiston nashriyoti, 2006.
10. Oripov, A. Hayrat. Toshkent: G‘afur G‘ulom nomidagi adabiyot va san’at nashriyoti, 1974.
11. Oripov, A. Ishanch ko‘priklari, she’rlar, tarjimalar, dramatik doston. Toshkent: G‘afur G‘ulom nomidagi adabiyot va san’at nashriyoti, 1999.
12. Oripov, A. Ko‘ztumor. (Red. Doniyor Begimqulov) Toshkent: Ma’naviyat nashriyoti, 2005.
13. Oripov, A. Men nechun sevaman o‘zbekistonni, she’rlar. Toshkent: “Yangi asr avlodi” nashriyoti, 2018.
14. Oripov, A. Menga xush xabar ayt, she’rlar. (Red. Doniyor Begimqulov) Toshkent: Ma’naviyat nashriyoti, 2009.
15. Oripov, A. Mitti yulduz, she’rlar. Toshkent: Ma’naviyat nashriyoti, 2002.
16. Oripov, A. Munajat (saylanma). Toshkent: Gafur Gulam nashriyoti, 1992.
17. Oripov, A. Najot qal’asi, she’rlar, dramatik doston, tarjima. (Red. Doniyor Begimqulov) Toshkent: G‘afur G‘ulom nomidagi adabiyot va san’at nashriyoti, 1981.
18. Oripov, A. Quyosh bekati she’rlar, maqolalar, suhbatlar, tarjimalar. (Red. Doniyor Begimqulov) Toshkent: “Sharq” nashriyoti, 2010.
19. Oripov, A. Ruhim, she’rlar. T.: G‘afur G‘ulom nomidagi adabiyot va san’at nashriyoti, 1974.
20. Oripov, A. Savob, she’rlar. (Red. Doniyor Begimqulov) Toshkent: Ma’naviyat nashriyoti, 1997.
21. Oripov, A. Sen baharni sag‘inmadingmi?. Toshkent: Yozuvchi nashriyoti, 1991.
22. Oripov, A. Surat va siyrat, doston va she’rlar. Toshkent: O‘zbekiston LKSM markaziy komiteti “yosh gvardiya” nashriyoti, 1981.
23. Oripov, A. Talosh pallasi, she’rlar. Toshkent: Ma’naviyat nashriyoti, 2007.
24. Oripov, A. Tanlangan asarlar, she’rlar va dostonlar. (1. Jild) (Red. Doniyor Begimqulov) Toshkent: G‘afur G‘ulom nomidagi adabiyot va san’at nashriyoti, 2000.
25. Oripov, A. Tanlangan asarlar, she’rlar va dostonlar. (2. Jild) (Red. Doniyor Begimqulov) Toshkent: G‘afur G‘ulom nomidagi adabiyot va san’at nashriyoti, 2001.
26. Oripov, A. Tanlangan asarlar, she’rlar, maqolalar, suhbatlar, qaydlar. (Yettinchi Jild) (Red. Doniyor Begimqulov) Toshkent: G‘afur G‘ulom nomidagi nashriyot, 2013.
27. Oripov, A. Tanlangan asarlar, she’rlar. (Sakkizinchi Jild) (Red. Doniyor Begimqulov) Toshkent: G‘afur G‘ulom nomidagi nashriyoti, 2016.
28. Oripov, A. Yangi she’rlar. 2-Nashr, (Red. Doniyor Begimqulov) Toshkent: O‘zbekiston nashriyoti, 2018.
29. Oripov, A. Yillar armoni, she’rlar va dostonlar. Toshkent: G‘afur G‘ulom nomidagi adabiyot va san’at nashriyoti, 1987.
30. Oripov, A. Shoir yuragi. Toshkent: Ma’naviyat nashriyoti, 2003.
31. Timuro‘g‘li, V. She’ring sehrgar qizi: obraz. Antaliya: Aygul ofset, 1994.

ISSN: 2181-9297
www.tadqiqot.uz
INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

Ibodullayeva Maftuna Habibullayevna,
Teacher of Samarkand state institute of foreign languages;
Yunusova Bahora Axtamjonovna,
Teacher of Samarkand state university,

THE USE OF SUPERSTITIONS IN THE LIFE OF ENGLISH SPEAKING COUNTRIES AND THEIR TYPES ACCORDING TO SITUATIONS

https://doi.org/10.5281/zenodo.0000000

ANNOTATION

Learning a language is not only about linguistic factors of a language, it is but also about learning about cultural background, expressions and beliefs. This article focuses on superstitious beliefs and analysis of them according to their types. Collecting superstitions of English speaking countries and grouping them according to their use are defined as the main purpose of the article. Studying this topic field has caught our attention due to its interesting background with various samples and examples.

Key words: superstition, types of superstition, wedding superstitions, animal superstitions, linguaculturology, cognitive perspective, superstitious people

---

АННОТАЦИЯ

Изучение языка связано не только с лингвистическими факторами языка, но и с изучением культурного происхождения, выражений и убеждений. В данной статье основное внимание уделяется суеверным верованиям и их анализу по типам. Основная цель исследования — собрать суеверия в англоязычных странах и сгруппировать их по употреблению. Изучение этой тематической области привлекло наше внимание из-за ее интересной предыстории с различными образцами и примерами.

Ключевые слова: суеверие, виды суеверий, свадебные суеверия, суеверия о животных, лингвокультурология, Когнитивная перспектива, суеверные люди.

ANNOTATSIYA

Til o'rganish nafaqat tilning lingvistik omillarini, balki madaniy jihatdan kelib chiqishini,tili o`rganilayotgan xalqning madaniy ifodalari va e'tiqodlarini ham o'rganishdir. Ushbu maqolada irimga bo`lgan e'tiqodlarga va ularning turlariga ko'ra tahliliga e'tibor qaratilgan. Tadqiqotning asosiy maqsadi ingliz tilida so'zlashadigan mamlakatlardagi irimlarni to'plash va ularni qo'llanilishiga qarab guruhlashdir. Ushbu mavzuni o'rganish turli xil namunalar va misollar bilan qiziqarli ma'lumotlarga ega bo'lganligi sababli bizning e'tiborimizni tortdi.

Kalit so'zlar: xurofot, xurofot turlari, to'y xurofotlari, hayvonlar xurofotlari, lingvakulturologiya, kognitiv nuqtai nazar, xurofotli odamlar

Introduction

The lives of people are full of unwritten rules, sometimes their beliefs in supernatural forces control them and they mostly follow them unconsciously. One of the widest notions among them is superstition that has no single definition; these beliefs vary so extensively that mostly people are grouped into cultures according to their diversity. In English speaking countries people live with these individual beliefs and these superstitions have become part and parcel of their life. Superstition has no single definition and it has rarely been proved to be true or practically, it may seem to be real and coincide with some situations; these situations make people believe in superstitions. English people use various types of superstitions in their lives, the superstitions have been mostly inherited from their ancestors. Historically, the will to comprehend, to control and to sense was the main objective end of the primitives [1, p. 35].Therefore, diverse intentions took a start of appearing in order to better understand the mysterious seemed world. According to life examples and some research results, superstitions are often used in outskirts of English cities where still ancient traditions are alive. Psychologists who have investigated the relationship of superstition with the personality and morality of individuals explain that those trusting people in superstitions do this because they try to reduce anxiety and take the control of bad luck in their life. Consequently, they feel more confident, have peace in their heart and soul. Furthermore, engaging with superstitions gives people positive attitude and they think they are fearless[11, p. 21]. Admittedly, it should be mentioned that even if some people deny believing in some beliefs and rituals (as considered plausible by most) they still use them in their life situations, particularly in challenging ones. Studying the notion of superstitions and their use in various cultures are still disputable issue. Specifically, the relationship between religion and superstitions has constantly appeared in the centre of scientific discussions. While studying this topic we tried to look at it from linguaculturological point of view and some authentic and interesting examples have been found. Analyzing them we have learned that there exist huge contrast and little similarities among superstitions and their use among nations. With thorough cognitive notion, their use variety and deep-rooted background – superstitions entitle in-depth research and investigation; obviously, we have been trying to investigate profoundly about previous studies, scientists` research, conceptualizations and findings to acquire enough amount of data on the topic.

Background of the study

However, in 18^{th}-19^{th} –centuries people commenced to understand that not everything tightly depended on that unproven beliefs; and in that period, particularly, the relationship between religion and superstitions was hotly debated. McCartney studies the fear of people towards events and objects, he pays his thorough attention on the root of some superstitions that humans experience collaboratively or individually [17, p.425]. As he and other superstition-interested scientists state that people had to believe in superstitions when they lost their control over events and outcomes or even they got soothing believing in the situations that were growing dubious. Mostly, people with scientific knowledge or without consider the notion of `magic` and `superstition` the same thing.

Well-known psychologist Gustav Jahoda, who studied psychological sides of superstitions, varies them between “casual superstitions” and “coincidental superstitions” [21, p.38]. The former one, as explained refers to a conscious belief between two events (finding a horseshoe is believed to bring good luck and prosperity), while coincidental superstitions shows correlation of behavior and outcome(Romans believed in the strong correlation between Gods and natural phenomena.

According to the analysis of some superstitions, annual great financial loss may happen because of strong belief of people in superstitions. Real examples of those are related to the day of the week `Friday` when it coincides 13^{th} date of the month. `Friday $13^{th}$` caused money-related catastrophes, namely even between $800 million and $900 million loss for the USA business world. It is possibly because most people become reluctant to travel or they are afraid of making major purchases, or they feel fear of conducting business due to that unlucky and scary superstition.

McCartney studies the fear of people towards events and objects, he pays his thorough attention on the root of some superstitions that humans experience collaboratively or individually. As he and other superstition-interested scientists state that people had to believe in superstitions when they lost

their control over events and outcomes or even they got soothing believing in the situations that were growing dubious. Mostly, people with scientific knowledge or without consider the notion of `magic` and `superstition` the same thing. Magic is uncertain, instable and it is carried out by special individuals, who are called magicians among nations, while superstitions are the result of humans` actions. They are not fully aware of the result of their beliefs, yet follow them in order feel secure to some little extent. The findings of some scientists defined some essentials results, such as the analysis of Buhrman and Zaugg. In their study they have found a direct relationship between level of religiosity and believing in superstition. As Bleak and Fredrieck inferred that there is no relationship between them. According to another study, that religious and non-religious people`s beliefs nearly appeared to be in equal level, however people who religiously brought up have more tendencies toward the superstitious or metaphysical beliefs [18, p. 55].

Research methods: Collection of superstitions related to **English sp**eaking countries and grouping them is a process where each feature of them is taken into consideration. Studying this topic field has caught our attention due to its interesting background with various samples and examples. While researching we mainly used empirical method, concepts underpinning different superstitions through the lens of cognitive, linguacultural perspectives. Using articles, paperwork and some internet sites, we have found 7 types of superstitions.

Types of superstitions according to their usage. Superstitions can be divided into several types depending on their use, after having researched we have found following types of them:

Food superstitions: apple peels can predict true love – this superstition may appear among superstitious young people, as they believe if they can peel an apple unstoppably as long as it breaks and look at to find any letter that appeared letter will be the first letter of their true love. Next superstition is about banana, fishermen everytime try to refuse to take bananas on a fishing board. It has several related historical events, once a fisherman took a bunch of bananas with him onto the board and felt ill badly or another story explains fisherman`s poor catch that day. So, supposing you do go fishing with a superstitious angler and must bring a banana—hide it somewhere before it ruins your day. One more very interesting superstition from the life of the English is throwing rice at the weddings. This superstition means a celebration of bride and groom`s life-long vows, hoping for long, happy and prosperous life newlywed couples hand out tiny bundles of uncooked rice for well-wishers to toss in their direction as they leave. According to this old superstition, gifting a knife to each other friends run the risk of "cutting" their friendship. In English speaking countries, Christmas is one of the most important period of the year, interesting and live side of this holiday is that Christmas is fraught with `colourful` and `endless` superstitions. To take one example from them, English people believe cutting a cake before Christmas Eve and not leaving a piece of it till Christmas Day is the meaning of bad luck [26, p. 182-207]

Sport superstitions: superstitions in the world of sport are quite unusual than others, sportsmen always stick to them since they believe that following superstitions will certainly bring them success and best scores. Some of them even never throw away old part of their clothes. For instance, Michael Jordan, famous basketball player, never forgets to wear his blue shorts under his uniform as he believes that this brings him good fortune and luck. While researching we have found that among sports people baseball players are considered to be the most superstitious ones. In that sport spitting into hand before picking up the bat is believed to bring good luck [6, p.12]. This superstition is rooted in some events that might have probably proved that if they keep to this superstition, they will mostly win. Sticking a wad of gum on a player's hat is also believed to bring good luck, whereas if we look at it from the side of medicine or aesthetics it is not that right and accurate. Not washing any of your gear or apparel (even your underwear) will keep a winning streak going. Another superstition relevant to baseball players` life in sports is that some basketballers sleep with their bat to avoid bad luck in the upcoming play. However, we should remark that majority of superstitions serve for goodness, one of them is maybe created for following accuracy rules when they wipe the soles of their sneakers for good luck only for the favor of being clean. As a result, this habit only serves for healthy lifestyle and for peace in the soul [3, p. 148]. Not always every superstition in sport life can be for goodness,

for example, continuing a winning streak, wear the same clothes without cleaning in bowling. How is it possible not to wash and clean after sweaty play and continue in this spirit?

Wedding superstitions: wedding day is the day when you never want to meet with unfortunate things, perhaps this intention often makes people believe in wedding superstitions from the first steps of bride and groom. Even those superstitions have already become wedding traditions in the UK. As wedding days are always complicated with everything related to wedding preparations, before – wedding emotions, clothes, food choice, words and the rings, all of these may cause exhaustion and confusion. As a result, to deal with all couples or their close ones begin to believe in something unproven, and here several wedding superstitions are born. According to one popular superstition, if brides want to have everything as bright as they desire, they believe that they should combine their wedding appearance with 'something old, something new, something borrowed and something blue' as part of their wedding garment. This rhythmic content of that superstition proves that the English people frequently address to this belief. Old thing can be bride`s mother`s jewelers or wedding dress or anything borrowed may be a purse taken from a friend. [25, p. 65]. Therefore, it is not a tradition to wear everything new in English speaking countries as most Asian brides do. Regarding to dresses of brides there is another rhythmic superstition – "Married in white, you have chosen right; married in black, you'll wish yourself back". As we see, white color is considered to be one of the good evil causal. This superstition is taken as national tradition from a lot of countries all over the world. Even the day of the week is so important that couples pay great attention and choose it carefully. There is an interesting little poem about this superstition:

'Monday for health,
Tuesday for wealth,
Wednesday best of all,
Thursday for losses,
Friday for crosses,
Saturday for no luck at all'

It has been mentioned before that future bride and grooms may try to be attentive for their every step if they are truly superstitious, taking example of the things that they meet on their way – if bride meet lambs or if groom meets policemen and clergymen, they believe that it is luck, if they meet pigs or something unpleasant that is believed to be misfortune. Another superstition that dominated many brides' preparations is also one of the oldest. According to this superstition, a bride should never try on all her wedding outfit in one go before the big day. Instead, she should leave at least one item of clothing or an accessory to one side or risk lots of bad luck. During try-ons, brides were also warned not to look at themselves in full-length mirrors.

Animal superstitions: in terms of animal superstitions cats-related superstition is the most famous one, apparently most people either they are superstitious or not believe in it. Both intriguingly and astonishingly, cats of black color have always become the main trend among the superstitious. In some situations people claim black cat as a cause leading to failure or misfortune, in the meantime other people state that their cross your can be the sign of something positive. In terms of some jobs the condition becomes much clear, such as miners and sailors, in most part of UK, try to keep away from having that animal in that color in their working place and they view them as hazard. While in one unity of England called Cornwall black cat visit into mine cause anger and resentment of mine workers, even work is mostly stopped straight away and the most astonishing point of the situation is that cat has to be killed before starting the work again. Believing a black cat as a bad luck began in ancient Germany, in 13th century; in religious books there was a note "In it, black cats were declared an incarnation of Satan," originally beginning to suppress newly upcoming creed in Germany, called Luciferians, but quickly spread across Europe."However, if a cat crosses path, Chinese people do not feel surprise and be grateful as they are considered a blessing[14, p. 45]; Although the origin of the belief of seeing black cats as a symbol of wealth associates with Japan, later Chinese adopted it. Basing on an internet material, we have learnt that Egyptians treasure cats as a divine symbol. Addressing to mythology of Greeks, we may see that cats played a crucial role in those myths, particularly they related to the goddess of death, magic and witchcraft-Hecate who keeps

cat as a pet and familiar. Evidences and examples are abundant, they seem to be waiting to be studied.

Rabbits are symbol of luck and good fortune. If English people used to keep rabbits at their home in the past, later they began to keep the feet of rabbits in their pocket or in their bag, nowadays they attach an artificial rabbit foot into their key ring. It is really strange how did they keep a foot of dead rabbit in their pocket?! There is an interesting story about owls, if people see an owl in daytime, firstly it means bad luck, secondly New Zealanders regard bowls like harbingers of accident and death. Another interesting belief appears in the life of Welsh villagers, if they ever hear the hoot of an owl, they believe that any of the local girls is going to lose her virginity.

Robins are regarded as a symbol of bravery, this sense stems from a historical event related a tradition. The tradition is about the little history of red breast of robin. According to Christian folklore, once robin(personification from folklore) defeated the Crown of Thorns and took the throne. In that event, robin was injured and his breast was in holy blood. Holy blood means or shows the hero`s torment in the fight to combat for religious purposes. Killing or hurting a robin means bad luck or breaking an egg is believed to something valuable of yours would also be broken beyond repair. Alas, robins are sometimes may be connected to something bad, for instance, their tapping at the window of sick and old person or entering and singing at a chur**ch** may be a prediction of death. [26, p.189-192].

Object superstitions: Umbrella related superstitions are extant enough among cultures, for instance, some people avoid opening umbrella before going out; the origin of this wonderful tool backs to ancient Egypt where was and is always boiling weather, and straightly first umbrella-related superstitions were born there. Because Egyptians were religious people who believed in several Gods were afraid of opening umbrellas indoors regarded disrespectful to the God Of Sun, Ra, who would seek vengeance on the household in which the umbrella was opened. Getting married under umbrella means lifelong happiness and protection from evil spirits for a new couple in Western Cultures. However, the origin of umbrellas goes back to ancient Egypt where they were the thing of nobles. At that time they believed if the God of Sun straightly see the use of umbrellas by low class or not noble ones may not like and would see this act as sacrilegious [4, p.35-46]. This superstition has another explanation and it is rooted in 18th century when they were not automatic like current ones and were built with hard metal spokes and spring triggers and bigger than 21st century umbrellas, so they were dangerous enough to open indoors i.e. it was for safety reasons.

One of the oldest superstitions of nations is related with `mirror`. It is about avoiding to use broken mirror and this is more than 2700 years old superstition; Intriguingly, even if some people don't see themselves a particularly superstitious person, they, at least, probably say "bless you" when someone sneezes; It is of course because they consciously or unconsciously use this expression for avoiding evil hurts. Historically, people made up this expression since they thought while sneezing their soul might be stolen by devil. .

Water related superstitions exists among Turkish people, they splash a glass of water after the people who have left to travel. According to the words of Gomez, Cubans open a bottle of rum in New Year`s Eve, they deliberately drop a few drops on the floor firstly before drinking to get the blessing of "the gone one". In Spain, they eat 12 grapes, no more, no less believing that will bring good luck and happiness.

Taking the sample of gifting superstitions, presenting yellow flowers in Russian and in some European countries is a sign of divorce, so some people never give yellow flowers to their loved ones. Due to the meaning and sound of some words, Chinese people avoid giving a clock or an umbrella as a gift. The sound of the word "clock" (zhong)is pronounces like 'end,' it is considered as the person who gives clock to someone may be wishing an end or death (song zhong)," Bernards explains. Similarly, this happens with an "umbrella" (san), which is pronounced as "separation or parting" (san), therefore so presenter is believed suggesting that gift taker a farewell"

Childbirth related superstitions: In English speaking countries childbirth, pregnancy has always been together with various rituals and superstitions. In our modern world most of those superstitions are still respected and used in order to sooth some superstitious people`s spirit.

Sometimes, one can see proof in these superstitions use and benefits of them are frequently admitted by medical practitioners [2, p.622-627]. Everything begins with choosing pram for newly born, buying or choosing it before childbirth is safe and is believed to bring luck to the child. However, there is a but, the chosen pram should not be brought to home, before child comes home; it is believed to be unlucky to bring it before child comes home. There is another superstition in parts of North Yorkshire, for wishing bright and prosperous future to baby, relatives and family friends present a silver coin. Some superstitions are interestingly related to medicine and well being of new-born, grandparents advice to carry a new baby three times around the house to protect the child from colic. One more very delicate process in the early years of children is undoubtedly teething period when rubbing the gums with mum`s gold wedding-ring is believed to sooth the process. In one of the English speaking country, Australia equally respect cultural beliefs, superstitions and medical purposes in the time of childbirth. Mostly debate goes about sex of the child, regarding to one folk wisdom that if the abdomen of the would-be mum is lower, it is expected to have a baby girl; if it is higher, it is believed to expect baby boy [15, p. 279-291]; Yet there are other opposite, but provable arguments, for instance: most times the size or stance of the abdomen are believed to foretell the sex of the unborn child beforehand. This has been certainly belief of older generation; however, nowadays well-educated and modern parents do not consider them as plausible signs, as they see them as medical change in mother`s body.

Death or funeral superstitions: these sorts of superstitions include several odd rituals that come from fear of death and corpses. One of them is called “remove a corpse with feet first”, this dates back to Victorian England. The English believed that they should remove a body feet-first from a home for wishing bright way to the spirit of dead [22, p.285-295]. That ritual arose the fear that the departed would `look back` to follow another home member to death, so they just place coins on the eyelids of the dead. Another death related superstition is that people are often warned about covering up their mouths while yawning, when they pass a cemetery supposedly for preventing their body from entering the spirits of the dead. Birds are considered as harbingers of death according to other famous superstitions. They are believed to move between the sky and the earth, as if between temporal and spiritual world. For example, a bird flying into home through a window or door is considered to be a bad omen of death for someone within. Likewise, a bird sitting on a branch of a tree at home or tapping its against the glass may be an ominous sign. Some English people even believe that seeing an owl during the or hearing its hoot in daytime are considered to be another sign of fatality or death. Three on a match is so called another superstition, interestingly one of the Hollywood movie was based on this superstition in 1932. The movie states that if three people lights up from the same match, they are going to die undoubtedly. It is said that the origin of the belief dates back to Crimean War in 1850s: one soldier stroke a match alerted his enemy to his presence in the dark, the second soldier lighted his cigarette and gave the enemy to aim; and the third soldier received the fatal bullet.

Conclusion

As we studied above, the tendency of people towards superstitions is because of their sense of fear, feeling of unsafe or they mostly want their surroundings to make more predictable and another main reason of beliefs in superstitions is appeasing themselves. Studying the result of different examples, we may infer that cultural varieties may change the main concept of some superstitions and their purpose as well. Time has a huge impact on the use and beliefs in superstitions, such as in ancient times people were so more vulnerable to environmental forces that they seemed to have no choice to be superstitious. By being superstitious they somehow felt calm and safe. However, the chain of superstitions has not been proceeding over the centuries in the same way, as people become more knowledgeable and more aware of their surroundings. This period was forced by enlightenment. Various disputable questions were being raised by some scientists and they began researching in this field. Regarding with examples, we have analyzed number superstitions, which vary hugely among cultures. Taking example of some of them, we have comprehended that one number may be unlucky and be cursed in one culture, yet it is holy and appreciated in another.

References:

1. Astafurova, T. N., & Olyanich, A. V. (2019). Semiolinguistics of Protective Communication.
2. Barsky, A. J., Sainfort, R., Rogers, M. P., & Borus, J. F. (2002). Nonspecific medication side effects and the nocebo phenomenon, Journal of the American Medical Association, 287(5), 622-627.
3. Becker, J. (1975). Superstitions in Sport. International Journal of Sport Psychology, 6, 148-152.
4. Beck, J., & Forstmeier, W. (2007). Superstition and belief as inevitable by-products of an adaptive learning strategy. Human Nature, 18(1), 35-46.
5. Bernardin, A. (2004). The tea leaves of sports talk. Skeptic, 11(2), 54-59.
6. Bleak, J. L., & Frederick, C. M. (1998). Superstitions behavior in sport: Levels of effectiveness and determinants of use in three collegiate sports. Journal of Sport Behavior, 21(1), 1-15.
7. Blum, S. H., & Blum, L. H. (1974). Do's and don'ts: An informal study of some prevailing superstitions. Psychological Reports, 35, 567- 571.
8. Campbell, C. (1996). Half-belief and the paradox of ritual instrumental activism: A theory of modern superstition. British Journal of Sociology, 47(1), 151-166.
9. Case, T. I., Fitness, J., Cairns, D. R., & Stevenson, R. J. (2004). Coping with uncertainty: Superstitious strategies and secondary control.
10. Journal of Applied Social Psychology, 34(4), 848-871.
11. Damisch, L., Stoberock, B., & Mussweiler, T. (2010), "Keep your fingers crossed!" How superstition improves performance. Psychological Science, 21(7), 1014-1020.https://doi.org/10.1177/0956797610372631
12. Douglas, M. (1966). Purity and danger. London: Routledge and Kegan paul.
13. Dunleavy, A. O., & Miracle, A. W. (1981). Sport: an experimental setting for the development of a theory of ritual In Play as context. Edited by A. T. Cheska. West Point, New York: Leisure Press.
14. Durkheim, E. (1912/1965). The Elementary Forms of Religious Life. New York: Free Press.
15. Emme, E. E. (1940). Modification and origin of certain beliefs in superstition among college students. Journal of Psychology, 10, 279- 291.
16. Encyclopedia of Britannica (2008). Chicago: Encyclopaedia Britannica Publication.
17. Frost, R. O., Krause, M. S., McMahon, M. J., Peppe, J., Evans, M., McPhee, A. E., & Holden, M. (1993). Compulsivity and Superstitiousness. Behaviour Research and Therapy, 31, 423-425.
18. Gallup, G. H., & Newport, F. (1990). Belief in the psychic and paranormal widespread among Americans. Gallup New Service, 55, 1-7.
19. Gmelch, G., & Felson, R. (1980). Can a Lucky charm get you through organic chemistry? Psychology Today, 14, Dec., 75-78.
20. Griffiths M. D., & Bingham, C. (2005). A study of superstitious beliefs among bingo players. Journal of Gambling Issues, 13.
21. Jahoda, G. (1969). The psychology of superstition. London: Allan Lane, the Penguin Press.
22. Jarvis, P. (1980). Towards a sociological understanding of superstition. Social Compass, 27(2), 285-295.
23. Hansen, B. (1986). The Complementarity of Science and Magic Before the Scientific Revolution. The American Scientist, 74(2), 128-136.
24. Lindeman, M., & Aarnio, K. (2007). Superstitious, magical, and paranormal beliefs: an integrative model.J Res Pers, 41, 731–744.
25. Mandal, F. B. (2018). Superstitions: A Culturally Transmitted Human Behavior. International Journal of Psychology and Behavioral Sciences, 8(4), 65-69. https://doi.org/10.5923/j.ijpbs.20180804.02
26. N. W. Thomas, Folklore, Vol. 12, No. 2 (Jun., 1901), pp. 189-194 (6 pages)
27. Risen, J. L. (2016). Believing what we do not believe: Acquiescence to superstitious beliefs and other powerful intuitions. Psychological Review, 123(2), 182–207. https://doi.org/10.1037/rev0000017

28. Risen, J. L., & Nussbaum, A. D. (2013). Sense and Superstition. http://www.nytimes.com/2013/10/06/opinion/sunday/sense-and-superstition.html
29. Vyse, S. (2014). Believing in Magic. The Psychology of superstition. Oxford University press.
30. Yokoyama, O. T. (2002). The logic of socially transmitted superstitions. International Journal of Slavic

ISSN: 2181-9297
www.tadqiqot.uz
INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

Ҳамраев Фозилбек Йўлдошевич
Қарши давлат университети
ўзбек тилшунослиги кафедраси ўқитувчиси
Xamrayev-fozil@mail.ru

ТИЛ ТАРАҚҚИЁТИДА НЕОЛОГИЗМЛАРНИНГ ЎРНИ

https://doi.org/10.5281/zenodo.0000000

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада глобализация жараёнининг тил тараққиётидаги ўрни, неологизмлар борасидаги турли хил қарашлар, хусусан, ўзлашма неологизмларнинг тилга кўрсатадиган ижобий ва салбий таъсирлари ҳақида фикр юритилган. Шунингдек, тилдаги янги лексик унсурларни тартибга солишда электрон луғатларнинг аҳамияти алоҳида таъкидланиб, лексикани янги сўзлар билан бойитишда ички имкониятлардан унумли фойдаланиш устувор масала этиб белгиланган.

Калит сўзлар: неологизмлар, ўзлашма сўзлар, протологизм, электрон луғатлар, тилнинг бойиши, неологик лексикография

Хамраев Фозилбек Юлдашевич
Каршинский государственный университет,
преподаватель узбекского языкознания
Xamrayev-fozil@mail.ru

РОЛЬ НЕОЛОГИЗМОВ В РАЗВИТИИ ЯЗЫКА

АННОТАЦИЯ

В данной статье рассматривается роль процесса глобализации в языковом развитии, различные взгляды на неологизмы, в частности положительное и отрицательное влияние ассимиляционных неологизмов на язык. Также была подчеркнута важность электронных словарей в регламентации новых лексических элементов в языке, а в качестве приоритета определено эффективное использование внутренних ресурсов при обогащении словарного запаса новыми словами.

Ключевые слова: неологизмы, заимствованные слова, протологизм, электронные словари, языковое обогащение, неологическая лексикография

Khamraev Fozilbek Yuldashevich
Kharshi State University,
Teacher of the Department of Uzbek Linguistics
Xamrayev-fozil@mail.ru

THE ROLE OF NEOLOGISMS IN LANGUAGE DEVELOPMENT

ANNOTATION

This article discusses the role of the globalization process in language development, the different views on neologisms, in particular the positive and negative effects of assimilation neologisms on language. The importance of electronic dictionaries in the regulation of new lexical elements in the language was also emphasized, and the effective use of internal resources in enriching the lexicon with new words was identified as a priority.

Keywords: neologisms, loan words, protologism, electronic dictionaries, language enrichment, neological lexicography

---

Илм-фан, техника тараққиётининг дунё бўйлаб кенг ёйилиши, интернет тизимининг фаоллашуви, табиийки, жамият аъзоларининг луғат бойлиги ва нутқида ҳам ўз аксини топиб боради. Тил ривожланиб, янгиланиб борар экан, унинг тараққий этишини аслида нисбий тушунча сифатида баҳолаш мумкин, яъни бир тил кўпроқ ўзга тилларга оид бирликлар ҳисобига бойиб борса, бу жараён тил тараққиёти эмас, таназзулига сабаб бўлиши ҳам мумкин. Ўз тарихий илдизларидан узилмаган ҳолда дунё бўйлаб кундан кунга ортиб бораётган янги тушунчаларни муайян меъзонлар асосида ўзига сингдириб бориш ҳар бир давлатнинг тил сиёсатидаги устувор масалалардан саналади.

Америкалик ёзувчи Элизабет Дрю тилни шундай муқояса қилади: “Тил тупроққа ўхшайди. Қанчалик бой бўлса ҳам, эрозияга дучор бўлади, муттасил фойдаланиш туфайли унинг унумдорлиги доимо таҳдид остида бўлади. Агар тез-тез жонлантириб турилмаса, унумсиз, яроқсиз ҳолга келиб қолади” [10]. Барча фанларнинг бош мақсади жамият турмуш тарзини оптималлаштириш ҳисобланади ва шундай бўлиши лозим. Тил ҳам, ўз ўрнида, жамият эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда сайқалланиб, янгиланиб бормас экан, одамлар бу тилда мулоқот қилмай қўяди, бошқа тилларга устунлик берилиши натижасида ўлик тилга айланиб боради.

Бошқа бир ёзувчи, Нобел мукофоти совриндори Уол Сойинка дунё тиллари олдидаги хатарлар ҳақида гапириб, шундай дейди: “Тил - анъаналар, тарих, миллий руҳ ва дунёқараш ҳамда миллий фалсафанинг хазинаси эканлигини барча эътироф этган ва бу масала ҳеч қандай муҳокамага муҳтож эмас. Ҳозирги пайтда биз янада чуқурроқ англаётганимиз бошқа нарса: маҳаллий тилларнинг йўқолиши фан тараққиётига тўсқинлик қилиши мумкин” [9; 8]. Келтирилган фикрларга асосланиб айтиш мумкинки, янги сўзлар тилнинг яшовчанлигини таъминлайди, бироқ тилдаги янги сўзларнинг эҳтиёж доирасидан ошиб кетиши (айниқса, ўзлашма сўзлар ҳисобига) тилни таназзул сари етаклаши мумкин.

Юқоридаги мулоҳазаларга таяниб айтиш мумкинки, тил тараққиёти кўп томонлама неологизмларга бўлган муносабатга боғлиқ. Шунга кўра неологизм тушунчасининг пайдо бўлиши ва унинг моҳияти ҳақида қисқача тўхталиб ўтиш лозим кўрилди.

Аслида ҳар бир тилдаги ҳар бир сўз пайдо бўлган (яратилган) пайтда янги бўлади. Янги сўзларга нисбатан қўлланилувчи неологизм атамасининг этимологиясини французча neologisme (1734) сўзига боғлашса-да, аслида бу тушунча жамият онгида минг йиллар аввал ҳам мавжуд бўлганини тахмин қилиш мумкин. Хусусан, бугунги кунда ўзбек тили лексикасининг салмоқли қисмини банд этган арабча сўзларга ислом дини ва араб маданияти эндигина кириб келган пайтларда янги сўзлар сифатида қаралган бўлса, ҳозирда уларнинг аксарияти эскириб, истеъмолдан чиқиб ҳам улгурди.

Тилда илк марта учратилган ҳар қандай сўзни неологизм сифатида талқин этиш ва уни нутқда қўллашга ҳаракат қилиш у қадар тўғри эмас. Неологизм мақомига етгунга қадар сўзлар учта босқични босиб ўтиши лозим бўлади: яратилиш, синов ва жорий этиш [8; 756]. Лекин, афсуски, кейинги пайтларда бу жиҳатларга деярли эътибор берилмаяпти, тилдаги янги сўзга бўлган эҳтиёж, орфографик, орфоэпик меъёрлар билан “ҳисоблашилмаяпти”. Бу эса ўз ўрнида лексик тизимнинг чигаллашувига, мулоқот имкониятининг пасайишига сабаб бўлиши мумкин.

Маълумки, сўзлар тилда мавжудлик даврига, яшовчанлигига кўра уч қатламга бўлинади: янги, замонавий ва эски қатлам. Ҳар бир сўзнинг бу қатламларни бирма-бир босиб ўтиши табиий. Лекин жонли мавжудотлар каби сўзлар ҳам бир хил яшамайди, яъни баъзи сўзлар жуда тез фурсатда эскирса, айримлари жуда узоқ истеъмолда қолади. Бу жараён кўп жиҳатдан ижтимоий-сиёсий муҳит ва тилдаги табиий эҳтиёжларга боғлиқ бўлади.

Манбаларда неологизмларнинг истеъмолда ўртача қўлланиш даври 25-30 йил деб баҳоланади [11]. Бу ҳар бир янги пайдо бўлган сўз шунча вақт неологизм сифатида яшаб, кейин замонавий қатламга ўтади, дегани эмас. Айрим шахсий мулоҳазаларга кўра неологизмларнинг тўртдан уч қисми ўн йилдан сўнг унутилади [12]. Бундан келиб чиқадики, янги сўз ясаш ва ўзлаштириш жараёнига ўта жиддий ёндашиш, ўткинчи ва саёз тушунчаларнинг лексикага оғир юк бўлишига йўл қўймаслик лозим.

Бир тилда янги сўз сифатида баҳоланувчи ўзлашма неологизм манба тилида янгилик бўёғини йўқотган бўлиши мумкин. Айни пайтда ўзбек тилида неологизм сифатида қаралувчи феномен, ментал, хаос каби сўзлар манба тилларида янги сўз саналмайди. Масалан, феномен (юнонча: phainomenon – tuyuladigan, ko'rinadigan narsa) сўзи юнон тилида Аристотель замонида ҳам мавжуд бўлган, кейинчалик инглиз тилига ўзлашган. Ўзбек тилига рус тили орқали ўтиб, ҳозирда қуйидаги маъноларда қўлланяпти: 1) ҳис-туйғу тажрибаси билан билинадиган ҳодисани англатувчи тушунча; 2) ғайриодатий, камдан кам учрайдиган ҳодиса, факт, шахс. Шунингдек, халқаро доирада янгилик касб этувчи сўзлар (ковид, таргет, дрон каби) ҳам мавжуд бўлиб, уларни байналмилал неологизмлар сифатида эътироф этиш мумкин.

Муайян бир тилда нечта сўз борлигини, уларнинг яратувчиларини аниқлаш деярли имконсиз. Тил эволюцияси анча суст кечган, коммуникатив воситалар у қадар тараққий этмаган даврларда бунга эҳтиёж ҳам бўлмаган. Лекин айни замонда барча жабҳаларда технология жадаллик билан ривожланиб бормоқдаки, бу глобализация жараёнини, хусусан, нуфузли тилларнинг бошқа тилларга таъсирини янада кучайтирмоқда. Миллий тил нуқтаи назаридан бунга жиддий ёндашув зарур. Янги сўзлар статистикасини юритиш лексик тизимдаги янгиланишларни яқиндан кузатиб бориш ва юзага келаётган муаммоларни яққолроқ идрок этиш имконини беради. Бунинг учун кўпроқ электрон шаклдаги луғатлар ёрдами керак бўлади. Чунки тилда ҳар куни янги сўз пайдо бўлиши мумкин, уларни типографик кўринишда қайд этиб боришнинг имкони йўқ. Қолаверса, сўнгги пайтларда янги сўзлар оқимининг эҳтиёж даражасидан ортиб кетаётгани босма нашрлар ишини чигаллаштиради, бу эса мулоқотга нолойиқ сўзларнинг луғат бойлигидан ноўрин жой олишига сабаб бўлиши мумкин.

Ҳозирги замон компьютер технологиялари мазкур масалаларни ҳал этишда катта қулайликлар яратди. Инглиз тили доирасида бу борада амалга оширилаётган ишлар эътиборга лойиқ. Хусусан, Кембриж, Оксфорд, Вебстер каби жаҳоннинг нуфузли университетлари узоқ йиллар мобайнида турли мақсадларга йўналтирилган кенг қамровли луғатларни нашр этиб, янгилаб келяпти. Шу билан бирга кейинги йилларда бу луғатлар электрон шаклда дастурланиб, неологизмларни ўз вақтида қайд этиб бориш механизми йўлга қўйилган [13]. Бундан ташқари Word Spy, Urban Dictionary, Unwords.com, gpb.eu каби интернет саҳифаларида янги сўзларни аниқлаш, турли индекс (кўрсаткич)лар бўйича тасниф қилиш ва тавсифлаш ишлари олиб бориляпти. Жумладан, Аластр Грант, Эван Пеарсон ва Нигел Браун асос солган "Grant Pearson Brown Consulting Ltd" (gpb.eu) компанияси турли хил ижтимоий хизматлар билан бирга неологизмларни қайд этиб борадиган махсус тизим яратган. Унда неологизмлар алифбо тартибида акс этиб боради, яъни жадвал асосида биринчи қаторда янги сўз, иккинчи қаторда унинг маъноси, учинчи қаторда манбаси, тўртинчи қаторда эса дастлаб қайд этилган сана ва йил келтирилади [14].

Ўзбел тилида бу соҳада амалга оширилаётган ишларни қониқарли деб бўлмайди. Кўп тилли, эркин интернет энциклопедияси ҳисобланган Википедия дастурининг ўзбекча муқобилида айни пайтда 138 мингдан ортиқ мақола мавжуд (таққослаш учун: инглизча Википедиядаги мақолалар сони 6 миллиондан ортиқ). Лекин уларнинг асосий қисми босма нашрдаги Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси асосида шакллантирилган. Унда сўнгги

йилларда ўзбек тилида пайдо бўлган янги сўзлар миқдори жуда кам. Қолаверса, мақолалар матнида кўплаб имловий хатоликлар кўзга ташланади. Шунга кўра ушбу йўналишда бир қатор вазифаларни кун тартибига қўйиш лозимлиги ойдинлашади.

Тилда янги сўз пайдо бўлишининг бир қанча факторлари мавжуд. Биринчи ва асосий фактор – тилда янги пайдо бўлган тушунчани номлаш эҳтиёжи. Буни илм-фан доирасида пайдо бўлувчи табиий эҳтиёж сифатида баҳолаш мумкин. Иккинчиси нутқнинг экспрессивлигини оширишга бўлган интилиш натижасида пайдо бўладиган услубий эҳтиёж. Буни кўпроқ бадиий ижод жараёни билан боғлаш мумкин. Учинчиси тилдаги барча учун тушунарли бўлган, оммабоп сўзларни қўллашдан зериккан кишилар (асосан, ёшлар)нинг янгиликка қизиқиши натижасида пайдо бўладиган эҳтиёж. Бунга лексик тизим учун фойдадан кўра кўпроқ зарар келтириши мумкин бўлган сунъий эҳтиёж сифатида қараш мумкин.

Айрим тилшунослар тил учун деярли ортиқча бўлган, савияси паст сўзларни нутққа олиб киришга ҳаракат қилувчи кишиларни психотик (руҳий хаста) деб атаса, айримлар ёшлар нутқидаги бундай енгил-елпи сўзларни маҳаллий турларни йўқ қилиши мумкин бўлган Каролина кулранг олмахонларига қиёслайди [7; 86-87]. Машҳур луғатшунос олим Питер Нюмарк адабий тилга тўлақонли қабул қилинмаган янги сўзларни таржимон учун энг катта муаммо эканлигини таъкидлайди [3; 140]. Эмори университети профессори Михаил Наумович Эпштейн янги ихтиро қилинган, лекин ҳали тилда ўз ўрнини топмаган сўзларга нисбатан протологизм терминини қўллашни таклиф этади [15].

Ўзбек тилида сўзлашувчи жамият орасида ҳам неологизмларга бўлган муносабат тил сиёсатидаги оғриқли нуқталардан бири бўлиб турибди. Айниқса, интернет, спорт, озиқ-овқат маҳсулотлари, қурилиш моллари, фармацевтика соҳаларига оид атамаларнинг қўлланишида аниқ мезонларга асосланилмаётгани, ўзга тилларга мансуб сўзларнинг ўзбек тили табиатига мосланмаган ҳолда тўғридан-тўғри нутққа киритилаётгани кўзга ташланади. Жумладан, дори-дармон маҳсулотларининг йўриқномаларида ёзилган касаллик турлари ва бошқа тиббий тушунчаларнинг маъносини англаш жуда мушкул. Масалан, нефролитиаз, ацетилхолин, нейромедиатор, туберкулёз, анемия, эпилепсия, цистит, астма каби атамалар рус тилидан тўғридан тўғри ўзлаштирилган. Шу каби атамаларнинг ўзбек тилидаги муқобилини топиш ёки нотаниш атамалардан сўнг қавс ичида ўзбекча изоҳ ва шарҳлар келтириб ўтиш мақсадга мувофиқ бўлади. Мисол учун, нефролитиаз (буйрак-тош касаллиги), анемия (камқонлик), эпилепсия (тутқаноқ, қуянчиқ), астма (нафас сиқиши) каби.

Неологизм – тилнинг ўз ички имкониятлари асосида яратилган ёки аввалдан мавжуд бўлиб, янги маънода қўлланаётган сўз, шунингдек, бошқа тиллардан яқинда ўзлашган сўз. Лекин, афсуски, ўзбек тилида бу тушунча ҳақидаги таассурот, бу тушунчага ёндашув нотугал ва бирёқлама дейиш мумкин. Ўзбек тили (она тили) бўйича етарлича билимга эга бўлган, олий маълумотли ўнта респондент билан кичик сўровнома ўтказилди. Уларнинг ҳар бирига қуйидагича савол (топшириқ)лар билан мурожаат қилинди:

1) Неологизмлар / янги сўзлар ҳақидаги шахсий тушунчангизни айтинг.
2) Энг янги деб ҳисоблаган сўзларингизга ўнта мисол келтиринг.
3) Келтирган мисолларингизни изоҳлаб бера оласизми?

Натижа шундай бўлдики, биринчи саволга берилган жавобларнинг умумий мазмуни қуйидагича: “Янги сўзлар ёки неологизмлар бу – ўзбек тилига шу кеча-кундузда четдан кириб келаётган сўзлар”. Иккинчи саволга жавобан келтирилган мисолларнинг қарийб 90 фоизини инглизча ва русча сўзлар ташкил этди. Учинчи саволга берилган жавоблар деярли қониқарсиз, яъни ўзлари келтирган мисоллар ҳақидаги тасаввурлари, тушунчалари 50 фоиздан паст.

Шундан сўнг улардан ўзбек тилининг ички имкониятлари асосида яратилган янги сўзлардан ўнтаси (гулқоғоз, тузлама, ўтказма, очиқламоқ, қайднома, божхона, йўл ўтказгич, жонли, сиҳатгоҳ, тайинлов каби)нинг маъноси ҳақида сўралганда 90 фоизлик ижобий натижа қайд этилди. Яна бир қизиқ томони шундаки, сўровнома иштирокчилари мазкур ўзбекча сўзларни керакли даражада изоҳлаб беришларига қарамасдан, уларнинг шу ва шу каби сўзларни деярли неологизм сифатида тасаввур қилмасликлари ойдинлашди.

Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, ўзбек тилида сўзлашувчи, ўзбек миллатига мансуб, ўзбек тили тараққиётига ўз ҳиссасини қўша олиш имконига эга бўлган инсонларнинг каттагина қисми ўзбек тилининг янги сўзлар яратиш борасидаги ички имкониятларига тўғри баҳо бермайди. Бошқа соҳа вакиллари, хусусан, тадбиркорлик билан шуғулланувчи қатлам онгида ҳам "янги сўзлар фақат ўзга тиллардан олинади" деган бирёқлама қараш мавжуд. Бунга турли хилдаги савдо ва маиший хизмат кўрсатиш муассасаларининг чет эл сўзлари билан тўла пешлавҳалари ва реклама баннерларидаги нейм неологизмлар мисолида гувоҳ бўлиш мумкин: "Mega plast", "Green apple market", "Home spot", "Bob's red mill", "Viko", "Story center" каби.

Табиийки, ер юзида бошқа тиллардан сўз ўзлаштирмаган бирорта соф тил йўқ. Бугунги кунда катта нуфузга эга бўлган тиллар ҳам, асосан, бошқа тиллар ҳисобига бойиб, тараққий этган. Лекин айни даврга келиб тиллар аралашувининг жадаллашиши нисбатан кичик тилларда муайян хатарларнинг пайдо бўлишига сабаб бўляпти. Тилшунос олим О.Шукуров тўғри қайд этганидек, "Муайян тилга ўзга тил(лар) сўзларининг ҳаддан ортиқ таъсир этиши унинг онтологик хусусиятига таъсир этса, бошқа тиллардан сўз олмай яшаш эса шу тилнинг дунё миқёсидаги глобаллашув жараёнидан узилиб қолишига сабаб бўлади, жамиятнинг эса янгиликлар ва ўзгаришларга нисбатан орқада қолаётганини кўрсатади" [1; 120]. Шунга кўра айтиш мумкинки, тил тараққиётида ички ва ташқи омиллар баравар муҳим. Тилни янги сўзлар билан таъминлашда миллийлик принципларини устун қўйиш, кўпроқ ички имкониятларга таяниш эса тилнинг умрбоқийлигини кафолатлайди.

Ҳозирги кунда дунё бўйлаб тарқалаётган неологизмларнинг асосий қисмини инглизча сўзлар ташкил этади. Миллий типдаги неологизмларни яратишда ушбу тил тажрибаларини назарий жиҳатдан ўрганиш фойдадан холи бўлмайди. Шунинг учун инглиз тили доирасида неологизмлар юзасидан олиб борилган айрим тадқиқотлар атрофлича ўрганилди.

Ҳинд-Европа тиллари оиласининг ғарбий герман тиллари гуруҳига мансуб бўлган инглиз тили лексикаси XII асрларгача 25-30 минг сўзни ўз ичига олгани тахмин қилинади [2; 8]. Яқин ўтмишгача, асосан, бошқа тиллар ҳисобига бойиб борган бўлса, ҳозирги кунда янги сўзлар яратувчи ва тарқатувчи (донор) тил сифатида тан олинмоқда. Аксарият техника ва технологияларнинг инглиз тилида дастурланаётгани, компьютер тили сифатидаги имкониятлар, интернет тизимининг дунё бўйлаб кенг ёйилиши бу жараённи янада тезлаштирмоқда.

XX аср инглиз таржимашунослигининг асосчиларидан бири бўлган Питер Нюмарк неологизмлар масаласини таржимачилик соҳаси учун ғоят муҳим эканлигини уқтулаб, ҳар бир тилда ҳар йили 3 минг атрофида янги сўз пайдо бўлаётганини таъкидлайди [3; 140]. Унинг фикрича, тилдаги янги сўзлар миқдорини аниқ айтиш имконсиз, чунки неологизмларнинг катта қисми муқим яшаб қолмайди, қолаверса, уларнинг кўпчилиги индивидуал характерга эга. Нюмарк ўз изланишларига асосланиб, неологизмларнинг ўн типини фарқлайди. Хусусан, ясама сўзлар (derived words), қисқартма сўзлар (abbreviations, acronyms), сўз бирикмалари (collocations), фраземалар (phrasal words), ўзлашма сўзлар (transferred words / borrowing), эпонимлар (eponyms) янги сўзлар яратишнинг асосий формалари сифатида қайд этилган [3; 141-149].

Инглиз тили лексикасини тарихий ва структур жиҳатдан тадқиқ этган Р.Стоквел ва Д.Минкова янги сўзлар иккита манба асосида пайдо бўлишини таъкидлайди: четдан сўз олиш ва ички имкониятлар асосида сўз яратиш. Лотин, немис ва француз тиллари ташқи манба сифатида инглиз тили луғат таркибини узоқ йиллар давомида тўлдириб келгани уқтуланиб, сўнгги пайтларда ички имконият асосида яратилаётган янги сўзларни тадқиқ этишга устувор масала сифатида қаралган ва неологизмларнинг бир қанча янги типлари ўрганилган [4; 18].

Луғатшунос олим А. Р. Гуэрра 1990 йиллардан кейин нашр этилган олти тилдаги ўн иккита неологизмлар луғатини лексикографик ва хронологик аспектда қиёсан ўрганишга ҳаракат қилади ва XXI асрга келиб "неологик лексикография" ҳақида гапиришнинг вақти келганини таъкидлайди. У, шунингдек, идеал неологик луғатлар қандай бўлиши борасида ўз қарашлари ва таклифларини баён этади [5; 528–556].

Неологизмлар луғатлари материаллари асосида турли хил инглизча қисқартмаларнинг характерли хусусиятларини таҳлил қилган рус тилшуноси Н.К.Иванова замонавий инглиз тилида қисқартма сўзлар соҳасида ўзига хос “портлаш” юзага келганини таъкидлайди ва буни нутқий тежамкорликка интилишнинг энг самарали усули сифатида баҳолайди [6; 52-59].

Юқорида келтирилган фикрлар тор доирадаги манбалар асосида шакллантирилди, лекин шунинг ўзи ҳам инглиз тилида янги сўзлар яратиш ва уларни тадқиқ қилишга бўлган эътиборнинг нақадар юқори эканлигини кўрсатади. XXI аср охирига келиб ер юзидаги тилларнинг 95 фоизи ўлик тилга айланиши тахмин қилинаётган бир пайтда ўзбек тилининг ҳам бу хатардан холи эмаслиги ойдинлашади. Бу масаланинг ижобий ечими неологизмлар тадқиқи билан чамбарчас боғлиқ. Шунга кўра ўзбек тилида неологизмлар соҳасидаги изланишлар етарли эмаслигини урғулаган ҳолда, бу мавзуда кўплаб тадқиқотлар олиб бориш зарурлигини эътироф этиш ўринлидир.

Адабиётлар:

1. О. Шукуров. Рақамли медиа неологизмларнинг ўзбек тилидаги мотивацион омили сифатида. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги – ЎзА Илм-фан бўлими (электрон журнал) 2021-йил, январь сони, 120 бет
2. J. Gontsarova. Neologisms in modern english: study of word-formation processes. Narva – 2013, P – 8.
3. Newmark Peter. A Textbook of Translation. New York: Prentice Hall. 1988
4. Minkova Donka, Stockwell Robert. English Words: history and structure. The press syndicate of the University of Cambridge. 2001. P – 4-18.
5. Alexandre Rodríguez Guerra. Dictionaries of Neologisms: a review and proposals for its improvement. Open Linguistics 2016; 2: 528–556
6. Н.К. Иванова. Английский аббривиатуры-неологизмы: особенности образования и написания. Вестник Пермского научного центра. 4/2013. 52-59
7. Clayton D. Attitudes to language change and variation // Knowing about language: Linguistics and the secondary language classroom. London and New York: Routledge, 2016.: 86-87.
8. A.Parianou, P.Kelandrias. Special terms: conditions and requirements for their creation and development, in the proceedings of the International Conference Translating in the 21st century: Trends and Prospects, organized by the Aristoteleio University of Thessaloniki, Faculty of Arts, on 27-29 September 2002. –P. 756
9. Soyinka Wole. Tradition and Vectores of Communication. Development issres. ISS, Vol. 4. N. 2. 2002. –P. 8
10. https://www.poemhunter.com/elizabeth-drew/quotations/language-is-like-soil-however-rich-it-is-subject-92462/#
11. https://studopedia.ru/1_129601_Replenishment-of-the-vocabulary.html
12. https://termcoord.eu/2016/08/neologisms-their-origin-and-how-they-reinvigorate-language
13. https://dictionary.cambridge.org; https://public.oed.com; https://www.merriam-webster.com
14. https://www.gpb.eu/2021/11/neologisms-new-words.html
15. https://en.wikipedia.org/wiki/Protologism



Джураев Ботир Илхомович
Самарқанд давлат чет тиллари институти
эркин тадқиқотчиси
E-mail: fast.education@yahoo.com

СЕМЕЛЬФАКТИВ ФЕЪЛЛАР ТИПОЛОГИЯСИ

https://doi.org/10.5281/zenodo.0000000

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада инглиз ва ўзбек тилларида семельфактив феълларнинг таркибий ва семантик хусусиятлари таҳлил этилган. Таҳлил жараёнида семельфактив феълларнинг шахсга алоқадор квантлилик маънолари, карралик семантиксининг воқеланишида лексик воситалар таъсири қиёсланган. Инглиз ва ўзбек тилларидаги семельфактив феълларни қиёслаш, ушбу тиллардаги феъл лексемалари лексик-семантик маъноларини кенгроқ ёритиш имкониятларини аниқлаш билан изоҳланади. Ўзбек тилида итератив маънолар феъл лексемалари семантикасида мавжуд.

Калит сўзлар: семельфактив; квантлилик; объект; субъект; семантика; ҳаракат; функционал-семантик майдон.

Djuraev Botir Ilkhomovich
Freelance researcher at the Samarkand
State Institute of Foreign Languages
Email:fast.education@yahoo.com

TYPOLOGY OF SEMELFACTIVE VERBS

ANNOTATION

The article analyzes the structural and semantic features of semelfactive verbs in the English and Uzbek languages. In the process of analysis, the quantum values of the semelfactive verbs, the meanings related to the subject, the influence of lexical means on the emergence of multiple semantics are compared. The comparison of semelfactive verbs in English and Uzbek is explained by the identification of possibilities of broadening the lexical-semantic meanings of verb lexemes in these languages. In the Uzbek language, iterative meanings are present in the semantics of verb lexemes.

Key words:semelfactive; quantum; an object; subject; semantics; motion; functional and semantic field.

Джураев Ботир Илхомович
Внештатный научный сотрудник
Самаркандского государственного
института иностранных языков
Электронная почта: fast.education@yahoo.com

ТИПОЛОГИЯ СЕМЕЛЬФАКТОРНЫХ ГЛАГОЛОВ

АННОТАЦИЯ

В статье анализируются структурные и семантические особенности семельфактивных глаголов в английском и узбекском языках. В процессе анализа сравниваются квантовые значения семельфактивных глаголов, значения относящихся к субъекту, влияние лексических средств на возникновение множественной семантики. Сравнение семанфакторных глаголов в английском и узбекском языках объясняется выявлением возможностей расширения лексико-семантических значений глагольных лексем в этих языках. В узбекском языке итерационные значения присутствуют в семантике глагольных лексем.

Ключевые слова:семельфактивный; квант; объект; субъект; семантика; движение; функционально-ссемантическое поле.

Предикат доирасида итератив маънони фаоллаштириш лексик, морфологик, грамматик воситалар ёрдамида амалга оширилади. Мазкур воситалардан фойдаланиш такрорий маъноларнинг частотаси, кванти, серияси борасидаги маълумотлар орқали итеративликнинг функционал - семантик майдонини белгилайди. Функционал-семантик майдон предикат маъносига таъсир кўрсатувчи категориялар, синтактик бирликларнинг ўзаро таъсирини қамраб олади. Бу итеративликнинг лексик бирликлар доирасида воқеланишида ҳам кузатилади. Итеративликнинг лексик бирликлар доирасида фаоллашуви, асосан квантли, серияли ҳаракатларга эга бўлган феъллар семантикаси саналади. Мазкур гуруҳ феъллари семельфактив феъллар атамаси билан юритилади.

Галтон инглиз тилида ўхшаш грамматик шаклларда итератив семантика ифодаланиши таҳлилини амалга оширган. Муаллифнинг таъкидлашича, a) Someone is knocking at the door; b) John is eating pizzas [Galton, 1995] мисолларида ўхшаш итератив семантика мавжуд. Жумладан, (a) мисолдаги итеративлик лексик семельфактив феъл маъноси билан боғлиқ бўлса, (b) мисолда эса pizzas тўлдирувчисининг кўплик шакли мазкур маънони ҳосил қилган. Иккала ҳолатда ҳам ўхшаш бўлган ҳаракатлар кванти юзага келган. Мазкур мисоллардаги фарқланиш контекстдан ташқаридагина амалга оширилиши мумкин. Маълумки, инглиз тилидаги "to knock" феъли ҳар қандай контекстда бир хилдаги такрорий ҳаракатлар квантини ифодалайди. Аммо, (b) мисолидаги “to eat” феъли семельфактив маънога эга эмас. Ушбу феъл итератив семантика ҳосил қилиши учун махсус шартлар талаб қилинади. Хусусан, аргументнинг кўплик шакли ҳамда давомли замон шаклларининг уйғунлашувигина итератив маънони ҳосил қилиши мумкин. Шунинг учун ҳам итеративлик доирасида ифодаланадиган хусусиятларни аниқлашда фақатгина грамматик воситалар билан чекланиб қолмасдан, лексик маъноларга эътибор қаратишни талаб қилади.

Кўпгина ҳолларда такрорланувчи ҳаракатлар феълнинг бир карралик (семельфактив)маъносига боғлиқ бўлади [Исаченко 1960; 306-307]. Ҳаракатнинг кўп карралиги ёки бир карралиги ҳар бир тил табиатига боғлиқ бўлиб, феълга қўшимча лисоний бирликлар қўшиш орқали амалга оширилади ёки алоҳида феъл сифатида рамоён бўлади. Жумладан инглиз тилидаги to cough, to knok, to тарва шу каби семельфактив феъллар лексик жиҳатдан кўп карралик маъносига эга. Мазкур маънонинг бир карралиги эса алоҳида бирикмада ифодаланади. Таъкидланган феъллар ўз морфологик хусусиятини ўзгартирган бўлса-да бирикманинг мазмунини ташкил қилувчи компонент вазифасини бажаради, to give a cough, to give a knok, to give a tap. Ўзбек тилида ҳам ушбу феълларнинг эквивалентлари мавжуд бўлиб, улар ҳам кўп карралик ҳаракатларни англатиб келади: йўталмоқ, таққиллатмоқ, саваламоқ ва ҳакозо. Хусусан, йўталмоқ феълининг бир карралиги йўталиб қўймоқ етакчи ва кўмакчи феълли аналитик шакл ёрдамида ифодаланса, таққиллатмоқ феълининг бир карралиги тақ этиб урмоқ бирикмаси билан ҳосил бўлади. Масалан: Икромжон болалик излари тушган йўллардан, тор кўчаларданёғоч оёқ билан аллавақтгача кезиб уйга қайтди. Хотини ухламай, тиқ этса, эшикка қараб ўтирган эди. Икромжон ётмади. Эр-хотин чойни майдалаб шу бир-икки йил ичида бўлиб ўтган воқеаларни гаплашиб ўтиришди [С.Аҳмад, 269]. Ҳар иккала тилда ҳам кўп ёки бир карралик итератив маънолар контекстга узвий боғлиқ ҳолда юзага

келади. Қиёсланг: He tapped his coat over the region of his chest exultantly [O'Henry, 226]; The stationery shop was closed for business so the twins knocked at the door beside the shop[Meave Binchy, 47]; Низомжон шердек бўкириб ўрнидан туриб кетди. У қалт-қалт титрар, кўзлари қинидан чиқай деб опасига ўқрайиб қарар эди [С. Аҳмад, 258]; Жаннат хола ўрнидан турди-да, битта-битта босиб кўча эшигидан ташқарига қаради. - Дала офтобда яширинди. Кимдир тўқ-тўқ теша уриб ишкомга поя кесаяпти. Катта ернинг охиридагитош йўлдан юк машинаси гуриллаб ўтиб кетди [С. Аҳмад, 264]. Мазкур мисоллар кўрсатадики, итератив маъно семельфактив феъл семантикаси ёки контекстдаги қўшимча семельфактив маънога эга бўлган бирлик ёрдамида ифодаланади.

Семельфактив гуруҳига тегишли феъллар ҳаракат семантикасига тегишли саналади. Шунинг учун ҳам мазкур гуруҳга тегишли феъллар итератив вазиятни тасвирловчи ҳодиса сифатида баҳолаш мумкин. Масалан: а) Twice the slender Kennedy, carelessly elegant, tossed the ball.He nodded his ruddy, foxy head high with hair and smiled when he missed. [O'Henry, 58]; б) But he shook his head as if he'd thought better of it and placed a tick alongside the figure [Charlez Frazie, 27]; в) Икром бошини сарак-сарак қилди, жаҳл билан кўкрагига муштлади [Саид Аҳмад, 289]; г) Жаннат хола суратни олиб, дағ-дағ титраб турарди [Саид Аҳмад, 294]. Инглиз тилидаги келтирилган (а) мисолда to toss, to nod семельфактив феъллар итератив вазиятни юзага келтирган. Ўзбек тилидаги (в), (г) мисолларда эса итератив вазият муштламоқ, титрамоқ семельфактив феълларидан ташқари такрорланувчанликка қўшимча стилистик ифода берувчи сарак-сарак, дағ-дағ каби лисоний бирликлар ёрдамида амалга оширилган. Кўринадики, маълум итератив вазиятнинг ифодаланиши инглиз тилида фақатгина феълнинг семельфактив семантикаси билан амалга оширилса, ўзбек тилида ушбу маънони англатувчи феълнинг лексик маъносидан ташқари мазкур маънога эга бўлган тасвирий ифодали бирикмалар ҳам аҳамият касб этади.

Ўзбек тилида итератив маъно товуш ифодасини англатувчи тасвирий воситанин феъл билан бирикиб аналитик шакл қилиши ҳамда давомли замон –ар қўшимчаси қўшилиши орқали ҳам юзага келади. Бунда итератив вазиятнинг вақт кечимидаги давомийлиги юзага келади. Масалан: а) Низомжон кўзини очганда айвонда ҳеч ким йўқ эди. Брезент чодир орқасида кимдир тўқ-тўқ қилиб ўтин ёрарди [Саид Аҳмад, 280]; б) Жаннат хола нима бўлганини билолмай, деворга суянганича дағ-дағ титраб турарди [Саид Аҳмад, 290]. Келтирилган (а) мисолда ёрарди феълидаги - ар кўмакчи феъл давомийлик семантикасини англатиш билан бир қаторда ҳаракатлар квантини кўплигини ҳам ифодалаб келган. Мисолдаги тўқ-тўқ тақлид товуш воситаси ҳам ҳаракатлар кванти, яъни кўплигига ишора вазифасини билдириб келган. Кейинги (б) мисолда ҳам ўхшаш итератив семантика юзага келган.

Инглиз ва ўзбек тилларида бир ёки кўп карралик маъносига эга ҳаракат феъллари лексик жиҳатдан фарқ қилиши мумкин. Хусусан ўзбек тилида чопмоқ ва чопқилламоқ ҳаракат феъллари мавжуд бўлиб, уларнинг иккинчиси, яъни чопқилламоқ оёқ ҳаракати квантига хос лексик маъно мавжуд бўлиб, семельфактив маънога эга. Инглиз тилида ушбу феъллар биргина to run феъли ёрдамида ифодаланади. Ушбу феълга итератив маъно бериш учун қўшимча синтактик бирликлар бириктириш талаб этилади. Албатта, чопқилламоқ феъли ҳаракат усули сифатида баҳоланади, аммо унинг лексикасида оёқ ҳаракатларининг кванти чопмоқга нисбатан аниқроқ англашилади.

Инглиз тилида алоҳида вазиятлар ёки воқеа-ҳодисалар итеративлиги равишлар гуруҳи ёрдамида амалга оширилади. Мазкур ҳодиса инглиз тилидаги чегараланган хусусиятли юриш ҳаракати феълларига хос саналади.Бунда итератив ифода маълум йўналишдаги субъект ҳаракатининг такрорланиши орқали юзага келади. Итеративликни кўрсатгичи сифатида контекстдаги пайт равишлари қатнашади. Масалан: Saturday nights I just move the furniture with sharp corners out of the way, so I won't cut my head when he gets his work in. He's got a left swing that jars you! Sometimes I take the count in the first round; but when I feel like having a good time during the week, or want some new rags, I come up again for more punishment [O'Henry, 169]. Ушбу мисолдаги Saturday nights, Sometimes пайт ҳоли кўрсатгичлари move the furniture, take the count, come up again каби хабитуал воқеа-ҳодисаларнинг итеративлигини билдириб келган.

Кесим билан ифодаланган мазкур воқеа-ҳодисалар алоҳида итератив ҳодисалар сифатида баҳолаш мумкин. Ўзбек тилида пайт равишларидан ташқари ўрин ҳолида келган макон кўрсатгичлари ҳам юриш ҳаракати феълларининг итератив семантика ҳосил қилишида муҳим рол ўйнайди. Қуйидаги мисолларга эътибор қаратамиз: а) Аммо Нзомжоннинг кўзига уйқу келмасди. Хаёли уни ҳали у ёққа, ҳали бу ёққа судраб кетаверди [Саид Аҳмад, 303]; б) Низомжон у ёққа борди, бу ёққа юрди, сал товуш келса дарров аланглайди [Саид, Аҳмад, 241]. Мазкур мисоллардаги у ёққа, бу ёққа, макон ифода воситалар ҳаракатнинг турли тмонга йўналга такрорийлигини ифодалашда асосий кўрсатгич вазифани бажариб келган. Турли йўналишдаги ҳаракатлар итеративлиги эга вазифасида келган отнинг кўплик шаклини қўлланилишида ҳам кузатиш мумкин. Масалан: Тоға атрофни ўраганларга жаҳл билан қаради. Унинг бу қарашидан нима демоқчилигини англаган кишилар секин-секин тарқаб кетишди [Саид Аҳмад, 289]. Ушбу мисолда кўплик шакл шахсларнинг турли йўналишдаги ҳаракатини билдирган ҳамда итератив ҳодисани юзага келтирган. Шунингдек, эганинг кўплик шакли ёрдамида итератив вазият ифодаланиши ҳам мумкин.Масалан: а) Ана шундан кейин бирин-кетин одамлар келиб имзо чекавердилар [Саид Аҳмад, 318]; Зебихон Турсунбойнинг бу қилиғидан ниҳоятда ғазабланган эди. Хўрлиги келиб, ўпкасини тутолмади. Кўзларидан ёш думалайверди, думалайверди...[Саид Аҳмад, 309]. Ушбу мисоллардаги имзо чекавердилар кўплик шакли ва думалайверди феълининг такрорий қўлланиши маълум макондаги вазият билан алоқадор бўлганлиги боис итератив вазият юзага келган. Ўзбек тилида итеративлик ҳодисасини ифодаланишида ядро вазифаси вақт ва макон бирликлари бўлган ҳар куни, тез-тез, гоҳида, баъзан каби равишлар ёрдамида юзага келади. Итератив вазиятнинг ядроси сифатида семельфактив феъллар ҳамда эга вазифасидаги отнинг кўплик шакли дистрибутив ифодани билдириб келган вазиятларни келтириш мумкин. Итератив вазият маълум вақт оралиғида кечадиган бир хилдаги ҳаракатларнинг дистрибуциясини англатса, итератив ҳодиса воқеа-ҳодисаларнинг такрорланиши, одат тусига кирган, яъни хабитуал ҳодисалар итеративлиги ёки ўхшаш бўлган ҳаракатларнинг саналишига нисбатан қўлланилади.

Маълум воқеа-ҳодиса ичидаги итератив маъно ҳамда предикатнинг кўп карралик маъноси ўртасидаги фарқланиш вақт кечими билан белгиланади. Жумладан, вазият ичида ҳаракатларнинг такрорланиши ягона ҳодиса сифатида баҳоланса, вазиятларнинг кўп карралиги алоҳида ўхшаш ҳодисалар тарзида талқин қилинади. Бунда ҳар бир ҳодиса бир-биридан мустақил бўлиш билан бир қаторда бир-бирига боғлиқ саналади. Уларнинг мана шу боғлиқлик натижасида такрорланиш, карралик хусусияти итератив маънони ҳосил қилади.

Вазиятларнинг такрорланиши борасида гап кетганда, воқеа-ҳодиса ичидаги ҳаракатларнинг такрорийлиги ва битта вазиятни кўп бор такрорланишини фарқлаш муаммоли саналади. Бу борада инглиз тилшуноси Б. Комрининг “тасвирнинг секинлаштирилган намойиши” ҳамда итератив вазият билан таққослайди. Муаллиф “тасаввур қилайлик, агар итератив вазият кванти кинопленкага ёзилган бўлса ва у секинлаштирилган кадрда намойиш этилса, семельфактив феъл ушбу тасвирдаги ҳар бир квантни алоҳида тасвирлаш учун қўлланилади [Comrie, 1976]”, деган мулоҳаза билдиради. Мазкур ифода ҳар доим ҳам ва барча тилларга хос бўлмаслиги мумкин. Ўзбек тилидаги қуйидаги мисолга эътибор қаратамиз: Ариқ тепасига ўрнатилган ўнлаб чойхонаю ошхоналарда одамларнинг гангур-гунгури, ошпазларнинг хўрандаларни чақиришлари, ариқни тўлдириб чўмилаётган юзлаб қурувчиларнинг шовқинлари эшитилиб турарди [Саид Аҳмад, 123]. Мазкур мисолда одамларнинг гангур-гунгури, ошпазларнинг хўрандаларни чақиришлари, юзлаб қурувчиларнинг шовқинлари барчалари ўзларининг итератив семантикасига эга бўлиб, маълум вақт кечимида давом этмоқда. Ҳар бири алоҳида итератив вазият сифатида баҳоланиши мумкин.

Инглиз ва ўзбек тилларидаги семельфактив феълларни қиёслаш, ушбу тиллардаги феъл лексемалари лексик-семантик маъноларини кенгроқ ёритиш имкониятларини аниқлаш билан изоҳланади. Ўзбек тилида итератив маънолар феъл лексемалари семантикасида мавжуд. Хусусан, макон доирасида субъект ҳаракатининг турли усулларини ифодалайдиган семельфактив феълларни ҳам тўрт гуруҳга бўлишимиз мумкин. 1) Субъектнинг макондаги

ҳаракатини билдирувчи феъл лексемалари, думаламоқ, юмаламоқ, ағнамоқ, депсинмоқ, тўзғимоқ ва бошқалар; 2) Субъектнинг бирор йўналишидаги итератив ҳаракати маъносини билдирувчи феъл ва қўшма феъллар қатнамоқ, бориб-келмоқ, келиб-кетмоқ, кетиб-келмоқ; 3) Субъектнинг объектга зарб беришида квантатив маънога эга бўлган семельфактив феъллар: урмоқ, дўппасламоқ, таққиллатмоқ, саваламоқ ва ҳакозолар; 4) Субъектнинг макондаги йўналишсиз ҳаракати: сандироқламоқ, тентирамоқ, дайдимоқ ва бошқалар. Инглиз тилида биринчи гуруҳ феълларига to roll, to tiptoe, to marsh мос келса, иккинчи гуруҳ феълларига to visit, to go, учинчи гуруҳга to knock, to tap, to beat, to kick кабилар қиёсланиши мумкин. Аммо, инглиз тилидаги мазкур семельфактив феълларда бир квантли семантика ҳам мавжуд бўлиб, ушбу феъллардаги бир квантлилик ёки кўп квантлилик кнтекст таъсирида аниқланади. Макондаги ҳаракат билан боғлиқ тўртинчи гуруҳга to wander, to brood каби феълларни киритишимиз мумкин. Ўзбек тилида макон доирасидаги итератив маънолар феълларнинг ўз лексикасида бор бўлиб, яъни ҳаракат жараёнидаги квантлар ва йўналишдаги ҳаракатнинг такрорийлиги феъл лексикасида ёки кўмакчи феъл ёрдамида ифодаланса, инглиз тилида эса шу каби итератив ҳаракатлар қўшимча контекстуал белгилар, синтактик бирикмалар ёрдамида ифодаланади. Инглиз тилида ҳаракат жараёнидаги бир ёки кўп карралик маъноларнинг ифодаланиши, феълларнинг акционал хусусиятлари билан ҳам боғлиқ ҳисобланади. Бир карралик итератив феъллар, маълумки қисқа тугал маънони беради. Шу бир карралик итератив феълнинг кўп карраликни ифодалаши контекст доминантлигида амалга ошиб, чегараланмаган акционал хусусиятга эга бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Исаченко А. В. Грамматический строй русского языка в сопоставлении со словацким. Часть II: Морфология. Братислава: Изд-во Словац. Акад. наук, 1960. – 880 с.
2. Comrie, B. Aspect: An introduction to the study of verbal aspect and related problems. Cambridge: Cambridge University Press, 1976. – 142 p.
3. Galton, A. Verb Aspect and Prototype Theory. // Proceedings of the European Conference on Cognitive Science (ECCS’95). Saint-Malo: Arc/Inria, 1995. pp. 121-128.
4. Саид Аҳмад. Уфқ. Тошкент: «Ўзбекистон», 2014. 340 б.
5. Charlez Frazier, Cold mountain. A Division of Random House, Inc. New York. Copyright. 1997. 452 p.
6. O’Henry, Selected stories.–Great Britain. Wordsworth Editions Limited, 1995. – 750 p.



Vosiljonov Azizbek Boxodirjon o'g'li
Farg'ona davlat universiteti magistranti
azizbekvosiljonov@gmail.com

O'ZBEK TILI ELEKTRON KORPUSIDA DIALEKTAL KORPUS YARATISHNING NAZARIY MASALALARI

https://doi.org/10.5281/zenodo.0000000

ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada dialektning ijtimoiy aloqa vositasi sifatida uning ma'lum bir qonuniyatlardan kelib chiqib tadqiq etilishi tahlil qilingan va shevalarni elektronlashtirish masalasi nazarda tutilgan. Jahon ilmiy tajribasini tayangan holda milliy shevalar, xususan, o'zbek tilining Farg'ona shevasi misolida o'zbek tili korpusini yaratishning nazariy-metodologik jihatlariga e'tibor berilgan.

Kalit so'zlar: dialekt, elektronlashtirish, matnlar korpusi, transkripsiya, interfeys, dialektal korpus, onlayn shevalar bazasi

---

Восилжонов Азизбек Боходиржон угли
Магистр Ферганского государственного университета
azizbekvosiljonov@gmail.com

ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ВОПРОСЫ СОЗДАНИЯ ДИАЛЕКТНОГО КОРПУСА В ЭЛЕКТРОННОМ КОРПУСЕ УЗБЕКСКОГО ЯЗЫКА

АННОТАЦИЯ

В данной статье рассматривается тот факт, что диалект как средство социальной коммуникации изучается на основе определенных правил, и изучаются вопросы процесса цифровизации диалектов. Изучив мировой научный опыт, национальные диалекты, в частности, обсудили ввод узбекского языка в ферганский диалект в Интернете.

Ключевые слова: диалект, электроника, корпус текстов, транскрипция, интерфейс, диалектный корпус, онлайн-база данных диалектов

Vosiljonov Azizbek Bokhodirjon oglu
Is a graduate student of Fergana state university
azizbekvosiljonov@gmail.com

THEORETICAL PROBLEMS OF DIALECTAL CORPORATION UZBEK ELECTRONIC CORPORATION

ABCTRACT

This article discusses the fact that the dialect as a means of social communication studied on the basis of certain rules, and the issues of process of digitalization of dialects are studied. Having

studied the world scientific experience, the national dialects, in particular, input of the Uzbek language in the Fergana dialect on the Internet discussed.

Keywords: dialect, electronics, text corpus, transcription, interface, dialectal corpus, online dialect database

---

Har qanday xalq hayotida paydo bo‘ladigan voqea hodisalar dastlab tilning leksikasida aks etadi. O‘zbek xalqi o‘zining tarixiy taraqqiyot jarayonida g‘oyat murakkab va turli bosqichlarni o‘z boshidan kechirdi, turli xalqlar bilan ijtimoiy, siyosiy va madaniy munosabatda bo‘lib, o‘z leksikasini boyitib keldi. Shu sababli o‘zbek tilining lug‘at tarkibi uzoq davrning mahsuli bo‘lib, shu xalqning barcha a’zolari uchun tushunarli, iqtisodiy-ijtimoiy turmushda ko‘p qo‘llaniladigan, aniq ma’no bera oladigan, so‘z yasalishi va yasash uchun asos bo‘ladigan juda boy so‘z va so‘z formalariga, frazeologik birliklari hamda shevalariga egadir. O‘zbek tilining izohli lug‘ati tarkibida milliy tilga kiruvchi adabiy til va shevaga oid 80000 dan ortiq leksikaning izohi berib o‘tilgan, vaholangki, xalqning o‘zligini namoyon qiluvchi dialektal barqaror birliklar tilimizdagi lisoniy birliklarning shakl va mazmuniy imkoniyati keng qamrovli ekanligini ko‘rsatadi.

Tilshunoslikda dialektologiya yo‘nalishi o‘zining taraqqiyot bosqichlariga egadir. Shevalarni o‘rganish turkologiyada Mahmud Qoshg‘ariy (XI asr)ning “Devonu lug‘atit turk” asaridan boshlangan bo‘lsa, xalqning jonli nutqiga qiziqish, umuman, dialektologiya fan sifatida XVII asrning oxirlarida Germaniyada shakllandi. XIX asr oxiri XX asrning boshlarida XX dialektologik atlaslarning dastlabki namunalari yaratildi. Ayni o‘sha davrlardan Germaniya hududida yashovchi mahalliy xalq shevalari yig‘ilib, lug‘atlari tuzilgan. “Nemis tili atlasi” (1826-1926 yillar), “Nemis leksikologik atlasi” (Marburg Nemis dialektologik instituti); Edmon va Jilyeron tomonidan yaratilgan “Fransuz tili atlasi” (12 jild, 1902-1912 yillar oralig‘i); Yud va Yaberg tomonidan nashr etilgan [1].

O‘zbek dialektlarini o‘rganish va ilmiy jihatdan asoslash ishlari esa XIX arsning ikkinchi yarmida “Yosh grammatikachilar” tomonidan amalga oshirildi va shevalarga milliy tilning tabiiiy, to‘xtovsiz, o‘z-o‘zidan rivojlanuvchi tarkibiy qismi sifatida qaraldi [2]. U.D.Polivanov, I.I.Zarubin, V.V.Reshetov K.K.Yudaxin, A.K.Borovkov, G‘ozi Olim Yunusov, F.Abdullayev, Sh.Shoabdurahmonov, A.Shermatov, N.Rajabov, X.Doniyorov, Q.Muhammadjonov, D.Abdurahmonov, B.Jo‘rayev, A.Jo‘rayev, A.Ishayev, N.Shoimova, S.Rahimov, X.Fayziyeva, N.Murodova singari olimlar o‘zbek dialektologiyasining rivojlanishidagi qilgan xizmatlari beqiyos.

O‘zbek dialektologiyasida sheva va dialekt atamalari ma’nosi izohida farqlilik mavjud: sheva forscha ravish, tarz, yo‘sin degan ma’nolarni bildirib, fanda o‘ziga xos leksik, fonetik va grammatik xususiyatlari bilan farqlanib turadigan milliy (xalq) tilning kichik territoriyaga oid qismini anglatadi; dialekt so‘zi yunoncha bo‘lib, sheva degan ma’noni anglatib (aslida qabila tili demakdir), aksariyat til xususiyatlari o‘xshash bo‘lgan shevalarni birlashtiradi [3].

Bugungi kunda ijtimoiy-iqtisodiy hayotning barcha jabhalari rivojlanishini kompyuter texnologiyalarisiz tasavvur qilish qiyin va shu bilan birga lingvistika oldida turgan masalalari yechimida ham asta-sekin kompyuter texnologiyalari yordamida tuzilgan elektron matn korpuslariga murojaat qilish boshlangan. Elektron matnlar korpusi, bu ma’lum bir matnlar yig‘ilmasidan iborat bo‘lib, ularni maxsus belgilangan me’yorga keltirib, strukturaga soladi va fan nuqtayi nazaridan tilning har xil ijtimoiy-hududiy, vazifaviy va yillar kesimi bo‘yicha barcha muqobillarini solishtirish axborot izlash, o‘rganishlar uchun ushbu sistemaning o‘rni beqiyosdir. Til yoki matnlar korpusi bu - mukammal, kompyuter formatidagi, strukturaviy, razmetkali, lingvistika oldida turgan masalalarni yechimini aks ettirgan bazadir [4]. Zamonaviy korpusning alohida xususiyati shundaki, undagi metalingvistik axborotlar belgilangan formatga ega bo‘lib, matn tanlovi taqdimotlanishini amalga oshiradi. Belgilangan me’yorlar, prinsiplar belgisiga ega qidiruv sistemali matnlar yig‘indisi - lingvistik korpusdir.

Milliy til va uning shevalarini informatsion dunyoga olib chiqish, uni elektronlashtirish nafaqat tilshunoslik, balki shevashunos tadqiqotchilar oldida turgan muhim masaladir. Muloqotning turli sohalarida milliy tillarning ishlashini ifodalovchi korpuslar bilan bir qatorda, milliy til doirasida ajralib turadigan alohida lingvistik jamoalardagi muloqotni taqlid qiluvchi korpuslar ham kerak. Bu tipdagi eng muhim til shakllanishlari shevalardir. Dialekt matnlarining mashina fondini yaratish

zarurligi haqidagi g‘oyalar dastavval 1980-yillarda A.S.Gerd va V.E.Goldin tomonidan ilgari surildi [5]. Hozirgi vaqtda dunyo tilshunosligida dialektal nutqning alohida elementlarini ifodalovchi bir qator korpuslar mavjud: dialektal matnlarning xorijiy korpusi (masalan, ingliz dialektlarining Xelsinki korpusi, Kirkning Shimoliy Irlandiya transkripsiyalangan nutq korpusi (NITCS), IViE (ingliz tilidagi intonatsion o‘zgarishlar) korpusi, BBC Voices); rus tili milliy korpusining (RNC) dialekt subkorpusi; Pustosha - Moskva viloyati, Shaturskiy tumani, shu jumladan matnlar - dialektdagi ma'ruzachilar nutqining namunalari shular jumlasidandir. Yuqoridagi dialektal korpuslar shevaga oid birliklardan tashqari, alohidalilik va o‘ziga xoslikni tashkil etgan interfeys va turli xil tilga oid bo‘lmagan ko‘rinishlar: fotosuratlar, video materiallar, diagrammalar, xaritalar, tarixiy, ijtimoiy-madaniy xarakterdagi manbalar, demografik, etnografik va geografik ma'lumotlarni o‘zida ifoda etadi. Xususan, rus tili milliy korpusining (RNC) dialekt subkorpusi foydalanuvchiga turli xil muhim materiallarni o‘rganish va qidirish imkonini berishni nazarda tutadi:

- dialekt nutqining eng muhim turlari (kundalik nutq, folklor, rasmiy, marosim muloqoti sharoitidagi nutq);
- nutqning turli shakllari (dialog, polilog, monolog);
- ma’lum bir qishloq muloqotining turli mavzulari;
- dialektda so‘zlashuvchilarning ijtimoiy farqlanishi (jinsi, yoshi, kasbi, ta'lim darajasi bo‘yicha)

Rus tili milliy korpusining (RNC) dialekt subkorpusi bazasining asosiy birligi – "Record (yozuv)"/ "text (matn)" – uch shaklda saqlanadi: ovozli modul shaklida, audio yozuvning ramziy transkriptiga ega bo‘lgan matnli modul shaklida va belgilangan matnli matn moduli shaklida [6].

Tadqiqotimiz davomida tilshunoslik, shevashunoslik standartlariga javob bera oladigan holda uzbekcorpus.uz o‘zbek tili korpusi platformasi tarkibida onlayn shevalar bazasini yaratishga qaror qildik va ushbu bazaga dastlabki ma’lumotlar ombori sifatida o‘zbek tilining Farg‘ona viloyati shevasini tanladik.

O‘zbek tilining Farg‘ona viloyati shevasi o‘zbek adabiy tiliga tayanch bo‘lgan shevalar guruhiga kirib qolmasdan, ushbu sheva o‘zbek tili tarixida umumxalq o‘zbek tiliga ham asos bo‘lgan shevalardan hisoblanadi [9]. Ayni paytda, uni adabiy til va bu shevalardan ajratadigan farqlar ham mavjud. Bu farqlar ayrim so‘zlarning boshqa ma’noda qo‘llanishida va ba’zan fonetik o‘zgarishlar bilan ishlatilishida ko‘rinadi. Lekin bunday farqli so‘zlar va ularning ma’nolari shevaga xosdek ko‘rinsa-da, aslida umumxalq o‘zbek tilining leksik boyligiga mansubdir.

Biz nazarda tutgan uzbekcorpus.uz [8] o‘zbek tili korpusi platformasi tarkibiga kiruvchi Farg‘ona viloyatining onlayn shevalar bazasini tayyorlashda jahon dialektal korpusi tajribalaridan, shu jumladan, Rus lingvistik ma’lumotlar ba’zasi, Rus xalqi shevalari elektron ba’zasi, Boshqird dialekt ba’zalarining standartlaridan qisman foydalanishni maqsad qildik. Dastlabki vazifa sifatida shevalar ba’zasining interfeysi (interfeys - inglizcha. “piyeggase” so‘zidan olingan bo‘lib, texnik va programmalash vositalari yig‘ilmasi hisoblanib, boshqarish yoki o‘lchash, hisoblashdagi turli vazifaviy qurilmalarning o‘zaro ta’sirini ta’minlab beradi [7]) milliy o‘zlikni ko‘rsatib beruvchi suratlardan foydalanish, o‘ziga xos qishloq hayotini aks ettiruvchi belgilardan iborat bo‘lishi reja qilinadi. Shevalar bazasi tarkibiga kiritiladigan shevalar va ularning ma’nolarini ochib berishda hamda ularning haqiqiyligini taminlash maqsadida shevashunos olimlar va shu hududda yashovchi tub aholining kundalik so‘zlashuv materiallaridan, shoir va yozuvchilar asarlaridan foydalaniladi.

Korpusda shevalar bazasini yaratishning quyidagi lingvistik ma’lumotlari kiritiladi:

1. So‘zlarning umumiy bazasi – ushbu kategoriyada o‘zbek tilining izohli lug‘ati tarkibiga kirgan so‘zlardan foydalaniladi;
2. Shevaga oid birliklar – Farg‘ona viloyatiga kiruvchi ma’lum hududga oid birliklar: so‘zlar, so‘z birikmalari, iboralardan foydalaniladi;
3. Transkripsiya – lotin yozuviga asoslangan xalqaro transkripsiyadan foydalaniladi
4. Matn – asosan, kundalik nutqdan olingan misollar (dialog) keltiriladi;
5. Muallifga oid ma’lumotlar – yosh, hududga tegishliligi, jinsi, kasbi va boshqalar.

Keyingi tadqiqotlar doirasida sheva materiallarining audio va video variantlarini onlayn shevalar bazasi tarkibiga qo‘shish maqsadi ham ko‘zlangan.

Bazadagi ma’lumotlar bazasida so‘zlar qidiruvining taxminiy ko‘rinishi quyidagicha bo‘ladi:

- shevalarning adabiy tildagi muqobili asosida;
- shevaga oid birliklarni qidirish asosida;
- shevaga oid birliklarning transkripsion shaklini qidirish asosida;
- shevaga oid birliklarning matndagi ko‘rinishi asosida;
- shevaga oid birlikning qisman mosligi asosida.

Yuqoridagilarning izohi sifatida shuni ta’kidlash kerakki, shevaga doir birlikning qidiruvi adabiy va transkripsion belgilar shaklida qidirilishi birinchi qulaylik hisoblansa, keyingi imkoniyat sifatida birlikning matn tarkibidagi istalgan qismdan filtrlash orqali topilishini keltirishimiz mumkin.

Xulosa qilib aytganda, o‘zbek tili nihoyatda boy va imkoniyatlari keng til sanaladi. Oldimizda turgan vazifa esa bitta: kompyuter vositasi yordamida tilni tadqiq qilish, o‘rganish, rivojlantirish hamda bebaho xazinamiz sanalgan milliy shevalarni korpus talablari asosida elektronlashtirish va tizimlashtirish asosida o‘chmas qilib muhrlashdir.

Uzbekcorpus.uz o‘zbek tili korpusi platformasi tarkibiga kiruvchi Farg‘ona viloyatining onlayn shevalar bazasini shakllantirish bir necha bosqichli prinsip asosida tashkil etiladi va ketma-ket, tadrijiylik asosida amalga oshiriladi. Ba’zaviy ma’lumotlarning qidiruv tizimi esa foydalanuvchiga hudud shevalarini oson o‘rganishda, o‘qituvchi va o‘quvchilar uchun ta’limiy maqsadlarda foydalanishda, tashrif buyuruvchi sayyohlar uchun hamda o‘zbek tilini o‘rganuvchilar uchun muhim lingvistik imkoniyat sifatida xizmat qiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Reshetov V.V., Soabdurahmonov Sh. O‘zbek dialektologiyasi. –Toshkent, 1978.
2. Ashirboyev S. O‘zbek dialektologiyasi. –T.: 2004
3. Ashirboyev S. O‘zbek dialektologiyasi. – T.:2016
4. Захаров В.П. Корпусная лингвистика: Учебно-метод. пособие. –СПб., 2005.
5. Goldin. Mashina fondi, 1986-1990.
6. https://ruscorpora.ru/поиск в корпусе
7. https://uz.wikipedia.org/wiki/Interfeys
8. https://uzbekcorpus.uz
9. O‘zbekiston Fanlar Akademiyasi. O‘zbek shevalari leksikasi. T.:1966
10. Abdurakhmonova N., Tuliyev U. and Gatiatullin A. "Linguistic functionality of Uzbek Electron Corpus: uzbekcorpus.uz," 2021 International Conference on Information Science and Communications Technologies (ICISCT), 2021, pp. 1-4, doi: 10.1109/ICISCT52966.2021.9670043.
11. Aripov, M., Sharipbay, A., Abdurakhmonova, N., Razakhova B.: Ontology of grammar rules as example of noun of Uzbek and Kazakh languages. In: Abstract of the VI International Conference “Modern Problems of Applied Mathematics and Information Technology - Al-Khorezmiy 2018”, pp. 37–38, Tashkent, Uzbekistan (2018)
12. Abduraxmonova, N. Z. "Linguistic support of the program for translating English texts into Uzbek (on the example of simple sentences): Doctor of Philosophy (PhD) il dis. aftoref." (2018).
13. Abdurakhmonova N. The bases of automatic morphological analysis for machine translation. Izvestiya Kyrgyzskogo gosudarstvennogo tekhnicheskogo universiteta. 2016;2 (38):12-7.
14. Abdurakhmonova N, Tuliyev U. Morphological analysis by finite state transducer for Uzbek-English machine translation/Foreign Philology: Language. Literature, Education. 2018(3):68.
15. Abdurakhmonova N, Urdishev K. Corpus based teaching Uzbek as a foreign language. Journal of Foreign Language Teaching and Applied Linguistics (J-FLTAL). 2019;6(1-2019):131-7.
16. Abdurakhmonov N. Modeling Analytic Forms of Verb in Uzbek as Stage of Morphological Analysis in Machine Translation. Journal of Social Sciences and Humanities Research. 2017;5(03):89-100.
17. Kubedinova L. Khusainov A., Suleymanov D., Gilmullin R., Abdurakhmonova N. First Results of the TurkLang-7 Project: Creating Russian-Turkic Parallel Corpora and MT Systems.

Proceedings of the Computational Models in Language and Speech Workshop (CMLS 2020) co-located with 16th International Conference on Computational and Cognitive Linguistics (TEL 2020) .2020/11: 90-101

18. Abdurakhmonova N. Dependency parsing based on Uzbek Corpus. InProceedings of the International Conference on Language Technologies for All (LT4All) 2019.
19. Mengliev, D.; Barakhnin, V.; Abdurakhmonova, N. Development of Intellectual Web System for Morph Analyzing of Uzbek Words. Appl. Sci. 2021, 11, 9117. https://doi.org/10.3390/app11199117



Abduraxmonova Nilufar Zaynobiddin qizi,
O‘zbekiston milliy universiteti dotsenti,
filologiya fanlari doktori (DSc),
abdurahmonova.1987@mail.ru
Qodirova Zebo Gulboyevna,
O‘zbekiston milliy universiteti 1-kurs magistranti,
qodirovazebo5450@gmail.com

TABIIY TILLAR JARAYONI UCHUN SEMANTIK MUNOSABATLAR TAHLILIDA ONTOLOGIYANING O‘RNI

https://doi.org/10.5281/zenodo.0000000

ANNOTATSIYA

Maqolada O‘zbekistonda ilk bor sohaviy ontologiyani yaratishning ma’lumotlar bazasini loyihalashtirishga doir ilmiy qarashlar tadqiq etilgan. So‘zlarning semantik munosabatlari Protégé texnologiyasida uni loyihalashning dasturiy ta’minot tizimlari strukturasi, tarkibiy qismlari o‘z izohini topgan. Kompyuter tizimlarida bilim tushunchasini ifodalash, deklarativ, protsessual bilimlarning tavsiflashdagi ahamiyati xususida so‘z yuritilgan. Qolaversa, Protégé texnologiyasida soha terminlari ontologiyasining sinf iyerarxiyasini hosil qilish va terminlar orasida munosabatlarni o‘rnatishda Object Properties, Data Properties, Annotation Properties yorliqlarining funksional imkoniyatlari so‘zlarning semantik munosabatlari tahlilida ko‘rsatilgan.

Kalit so‘zlar: Ontologiya, individlar, aksioma, munosabatlar, ma’lumotlar bazasi, OWL, konseptlar, atributlar, iyerarxiya, taksonomiya.

Abdurakhmonova Nilufar Zaynobiddin qizi,
Doctor of science, associate professor at
National University of Uzbekistan,
Doctor of Philology (DSc),
abdurahmonova.1987@mail.ru
Qodirova Zebo Gulboyevna,
1st year master's student of the
National University of Uzbekistan,
qodirovazebo5450@gmail.com

THE ROLE OF ONTOLOGY IN THE ANALYSIS OF SEMANTIC FOR NATURAL LANGUAGE PROCESSING

ANNOTATION

The article examines the scientific views on the design of a database for the first time in Uzbekistan to create a specialized ontology. The semantic relationship of words In Protégé technology, the structure and components of software systems for its design are explained. Expression

of the concept of knowledge in computer systems, the importance of declarative, procedural knowledge in describing. In addition, the functionality of the Object Properties, Data Properties, and Annotation Properties tabs in creating a class hierarchy of field ontology in Protégé technology and establishing relationships between terms is shown in the analysis of semantic relationships of words.

Keywords: Ontology, individuals, axioms, relationships, databases, OWL, concepts, attributes, hierarchy, taxonomy.

Абдурахманова Нилуфар Зайнобиддин кызы,
Доцент Национального университета Узбекистана,
доктор филологических наук,
abdurahmonova.1987@mail.ru
Кодирова Зебо Гулбоевна,
магистрант 1 курса Национального
Университета Узбекистана,
qodirovazebo5450@gmail.com

РОЛЬ ОНТОЛОГИИ В АНАЛИЗИ СЕМАНТИЧЕСКИХ ОТНОШЕНИЙ ПРИ ОБРОБОТКЕ ЕСТЕСТВЕННОГО ЯЗЫКА

АННОТАЦИЯ

В статье рассматриваются научные взгляды на проектирование базы данных впервые в Узбекистане для создания специализированной онтологии. Семантическая связь слов В технологиях Protégé объясняется структура и компоненты программных комплексов для его проектирования. Выражение понятия знания в компьютерных системах, важность декларативного, процедурного знания в описании мира. Кроме того, Функциональность вкладок Свойства объекта, Свойства данных и Свойства аннотации при создании иерархии классов онтологии полей в технологии Protégé и установлении связей между терминами показана при анализе семантических отношений слов.

Ключевые слова: онтология, индивидуумы, аксиомы, отношения, базы данных, OWL, концепты, атрибуты, иерархия, таксономия.

“Ontologiya” atamasi yangi atama emas va falsafada, taxminan, 600 yildan ko‘p vaqt davomida qo‘llangan. Bu atama Marburg shahrida yashagan o‘rta asr faylasufi Rudolf Goklenius tomonidan taklif qilingan. 1613-yilda Gokleniusning mashhur “Falsafiy lug‘at” nomli asari nashr etilgan va u yerda antinomiya atamasi bilan ontologiya atamasi birga qo‘llangan. Ontologiya esa torroq sohani anglata boshladi. “Ontologiya” so‘zi qadimgi yunonchaning ikki ildizidan hosil bo‘lgan til: $\mathit{οντος}$- mavjud bo‘lgan narsa (mavjud) va $\mathit{λογος}$- o‘qitish (fan) ma’nosini beradi [1,14].

Ontologiyaning tarixiy jihatdan o‘rganilishi esa falsafaning metafizika deb nomlanuvchi bo‘limidan kelib chiqqan bo‘lib, u haqiqatning tabiati - mavjud narsalar bilan shug‘ullanadi. Qolaversa, kompyuter tizimlari va dasturlarida “ontologiya” atamasini tushunish falsafiy tushunchadan farqli ekanligiga ma’lum.

Kompyuter ontologiyasi qariyb bundan 30 yil ilgari paydo bo‘lgan. Bu termin ontologiya yoki ontologiya injeneriyasi deb ham nomlanadi. Kompyuter ontologiyasining ikki turi mavjud: 1) ontologiya kategorial analiz sifatida (falsafiy yondashuv); 2) texnologiya sifatida (informatik yondashuv) [2,187]. Bu sohada jahonda qilinayotgan ishlar sirasiga H. Ouchetto O. Ouchetto va O. Roudieslarning maqolasi Ontology-ariented e-gov services retrieval [5], Zemmouchi-Ghomari Leila, Rido Ghomari Abdessomedlarning Ontology versus terminology, from the perspective of ontologists [6], Lee Gillom, Mariam Tariq, Khurshid Ahmadlarning Terminology and the construction of ontology [7], V. Goryunovaning Ontologically – systematized decision-making and intellectual environment of engineering interaction [8] kabi tadqiqotlarini misol keltirish mumkin. Yuqoridagi tadqiqot natijalari e-gov domen ontologiyasini birlashtirgan shaxsiy qidiruv tizimini joriy etish [5], matnlarning ixtiyoriy to‘plamlaridan konseptual iyerarxiyalarni olishda ham statistik, ham lingvistik usullardan foydalanish [7] ni o‘z ichiga oladi.

Kompyuter texnologiyasining asosiy resursi – bu bilimlar bazasiga tayanadi. Bilim – bu agentga (dasturiy ta'minot) tushuntirilishi mumkin bo'lgan narsa bo'lib, ratsional xulq-atvor tamoyillariga muvofiq uning xatti-harakatlarini hisoblash mumkin. Bu nuqtai nazar mantiqiylik jihatidan o'zini oqlaydi. Qolaversa, mashinalarda, inson tushunchasini butunlay qo'llash mumkin emas. Shuning uchun bilim dasturiy ta'minot tizimini yaratuvchi ma'lumot sifatida qaraladi. Bilim tavsifini bilimning o'zidan ajratish zarurligini anglash o'tgan asrning 80-yillari oxirida paydo bo'la boshladi. Ushbu ehtiyojni amalga oshirish bilan birga, kompyuterning intellektual tizimlariga nisbatan "bilim" tushunchasini qayta ko'rib chiqish boshlandi. Bungacha bilim funksional nuqtai nazardan ko'rib chiqilgan.

Fanda "ontologiya" terminining kirib kelishi Tomas Gruber ishi bilan bog'lanadi. Gruber bilimlar bazasi dasturiy ta'minot tizimlarining bir-biri bilan o'zaro ta'siri mexanizmini yaratish bo'yicha muhandislik muammosini hal qildi. Ushbu muammoni hal qilish uchun quyidagi usullar taklif qilingan: bilimlarni boshqarish tizimida deklarativ bilimlar darajasini ajratib ko'rsatish. Deklarativ bilim - berilgan dunyoning tavsifi. Deklarativ bilimlardan farqli o'laroq, protsessual bilimlar esa dunyoni tavsiflash asosida uning ayrim xususiyatlari haqida mantiqiy xulosalar chiqarishdir [1,15]. Boshqacha aytganda, bilimni qayta ishlashdan ajratish taklif qilindi. Bilimlar bazasi boshqa bilimlarni boshqarish dasturlariga o'zining deklarativ bilimlarning tavsifini beradi. Bundan tashqari, bunday tavsif insonga ham, mashinaga ham tushunarli bo'lishi kerak. Tanlangan tavsiflar asosida turli ma'lumotlar bazasida ishlatilishi mumkin bo'lgan ontologik kutubxonalarni yaratish mumkin bo'ladi. Shunday qilib, T. Gruber texnika sohasida ontologiya atamasining muallifi hisoblanadi. Bilim tavsifini qurish vazifasi juda aniq. Gruber hatto ushbu vazifa uchun alohida atama – konseptualizatsiyaning spetsifikatsiyasini ishlab chiqdi. Bu erda konseptualizatsiya odamlar tomonidan maqsadga erishish uchun foydalanadigan dunyoning mavhum, soddalashtirilgan ko'rinishini anglatadi. Konseptualizatsiya vazifasining o'ziga xosligi shundaki, bilim almashish uchun dasturiy ta'minot tizimlari o'rtasida ularni aniq ko'rsatish kerak. Konseptualizatsiya qurish ya'ni ushbu bilimlarning tavsifini tuzish demakdir. Bu esa boshqa tizimlar tomonidan tushunilishi uchun etarlicha bo'lishi lozim. Bunday spetsifikatsiyaning natijasi Gruber tomonidan ontologiya deb nomlangan [1,20].

N. Sukanova tadqiqotida ontologiyaning tarkibiy resurslari esa quyidagicha tushuntiriladi. Ontologiya predmet tushunchalarini tavsiflaydi sohalar, shuningdek, ushbu tushunchalar o'rtasida mavjud bo'lgan munosabatlar ifodasini ko'rsatishga xizmat qiladi. Ontologiya model sifatida muayyan sohaga tegishli tushunchalar yig'indisi hisoblanadi.

O=<X, R, Ф>

X - soha doirasida ontologiyaga taqdim etiluvchi konseptlar (tushuncha, termin) to'plami hisoblanadi. Masalan, "institut" tushunchasi talaba, guruh, fakultet, o'qituvchi, soha so'zlari bilan aloqador.

Konsepsiya – bu qiymat turi va o'lchash usuli bilan tavsiflanadi. Turkumlar, tushunchalar sifatida ishlatiladi va boshqa toifadagi tushunchalarning atributlari imkon beradigan iyerarxiyalarni shakllantiradi.

R - soha doirasidagi konseptlar o'rtasidagi munosabatlar. Masalan, talaba_guruh, guruh_fakultet, talaba_ fakultet

Ф - konseptlar yoki ontologiya munosabatlarining interpretatsiya funksiyalar chekli to'plami hisoblanadi. Interpretatsiya funksiyaning roli shundan iboratki u terminni algoritmik tavsifini ifodalaydi.

Ota=erkak and ota-ona_farzand some Shaxs

Ontologiyadagi barcha munosabatlar to'plami maxsus guruh – taksonomiyaga ajraladi:


O=T=<X, {is_a}, {}>

Toksonomik strukturalar tushunchasi ostida munosabatlar o'rtasidagi iyerarxik tizim tushuniladi. Bu yerda is_a **klass elementi bo'lish yoki klass ichida klass bo'lish degan ma'noni anglatadi.** Is_a **semantik munosabatni bildiradi.**

"**A** element **B** klassning tarkibi hisoblanadi" bu mantiqiy (implikatsiya) formulasi bilan berish mumkin: **A -> B** – Agar **A** bo'lsa, **B** ham bo'ladi. Shunday qilib, ontologiyaning ta'rifidan kelib

chiqadiki, uning asosiy tarkibiy qismlari: sinflar, tushunchalar, munosabatlar, funksiyalar, aksiomalar konseptlar, taksonomiya.

Ontologiyada klasslar individlardan iborat to‘plamlardan tuziladi. Klasslar o‘z ichida ichki klasslarga bo‘linadi.



Bu yerda, Shokirjon, Ruxsora, UzMU, ToshDYU, ota-ona, qarindoshlik – bu individuallik; Shaxs, talaba, oila, ijtimoiy holat esa – munosabatlar.

Umuman olganda, N. Sukanova ontologiyalarni rivojlantirish zaruratini quyidagicha tushuntiriladi:

1) **odamlar yoki dasturiy ta’minot agentlari tomonidan axborot tuzilmasidan umumiy foydalana olish imkonini yaratish;**
2) **terminologiyani ishlab chiqish va boshqarish;**
3) **yuz minglab atamalardan iborat terminologik lug‘atlar va murakkab iyerarxik munosabatlarni qo‘llab-quvvatlovchi tavsif tili;**
4) **fan sohasidagi bilimlardan qayta foydalanish imkoniyati;**
5) **ishonchli semantik asos yaratish;**
6) **fan sohasidagi bilimlarni amaliyotdan ajratish;**
7) **lug‘atdan iborat mantiqiy nazariyani olish va ba’zi bir mantiqiy tildagi bayonotlar to‘plamiga imkon beradi [3,10-11].**

Ontologiyada modelning o‘ziga xos xususiyatlari haqiqiy obyektga (obyekt bilan bog‘liq) o‘xshash bo‘lishi kerak, deb qaraladi. Olimlarning nuqtai nazaricha ontologiya tuzilishining quyidagi to‘rt modeli mavjud:

1) verbal modellar
2) mantiqqa asoslangan modellar
3) struktur modellar
4) gibrid modellar

Ontologiya ontologik modelning interfeys orqali bir nechta ma`lumotlar bazasi iyerarxik tarzda konseptual tuzilmani ta’minlashda ma’lumotlar bazasi sifatida tushuniladi. Ontologiya quyidagi tartibdan iborat: 1) sinflar; 2) atributlar; 3) namunalar; 4) aksiomalar [2,189].

Ontologik tahlil odatda atamalarning lug‘atini tuzishdan boshlanadi, undan ko‘rib chiqilayotgan tizimni tashkil etuvchi obyektlar va jarayonlarning xususiyatlarini muhokama qilish va o‘rganish, shuningdek, ularga aniq ta’riflar tizimini yaratishda foydalaniladi. Bundan tashqari, kiritilgan atamalarga mos keladigan tushunchalar orasidagi asosiy mantiqiy munosabatlar o‘rnatiladi. Ushbu tahlil natijasi tizimning ontologiyasi yoki atamalar lug‘atining yig‘indisi, ular o‘rtasidagi munosabatlarning aniq ta’riflari hisoblanadi. Ontologik loyihalar protégé texnologiyasi yordamida quriladi. Protégé texnologiyasi muhitiga N. Sukanova tomonidan quyidagicha izoh berilgan.

1) istalgan kompyuterga yuklanishi mumkin;

2) formalizmga asoslangan diksriptiv mantiq;
3) soha doirasida tavsif uchun bir o‘rinli va ikki o‘rinli predikatlardan foydalanishda;
4) **OWLda ontologiyani erkin import va eksport qilish mumkin. U OWLda loyihani yaratish, tahrirlash, OWL formatdagi ontologiyani o‘chirish uchun foydalaniladi.**

Ontologiyani yaratish jarayoni quyidagilarni o‘z ichiga oladi:


1) ontologiyadagi klasslarni aniqlash;
2) bir nechta iyerarxik tizimdagi klasslarni boshqarish (klassosti-> klass);
3) klasslararo va klassga tergishli elementlar o‘rtasidagi munosabatlarni aniqlash;
4) klassdagi elementlarning mohiyatini (xarakter, atribut) aniqlashdan iborat.

Protégé texnologiyasi yordamida soha terminlari ontologiyasining sinf iyerarxiyasi (1-rasmda) quyidagicha bo`ladi.



1-rasm
(Sinf iyerarxiyasi.)

Sinf tanlanganda u sub klass hisoblanib, uning tarkibida sinf qo‘shish tugmasi orqali super klass yaratib olish yoki yuqoridagi sinf bilan teng qiymatdagi sub klass hosil qilish mumkin. Ontologiyada iyerarxiyalar munosabatlar asosiga quriladi. Munosabatlar bog‘lanishi protégé texnologiyasida Object Properties, Data Properties, Annatation Properties yorliqlarining funksional imkoniyatlari yordamida amalga oshiriladi. Object properties – obyektlar o‘rtasida mohiyat munosabatlarni, Data properties – aniqlangan ma’lumotlar tiplari munosabatlarini, Annotation properties esa obyektlar o‘rtasida mazmuniy munosabat o‘rnatishga yordam beradi.



2-rasm.
(Sinflar hamda sinflar ichida guruhlar grafiglari ontologiyada quyidagicha ifodalanadi.)

Ontologiya bo‘yicha tadqiqotlar kompyuter fanlari hamjamiyatida tobora kengayib bormoqda va uning ahamiyati ko‘plab sohalarda e’tirof etilmoqda. A.N. Mozolevskaya, E.I. Molchanova, N.F.

Gusarova, V.V. Sysoevaa, Ivashenko V.P, O.A. Nevzorova, V.N. Nevzorov kabi tadqiqotchilar ishida ontologik madellashtirish, ontologik tuzilmalar, sistema strukturasi, iyerarxik munosabatlar, asotsatsiyaviy bog‘liqlik, konseptlar va boshqa masalalari o‘z aksini topgan.

Ontologiyani barcha sohalarda qo‘llash mumkin. Umumiy tasniflar, guruhlar, sinflararo munosabatlar zanjirsimon tizim mohiyatiga yetib borishni osonlashtiradi, bilim sohalarini aniqlaydi, boshqa sohalar bilan bog‘laydi hamda asosiy atamalar bilan belgilaydi. O‘zbekistonda sohaviy ontologiya yaratilib NLPga yo‘naltirilganda barcha sohalar uchun fundamental asos bo‘lib xizmat qiladi. Ontologiyaning rivojlanishi esa kelajakda barcha sohalarning o‘zaro bog‘liqligini ta’minlaydi. Kompyuter tizimlari hozirgi kunda shiddat bilan rivojlanmoqda bu o‘z-o‘zidan termindan tezaurusga, tezaurusdan ontologiyalarga o‘tilish davrining jadallashganidan darakdir. Sohaviy ontologiyaning yaratilishi kompyuter dasturiy ta’minot tizimlarida istiqbolli yo‘nalish hisoblanadi. Tabiiy tilda taqdim etiladigan ma’lumotlarni zamonaviy usullar orqali qayta ishlash, boyitib borish imkonini beradi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Лапшин В.А. Онтологии в информационных системах. – Москва, 2009. – 272 с.
2. Abduraxmonova N.Z. Kompyuter lingvistikasi [Matn] : darslik - Toshkent: Nodirabegim, 2021. – 394 b.
3. Цуканова Н. И. Онтологическая модель представления и организации знаний. Учебное пособие для вузов. – М.: Горячая линия – Телеком, – 2015. – 247 с.
4. Невзорова О.А. Онтолингвистические системы: технологии взаимодействия с прикладной онтологией /О.А. Невзорова // Ученые записки Казанского государственного университета. Серия физико-математические науки. – 2007. – 8 с.
5. Ouchetto H., Ouchetto O. and Roudies O. Ontology-ariented e-gov services retrieval. International Journal of Computer Science Issues № 9 (2) – 2012. – 8 p.
6. Zemmouchi-Ghomari Leila, Rido Ghomari Abdessomed Ontology versus terminology, from the perspective of ontologists. International Journal of Web Sceince. – 2012. – 18 p.
7. Lee Gillom, Mariom Tariq, Khurshid Ahmad Terminology and the construction of ontology. Terminology № 11(1). – 2005. – 17 p.
8. Goryunova V. Ontologically – systematized decision- making and intellectual environment of engineering interaction. Advances in Computer Science Research (ACSR) ,Volume 72. // IV International Research Conference “ Information Technologies in Science, Management, Social Sphere and Medicine” // (ITSMSSM 2017). – 6 p.
9. Ontology of grammar rules as example of noun of Uzbek and Kazakh languages. In: Abstract of the VI International Conference “Modern Problems of Applied Mathematics and Information Technology - Al-Khorezmiy 2018”, pp. 37–38, Tashkent, Uzbekistan (2018)
10. Abduraxmonova, N. Z. "Linguistic support of the program for translating English texts into Uzbek (on the example of simple sentences): Doctor of Philosophy (PhD) il dis. aftoref." (2018).
11. Abdurakhmonova N. The bases of automatic morphological analysis for machine translation. Izvestiya Kyrgyzskogo gosudarstvennogo tekhnicheskogo universiteta. 2016;2 (38):12-7.
12. Abdurakhmonova N, Tuliyev U. Morphological analysis by finite state transducer for Uzbek-English machine translation/Foreign Philology: Language. Literature, Education. 2018(3):68.
13. Abdurakhmonova N, Urdishev K. Corpus based teaching Uzbek as a foreign language. Journal of Foreign Language Teaching and Applied Linguistics (J-FLTAL). 2019;6(1-2019):131-7.
14. Abdurakhmonov N. Modeling Analytic Forms of Verb in Uzbek as Stage of Morphological Analysis in Machine Translation. Journal of Social Sciences and Humanities Research. 2017;5(03):89-100.
15. Kubedinova L. Khusainov A., Suleymanov D., Gilmullin R., Abdurakhmonova N. First Results of the TurkLang-7 Project: Creating Russian-Turkic Parallel Corpora and MT Systems. Proceedings of the Computational Models in Language and Speech Workshop (CMLS 2020)

co-located with 16th International Conference on Computational and Cognitive Linguistics (TEL 2020) .2020/11: 90-101

16. Abdurakhmonova N. Dependency parsing based on Uzbek Corpus. InProceedings of the International Conference on Language Technologies for All (LT4All) 2019.



Emrah Yilmaz
Samarqand davlat universiteti filologiya fakulteti
O‘zbek tilshunosligi kafedrasining mustaqil izlanuvchisi
emraylmz@gmail.com

MAXTUMQULI FIROG‘IY DEVONIDAGI FRAZEOLOGIZMLARNING LEKSIKOLOGIK XUSUSIYATLARI

https://doi.org/10.5281/zenodo.0000000

ANNOTATSIYA

Kundalik hayotdagi kommunikatsion jarayonlarning ajralmas unsuri bo‘lgan frazeologizmlar (iboralar) tilning madaniy boyligidan mustahkam o‘rin olgandir. Iboralar orqali tilning ma’no ifodalash kuchi va imkoniyatlarini; shu tilda so‘zlashuvchilarning tafakkur kuchi va lisoniy psixologiyasi; xalqning tarixi, u yaratgan o‘ziga xos sivilizatsiyasi va turmush go‘zalliklarini o‘rganish mumkin. So‘zlarning kontseptual o‘lchami bilan o‘ylagan inson o‘z ona tili oynasi orqali dunyoni idrok qiladi, uning ma’nolarini anglaydi va kuzata boshlaydi. Demak, tilning ifoda etuvchi kuchi va kontseptual boyligi, milliy madaniyatning tuzilishi, xalqning e’tiqodi, an’analari, tarixni va tabiiy hodisalari, kishilarning hayotga bo‘lgan munosabati va reflekslari tilda to‘la aks etadi. Tilni to‘liq tushunish uchun uning iboralarini mutlaqo o‘rganish kerak. Ushbu tadqiqotda turkman xalq shoiri va mutafakkiri Maxtumquli Firog‘iyning iboralari turli manbalardan foydalangan holda sintaktik nuqtai nazardan muhokama qilindi.

Kalit so‘zlar: Maxtumquli Firog‘iy, ibora, frazeologizm, frazeologik birliklar, leksikologiya, sintaksis.

Emrah Yilmaz
Independent researcher at the Department of Uzbek Linguistics,
Faculty of Philology, Samarkand State University

LEXICOLOGICAL FEATURES OF PHRASEOLOGIES IN MAKHTUMKULI FIROGI'S DEVON

ABSTRACT

Phraseologisms (phrases), which are an integral element of communication processes in everyday life, have a strong place in the cultural richness of the language. Through phrases the power and capacity of language to express meaning; the power of thought and linguistic psychology of speakers of that language; the history of the nation, the unique civilization it created, and the beauties of life can be explored. A person who thinks with the conceptual dimension of words perceives the world through the window of his native language, understands its meanings and begins to observe. Thus, the expressive power and conceptual richness of language, the structure of national culture, beliefs, traditions, history and natural phenomena of the people, people's attitudes to life and reflexes are fully reflected in the language. To fully understand a language, one must absolutely study its

phrases. In this study, the phrases of the Turkmen folk poet and thinker Makhtumkuli Firogi were discussed from a syntactic point of view using various sources.

Keywords: Makhtumkuli Firogi, phrase, phraseology, phraseological units, lexicology, syntax.

Эмра Йилмаз
Независимый научный сотрудник кафедры
узбекского языкознания филологического факультета
Самаркандского государственного университета

ЛЕКСИКОЛОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ФРАЗЕОЛОГИЙ В ДЕВОНЕ МАХТУМКУЛИ ФИРОГИ

АННОТАЦИЯ

Прочное место в культурном богатстве языка занимают фразеологизмы (словосочетания), являющиеся неотъемлемым элементом коммуникативных процессов в быту. Через фразы сила и способность языка выражать смысл; сила мысли и лингвистическая психология носителей этого языка; история нации, уникальная цивилизация, которую она создала, и красота жизни могут быть исследованы. Человек, мыслящий понятийным измерением слов, воспринимает мир через окно родного языка, понимает его значения и начинает наблюдать. Таким образом, в языке в полной мере отражаются выразительная сила и смысловое богатство языка, структура национальной культуры, верования, традиции, история и природные явления народа, отношение людей к жизни и рефлексы. Чтобы полностью понять язык, нужно обязательно изучить его фразы. В этом исследовании, фразы туркменского народного поэта и мыслителя Махтумкули Фироги обсуждались с синтаксической точки зрения с использованием различных источников.

Ключевые слова: Махтумкули Фраги, словосочетание, фразеология, фразеологические единицы, лексикология, синтаксис.

KIRISH

Har bir tilning lug‘atidagi iboralarga alohida ahamiyat beriladi. Ayrim idiomalarning fonida “umumiy tajribalar va shaxsiy tajribalar” bo‘lganligi sababli, asosiy voqea vaqt o‘tishi bilan ijtimoiy zamindan ajratilib, sirli xususiyatga ega bo‘ladi. Shu xususiyati tufayli idiomalar tilshunoslikda doimo diqqat markazida bo‘lib kelgan. Idiomalarning ijtimoiy asoslarini hisobga olgan holda; bir hodisa yoki vaziyat oldida epchil aql mahsuli sifatida qabul qilishimiz mumkin bo‘lgan tez zehnlilik refleksi natijasida va ifodani kuchaytirish maqsadida paydo bo‘lgan deyishimiz mumkin.

Frazeologiyaning asoslari 19-asrning 2-yarmidan boshlab Potebnya, Fortunatov kabi tilshunos olimlar tomonidan qo‘yilgan. Bu sohadagi tadqiqotlar Otto J. Espersen va Charles Balli kabi yevropalik tadqiqotchilar tomonidan ilgari surilgan qarashlar bilan yanada rivojlantirildi [Okson 1996: 171]. Dunyoda idiomalarga oid ilk tadqiqotlarning daniyalik tilshunos Otto J. Espersen tomonidan ilgari surilgan qarashlar bo‘lganligi aytiladi. Espersen, iboralarni “erkin va birinchi qarashda tushunishni qiyin bo‘lgan narsalar deb belgilaydi [Stomatov 2007: 3].

Frank Robert Palmer esa o‘zining “Semantika” [1990: 98] nomli asarida idiomalarni ham funktsional, ham semantik jihatdan bir so‘z kabi elementlariga ajratmasdan o‘ylash kerakligini ta’kidlaydi. Bundan tashqari, idiomalar faol tuzilmalar bo‘lganligi sababli o‘tgan zamonda flektiv bo‘lishi mumkin emasligiga e’tibor qaratadi. Xalq xotirasidagi muhim voqealar; til, adabiyot, maqol va iboralar albatta tarqaladi. Shuning uchun, ba’zi idiomalarda tushuntirish kerak bo‘lgan maxsus hikoya bo‘lishi mumkin. Kundalik hayotning ajralmas qismi bo‘lgan va til lug‘atining muhim elementini tashkil etuvchi idiomalar ma’lum manbalarga ega. Rus tilshunosi A. Reformatskiy idiomalarining elementlari; folklor, adabiy manbalar, mifologiya, tarixiy voqealar, oddiy xalq nutqlari va diniy kitoblar sifatida oltita asosiy guruhda baholanadi [Boboyev 1962: 42]. Frazeologizmlar ma’nosi uning tarkibiy qismlarining ma’nolaridan qanchalik ko‘p farq qilsa,

semantik birikuv darajasi shunchalik yuqori bo‘ladi. V.V.Vinogradov frazeologizmlarni uch sinfga tasniflaydi:

1. Frazeologik chatishmalar (phrazeological fusions).
2. Frazeologik qo’shilmalar (phraseological units).
3. Frazeologik birikmalar (phraseological collections or combinations) [Eshboltayev 2021: 273].

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODLAR

Ma’lumki, til fanining iboralarni o‘rganadigan bo‘limi frazeologiya deb ataladi. Frazeologizm qadimgi grek tilidan olingan bo‘lib, frasis-ibora, logos-tushuncha, ta’limot demakdir. Frazeologizmni tilning leksik-semantik va sintaktik sathlaridan farq qiluvchi alohida sathga xos birlik deyish frazeologik normani ham adabiy tilning boshqa normalari qatorida hisobga olishni talab etadi [Bekiyeva 2022: 393].

Turkiy adabiyotdagi idiomalar haqida Mehmet Soid Tekezoda, Mustafo Nihat O‘zon, Emin O‘zdemir, Mehmed Ertug‘rul Sarachboshi, Ibrohim Minnetog‘li, O‘mar Osim Oksoy, Do‘g‘an Okson kabi tadqiqotchilarning muhim tadqiqotlari bor. Shunday frazeologizm tadqiqotlari turkman adabiyotida Xoji Boyliyev, Pigam Ozimov, Kakajon Boboyev, B. Sehedov, J. Kuliyev; o‘zbek adabiyotida esa Shavkat Rahmetullayev, G. A. Bayramov, G. X. Axunzyakov, V. G. Uraksin, M. Sodykova, G‘. Salomov, N. Turopova, A. Mamatov, B. Yo‘ldoshev, Malika Bekiyeva kabi tadqiqotchilarning fidokorona mehnati bilan ishlab chiqilgan va shakllangan. Bu kontekstda O‘mar Osim Oksoy idiomaga shunday ta’rif beradi: bir tushunchani, bir vaziyatni jozibali ifoda bilan yoki bu maxsus tuzilmada ishora qiluvchi va ko‘pchilikning lug‘aviy ma’nolaridan tashqari ma’noga ega bo‘lgan qoliplashgan so‘z to‘plami yoki jumladir [Oksoy 1998: 52]. Idioma va semantika sohasida ko‘plab asarlari mavjud bo‘lgan Do‘g‘an Oksonning fikricha, idioma ma’lum bir tushunchani, ma’lum bir his-tuyg‘u yoki vaziyatni ifodalash uchun bir nechta so‘zlarning konnotatsiya sifatida qo‘llanilishi natijasida hosil bo‘lgan so‘zdir [Okson 2009: 35].

Shavkat Rahmetullayevning 1978-yilda tayyorlangan «O‘zbek tilining izohli frazeologik lug‘ati» bilan 1992-yilda nashr etilgan «O‘zbek tilida fe’l frazemalarning bog‘lashuvi» nomli asarlari o‘zbek iboralari bir butun sifatida ko‘rib chiqilgan birinchi va keng qamrovli tadqiqotlardan biridir. Muallif asarning kirish qismida idiomaning kamida ikkita alohida so‘zdan (leksemadan) iborat ekanligini katta til birligi sifatida ta’kidlaydi. Idiomalarning semantik va grammatik tabiati haqida qisqacha ma’lumot berib, so‘z birikmasi ifoda rejasi deb ataladigan leksik (leksema) va semantik (morfema) birliklarini misollar bilan izohlab beradi [Rahmetullayev 1978: 3-4]. Idiomalarning semantik tabiati bo‘limida ma’no, polisemiya, sinonim, antonim, omonim tushunchalariga e’tibor qaratadi. Idiomalarning grammatik tabiati bo‘limida esa ichki sintaktik qurilish, paradigmatik forma, sintaktik qurshov, variatsiya mavzularni tekshiriladi [Rahmetullayev 1992: 3-10].

Yuqorida turkologlarning umumiy holda idioma haqidagi izohlariga nazar tashlasak; idiomalarni tashkil etuvchi tushunchalar haqiqiy ma’nosidan tashqarida qo‘llanishi, ta’sirchan ifoda kuchiga ega bo‘lishi va maxsus ifoda qoliplari bilan berilganligi haqida fikr almashishi ko‘rinadi. Viktor Viladimir Vinogradov idiomalarning umumiy belgilarini quyidagicha tasniflaydi: 1-Idiomalarni hech qachon semantik jihatdan ajratib bo‘lmaydi. 2-Idiomalarni so‘zlarning konseptual o‘lchamidan emas, balki ular yaratgan yangi ma’nolari bilan bir butun sifatida ko‘rib chiqish kerak. 3-Idiomalar o‘z-o‘zidan ma’noga ega bo‘lmagan so‘zlardan ham iborat bo‘lishi mumkin. 4-Idiomalar ta’sirchan ifodaga ega maxsus qolip so‘zlardir. 5-Idiomalarni tashkil etuvchi so‘zlarning o‘rnini o‘zgartirib bo‘lmaydi. 6- Idiomalarni boshqa tilga so‘zma-so‘z tarjima qilib bo‘lmaydi. [Boboyev 1962: 34].

MUHOKAMA VA NATIJALAR

Bu yerda Maxtumquli she’rlarining o‘zbek tiliga tarjimasi uchun Mirzo Kenjabekning “Saylanma-Maxtumquli” nomli asaridan, idiomalarning ma’nosi va tahlili uchun esa Emrah Yilmazning “Maxtumquli asarlarning idiomalar lug‘ati” nomli kitobdan foydalanilgan.

Idiomalarning “sintaksisi nuqtai nazaridan” umuman ot-aniqlovchi, sifatlovchi-aniqlovchi, ravish, infinitiv va kesimli gaplarda qo‘llanishi, semantika nuqtai nazaridan esa o‘xshatish, ko‘chirish, qoliplashgan ifoda birliklarida ifodaga o‘zgacha kuch qo‘shuvchi ta’sirchan va badiiy

ifoda unsuri sifatida qo‘llanishi e’tiborni tortadi. Bu yerda idiomalar sintaksis nuqtai nazaridan muhokama qilinadi.

1- So‘z Bo‘laklaridan Tuzilgan Idiomalar

Jon qushi, ko‘ngil qushi, g‘aflat uyqusi, hijron yeli, davlat kulohi va boshqalar.

Jon qushi bu tanda besh kun mehmondir [132]. Insonning dunyoda o‘limli ekanligini tushuntirish uchun mo‘ljallangan bu idiomada; jon qush, tan esa qafas deb hisoblangan.

Ko‘ngil qushi parvoz urar faqirning [18]. Ko‘ngilda yaxshi his-tuyg‘ularga ega bo‘lish, yaxshi orzular ko‘rmoq ma’nosini bildiruvchi bu idiomada; ko‘ngil qushdek tasavvur qilingan.

Шу тариқа олим ўз изланишлари билан мумтоз адабиётни тадқиқ этувчи мутахассис сифатида адабиётшунослик оламига кириб келди. Академик Бахтиёр Назаров олим ижодига шундай баҳо беради: "Иброҳим Ҳаққулнинг айниқса, мумтоз адабиётимиз муаммоларига бағишланган тадқиқотлари ўзининг ранг-баранглиги, назарий талқинларга бойлиги билан ажралиб туради. Умуман, олимнинг бу борадаги фикр юритиши ва мушоҳада этиш йўсини ўткир ҳиссиёти билан, чуқур дарди билан, асосан асардаги бирорта дарднинг поэтик намоён бўлиш ҳусусиятларини аниқлашга ҳаракат қилиниши билан, бадиий асар фалсафасининг зоҳир бўлишида санъаткор маҳорати ва шу маҳоратни белгилашдаги бадиият жозибаларини очишга қаратилгани билан ажралиб туради". Олим таҳлилларининг теранлиги, ранг-баранглиги ва жозибаси бежизга эмас, албатта. Бу унинг тафаккури ва илмий дунёқарашининг ниҳоятда бойлигида. Шу сабаб у ҳар бир масалага муносабат билдирар экан илмий асосларнинг мустаҳкамлигига алоҳида аҳамият қаратади.

Олим мумтоз адабиёт тарихи, тасаввуф шеърияти, Аҳмад Яссавий, Алишер Навоий ижодига бағишланган тадқиқотлари орқали йирик ва зукко адабиётшунос сифатида танила борди. Олим қайси масалага эътиборини қаратмасин, ижтимоий ҳаёт ва давр эҳтиёжидан келиб чиқади. Шу жиҳатдан унинг тасаввуф ва адабиёт муносабатлари, ўзбек тасаввуф адабиётига хос бош хусусият ва фазилатларига доир фикр-мулоҳазалари ҳам диққатга сазовор. Чунки олим бу мавзуга қўл урган пайтда тасаввуфнинг Шарқ халқлари тафаккури такомилида тутган ўрни масаласи илмда кам ўрганилган эди. И.Ҳаққулов илк бор тасаввуф ва шеърият муносабатларининг ўзбек адабиётида намоён бўлиш даражасини тадқиқ этди. "Тасаввуф шеърияти инсоннинг руҳий ҳаёти, юксак ва мураккаб психик ҳолатларини чуқур тадқиқ этган шеърият" деган хулосага келади. Унинг, айниқса, ўзбек тасаввуф шеърияти тараққиёти, етакчи тамойиллари хусусидаги умумлаштирувчи илмий-назарий фикрлари адабиёт илми тараққиётида муҳим ўрин тутади. Тасаввуф алломалари ижоди тадқиқига тўхталганда, олимнинг яссавийшунослик тараққиётига қўшган улушини таъкидлаш жоиз. Мустақиллик йилларида яссавийшуносликнинг юқори босқичларга кўтарилиши учун амалга оширган ишлари таҳсинга сазовор. Унинг яссавийшуносликдаги тадқиқотлари қуйидаги жиҳатлари билан аҳамиятли:

1. Олим Аҳмад Яссавий ҳаёти ва фаолияти борасидаги кўплаб янги илмий далилларни кенг жамоатчиликка тақдим этди.
2. Биринчилардан бўлиб ўзбек адабиётида полифоник тафаккур Аҳмад Яссавийдан бошланиб, Навоий шеъриятида юксак босқичга кўтарилган деган қарашни илгари сурди.
3. Ўзбек адабиётида Ватан ҳақидаги фалсафий фикрлар Аҳмад Яссавий фикрларидан бошланганлигини теран таҳлиллар орқали изоҳлади.

Олим ижоди, унинг ўзига хосликлари борасида гапирганда, кўпчилик адабиётшунослар унинг навоийшуносликка қўшган ҳиссаси ва тасаввуф адабиётининг билимдони эканлигига алоҳида урғу берадилар. Ҳақиқатан, И.Ҳаққулнинг бу борада олиб борган фаолияти янгича йўналишда эканлиги эътиборга молик. Адабиётшунос Эргаш Очилов олимнинг навоийшунослик фаолияти ҳақида сўз юритиб, шундай дейди: "Ўз тадқиқотлари орқали Навоий ва замон орасидаги масофани қисқартирди. Иброҳим Ҳаққул мумтоз адабиётни

ўқувчи кўнглига сингдириш йўли ва усулини топди – унинг муваффақияти ва китобларининг шуҳрати шунда.

Бир умр Навоий ижоди билан шуғулланиб келган Иброҳим Ҳаққул умрининг етуклик палласида кутилмаганда "Навоийга қайтиш" туркумида китоблар эълон қила бошлади. Ҳамма ҳайрон:

– Нега энди Навоийга қайтиш?

Бунинг изоҳи оддий: нуктадон олим бизни Навоийга қайтишга, буюк сўз санъаткорининг бепоён бадиий оламини кашф этишга, бетакрор ижод мактабидан ўрганишга, асарлари мазмун-моҳиятини теран кашф этиб, меросини муносиб баҳолашга чорлаяпти. Чунки биз шу пайтгача Навоий асарларини қандай талқин ва тарғиб қилганимиз, қанақа ёлғонларни тўқиб-бичганимиз, ўзимизнинг кўз илғамас қаричимиз ва маҳдуд қарашларимиз билан бу беқиёс бадиият оламини шундоққина қўл чўзса етадиган кичик ва тор бир ҳужрага айлантирганимиз сир эмас". Ўзбек адабиётшунослигида Алишер Навоийни ўрганиш, таҳлил ва талқин этиш йўналиши доим бўлган. Бироқ Иброҳим Ҳаққул улуғ шоир ижодини халққа яқинлаштирди. Уни осон усулларда, қизиқарли тил орқали тушунтира олди. Китобхон наздида жуда мураккаб бўлган Навоий жумлаларини олим талқинлари орқали енгил ўрганиш, қабул қилиш имкони пайдо бўлди. Талқин ва таҳлиллар содда ва равон бўлиш билан бир қаторда теранлиги билан эътирофга сазовор. Иброҳим Ҳаққулнинг Навоий ижодига доир тадқиқотлари муваффақиятини таъминлашда қуйидаги икки жиҳатнинг ҳам ўрни бор: биринчидан, олим Навоий меросига улкан муҳаббат билан ёндашиб, шоир руҳияти ва қалбига чуқурроқ кириб боришга интилади, иккинчидан, ҳар бир масалага бугунги замон талаби, даврнинг нигоҳи билан қарайди. Натижада Навоий ижодининг барча замон ва маконлар учун долзарб бўлган ўлмас моҳияти кашф этилади, уни ўрганиш халқимиз учун зарурий эҳтиёж эканлиги кўрсатилади.

Бадиий сўз санъати тараққиётини адабий алоқа ва ўзаро ҳамкорликсиз тасаввур қилиш қийин. Хусусан, мустақиллик йилларида қардош халқлар адабиётини ўрганиш, таҳлил ва талқин этиш жараёнларида ҳам янги босқич бошланди. И.Ҳаққулов бу борада ҳам самарали ижод қилаётган олимлардан бири. Унинг мақолалари орасида бир қатор бир қатор бошқа миллат адабиёт вакилларининг ҳам ижоди таҳлил ва талқин этилган. "Асрори Халлож" – Мансур Халложга бағишланган бўлиб, унга Насимийнинг Мансур Ҳаллож ҳақидаги бир байт эпиграф қилиб олинган. Аксарият мақолаларни олим эпиграф билан бошлайди. Бу И.Ҳаққулов услубига хос хусусиятлардан биридир. Мақола аввалида танқидчи маънан кучли шахс қандай бўлиши лозимлиги, ҳаётга мустақил назар билан боқиши лозимлиги, ҳақиқатни излаш ҳақидаги мулоҳазаларини билдириб, айнан шу мақсад сабаб тасаввуф юзага келганлигини ўқувчига тушунтиради. Тасаввуфнинг мақсади ва моҳиятини бироз англатгач, ўқувчига Мансур Ҳалложни танитади. "Ҳалложнинг басират кўзи очиқ, руҳи ёруғ эди. Зулм ва жаҳолат зулматига кўникишни истамасди у. Инсонни ўлдириш – уни енгиш эмаслигини тўла-тўкис англар, шу боис кўнглида ишқ ва виждон шуъласи барқ урар эди. Унда дор қўрқувидан асар ҳам сезилмас – у озод ориф, маст ошиқ эди". Олимнинг ушбу хулосалари тасаввуфни чуқур билиши ва шу орқали Ҳалложни тушунганлиги ҳосиласидир.

Озарбайжон халқининг довруғдор фарзанди Муҳаммад Фузулийга бағишланган мақолада ҳам турк тасаввуф адабиётининг етук намоёндаси Юнус Эмро ижодидан эпиграф танланганки, у ҳам шакл ҳам мазмун жиҳатидан Фузулий ижодига муштарак. "Фузулийни англаш, у яратган нафосат ва гўзаллик оламига кириш осон иш эмас. Бунинг учун ўткир идрок ва қобилият, алоҳида қунт ва меҳнат зарур..." дея олим ўқувчини Фузулий ижодига янада чуқурроқ киришга, ўз устида ишлашга даъват этади.

Шарқ мумтоз адабиётининг етук ижодкори Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоий муносабатлари жаҳон адабиётшунослигида ҳам ўзбек адабиётшунослигида ҳам атрофлича ўрганилиб, тадқиқ этилган. Бу борада, айниқса, тожик олими А.Мирзоевнинг "Алишер Навоий ва Абдураҳмон Жомий", рус шарқшуноси Э.Бертельснинг "Навоий ва Жомий" китоблари, эрон олими Али Асғар Ҳикмат, ўзбек адабиётида эса А.Қаюмов, Р.Воҳидов, Д.Салоҳий каби олимларнинг тадқиқот ва мақолалари аҳамиятли. Шундай бўлса-да, бу

масаланинг ҳали ўрганилмаган, икки даҳо ижодкор шахсиятига доир очилмаган қирралари жуда кўплигини адабиётшунос олим Иброҳим Ҳаққулнинг бир қатор мақолаларида Жомий ва Навоий муносабатлари, улар шахсияти ва ижодидаги муштарак жиҳатларини ёритишида кўриш мумкин.

Иброҳим Ҳаққул Жомий ва Навоийни бир-бирига боғлаган ришталар дўстлик, сафдошлик, устозу шогирдлик, издошлик, маънавий-руҳий бирлик кабиларга тўхталади, устоз фаолияти, ижоди, шахсиятига доир жуда кўплаб маълумотлар келтирилади. И.Ҳаққул услубининг ўзига хос жиҳатларидан бири айтилган ҳар бир мулоҳазанинг далилланишидир. Ушбу мақолада ҳам бу яққол кўринади. Чунончи, олим "Хамсат ул-мутаҳҳайирин" асарига муносабат билдириш орқали Навоий ижоди Жомий шахсини ўрганишнинг муҳим манбаси эканлигини кўрсатиб беради. Жомий ва Навоийни янада яқинлаштирган нақшбандия тариқати, унга Жомийнинг муносабати ҳам олим диққатини тортади. Жомий нақшбандия атамасини илк бор қўллаганини таъкидлаб, уни "тариқат сулукининг ҳам назариётчиси, ҳам амалиётчиси, ҳам тарғиботчи ва обрў-эътиборли пешвоси" дея таърифлайдики, китобхон Жомий ва Навоий шахсиятидаги муштаракликлар баробарида Жомий ижодини ўрганган олимлар билан, тасаввуф таълимотига доир назарий маълумотлар ва Жомий ҳаётига доир ибратли ривоят ва ҳикоялар билан танишади. Бу каби **кенг кўламлилик хусусияти** И.Ҳаққуловнинг аксарият мақолаларига тегишли эканлигини таъкидлаш ўринли. Бу икки ижодкор шахсияти ҳақида фикр билдирадиган олимдан форс-тожик тилини ҳам пухта билиш талаб этилади. Мақолада келтирилган шеърий парчалар шарҳида И.Ҳаққулнинг бу тилни нақадар пухта билиши яққол кўриниб туради. Абдураҳмон Жомий шахсияти ва ижодининг Навоий ижодига таъсири борасида Иброҳим Ҳаққулнинг Навоийга бағишланган адабий суҳбатларида, мақолалари, ғазаллари, қитъалари таҳлилида ҳам учрайди. Олимнинг теран мушоҳадалари китобхонни икки ижодкор асарлари билан ҳам тўла танишишга даъват этади.

И.Ҳаққулов ўзбек ва бошқа халқлар адабий алоқаларини ривожлантириш борасида сермаҳсул ижод қилаётган етакчи олим сифатида Эрон, Озарбайжон, Араб мамлакатлари, айниқса, Туркия ижодкорларининг асарларини ўзбек ўқувчисига таҳлил ва талқин қилиш йўналишидаги ишлари диққатга сазовордир.

Хулоса қилиб айтганда, Иброҳим Ҳаққулов адабий алоқалар ривожига оид ишлари билан янги мулоҳазаларни илгари сурганки, улар китобхон диққатини тортадиган, турли қизиқарли маълумотлар ва воқеий ҳикоялар билан бойитилганлиги жиҳатидан эътиборни тортади ҳамда олим услубининг ўзига хос қирраларини белгилашга ёрдам беради.

Олимнинг адабиётшунос ва адабий танқидчи сифатидаги фаолиятининг энг муҳим қирраларидан бири – унинг тадқиқотларида мумтоз адабиёт вакиллари ижоди ва замонавий адабиётнинг маънавиятимиз тараққиётидаги ўрни ўрганилиши, умумлаштирилиб, теран илмий хулосалар чиқарилишидир.

"Бадиийлик ва образлиликдан фойдаланиш, асосан, баҳоланмаган асарни баҳолаш, оммага мўлжалланганлик, оперативлик адабиётшуносликка эмас, танқидга хос... Таассуротга таяниш, фаҳму фаросат(интуиция) ролининг ортиши, сезгирлик ва фаоллик танқид хусусиятларидандир". Шу жиҳатдан қарайдиган бўлсак, олимнинг илмий-адабий тафаккури юқоридаги хусусиятларни ўзида жам этганлиги яққол кўринади. Адабиётшунослик йўналишидаги тадқиқотлар кўпинча академик услубда ёзилади. Иброҳим Ҳаққул асарларини ўқиганда эса "тафаккур кучи билан бирга ёниқ қалб ҳароратини ҳам ҳис қилиб турасиз. Зеро, унинг ёзганлари фақат ақл ва билим маҳсули эмас, уларга қалб кўри ва руҳ қуввати ҳам омухта қилиб юборилган... Айни жиҳатдан уни адабиётшуносларнинг шоири, дейиш мумкин". Ҳақиқатдан ҳам, фикрнинг аниқ ва равшанлиги, гўзал ва ёрқин ифодаланиши олимнинг индивидуал ёзиш услуби ҳар бир мақоласи ва китобида намоён бўлади. Унинг ҳаёт ва адабиёт ҳақидаги муҳокама ва мулоҳазалари, илмий-адабий тафаккури мақоладан-мақолага, китобдан-китобга ўсиб, теранлашиб, юксала борди.

Адабиётшуносликда кўпинча ҳар бир олимнинг ўзи қизиқадиган соҳаси бўлади. Масалан, Ҳомил Ёқубов Ойбек ижоди, Лазиз Қаюмов Ҳамза ҳаёти ва ижоди, Иззат Султон реализм масалалари, Матёқуб Қўшжонов наср, Ҳафиз Абдусаматов ҳажвиёт, Комил Яшин

ижоднинг умумий масалалари ва драматургия муаммолари, Салоҳиддин Мамажонов шеърият, Ғафур Ғулом ижоди, Умарали Норматов ҳикоя ва роман, Озод Шарафиддинов ва И.Ғафуров шеъриятда маҳорат, А.Абдуғафуров навоийшунослик, Ғ.Каримов Фурқат ва Муқимий ижоди, В.Абдуллаев мумтоз адабиёт масалалари билан кўпроқ шуғулландилар ва ҳоказо. Шу нуқтаи назардан қараганда, И.Ҳаққулов мумтоз адабиёт тарихи, тасаввуф илмининг билимдони, яссавийшунос ва йирик навоийшуносдир. Шу билан бирга у ҳозирги адабий жараённинг сергак кузатувчиси сифатида Садриддин Айний, Ойбек ва А.Қаҳҳор ҳақида айнийшунос, ойбекшунос ва қаҳҳоршунос олимлар орасида ўз сўзини айта оладиган танқидчилардандир.

Шу жиҳатдан, олимнинг илмий тадқиқотлари доираси ниҳоятда кенглиги кўринади. А.Орипов, Ш.Раҳмон, Ж.Камол, Р.Парфи, У.Азим, М.Аъзам, Х.Даврон каби ўзбек шоирларининг шеърияти борасида билдирган фикрлари, кескин руҳдаги танқидий мулоҳазалари давр адабий жараёни ривожи учун жуда муҳим бўлиб, шеъриятимиз истиқболига хизмат қилади.

У адабий суҳбат ва обзор мақола жанрларининг етук намуналарини яратган, бадиий асар, айниқса, шеърий асарларнинг нозик таҳлилчиси ҳамдир. Олим қай бир масалага муносабат билдирмасин, унинг нафақат шарқ адабиёти, балки ғарб адабиётининг ҳам билимдони эканлиги сезилади. Унинг ҳар бир адабий муаммони умумжаҳон фалсафий-эстетик мезонлари асосида таҳлил этиши ва асосли хулосалар бера олиши ўзига хос услубини намоён этувчи белгилардан бири ҳисобланади.

Серқирра олим илмий-адабий меросини умумий ҳолда қуйидаги йўналишлар асосида таснифлаш мумкин:

1. Ўзбек мумтоз адабиётига доир изланишлар.
2. Навоийшунослик соҳасига оид тадқиқотлар.
3. Тасаввуф таълимотига доир ишлар.
4. Адабий алоқаларни ривожлантириш йўлидаги изланишлар.
5. Жаҳон адабиётига доир салмоқли мақолалар.
6. Мумтоз асарлар матншунослиги соҳасида олиб борилган тадқиқотлар.
7. XX аср адабиёти ва адабий жараёнга доир, адабий-танқидий қарашлар жамланган тадқиқотлар (суҳбатлар, эсселар, мақолалар, тақризлар).
8. Публицистик мақолалар.

Иброҳим Ҳаққул ижодининг серқирралиги билан бир қаторда илмийлиги, таҳлилларнинг теранлиги, далиллар ва хулосаларнинг аниқлигини таъкидлаш ўринли. Булар олим билим доирасининг ниҳоятда кенглигини кўрсатади. Шу сабаб у насрий, назмий, драматик асарларни ҳам илмий, тарихий, тасаввуфий, фалсафий, диний асарларни ҳам чуқур таҳлил эта олади. Олим ўзбек тили билан бир қаторда рус, форс-тожик, турк, туркман, озарбайжон, уйғур тилидаги адабий-илмий матнларни аслиятда ўқийди ва тадқиқ этади. Ўқиб, ўзлаштирилган матннинг китобхонга етказилиши ҳам ижодкордан маҳоратни талаб этади, асар ўқимишли бўлиши, китобхон қалбига таъсир этиши лозим. “Мени мақолаларингиз ва китобларингиздаги теранлик, мулоҳазалар ҳамда хулосаларнинг чуқур билимга асосланган, фикрдаги, илмий тафаккурдаги дадиллик ва ниҳоят, деярли ҳар бир саҳифадан барқ уриб турадиган самимият ўзига жалб қиларди”,- дея Озод Шарафиддинов олим ижодининг китобхон кўнглига кириб боришида муҳим бўлган самимиятини синчковлик билан илғаган ва ўринли эътироф этган.

Таҳлилда ижодкор қалбига кириб бориш, у айтмоқчи бўлган ғояга етиб бориб, уни китобхонга бутун назокати билан кўрсатиб бериш адабиётшуносдан катта маҳоратни талаб этади. И.Ҳаққул тадқиқотлари билан танишганда, унинг бу маҳоратни жуда чуқур ўзлаштирганига амин бўлиш мумкин. Шу жиҳатдан адабиётшунос олим Наим Каримовнинг И.Ҳаққул ҳақида айтган қуйидаги сўзлари айни ҳақиқатдир: “У бадиий асарни жарроҳнинг қўллари билан эмас, заргарнинг қўллари билан пайпаслаб, улардаги улуғ ҳикматлар ва улуғ ҳақиқатларни қалб кўзи билан ўқийди ва кашф этади”. Мана шу кашф этилган ҳақиқатларни китобхонга етказиш йўллари ва усуллари турлича. Бу борада ҳам олим бир-бирини такрорламайдиган тадқиқотлар яратганини кўрамиз.

Олим ижодининг ўзига хос жиҳатларидан яна бири унинг жозибаси, китобхон диққатини тезда тортишидир. Бу ҳақда Ўзбекистон халқ ёзувчиси Шукур Холмирзаев шундай деган эди: “У шеър ҳақида гапирганда, хусусан, ёзганида ундан ажралолмай маҳлиё бўлиб қоласиз. Чунки, айниқса, мумтоз шеъриятимизнинг энг нозик ва яширин мажозий томонларини ҳам очиб-ечиб ва тушунтириб берадики, шундай олимлар туғилганига шукрона айтасан”. Ҳақиқатан, олим мақола ва тадқиқотларининг сарлавҳасидан тортиб, хулосасигача, бадиий тил воситаларидан тортиб пафосигача ўзига хос.

Ёзувчи ёки шоир меҳнати ва бадиий асари салмоғини китобхон онгига етказиш, уни тўғри баҳолай олиш адабиётшуносдан билимдонликдан ташқари, дадиллик ва журъатни ҳам талаб қилади. Оқни оқ, қорани қора деб айтиш осон эмас. Адабиётшунос бўлишнинг қийинлиги ҳам, унинг энг керакли жиҳати ҳам шунда. Аммо чин танқидчи учун фақат журъат, дадил фикр айтишнинг ўзи етарли эмас. Аммо шундай олимлар борки, ҳар қандай шароитда ҳам ҳақ сўзни айтишдан чўчимайдилар. И.Ҳаққул айнан шу тоифага кирувчи мунаққидлардан. “Иброҳим Ҳаққул адабиётга тегишли ҳар бир масалада, у бошқаларга маъқул келадими-йўқми, қатъи назар, ўз қарашларига эга ва бу қарашларда собит мутахассис. Ўзи ҳақ деб билган фикрни ҳар қандай даврада, ҳеч кимни истиҳола қилмай, дадил айта оладиган адабиётшунос”,-дея адабиётшунос Нурбой Жабборов олимнинг бу фазилатларини ўринли таъкидлаган. Шу билан бирга таъкидлаш лозимки, XX асрда илмий фаолият юритган тадқиқотчилар кўпинча сиёсий имкониятлар, ижтимоий талаблар нуқтаи назаридан фикр юритганлари кўринади, аммо И.Ҳаққулнинг истиқлолгача бўлган тадқиқотларида ҳам бундай чекланишлар жуда камлиги, олим бу даврда ҳам ўзининг илмий салоҳиятини тўла намоён эта олганлиги яққол кўринади. Масалан, 1987 йилда ёзилган “Эврилиш - ғафлатдан уйғониш” тақризида ёзувчи Ғ.Ҳотамовнинг “Эврилиш” номли эссеси таҳлил қилинган: “Ҳақ сўз қайси шакл ва жанрда айтилган бўлмасин, эрк ва адолатни ёқлайди. Жой ва чегара миқёсидан қатъи назар, ҳақ сўз Ватан қисматига доир сўз... Ҳақиқат руҳи ва дард самимияти билан ёзилган ҳар қандай асар ҳаёт ва адабиёт, инсон тақдири, келажак тўғрисида чуқур ўйларга толдиради”,-деб ёзади мунаққид. Тақризда эссе таҳлили баҳонасида олим айни кунларда ҳам маънавиятга раҳна солаётган қариндош-уруғчилик, коррупция каби иллатларни танқид қилган. “Сен фикрни шахс бил...” деб номланган суҳбатида ҳам олим адабиётга синфий ва партиявий ёндашишнинг зарари катта бўлганлиги ҳақида фикр юритган. Кўринадики, шўро даври адабиёти ва адабий муҳитида ҳам олим ўзининг ҳақ фикрларида собит бўлган.

И.Ҳаққуловнинг мунаққидлик фаолиятига назар ташланганда, унинг талабчанлиги яққол кўзга ташланади. Мазкур асарни атоқли адиб ёзганми, ёки эндигина бадиий адабиёт майдонига кириб келаётган ижодкор қаламига мансубми, булардан қатъий назар, олим улар олдига қаттиқ талаблар қўяди, камчиликларни муросасизлик билан фош қилиб ташлайди. Мунозарага киришса, даъволарини ҳар томонлама далиллашга киришади, ҳукм-хулосаларининг тўлиқ асосланиш ғамини ейди, ўз устида ҳам чидам билан ишлаб, ўз олдига ҳам юксак талаблар қўяди. Олим наздида Алишер Навоий ижоди адабиёт, санъатининг чўққиси бўлиб, бу санъатга қадам қўйган ижодкор учун унинг ижоди таянч нуқта бўлиши, ундан сўзни ҳис қилиш, қўллаш маҳоратини ўзлаштириши лозимлигига ишора қилади.

И.Ҳаққулов самарали тадқиқотлари билан бирга узоқ йиллардан бери Ўзбекистон Республикаси ФАси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти (ҳозирги Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти) Ўзбек мумтоз адабиёти тарихи бўлимини бошқариб, ташкилотчиликни қўшиб олиб бормоқда. Бугунги кунда кўп жилдлик “Ўзбек адабиёти тарихи” монументал тадқиқотини, “Навоий” қомусини яратишдаги фидойилиги, истеъдодли шогирдларни фанга етказиб беришдек заҳматли меҳнати намуна бўларлик.

Хулоса: И.Ҳаққул йиллар мобайнида истеъдодининг янги-янги қирраларини намоён этиб, мақоладан мақолага, тадқиқотдан тадқиқотга ўсиб борувчи илмий изланишлар йўлини босиб ўтди, бу йўл қанчадан- қанча баҳсу мунозараларга тўла бўлмасин, олимнинг илмий-адабий тафаккурининг юксалиб боришига имкон берди, шу боис бир пайтнинг ўзида ҳам мумтоз сўз санъати, тасаввуф шеърияти, замонавий адабиёт масалалари билан шуғулланиб, истеъдодининг янги қирраларини очишга муваффақ бўлди.

Адабиётлар рўйхати:

1. Али Асғар Ҳикмат. Жомий ҳаёти ва асарлари. – Анқара, 1963.
2. Ахмедова Ш. Н. ПРОГРЕСС ПОРТРЕТОПИСАНИЯ В ПЕРИОД ГЛОБАЛИЗАЦИИ В ЛИТЕРАТУРОВЕДЕНИИ //Россия-Узбекистан. Международные образовательные и социально-культурные технологии: векторы развития. – 2019. – С. 12-14.
3. Ахмедова Ш. Н. ЎЗБЕК ВА ФРАНЦУЗ АДАБИЁТШУНОСЛИГИДА ПОРТРЕТНАВИСЛИК ТАРАҚҚИЁТИ //МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА. – 2020. – Т. 3. – №. 6.
4. Ахмедова Ш. Н., Назарова Д. АДАБИЙ ПОРТРЕТ ЖАНРИНИНГ НАЗАРИЙ ЖИҲАТЛАРИ ХУСУСИДА //МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА. – 2021. – Т. 4. – №.
5. Amonova Z. K. et al. MANSUR HALLAJ AND HIS IDEAS IN AHMAD YASSAVI'S WORKS //Theoretical & Applied Science. – 2020. – №. 4. – С. 964-967.
6. Amonova Z. The influence of the ideas of the hurufism sect on Nasimi's work //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2021. – Т. 8. – №. 8.
7. Бертельс Э. Навоий ва Жомий. – Самарқанд, 2010.
8. Воҳидов Р. Маънавият оламининг порлоқ қуёши. – Бухоро, 2004.
9. Давронова Ш. Адабий таъсир ва ижодийлик //Иностранная филология: язык, литература, образование. – 2016. – Т. 1. – №. 2 (59). – С. 40-46.
10. Eshonqulov H. The Alisher Navoiy oshiqona g'azallarining badiiy qurilishiga oid o'ziga xosliklar //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2021. – Т. 3. – №. 3.
11. Моҳиятга муҳаббат. Тўплам. Масъул муҳаррир Т.Мирзаев. – Тошкент: Tafakkur, 2019.
12. Мирзоев А. Алишер Навоий ва Абдураҳмон Чомий. – Душанбе, 1965.
13. Ҳаққул И. Тақдир ва тафаккур. – Тошкент: Шарқ, 2007.
14. Қаюмов А. Назм ва тафаккур қуёши. – Тошкент, 1992.
15. Салоҳий Д. Мутафаккир ва мумтоз шеърият. – Самарқанд, 2018.
16. Ҳаққул И. Навоийга қайтиш– 3. –Тошкент: Тафаккур, 2016.
17. Ўзбек адабий танқиди тарихи. – Тошкент: Фан, 1987. 2-том.
18. Мирзаев Т., Очилов Э. Истеъдод ва масъуллик // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – Тошкент, 2009. 27 март, - № 13.
19. Миразиз Аъзам.Ҳаққулов И. Эврилиш –ҳғафлатдан уйғони // ЎзАС, 1987, 4.09.№ 36.
20. Қодирова Н. APPEARANCE OF A CRITICAL STYLE IN RELATION TO NEW UZBEK LITERATURE //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2021. – Т. 7. – №. 7.
21. Қодирова Н. Научно-литературное мышление и проблема стиля //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2021. – Т. 8. – №. 8.
22. Қодирова Н. БАҲС-МУНОЗАРА ЖАНРИДА МУНАҚҚИД УСЛУБИ //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2020. – Т. 1. – №. 1.
23. Қодирова Н. Ibrohim Haqqulov ijodida muallif nutqining o'ziga xosligi //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2021. – Т. 7. – №. 7.
24. Садуллоевна Р. Қ. Рауф Парфи Ва Эркин Воҳидов Шеърлари Тадқиқига Оид Айрим Кузатишлар //Бошқарув ва Этика Қоидалари онлайн илмий журнали. – 2021. – Т. 1. – №. 6. – С. 207-210.
25. Safarova H. ГУЛЛАРИНГНИ АЙЛАДИ ЧЎП ҚАРҒА, БОЙҚУШ, ЗОҒ, ТИЛИМ...":(Шоир Самандар Воҳидов ижоди мисолида) //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2021. – Т. 8. – №. 8.
26. Safarova H. ҚУЁШНИ–ИССИҚНИ СОҒИНИШ ИЗТИРОБИ //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2021. – Т. 8. – №. 8.
27. Rajabova M. B. Expression of images related to national traditions in a. Navoi's work //Scientific reports of Bukhara State University. – 2020. – Т. 4. – №. 5. – С. 141-146.

28. Rajabova R. Z. The Influence Of Folk Riddles On The Creation Of Literary Riddles //The American Journal of Social Science and Education Innovations. – 2020. – Т. 2. – №. 07. – С. 278-284.
29. Rajabova R. Z. PROSE TALES AND THE INFLUENCE OF FOLK TALES ON THEIR WORK //ФИЛОЛОГИЯ, ЛИНГВИСТИКА, ЖУРНАЛИСТИКА: АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ И СОВРЕМЕННЫЕ АСПЕКТЫ. – 2020. – С. 9-11.
30. Qodirova R. ABDULLA ARIPOV'S WORK DURING THE YEARS OF INDEPENDENCE IS INTERPRETED BY NUMAN RAKHIMJANOV //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2021. – Т. 7. – №. 7.

ISSN: 2181-9297
www.tadqiqot.uz
INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

Ulikova Mavluda
Tacher at Andijan State University
The faculty of foreign languages

CRITERIA FOR THE SELECTION OF TERMS DENOTING FAMILY TIES

https://doi.org/10.5281/zenodo.0000000

ANNOTATION

This article is devoted to the analysis of the terms of kinship and property based on dictionary definitions. This paper discusses various approaches to the study of these terms, their classification and criteria for their selection. Kinship determines social relations, determines the place of a person in society and corrects his behavior. Moreover, the terms of kinship and properties reflect the originality of the language, the specifics of the national path, and therefore characterize the national mentality.

Key words. Kinship, social relations, place of a person, society, marriage, kinship, gender-based terms are uncle, aunt, grandfather, grandmother.

Уликова Мавлуда
Преподаватель Андижанского государственного университета
Факультет иностранных языков

КРИТЕРИИ ОТБОРА ТЕРМИНОВ, ОБОЗНАЧАЮЩИХ РОДСТВЕННЫЕ СВЯЗИ

АННОТАЦИЯ

Данная статья посвящена анализу терминов родства и их свойства на основе словарных определений. В данной работе рассматриваются различные подходы к изучению этих терминов, их классификация и критерии их выделения. Родство определяет общественные отношения, определяет место человека в обществе и корректирует его поведение. При этом термины родства и свойства отражают своеобразие языка, специфику национального пути и характеризуют национальный менталитет.

Ключевые слова. Родство, общественные отношения, место человека, общество, брак, родство, гендерные термины дядя, тетя, дедушка, бабушка.

Ulikova Mavluda
Andijon davlat universiteti o'qituvchisi
Chet tillar fakulteti

QARINDOSHLIK MUNOSABATLARINI BILDIRUVCHI ATAMALARNING SARALASH MEZONLARI

АННОТАЦИЯ

Ushbu maqola qarindoshlik va mulk atamalarini lug'at ta'riflari asosida tahlil qilishga bag'ishlangan. Ushbu maqolada ushbu atamalarni o'rganishga turli yondashuvlar, ularning tasnifi va ularni tanlash mezonlari muhokama qilinadi. Qarindoshlik ijtimoiy munosabatlarni belgilaydi, insonning jamiyatdagi o'rnini belgilaydi va uning xatti-harakatlarini to'g'rilaydi. Qolaversa, qarindoshlik va xususiyatlar atamalari tilning o‘ziga xosligini, milliy yo‘lning o‘ziga xosligini aks ettiradi, shuning uchun ham milliy mentalitetni tavsiflaydi.

Kalit so'zlar. Qarindoshlik, ijtimoiy munosabatlar, shaxsning o'rni, jamiyat, nikoh, qarindoshlik, jinsga asoslangan atamalar - amaki, xola, bobo, buvi.

Introduction. Kinship terminology is an important part of the vocabulary of any language. And there are two main approaches to the study of these terms. Firstly, kinship terms can only be considered as part of the vocabulary, that is, they are studied from a linguistic point of view. Secondly, this terminology can be the object of study of ethnology.

With this approach, kinship terms are studied in order to identify the features of ethno-cultural development, ethnic ties, and family and marriage norms.

Although, of course, the phenomena of kinship are also objects of study of such sciences as: biology, sociology, jurisprudence, cultural studies and others.

Depending on the angle, from the point of view of which science kinship is considered, several types of kinship can be distinguished:

Depending on the angle, from the point of view of which science kinship is considered, several types of kinship can be distinguished:

• Blood relationship is a relationship between people, which is not based on the principle of the common origin of people. Blood relationship can be of two types: direct, where one person comes from another; or lateral (collateral), where several individuals have one common ancestor. This kinship is a natural, "reference" kinship.

• Marriage kinship (property) is a relationship between people resulting from a marriage relationship. This kinship is social, since this type of kinship is built on the basis of the form of marriage accepted in society (society).

• Legal kinship is a relationship between unrelated people that arises as a result of the legal consolidation of this relationship (adoption, adoption), therefore, is determined by the social form. In the future, this relationship is equated to consanguinity.

• Spiritual kinship is a relationship equated to blood kinship that arose as a result of the church rite of baptism, therefore, this kinship is determined by the church.

• Ritual kinship is a connection between people that arises as a result of a ritual (twinning and others). It is determined by a social group; it is based not on consanguinity, but on social kinship.

• Psychological kinship is the rapprochement or separation of kindred / unrelated people based on their personal relationships (for example, comic kinship). This relationship is determined by an individual (ego).

Literature review. For the first time, L.G. Morgan drew attention to the need to study the terms of kinship. In his work "Ancient Society", the scientist first substantiated the idea that the system of kinship terms reflects the family and marriage relations that existed at the time of the appearance of this terminology, therefore, sometimes there are contradictions with modern family and marriage relations.[7,84]

L.G. Morgan believed that the study of kinship terms that are in conflict with real relationships can help to learn about the early stages of the history of family relationships.

B.K. Malinovsky believed that the nuclear family serves as the initial stage for analysis, since it is within the framework of this social group that the child acquires the skills of social interaction, develops his first interpersonal relationships. The individual gradually learns to react in a certain way to the actions of his family members, and also expects from them a certain response behavior, a response. Although, of course, his behavioral reactions may be of some individual nature, but since

the obligatory process of learning and socialization takes place in the family, as a result, his behavior will increasingly correspond to the cultural norms prevailing in this society. [3,24]

Methodology & empirical analysis. Society is a dynamic system, its structure, system, system, etc. change, which, consequently, is reflected in the language. In particular, related vocabulary also changes. This leads to the fact that it becomes more difficult to determine a specific type of relationship. Terms of kinship and properties will change, some will fall into disuse. Therefore, for the classification of kinship terms and properties, criteria are required according to which it will be possible to determine the type of kinship, as well as to conduct a comparative analysis of kinship terms and properties of different languages.

Based on the research of various scientists, mainly on the basis of the work of A. Kroeber and R. Lowy, a step-by-step classification was compiled for the analysis of related vocabulary.

Eight relevant criteria were selected for the classification of terms of kinship and property - this is generation (generativity), gender, consanguinity / property, linearity / collaterality (bifurcation), polarity / reciprocity, relative age, lifetime.

Based on this classification, a comparative analysis was carried out, which makes it possible to detect similarities and differences between the system of kinship terms and properties of different languages (in this case, between the terminological system in English and Uzbek.

Results. All kinship terms and properties are considered from the point of view of relevance/irrelevance of these criteria in Uzbek and English. Kinship terms and properties are analyzed separately. For clarity, all terms are classified in the table based on criteria.

Terms of consanguinity

Generation (generativity)

In both Uzbek and English, the generation criterion is embedded in the term itself, since there are different terms for referring to relatives of any generation, both parents and children.

Consider this criterion using the example of some terms denoting direct relatives:

Generation	Uzbek		English	
P (parents)	gender		gender	
	Male	female	male	female
4	Бобонинг бобоси	Бувининг бувиси	Great-great-grandfather	Great-great-grandmother
3	Катта бобо	Катта буви	Great-grandfather	Great-grandmother
2	Бобо	Буви	Grandfather	Grandmother
1	Ота	Она	Father	Mother

The Uzbek and English languages have a very developed system of kinship terms based on the criterion of generation (generativity): there are terms denoting both direct kinship and collateral (lateral) based on this principle; hence this criterion is relevant for both languages.

1. Gender. This criterion is fundamental for both Uzbek and English languages. In Uzbek all kinship terms are based on this prince, without exception. Currently, the following terms are used, based on the criterion of gender in Uzbek: mother, father, daughter, son, and others. .

In English, as well as in Uzbek, this criterion is relevant, but with the exception of one term: cousin; and also here you can include the term twins, but usually I add brother / sister to the term twin, for the gender indicator, and the term twin separately is usually used in the plural: twins. [10.23]

In English, gender-based terms are uncle, aunt, grandfather, grandmother, and others. The term cousin was borrowed from French, and by origin this term is Latin. In Latin, this term had a very narrow meaning. The Latin "consobrinus" literally means "mother's sister's child". The term was formed from com- "together with" and "sobrinus" (derived from "soror", meaning "sister") - "maternal cousin/cousin". Even the Romans, this term acquired a broad meaning: “the child of an uncle or aunt; as well as first-generation cousins/sisters.”

"Consobrionus" became "cousin" in Old French. In the 13th century, this term passed from French into English, but over the years its meaning has changed. For example, the term had the broad meaning "kinsman or kinswoman" ("relative/relative or kinswoman"). Shakespeare also used the term cousin to refer to a nephew/niece in Much Ado About Nothing: "How now, brother! Where is my cousin, your son?"

Since the 17th century, this term has been used to refer to a relative descended from a common ancestor, but along a different line.[15.56]

In addition, the terms "first cousin", "second cousin" and so on previously existed. "First cousin" is a term for an uncle's or aunt's child. "Second cousin" is a term used in relation to the child of a cousin/cousin of a father or mother.

2. Blood relation/property. Both in Uzbek and in English there are terms for designating both consanguinity (kinship by blood) and for designating property (kinship by marriage). Different terms used to denote kinship by blood and by marriage. For example, in Uzbek: она – ўгай она, ота – ўгай ота, ўғил – ўгай ўғил, etc.

In English: mother - mother-in-law, father - father-in-law, son - stepson, etc. However, in Uzbek the system of property terms is more developed than in English. (11.34)

3. Linearity/collaterality (bifurcativity). Both English and Uzbek are characterized by linearity (the distinction between direct and lateral lines of kinship). This means that for relatives along these two lines there are separate different terms, a bifurcation (bifurcation) of terms. For example, in Uzbek it is a ўғил - набира - чевара; она - буви – катта буви- and so on.

In English, this is daughter - granddaughter - great-granddaughter and so on. Previously, the criterion of collaterality (differentiation of alters (relatives) along the lines of father and mother) was one of the fundamental terms for the terms of kinship and property in both Russian and English. This can be seen in the kinship terms used to refer to uncle and aunt, where two different terms existed for uncle, and the same terms were used for both male and female aunt. That is, there was a bifurcation (bifurcation) of kinship terms. For example, in the Uzbek language, the term amaki was used to designate a paternal uncle, and toga for a maternal uncle. While paternal and maternal aunts, as well as paternal and maternal uncle wives, did not have special terms in the language, but were denoted by derivatives of the names of uncles: amma - paternal aunt (father's sister) and also the wife of paternal uncle kelinoia lines; hola is the maternal aunt and also the wife of the maternal uncle kelin oyi.

In English, there were also similar terms for uncle and aunt, based on the criterion of gender: fædera - father's brother, suhtor-fædera, suhtor-ge-fædera - mother's brother. However, in English there were different terms for both paternal and maternal aunts: "mōdrige", "moddrige" - mother's sister, "faðu" - father's sister. The modern English term "uncle" was borrowed from French, but the origin of the term is Latin, from the Latin "avunculus", which was formed from the Latin "avus" ("grandfather", "ancestor"), but the term "avunculus" was used mainly to refer to mother's brother (maternal uncle). When the word uncle was borrowed from the French by the English in the 13th century, it already meant only the brother of mom and (or) dad (paternal or maternal uncle), and this term was also used to refer to the husband of an aunt.[7.85]

The modern English term "aunt" also comes from the French language, which in turn is from the Latin word "amita", which was used to refer to the father's sister.

At present, in modern Uzbek and English, all these terms are no longer used, since the process of simplifying the system and merging terms has gone through.

Today, Uzbek speaking people actively use only words related to the closest blood relationship: mother / father, son / daughter, brother / sister, uncle / aunt, nephew / niece, grandson / granddaughter, grandmother / grandfather. Of what was previously called property (another gradually forgotten word, meaning kinship not by blood, but through marriage), in addition to husband and wife, only the already mentioned mother-in-law and son-in-law are used, and less often mother-in-law and daughter-in-law.

First of all, it speaks of the changes taking place in our life and culture. The huge Uzbek family with a complex hierarchy of relationships and fixed roles has been reduced to a small cell of society,

consisting of parents and their children and (as a rule, more often already coming) grandparents. And somewhere on the periphery - parent brothers and sisters with their children. [9.54]

The greater use of the words mother-in-law and mother-in-law compared to father-in-law and father-in-law indicates a more active role of women in family affairs, no matter positive or negative. The existence of various anecdotes, stories associated with the terms mother-in-law and mother-in-law also plays a role here, moreover, these stories mostly have negative connotations.

The conservatism of the Uzbek language is manifested in the fact that it reflects all these social changes, but with some delay. For example, it does not completely discard obsolete vocabulary, but stores it in a passive vocabulary as a slightly blurry memory of a relatively recent past - a kind of collective subconscious.

After all, for example, the words that bind people through baptism have returned: the godfather and godson, godmother with goddaughter.[8.43]

4. Polarity/Reciprocity. For English and Uzbek, the criterion of polarity is relevant. Polarity is based on the principle that two people are needed for a relationship, and two different terms are used to name these people. For example, in the Uzbek system of kinship terms, there are polar relations between the terms husband - wife, father-in-law - mother-in-law and others.

And in English, for example, these are the following pairs of polar terms: husband - wife, sister-in-law - brother-in-law, and so on.

5. Relative's age. This criterion is not relevant for either the English or Uzbek systems of kinship terms, since the relative's age relative to Ego does not affect the use of the property term in relation to this relative.

In Uzbek and English, Ego refers to a relative by marriage using the same term, both to a person older and younger than himself. After all, the main criterion is their position in relation to each other, the type of their connection. [9.32]

Conclusion. Briefly we conclude our ideas in this field, comparing modern terms with their predecessors, as well as identifying current trends based on a sociological survey, an increasing desire for linearity, rejection of bifurcation (delimitation) and polarity (the presence of a pair of terms opposed to each other) was noticed. This means that the system of kinship and properties is gradually being simplified, and terms are merging. Consequently, for the members of these societies, it is no longer relevant to distinguish between one or another relative. For example, the distinction between the terms denoting uncle, along the line of the father and the line of the mother in English and Uzbek. Or the tendency in the Uzbek language to merge the terms of property, currently separated along the line of husband and wife.

References:

1. Agosti E.P. Nation and culture. M.: Publishing house of foreign literature. 1963
2. Bragina A.A. Vocabulary of the language and culture of the country. M.: Russian language. 1980
3. Budagov P.A. The history of words in the history of society. M.: Enlightenment, 2005
4. Burykin A.A. What reality is observed by researchers when describing systems of kinship terms? // Algebra of relationship: Relationship. kinship systems. Systems of kinship terms / Comp. and resp. ed. V.A. Popov; RAN. MAE them. Peter the Great (Kunstkamera). St. Petersburg: MAE RAN, 2000. Issue. 5. P. 63–75
5. Burykin A.A. Terms of kinship as an object of linguistic analysis (a range of problems and aspects of research) // Algebra of kinship: Kinship. kinship systems. Systems of terms of kinship / Responsible. ed., author. foreword V.A. Popov; RAN. MAE them. Peter the Great (Kunstkamera). St. Petersburg: MAE RAN, 1998. Issue. 2. P. 76–88
6. Giddens E. Sociology. M.: Editorial URSS, 1999
7. Girenko N. M. Sociology of the tribe. The formation of sociological theory and the main components of social dynamics. St. Petersburg: Carillon. 2004

8. Girenko N.M. Laterality and linearity as differentiating features of the social organism of kinship // Algebra of kinship: Kinship. kinship systems. Systems of terms of kinship / Responsible. ed., author. foreword V.A. Popov; RAN. MAE them. Peter the Great (Kunstkamera). St. Petersburg: MAE RAN, 1999. Issue. 3. S. 82–96
9. Danilenko V. P. Russian terminology. Experience of linguistic description. Moscow: Nauka, 1977
10. Dzibel G.V. On a systematic approach to the phenomenon of kinship // Algebra of Kinship. St. Petersburg: MAE RAN. Issue. 7th 1995
11. Dobronravii H.A. Terms of kinship, names of kinship and comparative studies // Algebra of Kinship. St. Petersburg: MAE RAN. Issue. 2. 1998
12. Zolotarev A.M. Tribal system and primitive mythology. M., 1964
13. Kandelaki T.L. Semantics and motivation of terms. Moscow: Nauka, 1977
14. Krongauz M.A. The Russian language is on the verge of a nervous breakdown. Moscow: Corpus. 2007
15. Kosven M. O. Family community and patronymic. M, 1963

ISSN 2181-9297
Doi Journal 10.26739/2181-9297

СЎЗ САНЪАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ

5 ЖИЛД, 2 СОН

МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА

ТОМ 5, НОМЕР 2

INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

VOLUME 5, ISSUE 2

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; E-mail: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; E-mail: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000